

Ўзбекистон Алоқа ва Ахборотлаштириш Агентлиги
Тошкент Ахборот Технологиялари Университети

Турсунов Ш.А.

“МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ”

УКУВ КУЛЛАНМА

ТОШКЕНТ-2007

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	5
1-Мавзу: Молиявий менежментнинг услубий асослари	5
2-Мавзу: Субъектлар фаолиятини бошқаришни ахборотлар билан таъминлаш ва молиявий ҳисоботлардан молиявий менежментда фойдаланиш.....	26
II БОБ. СУБЪЕКТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ	52
3-Мавзу: Молиявий таҳлилнинг асослари.....	52
4-Мавзу: Активларни бошқариш.....	73
5-Мавзу: Капиталларни бошқариш.....	81
6-Мавзу: Инвестицияларни бошқариш.....	92
7-Мавзу: Пул оқимларини бошқариш.....	113
8-Мавзу: Субъектнинг ишлаб чиқариш харажатлари ва молиявий фаолиятининг натижаларини бошқариш.....	141
III-БОБ. МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ ТИЗИМИ ВА УСЛУБЛАРИ	157
9-Мавзу: Бизнес-режанинг молиявий жиҳатларини ишлаб чиқиш ва реал инвестиция лойиҳаларини бошқариш.....	157
10-Мавзу: Молиявий таваккалчилик (рисклар)ни бошқариш..	173
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	185
АТАМАЛАР ЛУҒАТИ.....	201
МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎТКАЗИШ НАМУНАСИ (ИЛОВА).....	206
МАЪРУЗА МАШ/УЛОТЛАРИНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎТКАЗИШ НАМУНАСИ (ИЛОВАЛАР).....	215

КИРИШ

«Молиявий менежмент» фанининг ўрганиш иқтисодчиларнинг банк иши ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида негизли тайёргарликлари талабидан келиб чиққан ҳолда кўрилади. Фаннинг ўрганишдан пировард мақсад-молиявий менежментнинг асослари бўйича бўлажак мутахассисларда чуқур назарий ва амалий билимларни шакллантириш, субъектнинг молиявий менежмент даражасини кўрсатувчи асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун амалий билимлар ишлаб чиқиш, молиявий муносабатлар призмаси орқали субъектни стратегик мақсадига эришиш, ҳамда тактик вазифаларни амалга оширишдир.

«Молиявий менежмент» фанини ўраганишнинг асосий мақсади, мутахассисларни банк иши соҳасига тайёрлаш бўйича Олий таълим тизимининг Давлат стандарти талабларига жавоб беришдир.

«Молиявий менежмент» фанини ўрганиш жараёнида қуйидаги мақсадлар белгиланди:

- молиявий менежмент фани тадбиркорлик фаолиятини таҳлил қилишнинг асосий услуги сифатида билимлар тизимини олиш;
- ташкилот ҳисоботини таҳлил қилиш орқали фойда олиш ҳамда товар ва хизматлар соҳасида умумий мақсадга эришиш йўлларини ўрганиш;
- молиявий қарорларни қабул қилиш учун керакли маълумот тайёрлаш ва тақдим этиш;

«Молиявий менежмент» фанини ўрганиш борасида қўйилган талабалар қуйидагилардан ташкил топган:

- пул қийматини баҳолашнинг назарий асослари ва амалий усуллари, ликвидлилиқ ва риск таҳлили, қарорарни баҳолашнинг усуллари, ички молиялаштириш манбаларини аниқлаш ҳамда, молиявий ҳисоботнинг таҳлилинини ўтказиш;
- молиявий хусусиятга эга бўлган маълумот йиғиш, қайта ишлаш, тайёрлаш тизимини яратиш;
- хўжалиқ жараёнида молиявий менежерлар ечадиган муаммолар, компания ресурсларининг ҳолати, уларни баҳолаш тартиби ва субъектнинг молиявий режасида уларнинг акс этишини таъминлаш;
- компаниянинг молиявий режасини ишлаб чиқиш учун молиявий менежмент тўғрисидаги билимлар тизимини ишлата олиш;
- аниқ ҳолат бўйича мисоллар ишлаш, турли хил инвестицион таклифларни баҳолай олиш, шунингдек корхона ресурсларини баҳолаш ҳисоб китоби.
- инвестицион лойиҳа бизнес режасининг қандай ва нима мақсадда тузилишини ёритиш;
- молиявий менежментда ишлаб чиқариш режаси ва молиявий режанинг бевосита боғлиқлиги тўғрисида тушунча бериш;
- компанияни молиявий ресурсларини бошқаришнинг асосий қоидалари тўғрисида.

Тадбиркорлик бандлик муаммосини ҳал этиш, бозорнинг мўл-кўллигини таъминлаш ҳамда иқтисодийнинг рақобатбардошлигини оширишда ўзига хос имкониятларга эга. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда уни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикаимиз Президентининг бир қатор Фармонлари ва ҳукуматимизнинг қарорларида тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатиши назарда тутилган.

Натижада кичик тадбиркорлик субъектларининг шаклланиши жадаллашиб, бозор ҳўжалиги тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Уларнинг сони, банд бўлган ходимларнинг салмоғи, уларда етиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳажми кўпаймоқда, мамлакат ялпи ички маҳсулотига ҳиссаси йилдан-йилга ортмоқда.

Ривожланган Европа мамлакатларининг тажрибаси тадбиркорлик иқтисодий тараққиёт учун муҳим аҳамият касб этишини кўрсатмоқда. Европа Ҳамжамиятининг Германия, Италия, Дания каби ривожланган давлатларида кичик тадбиркорлик тараққиётига, унинг ялпи ички маҳсулотнинг таркибидаги салмоғи юқорилигига, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиялаштиришни ташкил этиш масалаларига эътибор билан қаралаётганлиги боис эришилмоқда. Бу мамлакатларда кичик тадбиркорлик нафақат бандлик муаммосини ҳал этиш ва аҳоли даромадларининг ўстирувчи, балки макроиқтисодий мувозанатни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида ҳам юзага чиқмоқда. Демак, Европа Ҳамжамияти мамлакатларининг тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги тажрибаларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш мамлакатимиз учун фойдадан холи эмас.

Ушбу маъруза матни молиявий менежмент фанининг ишчи дастурига мос бўлиб, тадбиркорликка оид турли ўқув дарсликлар, ўқув-амалий қўлланмалар ва МДҲ мамлакатларининг иқтисодий мутахассисликлари бакалавриат йўналиши талабалари учун битирув малакавий ишлари, магистирлик ва номзодлик ишлари бўйича намунавий мавзулари асосида тайёрланган. Унда тадбиркорлик фаолиятини чуқур ўрганиш ва шу билан бирга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга молиявий фаолиятини йўналдириб бериш жараёнидаги ўзгаришларни, молиявий ресурсларнинг ҳаракати, бу ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш мобайнидаги молиявий бошқарув асослари таҳлил қилинган; тадбиркорликнинг молиявий бошқаруви жараёнида ҳисобга олиниши керак бўлган молиявий ҳисоботлар тизимининг муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга молик жиҳатлари, таҳлил усуллари кўриб ўтилган; тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда энг долзарблик касб этувчи молиявий режалаштириш тизими субъектнинг активларини, капиталларини, инвестицияси ва пул оқимларини бошқариш усуллари атрофлича ёритилган.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиялаштириш манбалари, кредитлаш шакллари ва жалб этиш механизми ҳамда молиялаштиришнинг бошқа манбаларидан самарали фойдаланиш каби мавзуларга ҳам кенг ўрин берилган.

I БЎЛИМ: МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1-Мавзу: Молиявий менежментнинг услубий асослари

Режа:

1. Субъектларда молиявий менежментни ташкил этишнинг моҳияти ва хусусиятлари¹⁾
2. Молиявий менежментнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.
3. Субъектлар молиявий менежментининг механизми ва стратегияси
4. Субъектларнинг молиявий фаолияти тизими ва уни бошқаришнинг зарурлиги.
5. Ривожланиш шароитида субъектларнинг молиявий стратегиясини танлаш ва бошқариш

1. Субъектларда молиявий менежментни ташкил этишнинг моҳияти ва хусусиятлари

Ҳар қандай субъектни, у йирик саноат корхонаси ёки кичик корхона бўлсин, бошқариш керак. Субъектларни бошқариш санъати «менежмент», бошқарув ходимлари эса «менежер» деб аталади. «Менежмент» сўзи субъектни самарали бошқариш тизимини англатади. Бунда мулк ва сармоя эгалари бизнесни ўзлари бошқаришлари шарт эмас, балки бунинг учун махсус танлаб олинган ҳамда керакли билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассис-менежерларни жалб қилиш ҳам мумкин. Ривожланган хорижий мамлакатларда ёлланиб ишловчи моҳир менежерларга тадбиркорликдан кўзда тутилган асосий мақсад – юқори фойда олиш ишониб топширилмоқда. Менежер касби эса энг юқори ҳақ тўланадиган касблардан бири бўлиб бормоқда.

Субъектни бошқариш кенг қамровли фаолият бўлиб, унинг таркибига қуйидаги вазифаларни киритиш мумкин:

- қисқа ва узоқ муддатли давр учун субъектнинг мақсадларини аниқлаш ва фаолият йўналишларини самарали ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- субъектнинг ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий фаолиятини режалаштириш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва технологик жараённинг кундалик издан чиқишларини бартараф этиш;
- моддий-техник таъминотини ташкил этиш ва бошқариш;
- маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;
- молиявий бошқарув;
- меҳнатни ташкил этиш, ходимларни танлаш, мажбуриятларни тақсимлаш ва бошқариш;

¹ ТДИУ ва МДШ мамлакатларида олий таълимнинг итисодий мутахассисликлари бўйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари, магистирлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т 2005 й.

- таваккалчилик (риск) элементларини бошқариш;
- ахборотларни йиғиш ва таҳлил этиш тизимини яратиш;
- Субъект фаолиятининг самарадорлигини ошириш;
- бошқарув қарорларини бажарилишининг ишончли ва самарали назорати

тизимини яратиш ва бошқалар.

Субъектдаги бошқарув вазифаларини бажаришга ташқи ва ички омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Ички омилларга субъект фаолиятининг кўлами, ресурсларни тақсимлаш, технологик қуролланиш даражаси, меҳнатни ташкил этиш усуллари, ишлаб чиқариш харажатлари ва баҳо сиёсати каби дастаклар киради. Бу омилларни маълум даражада олдиндан режалаштириш ва назорат қилиш мумкин, лекин улардан самарали фойдаланиш даражаси бошқарув қарорларининг натижаси билан ўлчанади.

Субъект кўламининг уни бошқаришга таъсири бунга ёрқин мисол бўлади. Йирик акциядорлар жамиятини бошқариш билан кичик субъект ёки чакана савдо дўконини бошқариш ўртасида катта фарқ мавжуд. Субъект қанча йирик бўлса, уни бошқариш ҳам шунчалик мураккаблашиб боради.

Ташқи омиллар субъектдан ташқаридаги муҳит таъсирида вужудга келади. Улар қаторига бозор конъюктураси ва рақобат муҳити, мол етказиб берувчи ва истеъмолчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари, табиий-иқлимий шарт-шароитлар, сиёсий ва ижтимоий омиллар, ҳуқуқий-меъёрий негиз ва давлат бошқаруви каби омиллар киради.

Бошқарувга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар субъектнинг ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва бошқа фаолиятининг натижаларига жиддий таъсир кўрсатиши сабабли, бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳар бир омилни ҳисобга олиш зарур.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан бошқарувнинг янгича шакли вужудга келмоқда. Режага ишлашнинг ўрнига фойдага ва истеъмолчиларнинг талабига ишлаш муҳим бўлиб бормоқда.

Субъектни бошқариш маълум бир тамойилларга асосланиб амалга оширилади:

1. **Меҳнат тақсимооти** тамойили меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришда вазифалар ва мажбуриятларни масъул ходимларнинг ўртасида оқилона тақсимлаш жараёнини англатади.

2. **Ваколатлилик ва мажбурият**. Ваколат бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон берса, мажбурият унинг натижалари учун жавобгарлик тамойилини белгилаб беради.

3. **Интизом** субъектнинг ходимлари ва ишчиларнинг белгиланган меҳнат тартиби ва қоидаларга сўзсиз риоя этишини ва ҳурмат билан ёндошишини талаб этади.

4. **Бошқарувда яккабошчилик ва коллегиаллик**. Яккабошчилик тамойили субъект ходимларининг ягона раҳбарнинг буйруқларига қатъий бўйсунушини талаб қилади. Бу тамойилни амалга оширишнинг асосий шарти ҳар бир ижрочининг ҳуқуқлари, бурчи ва мажбуриятларини қатъий белгилаб қўйишдир.

Яккабошчиликни коллегиаллик, яъни қабул қилинадиган қарорларда мутахассислар ва ходимларнинг кенг иштирокини таъминлаш қўшиб олиб бориш

мумкин. Демократия ва ошкоралик ҳар бир ходимнинг ташаббускорлигига, ўз қобилиятларини намоён қилишига ва бошқарув қарорларини қабул қилишда фаол қатнашишига имконият яратади.

5. **Мақсаднинг ягоналиги** тамойили субъектдаги барча бошқарув ходимлари, мутахассислар ва ишчиларнинг ягона мақсад ва вазифалар йўлида бирлашишининг заруриятини юзага келтиради.

6. **Шахсий манфаатлар билан субъектнинг манфаатларини қўшиб олиб бориш.** Субъектнинг ҳар бир ходими ўз шахсий манфаати йўлида қаттиқ меҳнат қилиш билан бирга, ўз манфаатларини субъектнинг манфаатларидан устун қўймаслиги лозим. Шу билан бирга менежерларнинг субъект манфаатларини кўзлаб қабул қилган қарорлари ходимлар ва ишчиларнинг манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

7. **Разбатлантириш** тамойили асосида субъект ходимларининг меҳнати натижаларини муносиб тақдирлаш орқали меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини юксалтириш ётади.

8. **Режалилик.** Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни режали бошқариш иқтисодий самарадорликни таъминлашнинг муҳим шартидир. Бу тамойил ишлаб чиқаришни ривожланишининг қисқа ва узоқ муддатларга мўлжалланган йўналишлари, суръатлари ва нисбатларини белгилашни ифодалайди.

9. **Шахсий ташаббускорлик.** Бозор иқтисодиёти тадбиркорнинг, шахсий манфаати учун ташаббускорлик билан ҳаракат қилувчи, омилкор шахсларни рағбатлантиради.

10. **Жавобгарлик ва таваккалчилик.** Бошқарувчи ўз фаолиятининг натижалари учун маълум бир жавобгарликка эга бўлиши, бунда маълум таваккалчилик (риск)нинг элементларини ҳам ҳисобга олиши лозим.

11. **Бошқарув этикасига риоя этиш.** Бу тамойил бошқарув ходимларидан билимли, маданиятли ва хушмуомала бўлишни, ходимларга ишониш ва уларни эшита билишни талаб этади.

12. **Бошқарувнинг шакли ва усулларини такомиллаштириб бориш.** Кучли рақобат шароитида субъектнинг синмаслиги учун менежерлар доимо ўз устиларида тинмай ишлаб, бошқарув усулларини такомиллаштириб боришлари ва бозордаги ўзгаришларга мослашишлари керак.

Бошқариш усуллари ва қарорларни қабул қилиш жараёни

Бошқарув усуллари бу бошқарув ходимларининг бошқарув объектига мақсадли йўналтирилган таъсир ўтказиш усуллариининг йиғиндисидир. Бошқарув усуллари воситасида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда, юқори натижаларга эришиш мақсадида иқтисодий жараёнларга таъсир этилади. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқарув усуллариининг мукамаллиги билан узвий боғлиқликка эга.

Бошқарувнинг **ташкилий-фармойиш, иқтисодий** ва **ижтимоий-психологик усуллари** мавжуд.

Ташкилий-фармойиш усуллари субъект бошқарувчиларининг ваколати ва ҳокимлиги кучидан фойдаланган ҳолда, ташкилий-фармойиш воситалари орқали

бошқариш жараёнини билдиради. Бошқарувнинг ташкилий-фармойиш усуллари бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар самарали фаолият юритишини таъминлашга таъсир этиш тизимидан иборатдир. Кўп ҳолларда ташкилий таъсир маъмурий ҳуқуқни қўллаш, яъни буйруқ ва фармойишларни амалга оширишга асосланади. Ташкилий-фармойиш усуллари ташкилий аниқликни таъминлайди, бошқарувнинг ҳар бир бўғининг вазифаларини белгилаб беради, бошқарув аппаратини интизоми ва фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди, ходимларни танлайди ва жой-жойига қўяди, буйруқлар ва фармойишларнинг бажаралишини назорат этади, ишда тартиб ўрнатади ва ҳоказо.

Иқтисодий усулларнинг моҳияти субъектнинг фаолиятини иқтисодий таъсир воситалари (баҳо, кредит, бизнес-режа, харажатлар ва таннарх, фойда, солиқлар, меҳнат ҳақи, иқтисодий рағбатлантириш ва ҳоказо) орқали бошқаришдир. Иқтисодий усулларнинг яна бир жиҳати ходимлар ва ишлаб чиқариш жамоасига уларнинг манфаатини таъминловчи иқтисодий шароитларни яратишдан иборатдир. Бошқарув усулларининг тизимида иқтисодий усуллар етакчи ўринни эгалайди.

Бошқарувнинг **ижтимоий-психологик усули** ходимларнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва психологик хусусиятларига таъсир этиш билан боғлиқ бошқариш воситасидир. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усулларини қўллаш субъектда юз бераётган ижтимоий ходисаларни чуқур ўрганиш ва ходимларнинг кайфиятига таъсир этувчи психологик (руҳий) омилларни билишни талаб этади. Масалан, меҳнат психологияси ходимларнинг шахсий хусусиятлари ва қобилиятларини, кадрларни ўқитиш усулларини, иш ва дам олиш тартибини, кадрларни танлаш ва баҳолаш усулларини, меҳнат жараёнининг психологик жиҳатларини ўрганади. Бошқарувнинг психологик усуллари жамоада мақбул психологик ҳолат ташкил этиш йўли билан кишиларнинг ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Бошқариш жараёни бошқарув қарорларини қабул қилиш билан амалга оширилади. Субъектнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқариш бир қатор муҳим масалаларнинг ечимини топиш билан боғлиқ. Ҳар қандай бошқарувчи ишлаб чиқаришни ташкил этар экан, биринчи навбатда қуйидаги саволларга жавоб топтоғи лозим:

1. Қандай товар ва хизматларни ишлаб чиқариш истеъмолчиларнинг моддий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга имкон беради?

2. Мавжуд ресурсларнинг қанча қисмини жалб этган ҳолда, қандай ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарган маъқул?

3. Бу маҳсулотларни яратишда қандай ишлаб чиқариш тизими ва технологиясидан фойдаланилади?

4. Маҳсулот ким учун ишлаб чиқарилади, унинг истеъмолчилари кимлар?

5. Субъект истеъмолчиларининг талабида, бозор конъюктурасида ва ишлаб чиқариш технологиясида юз берадиган доимий ўзгаришларга мослашиб борадими?

Бошқарув қарорларини қабул қилиш бир нечта босқичдан иборат бўлади:

- мақсадни шакллантириш;
- муаммоларни аниқлаш;
- ахборот йиғиш, туркумлаш ва таҳлил этиш;

- қарорнинг турли вариантларини ишлаб чиқиш;
- муқобил вариантларни солиштириб кўриш;
- яқуний қарорни қабул қилиш;
- қарорни амалга ошириш чора-тадбирларини белгилаш;
- қарорни бажарувчи ходимлар ўртасида мажбуриятлар ва вазифаларни тақсимлаш;
- қабул қилинган қарорни баҳолаш.

Мақсадни шакллантириш. Ҳар қандай моҳир бошқарувчи маълум бир мақсадларга амал қилади. Мақсад бошқарув қарорини қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилувчи топшириқ ёки шароитдан иборат. Масалан, субъектнинг мулкдорлари ёки бошқарувчиларининг асосий мақсади юқори фойда олиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилиши мумкин. Мақсадлар аниқ ва уларга эришиш мумкин даражада бўлиши лозим.

Муаммоларни аниқлаш. Қарорни қабул қилиш жараёни доимо бирор бир муаммонинг ечимини топиш билан боғлиқ бўлади. Муаммо қўйилган мақсад билан унга эришиш воситалари ўртасида юзага келадиган фарқланишдир. Муаммоларни тўғри аниқлаб олиш ва уларнинг ечимини излаш мақсадга эришишда муҳим омил ҳисобланади.

Ахборотларни йиғиш, туркумлаш ва таҳлил этиш. Бу босқичда мақсадга эришишни таъминлайдиган ахборот йиғилади, йиғилган ахборот туркумланади, таҳлил қилинади ва баҳоланади. Ахборот йиғиш жараёнида муаммога тегишли барча ижобий ва салбий маълумотларни тўплаш мақсадга мувофиқдир. Бу босқич мураккаб жараён бўлиб, малака, билим ва тадбиркорликни талаб қилади.

Қарорнинг турли вариантларини ишлаб чиқиш ва муқобил вариантларни солиштириб кўриш. Кейинги босқичда тадбиркорнинг ҳақиқий имкониятлари баҳоланиб, бир неча муқобил вариантлар ишлаб чиқилади. Вариантлар қанчалик кўп бўлса, қарорни оптималлаштириш имконияти шунча кенг бўлади. Ишлаб чиқилган муқобил вариантларни иқтисодий самарадорлик нуқтаи-назаридан солиштириб кўриш орқали энг яхши вариант танлаб олинади.

Қарор қабул қилишнинг кейинги босқичларида танлаб олинган вариант асосида яқуний қарор қабул қилинади, уни амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланади, қарорни бажарувчилар ўртасида вазифалар ва мажбуриятлар тақсимланади, ҳамда эришилган натижалар бўйича қабул қилинган қарор баҳоланади.

Бошқарув қарорларига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

- қабул қилинадиган қарорнинг демократик хусусияти;
- аниқ вазифаларни ечишга йўналтирилганлиги;
- илмий асосланганлиги;
- қисқа ва лўндалиги;
- қарорни бажариш тезкорлиги.

2. Молиявий менежментнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий менежменти шаклланаётганда тадбиркорликнинг молиявий муносабатларини, фаолият доирасини юқори даражада ривожлантириш ва бу фаолият билан боғлиқ бўлган барча масалаларни муваффақиятли ҳал этиш ва ижобий натижаларга эришиш тадбиркорлик субъектлари молиявий бошқарувини самарали йўлга қўйилишини тақазо этади. Шундай экан, тадбиркорлик субъектларини босқичма-босқич шакллантириш ва улар яхши молиявий натижаларга эришиш учун субъектларда молиявий менежментнинг тизимини вужудга келтириш муҳим аҳамиятга эга. **Молиявий менежмент** - молиявий ресурслар ҳаракатининг жараёни бўлиб, хўжалик субъектлари ўртасидаги молиявий муносабатларни ва молиявий ресурсларни бошқаришга йўналтирилган.

Молиявий менежмент молиявий механизмнинг асосий воситалари ва усуллари ёрдамида молиявий бошқарув мақсадларини, бу мақсадларнинг белгилашнинг ўзига хос жиҳатларини субъектда молиявий ресурсларининг шакллантирилиши, тақсимланиши ва бу воситалардан самарали фойдаланилишини ҳамда уларнинг пул маблағларининг айланишидаги ташкилий томонларини акс эттиради. Тадбиркорлик молиявий менежментида шунингдек, бошқарув стратегияси ва тактикасига катта эътибор берилади.

Субъектнинг молиявий стратегиясида қўйилган бош мақсадларга эришиш борасидаги саъй-ҳаракатлар давомида умумий йўналишлардан ва воситалардан самарали фойдаланиш йўллари белгиланади ва амалга оширилади. Бу мақсадларга эришиш учун уларга асосланган ҳолда янги йўналишдаги мақсадлар ишлаб чиқилади. Молиявий тактикада эса, белгиланган шароитда кутилаётган ютуқларга эришиш учун аниқ усуллари танлаш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилади.

Молиявий менежмент бошқарув тизими сифатида икки асосий тизимдан: бошқарилувчи ёки бошқарув объекти тизими ва бошқарувчи ёки бошқарув субъектларидан иборат бўлади.

Молиявий менежментда бошқарув объектига субъектнинг жами пул оқимларининг ҳаракати, қиймат айланиши, молиявий ресурсларининг ҳаракати, ҳамда молиявий фаолияти жараёнларида уларнинг сарфланиши киради.

Молиявий менежментнинг бошқарув субъекти эса, алоҳида бир гуруҳ молия менежерларининг гуруҳини молиявий аппарат ва субъект бошқарувчиларини ўз ичига олади.

Тадбиркорлик субъектлари бозор хўжалиги тизимининг муҳим таркибий қисмидир. Шу боис бу соҳанинг муваффақиятли тараққиётига эришиш масаласи асосий муаммолардан ҳисобланади. Мазкур масалани ечиш имконини берувчи муҳим йўналишлардан бири кичик тадбиркорликнинг амалий фаолиятидаги бошқарув тамойиллари ва усуллари кенгроқ фойдаланишдир. Ҳозирги шароитда айнан мана шу омил тадбиркорлик субъектларини бошқаришнинг энг самарали йўллари кўрсатмоқда. Бозор шароитида тадбиркорликнинг молиявий менежменти кўп қиррали муаммо эканлигидан, дастлаб бошқарув тизимида молиявий менежментнинг ўрнини изоҳлаб ўтиш муҳим.

Тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлганлиги учун молиявий бошқарув ва унинг асослари жамият тараққиёти учун алоҳида аҳамият касб этади.

Бозорда ўрин эгаллашга интилувчи субъектнинг менежментида камида учта кетма-кет босқич бажарилишини таъминлаш лозим:

- субъектнинг бозорда ўрнашиб қолиш ва мослашувчанлиги;
- субъектнинг барқарор мувозанатга эришиши;
- субъект ишлаб чиқаришнинг миқдорий ва сифат жиҳатидан ўсишини таъминлаш.

Бу вазифалар субъектнинг самарали қарорлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш жараёнидаги муносабатларининг юқори даражада ташкил қилинишини талаб этади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини самарали амалга ошириш ва улар тараққиётининг муҳим омилларидан бири унинг фаолиятидаги турли даврларда амал қилувчи молиявий имкониятлардан фойдалана олиш даражасидир.

Шу боис молиявий менежментнинг бош мақсадлари ва вазифалари кичик тадбиркорлик фаолиятида молиявий таъминоти муаммоси моҳияти ва мазмунидан келиб чиқади. Тадбиркорлик молиявий менежментининг бош мақсади ҳам субъект бошқарувчилари, яъни мулкдорларининг жорий ва келажакда юқори молиявий имкониятларга эга бўлишни таъминлашдан иборат.

Тадбиркорлик фаолияти молиявий таъминоти муаммосининг моҳиятини маблағни жалб этиш, жойлаштириш ва ундан фойдаланишни ҳам ўз ичига олган капитални бошқариш жараёнини ташкил этиш, деб қаралса, у ҳолда молиявий менежмент тушунчасини субъектларни молиялаштириш шартлари, тамойиллари, услублари ва шакллариининг бирлигига асосланган молиялаштириш жараёнини бошқариш тизими сифатида ифодалаш мумкин.

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий менежменти тизимида молиявий менежмент тамойилларини ва молиявий таҳлил усуллари асосида бошқарув қарорларини, одатда, учта асосий тоифага бўлиш мумкин:

- амалдаги ишлаб чиқариш ёки тижорат шартларига тегишли қарорлар, яъни жорий вазифаларни тартибга солиш;
- тадбиркорликка хос молиявий қарорларни қабул қилиш, янги бўлинмаларни ташкил этишга ҳаракат қилиш, янги сармояларни жалб этиш ва янги бозор сегментларини ўзлаштириш;
- янги халқаро шароитдаги даражаларга эришиш учун субъектни стратегик вазифаларининг ташкилий шакли ва мақсадларини ўзгарувчан шароитларга мослаштиришни таъминлайдиган алоҳида қарорлар ишлаб чиқиш ва ҳоказолар.

Ҳозирги шароитда субъектлар фаолиятининг молиявий имкониятларини ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланишда етарли молиявий ресурсларнинг ҳажмини шакллантириш, улардан субъектлар ривожланишининг асосий фаолияти йўналишларида фойдаланишни таъминлаш, юқори фойда олиш даражасини ва доимий молиявий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Субъект молиявий менежментининг учта асосий функциясини ажратиб кўрсатиш мумкин: молиявий маблағларни такрор ишлаб чиқариш; ресурсларни тақсимлаш; уларнинг ишлатилиши устидан назорат қилиш.

Молиявий менежмент такрор ишлаб чиқариш функциясининг мақсади такрор ишлаб чиқариш жараёнида капитални доиравий айланишининг барча босқичларида моддий ва молиявий ресурслар ҳаракатини баланслантиришни таъминлашдан иборат.

Молиявий менежмент такрор ишлаб чиқариш функциясининг бажарилиш самарадорлиги субъектнинг фойдалилиги ва баланс барқарорлиги орқали ажралиб туради.

Молиявий менежментни тақсимлаш функциясининг мақсади пул фондлари шаклланишини, ишлатилишини ва капиталнинг самарали таркибини асрашдан иборат. Бунда тақсимот, дастлаб моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш ва эскириш харажатларини қоплаш талаб этилади.

Молиявий менежментни назорат функциясининг мақсади олинадиган даромадларнинг ишлаб чиқаришни ва маҳсулотни сотиш ҳажмини кенгайтиришга қаратилган пул маблағлари фонди таркибига мос келиш даражасини аниқлашдан иборат. Субъект даромадлари ва харажатларининг мос келмаслиги ҳам пул маблағлари, ҳам моддий ресурслар ишлатилишида маълум мутаносиблик ўрнатилишини талаб этади. Молиявий менежмент назорат функциясининг бажарилиши субъект фондларига қилинадиган ажратмаларнинг тўлаллиги ва ўз вақтида ажратилишини, фондларнинг белгиланган миқдордаги таркибига риоя қилишни, ҳамда молиявий ресурслардан фойдаланишда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликларнинг назоратини ўз ичига олади.

Тадбиркорлик субъектлари молиявий менежментининг асосий вазифаларини қўйидаги таркибда ажратиб кўрсатиш мумкин:

- дастлабки босқичда субъектнинг бизнес-режаси асосида молиявий ресурсларга эҳтиёжни аниқлаш ва молиялаштиришнинг самарали усуллари асосида танлаш;

- субъектнинг жорий ривожланиши мақсадларида молиявий мажбуриятларини бажаришга имкон берувчи нақд пул оқимлари, даромадлар ва харажатларнинг ҳаракатини назорат қилишга асосланган молиявий ресурслар билан жорий, яъни, тезкор режалаштириш ва тартибга солиш, унда молиявий менежментнинг тақсимлаш функцияси бажарилади. Шунингдек, жорий тўловларни молиялаштириш манбааси сифатида маҳсулотни сотишдан тушган маблағлар майдонга чиқади. Бу вазифаларни бажаришда субъект активлари таркибининг таҳлили, кредит ва сармояларнинг самарадорлиги, стратегик вазифаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Субъект молиявий стратегияси маблағларни жалб этиш ва молиявий ресурслардан қандай фойдаланиш, бошқа ташки омилларни ҳисобга олган ҳолда барча молиявий активлардан фойдаланишнинг юқори даражасига эришишни таъминлаш масалаларини белгилайди.

Молиявий менежерлар субъектнинг ресурсларини бошқариш бўйича барча муҳим қарорларни икки нуқтаи назардан қараб чиқишлари лозим: *биринчидан*,

мазкур қарорларнинг молиявий ҳолатга қандай таъсир кўрсатишини таҳлил этиш; **иккинчидан**, таъсисчиларнинг бундай қарорларга бўлган муносабати.

Ҳар қандай шароитда ҳам субъектнинг молиявий менежменти вазифаларида молиялаштириш усуллари танлаб, четдан жалб қилинаётган ресурслар, кредит маблағларини жалб этиш, ички ва ташқи манбаларга асосланган молиялаштириш каби усуллари ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги шароитда субъектлар молиявий менежментининг муҳим таркибий элементларидан бири бу молиявий ҳисоботларни тузиш ва шулар асосида молиявий ҳолатни таҳлил қилишдир. Молиявий ҳолатнинг таҳлили нафақат раҳбарлари ва мулкдорлари учун, балки субъект билан иқтисодий муносабатлар тизимининг турли соҳалари бўйича алоқадор бўлган хўжалик субъектларининг молиявий фаолияти учун ҳам муҳимдир.

3. Субъектлар молиявий менежментининг механизми ва стратегияси¹

XX асрнинг 2 ярими жаҳон хўжалигида революцион ҳам эволюцион бурилиш даври бўлди. Натижада илмий техник тараққиётнинг кескин авж олиши ва жаҳон хўжалигида товар ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши барча соҳаларда бўлганидек бошқарувнинг илмий концепцияларида ҳам тараққиётлар бўлишига олиб келди. Натижада замонавий молиявий менежмент концепцияси мустақил шакллана бошладики унинг асосий муаммоси сифатида субъектларнинг молиявий муносабатлари, пул маблағлари айланишини ички ва ташқи омилларининг таъсирига асосланган ҳолда самарали ташкил этиш масалаларини ўз ичига ола бошлади.

Бозор иқтисодиёти хўжалик субъектлари орқали ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида бозордаги талаб ва таклиф, аниқ истъеъмолчиларнинг талаблари, ишлаб чиқарувчи учун максимал фойда олиш имкониятини туғдирувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзда тутди.

Бошқарувнинг бозор шарт-шароитлари, Ўзбекистоннинг иқтисодий истиқболлари ва менталитети учун хусусиятли ҳисобланувчи бошқарув тизимини шакллантиришни, мамлакатимизда шакллантирилаётган бозор иқтисодиёти аҳоли учун реал иқтисодий эркинликнинг мавжуд бўлишини назарда тутди. Менежмент субъектларнинг бошқарувнинг самарали тизими сифатида бундай имкониятларга эгаллигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари, корхоналарининг ташқи муҳитини ўрганиш (тадибкорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, товарлар, хизматлар, молиявий бозорлар, баҳоларни шакллантириш тизимлари, бухгалтерия ҳисоби тизимлари) ва уларнинг асосий фаолият соҳаларини ўрганишнинг таҳлили (маркетинг тадқиқотлари, молиявий менежмент, ишлаб чиқариш, сотиш жараёнлари, бухгалтерия ҳисоби ва персоналларни бошқариш) шуни кўрсатадики, баъзи субъектлар имконият даражасида бундай ташқи муҳитнинг ўзгаришлари

¹ ТДИУ ва МДХ мамлакатлари олий ўқув юртларида битирув малакавий ишлари, магистирлик диссертацияси мавзулари ва номзодлик диссертацияларининг намунавий мавзулари (2002-2005 йиллар).

натижасидаги ноананавий янги муаммоларни анъанавий усуллар воситасида ўзига хос фаолият соҳаларини мослаштиришга ҳаракат қиладилар.

Шунинг учун замонавий шарт шароитларда айрим субъектларнинг олдида асосий вазифа сифатида ташқи муҳитнинг ўзгаришларига ўз фаолият соҳаларини тезлик билан мослаштири олиш ва вужудга келган муаммоларни осонлик билан ўз фойдасига ҳал этиш масаласи юзага келади. Худди шунингдек ҳар қандай субъектнинг асосий фаолият соҳаларидан бири молиявий менежмент ҳисобланади. Молиявий менежмент–субъектларда молиявий ресурслар ва капиталларни бошқариш ҳисобланади.

Молиявий менежмент фаолиятининг тури сифатида 2 та йирик соҳани кўриш мумкин:

- субъектнинг раҳбарияти томонидан қарорлар асосида молиявий ресурслар ва капиталларни бошқаришни ўз ичига олувчи ички хўжалик фаолияти;

- корхона ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасидаги молиявий муносабатларни ўрнатиш жараёнида амалга ошириладиган молиявий ресурслар ва капиталларни бошқаришнинг ташқи жараёни.

Бошқарув тизими бошқарилаётган объектларга зарурий таъсирини таъминлайди. Бошқарув фаолияти одатда ташкилотнинг маъсул шахслари ўртасида ва махсус бўғинлари ўртасида тақсимланади. Бошқарув тизимининг бўғинлари чизиқли, функционал, чизиқли – функционал, функционал- чизиқли ва бошқа турли комбинацияларда бўлиши мумкин.

Молиявий менежмент – субъектлар бошқарувининг умумий мақсадларига эришишга йўналтириш учун амал қиладиган тизимдир Россиялик иқтисодчи олим Л.Павлованинг таъкидлашича, «молиявий менежмент бир томондан аниқ қонуниятлар ва аҳамиятга эга бўлган бошқарилувчи тизим, иккинчи томондан эса – корхона умумий бошқарув тизимининг бир қисми бўлган бошқарувчи тизимдир»¹ деб таъкидлайди. Бунда бошқариладиган тизим ҳисобланувчи молиявий менежмент сезиларли равишда давлатнинг солиқлар, баҳо, меҳнат ҳақи ва бошқа дастаклари воситасидаги таъсир этиш соҳаси назарда тутилади. Бошқарилувчи тизим сифатида эса молиявий менежмент бошқарув қарорлари оқимларга таъсир этувчи бошқарув объекти ҳисобланиши назарда тутилади.

Албатта молиявий менежмент давлатнинг эски молия-кредит механизми воситасидаги маъмурий бошқарув механизмини акс эттирмайди, чунки молиявий менежмент иқтисодий эркинликка асосланган иқтисодий тизим шароитида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари ўзаро ички манфаатларига асосланган ҳолдаги бошқарув тизими эски бошқарув тизими камчиликларини бартараф этиш имкониятига эгадир. Масалан, Иқтисодчи А.Бирманнинг фикрича «Кейинги 10 йилликнинг асосий камчилиги, режалаштириш, рағбатлантиришиш ва бошқариш тизимидаги камчиликлар ҳисобланиб, бошқарувнинг амалдаги ҳолати корхоналар ўзларининг захираларини яширишга, режани бажариш имкониятига эга бўлиш ва тегишли моддий мукофотларни олиш учун ташаббусни ушлаб туришга ҳаракат

¹ Павлова Л.Н. «Финансовый менеджмент», М: «Банки и биржи», 1995. стр- 65

қилганлар»². Муаллифнинг бу фикрида иқтисодий савонали бошқаришнинг асосий дастаги сифатида молиянинг муҳим роль ўйнаши таъкидланади. Молиявий бошқарувнинг замонавий тизими ҳисобланган молиявий менежментнинг асосий мақсади иқтисодий субъектлар ўртасида ўзаро ижтимоий адолатлилик тамо-йиллари асосида иқтисодий манфаатларнинг тақсимотига эришиш ҳисобланади.

Молиявий менежментнинг муҳим услубий асоси сифатида уни ташкил қилишнинг умумий тамойилларини аниқлаб олиш ҳисобланади. Бу ўз навбатида молиявий менежментнинг ҳаракат фаолиятини аниқлаб олиш учун, уни амал қилишини умумий мезонларини аниқлаб олиш учун зарур ҳисобланади. Шунинг ҳисобга олиш керакки, молиявий менежмент субъектларнинг ички доирасида эмас, балки доимий равишда бюджет, бюджетдан ташқари фондлар, банклар ва бошқа кредиторлар, молия кредит муассалари, институционал инвесторларнинг ўзаро муносабатларида ҳам акс этади..

Айрим ҳолларда, молиявий менежмент, режалаштириш, рағбатлантириш, алоҳида элементларнинг ўзаро мувофиқлиги, вариативлиги, мақсадли йўналтирилганлиги кабиларни ўз ичига олувчи бошқарувни ташкил қилишнинг умумий тамойиллари билан ҳам бирининг таъсир доирасида бўлади. Албатта биз таъкидлаганимиздек, молиявий менежмент тизимининг шаклланиши хўжалик субъектларининг иқтисодий мустақиллиги яъни тадбиркорлик фаолиятининг кенг имкониятларини шаклланиши билан белгиланади. Бунда, бюджет билан ўзаро солиқли муносабатлар тизимининг шаклланиши, субъектлар асосий ва айланма маблағларни шакллантиришда кредит ва инвестицион усулларнинг шаклланиши, бозор механизмлари асосида уларнинг иқтисодий фаолиятидаги турли хатарлар бўйича масъулият, фойдани тақсимлаш имкониятини субъектларнинг ихтиёригага ўтиши ва бошқа омиллар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам молиявий менежмент концепциясини ўрганишнинг асоси тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади деб таъкидлашимиз мумкин.

Тадбиркорлик бу мулкдан фойдаланиш, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш натижасида тизимли фойда олишга йўналтирилган мустақил, ҳамда хатар билан боғлиқ фаолиятдир. Молиявий менежмент билан хўжалик юритишга савонали таъсир этувчи молиявий жараёнлар ўзаро боғлиқдир.

Молиявий менежмент субъектларнинг молиявий фаолиятида молиявий ресурслардан фойдаланиш ва уларнинг савонали йўналишларини танлаб олишни ўз ичига олиб, бу жараён таҳлил, режалаштириш, бошқарув, молиявий қарорларнинг қабул қилиш жараёни билан боғлиқдир. Буни қўйидаги (1-чизма) орқали кўриб ўтишимиз мумкин.

² Бирман А.М. «Опережая время».- М.: Наука, 1990. стр-19

Молиявий менежментнинг таркиби

1-чизма



Юқоридаги молиявий менежментнинг комплекс вазифалари иқтисодий фаолиятнинг молиявий натижаларини моҳияти нуқтаи назардан баҳолаш элементларини ўз ичига олади. Чунончи маҳсулотни сотиш натижасида олинган тушумнинг таркибида фойданинг салмоғи, субъектнинг мавжуд активлари таркибида ишчан активларнинг салмоғи яъни айланма ва асосий капиталларнинг салмоғи ва бошқа тизимли баҳолаш асосида молиявий бошқарув механизмини ташкил қилиш молиявий менежментнинг комплекс вазифалари қаторига киради.

Бошқарувнинг молиявий механизмини амал қилиши молиявий кўрсаткичлар ва жараёнлар ҳақидаги аналитик, режали ахборотларни шакллантириш, ўрганиш ва тартибга солиш билан узвий равишда боғлиқ. Аксарият ҳолларда молиявий режалаштириш ва молиявий таҳлил субъектда амалга оширилаётган молиявий ишларнинг мустақил соҳалари ҳам ҳисобланади. Жорий ва тезкор молиявий ишлар эса ўз навбатида режалаштириш ва таҳлилга асосланади.

Шуни алоҳида таъкидлаيمизки, таҳлил блоки узлуксиз равишда ахборотларни йиғиш, ҳисобини юритиш ва умумлаштиришни ўз ичига олади. Режалаштириш блокида эса ҳар қандай бизнес режанинг охириги хулосаси тайёрланади.

Молиявий менежментнинг вазифалари, тамойилларини аниқлаб берувчи молиявий бошқарувнинг ўзига хос 3 жиҳатларини мавжуд:

1. Молиявий менежмент учун молиявий – ҳуқуқий шарт шароитлар яратиб берувчи ташкилий жиҳатлар;
2. Бошқарув қарорларининг мезонлари сифатида охириги фойда ва рентабеллик молиявий кўрсаткичларини танлаб олиш;
3. Даромадлари ва харажатлар баланси орқали ҳар қандай иқтисодий фаолият самарадорлигининг доимий назорати.

Юқоридаги молиявий менежментнинг 3 асосий жиҳатларига асосланган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки молиявий менежментнинг самарали фаолияти аввало бошқарув қарорлари учун зарурий ахборотлар билан таъминланишига асосланади.

Иқтисодий субъектлар пул маблағларини шакллантириш, мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ялпи даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнини комплекс бошқарув тизимини ўз ичига олувчи молиявий менежмент тизими ҳозирги кунда муҳим иқтисодий аҳамиятга эгадир.

Менежмент тизимида ҳар қандай вазифани ҳал қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда камида 4 турдаги таъминот талаб қилинади: иқтисодий, математик, техник ва молиявий маълумотлар таъминоти молиявий бошқариш учун зарурий қарор қабул қилинади уларнинг тўлиқ иқтисодий асосланган ахборотлар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бундаги асосий масала олинган маълумотларни ўзига хос хусусиятлари, аҳамияти ва уларни корхоналарда такрор ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар таъсир даражаси нуқтаи назардан гуруҳлаш, кўрсаткичлар тизимини шакллантиришда тегишли манба сифатида фойдаланиш корхоналарнинг келгуси такрор ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштириш ва ресурслардан имконият даражасида самарали фойдаланиш учун молиявий қарор қабул қилишда муҳим рол ўйнайди.

Бошқариш тизимида бошқарадиган тизимлар ва бошқариладиган тизимлар ўзига хос рол ўйнайди. Бошқариладиган тизимлар ўзига хос объектларга эга бўлиб бундай объектлар сифатида субъектларнинг активлари ва пасивлари кўриб ўтилади.

Молиявий бошқарув тизимини умумий тарзда тизимлаштирадиган бўлсак қуйидаги шаклга эга бўлади:

- умумий молиявий таҳлил ва режалаштириш;
- субъектларни молиявий ресурслар билан таъминлаш (субъектнинг молиявий манбаларини бошқариш);
- молиявий ресурсларни тақсимлаш (инвестицион сиёсат ва активларни бошқариш).

Молиявий бошқариш фаолитининг бундай соҳасига ажратилишининг мантиқи субъектнинг мулкӣй ва молиявий ҳолатини акс эттирувчи ҳисобот шаклларининг асоси сифатида бухгалтерия баланси ҳисобланади.

Ишбилармон фаоллик асоси субъектнинг иқтисодий потенциалини ўсиб бориши ҳисобланади. Қандайдир инвестиция лойиҳаларига капитал жамғариш воситасида тадбиркор аниқ давр мобайнида авансланган капитални қайтариб олишни балки кўзланган фойдани олишни кўзда тутиши лозим. Бундай фойдани баҳолаш яъни мазкур лойиҳа фойдалими ёки йўқми? - деган дилеммани ечиш инвестициялардан келгуси тушумларни башорат қилишга асосланади.

Бундай пул оқимларини бошқариш учун зарур бўлган қарорларни қабул қилиш молиявий хўжалик фаолиятининг натижаларининг динамик кўрсаткичлари ҳисобланувчи бухгалтерия ҳисобининг ахборотлар тизимига таянади.

Молиявий хўжалик фаолиятининг ахборотлар таъминоти ўзига хос мураккаб таркибини ташкил қилади ва турли омилларни: бошқариш даражаси, ахборотларнинг мақсадли йўналиши, улардан фойдаланувчиларнинг таркиби билан

аниқланади. Субъектлар даражасида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг асосий ахборотлар манбаи бухгалтерия ҳисоботлари ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг функцияси нафақат хўжалик фаолияти фактларини қайд этиш тизими ҳисобланади балки ҳисобланган натижаларнинг ишончлилиқ табиатини кўзда тутувчи молиявий ҳисоб- китобларнинг технологиялари ҳисобланади.

Молиявий ҳисоб-китоб технологиялари дастлабки ишлаб чиқариш муносабатларининг пайдо бўлиши билан шаклланган бўлиб мустақил фан сифатида тегишли молиявий ҳисоб-китоб технологиялари тўғрисидаги билимлар XIX асрларда пайдо бўлди. Бу даврларда молиявий ҳисоблаш технологиялари «тижорат ҳисоб-китоблари», «тижорат арифметикаси» тушунчалари билан таниқли бўлган. XIX асрда тезлик билан содир бўлган иқтисодий ўсиш ва иқтисодий тараққиёт ишлаб чиқариш жараёнидаги ахборотларни шу қадар кўпайтирдик бундай ахборотларни бошқарув қарорлари қабул қилиш учун йиғиш ва уларни қайта ишлаш масаласи муаммога айланиб қолди.

Субъектларда самарали ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш ва кам харажат қилган ҳолда юқори фойда олиш масалалари айнан шу даврдаги рақобат муҳитининг шакллантирган зарурияти бўлиб қолди. Айниқса XX асрнинг 2 ярмидаги илмий техник тараққиётнинг содир бўлиши, инсоният олдига янги муаммоларни кундаланг қилиб қўйдики, бундай муаммолар қаторига ресурслар тақчиллигининг пайдо бўлиши, дунё иқтисодиётидаги кескин интеграция, континентлар ўртасидаги мураккаб боғлиқликлар, ишлаб чиқарувчи субъектлар ўртасидаги кескин рақобат ва бошқа глобал муаммолар киритилиб турли хил ишлаб чиқариш муносабатларини экстенсив ривожлантиришни эмас, балки интенсивлаштиришни зарур қилиб қўйди. Бундай шароитда самарали бошқариш тўғрисидаги янги назариялар пайдо бўлди. Бошқариш деган сўз бу албатта қарор қабул қилиш деган тушунчани англатади. *Бошқариш – аниқ натижаларга эришиш учун объектга мақсадли йўналтирилган ҳолда таъсир қилишнинг шакллари ва усуллариининг йиғиндисидир.* Бошқариш инсон фаолиятининг барча соҳаларига хосдир. Шунингдек, бошқариш тизимининг муҳим соҳаларидан бири молиявий фаолиятни бошқариш ҳисобланади.

Субъектлар молиясини бошқариш субъектнинг молиявий фаолиятини бошқариш сифатида сотишдан тушган тушум ва унинг тақсимот объектлари молиявий бошқаришнинг асосий объекти ҳисобланади.

Молиявий бошқарувни маълум бир услуб ва тамойилларга ҳамда рағбатлантириш ҳамда санкцияларга таяниб махсус аппарат амалга оширади. Маълумки, у ёки бу йўналишдаги вазифаларни бажаришда турли хил йўналишдаги ечимлар мавжуд бўлади, аммо уларни самарали ечишнинг ўзига хос бўлган муаммоларини бор имкониятлардан тез ва самарали фойдаланиш ёхуд, янги давр талабига мос бўлган услубларни жорий этиб кўзланган мақсадга эришишдир.

Ҳар қандай бошқарув тизимига хос бўлгани каби, молияни бошқаришда ҳам объектлар ва субъектлар мавжуд бўлади.

Молияни бошқаришнинг объекти бўлиб турли молиявий муносабатлар ҳисобланади. Масалан: давлат бюджети, пенсия фонди, субъектларнинг ихтиёридаги

марказлашмаган фондлар ва суғурта муносабатлари ҳисобланади. Молиявий муносабатларнинг туркумланишидан келиб чиқиб, ушбу объектларга қуйидаги молияни бошқарув субъектлари мос келади, буларга молия органлари ва солиқ назоратчилари, молия хизмат (бўлим)лари ва суғурта органлари киради.

4. Субъектларнинг молиявий фаолиятининг тизими ва уни бошқаришнинг зарурлиги.

Ўзбекистон Республикасида 2001 йил 15 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида «тадбиркорлик фаолияти» тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик)– тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият”¹.

Тадбиркорликни ривожлантириш Ўзбекистонда амалга оширлаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Бандлик муаммосини ҳал этиш, бозорнинг мўл-кўллигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишдаги имкониятларини инобатга олиб, мамлакатимизда кичик тадбиркорликнинг ривожланишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бунда тадбиркорликнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларига таянилмоқда:

- бозордаги талабга тез мослаша бориб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти;
- нисбатан қисқа муддатларда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган товар ва хизматларга бўлган талабни қондира олиши;
- дастлабки сармоя ҳажмининг нисбатан камлиги;
- тез орада янги ишчи ўринлари барпо этиш ва бандлик муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш имконияти;
- бизнес эгаси (тадбиркор)нинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги бевосита иштироки ва бошқалар.

2000 йилда муаллифлар гуруҳи томонидан эълон қилинган “Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза”да² кичик тадбиркорликнинг иқтисодий жиҳатлари ҳамда манфаатли хусусиятлари қуйидагича ёритилади:

- тадбиркорлик – аҳолининг талай қисми учун меҳнатини қўллайдиган жабҳа ва даромад манбаи, етарли малака ва тажрибаси бўлмаган, эгилувчан жадвалли иш кунини истаган аксарият меҳнат ресурсларини машғул этувчи меҳнат бозорининг энг мослашувчан қисми. Аёллар, илк бор иш қидираётган ёшлар, маълумоти ва меҳнат тажрибаси юқори даражада бўлмаган шахслар кўпинча фақат шу ердан иш топишлари мумкин. Бу жабҳада машғул кишиларнинг аксарият қисми

¹ Б.Ходиев., А.Самадов., М.Юсупов., Ш.Мелибоев «Кичик тадбиркорлик молиявий менежменти».- Т.:»Жонсаудитинформ»-2004 йил. 16-бет.

² Г.Саидова ва бошқалар, “Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза”, Ўзбекистон, 2002. 63-бет.

учунгина эмас, балки уларнинг оила аъзолари учун ҳам асосий даромад манбаи бўлиши кичик бизнес миллий фаровонликнинг ўсиши учун муҳим омилга айланишидан далолат беради;

- тадбиркорлик аҳоли орасида иш юритиш ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, унинг бозор муносабатларига мослашганлик даражасини оширишда потенциал самарали воситадир. У фуқароларга нафақат ўз ишчи кучи, балки ўз мулки, жумладан, ишлаб чиқаришга мўлжалланган мулк эгаси бўлишига имкон яратиб, ўрта синф-жамиятнинг прогрессив тараққиётини таъминлашга қодир, демократия ва ижтимоий барқарорликдан манфаатдор ижтимоий қатламнинг шаклланиши учун асос яратади;

- тадбиркорлик бутун иқтисодиётнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади. У истеъмол талабининг ўзгаришларига ҳаммадан тез мослашади, иқтисодий вазиятнинг тебранишларига мувофиқ тарзда ўз фаолиятининг ихтисосини тез ва нисбатан асоратсиз ўзгартира олади;

- тадбиркорлик иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмасини яхшилайдди.

Алоҳида шахс учун эса кичик бизнес билан шуғулланиш банд бўлиш ва даромад олишга, иши ва шахсий ҳаётини яхлитроқ бирлаштиришга, ўз қобилияти ва истеъдодини намоён қилишга имкон яратади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан ажралиб туради. Тадбиркорлик субъектларига мустақиллик бериш уларда фаолиятининг яқиний натижалари учун жавобгарлик ҳиссини оширади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди:

- улгуржи ва чакана савдо тизими ислоҳ қилинмоқда;
- тадбиркорлик субъектларига инфратузилма бўлинмалари томонидан хизмат кўрсатишнинг самарали тизими яратилмоқда;

- тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда тадбиркорликнинг эркинлигини кафолатлаш тизими шаклланимоқда;

- тадбиркорларни давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга кўйишнинг энгиллаштирилган тартиби жорий этилди;

- статистика ва солиқ ҳисоботининг қисқартирилган шакли киритилди;

- тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти эркинлаштирилди;

- иш бошловчи тадбиркорлар учун дастлабки сармояни шакллантириш ва бошқа шакллардаги янги молиявий қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилди ва шунга ўхшаш қатортадбирлар амалга оширилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида иқтисодиётнинг бу тармоғи тобора мустаҳкамланиб, унинг республикамиз иқтисодиётидаги ўрни, иш билан таъминлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2003 йил 1 январ

ҳолатига¹ ЯММда кичик тадбиркорликнинг ҳиссаси ўтган йилдагидан 0,8 фоизга ошиб, 34,6% га етди. Кичик тадбиркорликнинг иқтисодий тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси саноатда 14,1, қишлоқ хўжалигида 76,4, умумий чакана товар айланмасида 43,8, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишда 41,3, автомобиль транспорти юк айланмасида 38,7, йўловчи ташиш ҳажмида 54,9 фоизни ташкил этди.

Республикада 239,5 мингта кичик корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, улар республикада жами рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 91,3 фоизини, саноатда 95,2, қишлоқ хўжалигида 96,4, қурилишда 95,2, савдо ва умумий оқатланишда 96,6 фоизини ташкил этади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда кичик тадбиркорлик субъектлари сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Чунончи, биргина 2002 йилда 47,2 минг кичик корхоналар рўйхатга олинган.

Рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг фаоллик даражаси ҳам ошмоқда. Рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 2002 йилда 2001 йилдагига нисбатан 18,6 фоизга ошган бўлса, фаолият кўрсатаётганлари сони 21,4 фоизга кўпайди. Хусусан, 2002 йил давомида рўйхатда турган 239,5 мингта кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг 215,7 мингтаси ёки 90,1 фоизи фаолият кўрсатган. Бу кўрсаткич 2001 йилда 88, 1999-2000 йилларда ўртача 80, 1998 йилда 60,3 фоизни ташкил этган эди.

Тадбиркорлик субъектларини шакллантириш коэффиценти 2002 йилда 23,4 га, тугатиш коэффиценти эса 4,8 га тенг бўлди. Республикада аҳолисининг ҳар 1000 нафарига тўғри келувчи фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари 7,1 тадан 8,6 тага етди.

Иқтисодийнинг тадбиркорлик субъектлари республика бўйича 5086,4 минг кишини ёки аҳолининг 54,5 фоизини иш билан таъминлайди. Кичик бизнеснинг ривожланиши эвазига 2002 йилда 369,3 мингта янги ишчи ўринлари яратилди. Бу республика бўйича янгидан яратилган иш ўринларининг 84,6 фоизини ташкил этади.

Бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолияти аста-секин “тезланиш олмақда”. Унинг улуши 2002 йилда умумий экспорт ҳажмида 7,5, импорт ҳажмида 29,4 фоизни ташкил қилди. Корхоналарнинг ташқи савдо айланмаси 900 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Уларнинг асосий экспорт моллари - қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ишлов берувчи, электротехника маҳсулотлари, халқ амалий санъати буюмлари бўлмоқда.

Ҳукуматимиз тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириш учун шароит яратмоқда. Улар технологик асбоб-ускуналарни олиб киришда импорт божларини тўлашдан озод этилган. Бу, ўз навбатида, жаҳон бозори учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспортга чиқариш имконини беради.

Таҳлиллар кичик тадбиркорликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган қуйидаги муаммо ва тўсиқлар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

¹ “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий иқтисодий ривожланиши ҳолати 2002 йил бўйича”, «Ўзбекистон Республикаси статистика Давлат қўмитаси», Тошкент-2003, 13-16 бетлар.

Биринчидан, кичик тадбиркорлик суст ривожланмоқда. Жами кичик тадбиркорлик субъектларининг (якка тадбиркорлик ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) 78,3 фоизини микрофирмалар ташқил этади.

Иккинчидан, кичик бизнеснинг тармоқ таркибида асосан қишлоқ хўжалиги (43 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (25,6 фоиз) кўпчилиқни ташқил этади. Саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик бизнеснинг ривожланиши нисбатан суст кечмоқда. Бу, ўз навбатида, кичик бизнеснинг истеъмол бозорларини нисбатан қисқа муддатларда маҳсулотлар билан тўлдириш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Учинчидан, кичик бизнес республикамиз ҳудудлари бўйича ҳар хил ривожланмоқда. Кичик бизнес субъектлари Тошкент шаҳри (10,6 фоиз), Самарқанд (10,3 фоиз) ва Андижон (9,5 фоиз) вилоятларида кўпроқ улушга эга.

Тўртинчидан, кичик бизнеснинг маҳсулотни экспорт қилиш жараёнидаги иштирокини қониқарли деб бўлмайди.

Буларга асосан қуйидаги муоммолар сабаб бўлмоқда:

- республикада кичик тадбиркорликнинг ривожланиши учун мавжуд бўлган меҳнат, хом ашё, илмий-техник ва бошқа салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги;
- кичик тадбиркорлик субъектларида даслабки сармоя ва ортиқча маблағларнинг етишмаслиги;
- банк кредитлари, халқаро молия ташилотлари кредит ресурсларидан фойдаланиш шартларининг мураккаблиги;
- кредитни сўғурталаш, кафолат билан таъминлаш ҳамда уни қайтариш билан боғлиқ муаммолар;
- кичик тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи банк тизими ва бошқа инфратузилмаларнинг етарли даражада тараққий этмаганлиги;
- ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол бозорининг яхши тараққий этмаганлиги оқибатида мол етказиб берувчилар ва харидорлар ўртасидаги муносабатларнинг чигаллашуви;
- кичик тадбиркорлик маҳсулотларининг сифати юқори эмаслиги оқибатида талабнинг пастлиги;
- айрим ҳолларда мансабдор шахслар томонидан кичик тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқларининг бузилиши ва манфаатларига путур етказилиши;
- тадбиркорлик соҳасида пухта тайёрланган, саводли ва ишбилармон менежерлар ва мутахассислар тайёрлаш тизимининг номукамаллиги, кичик тадбиркорлик ходимларининг иқтисодий ва ҳуқуқий билим савиясининг пастлиги ва бошқалар.

Бу каби муаммоларни самарали ҳал этиш учун республика ҳукуматининг кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган стратегик дастурларининг амалга оширилишини давом эттириш зарур. Бундай концепция асосида номутаносибликларни бартараф этишга, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самаралироқ фойдаланишга имкон берувчи тузилмавий ўзгаришлар ётмоғи лозим.

Тадбиркорликни ривожлантириш концепцияси қуйидагилар асосида шакллантирилмоғи зарур:

- тадбиркорликни ривожлантиришнинг минтақа – тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, барча тармоқларда хусусий корхоналар, жамиятлар, ширкатлар тузиш бўйича шахсий ташаббусларни рағбатлантириш;

- субъектларнинг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, давлат томонидан кредитни кафолатлаш жамғармаларини яратиш;

- тадбиркорликка хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини янада кенгайтириш ва ривожлантириш;

- субъектларнинг хом ашё, технологиялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотишнинг самарали тизимини яратиш;

- тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;

- тадбиркорлик фаолияти кўрсаткичларининг ҳисоби ва таҳлили тизимини соддалаштириш;

- тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

- тадбиркорлик қалтисликлари (рисклари)дан ҳимояланиш тизимини таъминлаш учун сўғурта хизматининг аҳамиятини ошириш.

Тадбиркорликни ривожлантириш концепциясида асосий эътибор биринчи навбатда иқтисодий салоҳиятга эга бўлган кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, тармоқ ва ҳудуд учун зарур, аммо паст рентабелли соҳаларнинг ривожини учун қулай имкониятлар яратиш, республиканинг ижтимоий–иқтисодий сиёсатининг йўналишлари ва мақсадларига мос фаолият юритаётган хўжалик тузилмаларини рағбат-лантириш, ҳудудий аҳамиятга эга маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик субъектларга солиқ имтиёзлари белгилаш, лизинг хизмати ва инвестицион хатарларни сўғурталаш тизимини кенгайтириш ва молиявий имкониятлари чегараланган ҳолда банк кредитларидан фойдаланишига йўл очувчи шароитларни таъминлаш вазифаларига қаратилмоғи керак.

Тадбиркорлик соҳасида банд фирмалар кўпинча юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этишга уринишлари билан ажралиб туради. Улар фаолиятининг стратегияси асосан қуйидагилардан ташкил топади:

биринчидан, юқори технологияли ишлаб чиқариш асосида ривожланаётган фирмалар рақобат кўрашидан манфаатдор эмас. Шу сабабли улар бозордаги юқори фойда келтирадиган бўшлиқни эгаллашга ҳаракат қилиб, тор даражада ихтисослашган маҳсулот ишлаб чиқаришга интиладилар.

иккинчидан, бундай фирмалар, масалан, электроника билан шуғулланувчи фирмалар, йирик компаниялардан бутловчи қисмларни сотиб олиш орқали ишлаб чиқариш харажатларини камайитиришга ҳаракат қиладилар.

учинчидан, кўпчилик фирмалар ишлаб чиқариш жараёнини енгиллаштириш мақсадида ёки битта турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ёки бир турдаги

технологияга ихтисослашади. Улар ана шу маҳсулот ёки технологияни истеъмолчиларнинг талабига мослашга ҳаракат қилишади. Йирик компанияларга эса кенг истеъмолчиларнинг талабини қондиришга мос бўлган андозали маҳсулотларни ишлаб чиқариш хос. Кичик корхоналарнинг йирик корхоналардан фарқи ва афзалликлари ҳам ана шунда.

тўртинчидан, деярли барча кичик корхоналар мустақилликни сақлаб қолишга интилиб, ташқаридан маблағ жалб этмасликка ҳаракат қилади. Мутахассисларнинг фикрича, кичик фирмалар маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ривожланиб бориши билан мустақиллик ҳамда ўзига хос бўлган ижтимоий-маданий муҳитни шакллантиришга интиладилар.

Таянч иборалар: Бошқарув услуги, молиявий бошқарув тизими, молиявий менежмент тизими, тузулиши, молиявий таъминот, субъект бошқаруви, субъектнинг молиявий маблағларининг тузилиши, молиявий режа, ички молиявий назорат, пулнинг даврий қиймати, баҳолаш концепцияси, инфляция омили, таваккалчилик, тадбиркорлик, бизнес.

Назорат учун саволлар.

1. Молиявий менежментнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.
2. Молиявий менежментнинг механизми ва функциялари.
3. Молиявий менежментнинг услубий асослари.
4. Молиявий таҳлилнинг услублари ва тизими.
5. Молиявий режлаштириш услублари ва тизими.
6. Ички молиявий назоратнинг услублари ва тизими.
7. Пулнинг даврий қийматини баҳолашнинг концепцияси ва услубий инструментлари.
8. Инфляция омилини ҳисобга олишнинг концепцияси ва услубий инструментлари.
9. Таваккалчилик омилини ҳисобга олишнинг концепцияси ва услубий инструментлари.

Тавсия этиладиган адабиётлар.

1. Актуальные вопросы административного и финансового права. СБ. науч тр. Вып 2. - М.: МГИМО, 2004. – 209 с.
2. Астахов В. П. Финансовый учет. Тесты: Учебное пособие. - М.: ИДФБК-Пресс, 2004. – 200 с.
3. Бланк Е.Г. Основы финансового менеджмента.-М.: ИНФРА, 2004г.
4. Дон Патинкин. Деньги, процент и цены.-М.: Экономика, 2004.-375 с.
5. Донцова А.В., Никифорова Н.А. Анализ финансовой отчетности. Практикум. - М.: Дело и Сервис, 2004. – 144 с.
6. Ефимова М.Р. Финансово-экономические расчеты. Пособие для менеджеров: Учеб пос. - М.: ИНФРА-М, 2004. – 185 с.
7. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.

Интернет веб- сайтлари:

www.uz

www.gov.uz

2. Мавзу: Субъектлар фаолиятини бошқаришни ахборотлар билан таъминлаш ва молиявий ҳисоботлардан фойдаланиш

Режа:

1. Молиявий менежментни ташкилий ва ахборотлар таъминот тизимининг тузулиши¹.
2. Тадбиркорлик молиявий менежментининг тизимида молиявий ҳисоботлар тушунчаси ва уларнинг қўлланилиш хусусиятлари.
3. Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботларни ташкил қилиш ва юриштишнинг ҳукукий-меъёрий асослари.
4. Молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар уларнинг манфаатлари ва ҳисобот шакллари юриштидаги асосий талаблар.

1. Молиявий менежментнинг ташкилий ва ахборотлар таъминот тизими тузулиши.

Молиявий менежмент фан сифатида мураккаб структурага эгадир. Унинг таркибий қисми бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятини келажакдаги кўрсаткичларини эҳтимолли баҳолашга асосланувчи молиявий таҳлил ва башорат қилишдан иборатдир. Бухгалтерия ҳисобининг бошқарув билан боғлиқлиги иқтисодчилар томонидан тасдиқланган. Бошқарув- бу маълум даражадаги қарорни қабул қилиш демакдир. Иқтисодий асосланган қарор қабул қилиш тегишли ахборотлардан самарали фойдаланиш билан белгиланади. Буюк давлат арбоби Наполеон «Бошқариш-демак олдиндан кўра билиш, бунинг учун эса керакли ахборотларга эга булиш лозим»²- деб таъкидлайди. Таниқли Швейцариялик иқтисодчи олим И.Шер эса «Бухгалтерия ҳисоби корхонанинг утмишини шубҳасиз аниқ баҳоловчи, ҳозирги замонининг зарурий йулдоши ва бошқарувчиси, хўжалик фаолиятининг келажаги учун ҳар томонлама нисбатан истиқболли маслаҳат берувчиси ҳисобланади»³ деб таърифлайди.

Бундай ҳисоб маълумотларининг роли ва имкониятлари ҳақидаги тушунча, субъектларда бухгалтериянинг оддий ҳисоб бўлимидан хўжалик фаолиятининг молиявий масалаҳатчиси ва менеждерига айлантирмоқда. Молиявий ҳисоботлар субъектлар молиявий фаолиятнинг «охирги натижалари» ҳисобланиб қолмасдан самарали иқтисодий фаоллигини Рағбатлантиришдаги зарурий бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур юўлган ахборотларнинг манбаларига айланмоқда.

Умуман бу иккала тарифдан шуни кўришимиз мумкинки, бошқариш олдиндан кўра билиш ҳисобланади унинг учун зарурий ахборотларга эга бўлиш лозим. Бундай

¹ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодиёт мутахассисликлари бййича бакалавриат битирув малакавий ишлари, магистирлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари (2002-2005 йиллар).

² В.В. Ковалев «Финансовый анализ», Москва, «Финансы и статистика» нашр. 2004 г.стр.74

³ Павлова Л.Н. «Финансовый менеджмент»-М.: «Банки и биржи».1995г.стр.47

ахборотларнинг асосий манбалари эса бухгалтерия ҳисоби ва унинг ҳисоботлар тизими ҳисобланади.

Молиявий менежмент: пул ресурсларининг вақтли қиймати, пул оқимлари, тадбиркорлик ва молиявий хатарлар, капиталларни баҳолаш, самарали бозор муносабатлари каби қатор концепцияларга асосланади.

Вақтли қиймат назарияси амалдаги пул ресурсларининг объектив тавсиф ҳисобланади. Молиявий менеджер учун бу концепция муҳим аҳамият касб этади, модомики, аналитик ҳисоб китоблар турли даврларда тўпланган пул оқимларини солиштириш ҳисобланади.

Ишбилармонликнинг фаоллиги– субъектни иқтисодий потенциалининг ўсиши ҳисобланади. Тадбиркор маълум инвестиция лойиҳаси бўйича капиталлар жамғаришда маълум даврда қилинган харажатларни қоплашни тахмин қилиш билан бирга аниқ олинadиган фойдани ҳам баҳолаши зарур. Олинган фойдани баҳолаш, яъни қарор қабул қилишдаги вужудга келувчи икки мунозарали муаммоларнинг йўналишлари - инвестициядан тушумларнинг келгусида башоратқилинадиган маълумотларига асосланади.

Ҳар қандай инвестиция қарорлари: молиявий ҳолатни баҳолаш; инвестицияларнинг ўлчами ва молиялаштириш манбалари; лойиҳанинг реализация қилишдан тушадиган тушумларнинг ҳажми кабиларга асосланади.

Молиявий менеджер доимий равишда молиялаштириш манбаларини танлаш билан боғлиқ муаммоларга дуч келади. Ҳар қандай молиялаштириш манбаи ўзига хос қийматга эга бўлиб уларнинг турли туманиги молиявий қарорлар қабул қилишнинг асоси ҳисобланади.

Молиявий ҳарактердаги қарорларни қабул қилиш, олинadиган ахборотларнинг объективлиги ва самарали бозорларга мувофиқ келувчи капиталлар бозорининг ривожланганлик даражасига боғлиқ.

Субъектларда молиявий менежментнинг самарадорлиги бошқарув қарорлари қабул қилишда фойдаланиладиган ахборотларнинг тизими орқали аниқланади. Субъектларда молиявий менежментнинг ахборотлар базасини шакллантириш молиявий фаолиятни бошқариш учун стратегик қарорлар қабул қилиш ва мазкур стратегик қарорларни амалга оширишнинг тактик усулларини ишлаб чиқиш каби самарали жорий бошқаришга мувофиқ келувчи мақсадли йўналтирилган ахборотларнинг кўрсаткичларини танлаш жараёнини ўз ичига олади.

Маълум субъектлар учун молиявий менежмент ахборот кўрсаткичларининг тизимини шакллантириш унинг тармоқ хусусиятлари, ташкилий ҳуқуқий шакллари, ишлаб чиқаришнинг ҳажми, хўжалик фаолияти диверсификациясининг даражаси ва бошқа шарт-шароитларга боғлиқ. Шунинг учун молиявий менежмент ахборотларининг базасига киритиладиган кўрсаткичларнинг жами ахборотлар манбаларининг турлари бўйича гуруҳлаштирилади ва субъектлар амалий фаолиятида ҳар қайси гуруҳлар бўйича қатъий аниқлаштиришлар талаблар қўйилади.

Субъектларнинг фаолиятини бошқаришда ахборотларнинг асосий манбалари бевосита субъектларнинг иқтисодий фаолиятини тартиблаштирувчи бухгалтерия ва

молиявий ҳисоботлар тизими ҳисобланади. Ҳозирги шароитда иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти натижаларидан давлат билан биргаликда бошқа иқтисодий субъектлар ҳам манфаатдор ҳисобланади. Шунинг учун ҳам иқтисодий фаолият, хусусан, молиявий фаолиятнинг натижаларини ўзида акс эттирувчи молиявий ахборотларни шакллантириш муҳим иқтисодий аҳамият касб этади. Қуйидаги (2-чизма) орқали буни кўриб ўтишимиз мумкин.

2-чизма

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ҳисоботлардан
фойдаланувчилар¹

<i>Иқтисодиётнинг турлари</i>	<i>Ички фойдаланувчилар</i>	<i>Ташқи фойдаланувчилар</i>
<i>Бозор иқтисодиёти шароитида</i>	Бошқарув персоналлари	Акцидорлар ва бошқа мулкдорлар: кредиторлар. Мол етказиб берувчилар. Сотиб олувчилар.
<i>Маъмурий буйруқ бозлик асосидаги иқтисодиёт</i>	Юқори маъмурият	Давлат: Вазирликлар. Статистика ва солиқ органлари ҳамда бошқа давлат органлари

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ҳисоботлардан ахборотлар сифатида ички фойдаланувчилар субъектларнинг бошқарув персоналлари ҳисобланади. Уларнинг функционал вазифаларига бевосита корхонанинг рентабеллигини оширишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларнинг маҳсулот таннархидаги салмогини аниқлаш, молиявий ҳисоботларнинг турли коэффицентлари: ликвидлилик, капиталларнинг таркиби, ишбилармон фаоллик, рентабеллик даражаси, бозор фаоллиги ва шу каби курсаткичлари тизимини бошқарув ва молиявий қарорлар қабул қилиш учун зарурий ахборотларнинг манбалари киради.

Субъектларнинг молиявий ҳисоботларидан фойдаланувчилар қаторига биринчи навбатда бошқарув персоналлари киритилиши ҳақида таъкидлаб ўтилган. Бошқарув персоналлари турли хил иқтисодий ва молиявий ҳарактерга эга қарорларни қабул қилади. Масалан, молиявий ҳисоботлар маълумотлари асосида субъектнинг кейинги йилга молиявий режаси тўзилади, сотиш ҳажмини кўпайтириш ёки камайитириш бўйича қарор қабул қилади. Албатта, бундай қарорларни қабул қилиш учун ўз вақтида, тулиик ва аниқ маълумотлар зарур бўлади, акс ҳолда субъектлар йирик миқдордаги зарарларга учрашади.

Субъект ўзининг иқтисодий фаолиятининг бошланишида самарали ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш мақсадида аввало бозорни таҳлил қилади. Шунингдек субъект мамлакатнинг турли хил ижтимоий- иқтисодий ҳолати, иқтисодий потенциалини тўғри баҳолай олиши лозим. Чунончи, молиявий фаолиятни бошқариш стратегик аҳамият касб этса ёки узоқ муддатли инвестиция

¹ Ходиев Б.Ю. Самадов А. Юсупов М.С. «Кичик тадбиркорликда молиявий менжмет» Тошкет-2004йил

портфелини шакллантириш учун мазкур инвестиция муомолалари натижасида олинадиган молиявий қайтимларнинг тахминлари имконият даражасида тўғри баҳоланиши лозим. Инвестиция қарор қабул қилиш субъектнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ташқи таъсир омиллари ҳам иқтисодий аҳамият касб этади. Шунинг учун субъектлар ташқи ахборотлар тўплаш, уларни баҳолаш ва комплекс тадқиқот ҳамда таҳлил ишларини амалга оширади. Ҳозирги мулкчиликнинг турли шаклларидаги кўп қатламли иқтисодий тизим шароитида субъектлар иқтисодий фаолиятининг масъулияти ҳам уларнинг ўзларига юкланган. Аввалгидек давлат томонидан иқтисодий ва ижтимоий кафолатлар жуда кенг эмас. Бундай шароитда молиявий қарор қабул қилиш жараёнида нафакат ўзларининг ички имкониятларига асосланади балки улар ташқи муҳит маълумотларини ҳам комплекс таҳлил қилишлари лозим. Шунинг учун бошқарув қарорлари қабул қилишда фойдаланиладиган ахборотлар тизими бозор иқтисодиёти шароитида турли гуруҳларга ажратилади.

Молиявий ҳисоботларни шакллантириш ва улардан ахборотлар сифатида фойдаланишдаги асосий масала субъект фаолияти билан қизиқувчи ва унинг иқтисодий самарадорлигидан манфаатдор шахслар учун тулик маълумот олиш билан боғлиқ ташқи фойдаланувчилар ҳисобланади. Чунончи, бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ҳисоботлардан ахборотлар сифатида ташқи фойдаланувчиларнинг қаторига акцидорлар, кредиторлар мол етказиб берувчилар, сотиб олувчилар ва давлат киритилади.

Молиявий ҳисоботлардан ахборотлар манбаи сифатида ташқи фойдаланувчилар ўз навбатида икки гуруҳга ажратилади: субъект фаолиятдан бевосита манфаатдор фойдаланувчилар ва маълум фаолият мақсадларидан фойдаланувчилар.

Биринчи гуруҳ фойдаланувчиларига субъектнинг потенциал мулкдорлари, молиявий ҳисоботларидан кредит тақдим этиш ва унинг муддатини ўзайтиришнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш учун потенциал кредиторлар киритилади, мазкур миқдорлар билан ишбилормон алоқаларнинг ишончилигини аниқловчи етказиб берувчи ва сотиб олувчилар, солиқ тўловлар интизомининг туғрилиги, молиявий ҳисоботларининг туғри тўзилишини текшириш учун давлат ҳам молиявий ташқи фойдаланувчилар қатоорига киритилади.

Иккинчи гуруҳ фойдаланувчилари – биринчи гуруҳ фойдаланувчилари манфаатларининг ҳимояси учун зарур бўлган ҳисоботларни ўрғанувчи юридик ва жисмоний шахслардир. Буларга:

-инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳисоб ва ҳисоботнинг умумий қоидалари ва қонунчилигига текширилатган субъект ҳисоботларини мувофиқлигини текширувчи аудиторлик хизматлар.

-ўзларининг миқдорларига капиталларни самарали жойлаш бўйича маслаҳатларни ишлаб чиқиш мақсадида молиявий ҳисоботлардан ахборотлар сифатида фойдаланувчи молиявий маслаҳатлар бўйича маслаҳатчилар;

- қимматли қозғалар бозори ва биржалар;

Иқтисодчи олим Э.Уткин «Молиявий менежментда асосий масала бошқарув объекти молиявий манфаатларига жавоб берадиган мақсадларни белгилаб олишдир. Уни амал қилишининг самарадорлиги кўпроқ, молиявий бозор шарт шароитларига, бошқариш объектининг молиявий ҳолатига тез мослаша олиши билан белгиланади»¹, деб таъкидлаб ўтган.

Юқоридаги фикрнинг мазмуни шуни тасдиқлайдики субъектлар молиявий барқарорлигида ёки молиявий менежмент тизимининг самарали амал қилишида ташқи ахборотлар маълумотлари муҳим рол уйнайди. Чунончи, режалаштирилган фойдага таъсир этувчи омиллар қаторига бозорлардаги талаб ва таклифнинг умумий мувозанати ҳамда шу даврларда субъект томонидан ишлаб чиқарилган товарларнинг турдош товарлар билан бозорларнинг туйинганлик даражаси ҳам фаол таъсир этади.

Субъект ахборотлар базаси кўрсаткичларини таркиби сифатида уларни бир неча гуруҳлага ажратишимиз мумкин ва шундай гуруҳларнинг бири сифатида, мамлакатнинг умумиқтисодий ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичларни ўз ичига олувчи гуруҳ ҳисобланади. Мазкур гуруҳнинг ахборотларнинг тизими субъектнинг молиявий фаолияти соҳасидаги стратегик қарорлар қабул қилишида ташқи муҳит шарт шароитларини башорат қилиш учун хизмат қилади. Мазкур гуруҳга қуйидаги кўрсаткичлар киритилади:

- давлат бюджети ижросининг макроиқтисодий кўрсаткичлари;
- пул эмиссияси ҳажми;
- аҳолининг пул даромадлари;
- аҳолининг банклардаги жамғармалари;
- инфляция индекслари;
- марказий банкнинг ҳисоблашиш ставкалари.

Макро иқтисодий характердаги кўрсаткичлар стратегик қарор қабул қилишда субъект молиявий фаолиятига ташқи муҳитнинг таъсир омиллари ҳисобланади. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи тадбиркор товарларнинг маълум турини ишлаб чиқаришда аҳолининг сотиб олиш имконияти, пулнинг вақтли қиймати динамикаси ва бошқа қатор омилларни ҳисобга олишлари ҳамда стратегик қарор қабул қилишда мазкур омиллар бўйича ахборотларнинг муҳимлиги кўзатилади. Мазкур кўрсаткичларнинг асосий ахборотлар манбаи давлат статистика органларининг матбуотда эълон қилган материаллари ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳ ахборотлар кўрсаткичига субъектларнинг тармоқ ишлаб чиқариш муносабатларини характерловчи кўрсаткичлар киритилади. Гуруҳнинг кўрсаткичлар тизими субъектларнинг тезкор молиявий фаолиятига тегишли масалалар бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун хизмат қилади ва гуруҳ кўрсаткичлари тизимига қуйидагилар киритилади:

- маҳсулотларнинг баҳолар индекси;
- асосий фаолият бўйича фойдани солиққа тортиш ставкалари;
- активларнинг умумий қиймати, шу жумладан айланма маблағларнинг умумий қиймати;

¹ Э.А.Уткин «Финансовый менеджмент», Москва, изд.Зарцало, 2004 г.53 стр

- капиталнинг умумий суммаси, шу жумладан хусусий капиталнинг салмоғи;
- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва бошқалар.

Мазкур ахборотлар кўрсаткичлари тизими бевосита корхоналарнинг ўзаро контрагентлари туғрисидаги маълумотлар йиғиши ва тадбиркорликда кўзда тутиладиган турли хил хатарларнинг олдини олишда муҳим ҳисобланади. Бу гуруҳ кўрсаткичларининг шаллантириш манбалари пуллик бизнес мажмуалар, бозорларда тақдим этиладиган ахборот хизматлар ҳисобланади.

Учинчи гуруҳ ахборот кўрсаткичлари тизимига молиявий бозорлар конъюктурасини тавсифловчи кўрсаткичлар киритилади.

Мазкур ахборотлар кўрсаткичлари тизими субъектларда қисқа ва узок муддатли молиявий инвестициялар портфелини шакллантириш ва бошқа молиявий операциялар соҳасидаги бошқарув қарорларини қабул қилиш учун хизмат килиб уларнинг таркибига қуйидагилар киритилади:

- асосий биржаларда котировка қилинадиган фондли инструментлар;
- асосий фондли инструментларининг котировка қилинган талаб ва таклиф кўрсаткичлари;
- асосий фондли инструментларнинг турлари бўйича шартномаларнинг ҳажми ва нархлари;
- фонд бозорларидаги баҳолар динамикасининг йиғма индекси;
- тижорат банкларининг депозит ва кредит ставкалари;-
- алоҳида валюталарнинг расмий курслари ва бошқалар.

Мазкур ахборотлар кўрсаткичларининг асосий манбалари сифатида кундалик тижорат нашриётлари, турли хил электрон алоқа тармоқ каналларининг маълумотлари ҳисобланади.

Туртинчи гуруҳ ахборотлар кўрсаткичларига бошқарув ва молиявий ҳисоб маълумотлари бўйича субъектлар ички ахборотлар манбаларидан шакллантирилган кўрсаткичлар киритилади ва гуруҳ кўрсаткичлар тизими молиявий менеджментнинг ахборотлар базасининг асосини ташкил қилади. Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар тизими асосида корхонанинг молиявий фаолиятини ҳамма йўналишлари бўйича таҳлил қилиш, башорат қилиш, режалаштириш ва тезкор бошқарув қарорлари қабул қилиш амалга оширилади. Мазкур гуруҳ кўрсаткичларининг афзалликлари уларнинг умумлаштирилганлиги, шакллантиришнинг тартибга солиниши, ишончилиги ва мустаҳкамлигининг юқори даражадалиги билан белгиланади.

Молиявий ҳисоб кўрсаткичлари асосида ҳисобланган молиявий кўрсаткичлар молиявий ҳисоботларда жамланади. Молиявий ҳисоботлар ўзининг мақсадлари бўйича замонавий бозор иқтисодиёти молиявий инфраструктурасига мос келиши керак ва субъектнинг бозордаги самарали молиявий ресурсларнинг манбаларига эгалик қилиши учун таъсир этувчи инструмент функциясини бажариши керак.

2. Тадбиркорлик молиявий менежменти тизимида молиявий ҳисоботлар тушунчаси ва уларнинг қўлланилиш хусусиятлари.

Молиявий ҳисобот – ҳисоботлар шаклининг тўпламидир. У молиявий ҳисоб маълумотлари асосида тайёрланади ва фойдаланувчиларга субъектнинг молиявий аҳволи, фаолияти тўғрисида батафсил маълумот беради, шунингдек, ҳисобот даврида субъектнинг молиявий ҳолати ўзгаришлари тўғрисида оддий ва аниқ шаклда фойдаланувчилар учун амалий қарорлар қабул қилишга қўмаклашади. Молиявий ҳисоб, ўз навбатида, ички фойдаланувчилар учун ишлаб чиқариш ҳисоби маълумотлари умумлаштиришга ҳам қўлланилади. Ҳозирги шароитда молиявий ҳисоботлардан субъектнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ихчамлаштириб, молиявий имкониятларини ҳисобга олиш ва қарорлар қабул қилишда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилиш ва юритиш Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби, ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 54-сонли қарори, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) ва «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобини счётларининг режаси» асосида амалга оширилади. Ушбу меъёрий ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва олиб боришнинг ҳамда ҳисоботни тузишнинг умумий тартибларини белгилайди.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида тадбиркорлик шакллари ва кичик бизнес субъектларининг ташкил топиш жараёнида уларнинг молиявий бошқаруви, фаолиятининг назорати ва таҳлили, субъект бошқарувчилари томонидан тезкор қарорлар қабул қилинишига асос бўладиган зарур маълумотларни асосан бухгалтерия ҳисоби-китоблари бўйича молиявий ҳисоботларнинг шакллари кўринишида тақдим этиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларини бухгалтерия ҳисобида қайд этиб боришлари ва молиявий ҳисоботларни тузишлари, бу маълумотларни ички ва ташқи фойдаланувчиларга тақдим қилишлари шарт.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг соддалаштирилган тизими кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ва уларнинг иқтисодий аҳволи тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантиришга ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисоботларининг барча фойдаланувчиларга қулайлик даражасини оширади.

Молиявий ҳисоботлар бозор иқтисодиётининг муҳим элементи эканлигини эътиборга олган ҳолда, субъектларнинг молиявий ҳисоботини шакллантириш, тақдим этиш қоидалари ва йўналишларини мувофиқлаштириш субъект бошқарувчилари ва таъсисчилари манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий ҳисоботларни шундай ташкил этиш лозимки, улар иқтисодий маълумотлар тизимининг иложи борида тўла акс этирилишини таъмин этсин.

Ҳозирги шароитда молиявий ҳисоботлар тузиш ва улардан самарали фойдаланиш муносабатлари ўзгариб, уларнинг маълумотларидан жуда кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Молиявий ҳисоботларни функционал бўлинишига кўра субъект фаолияти тўғрисидаги маълумотлар билан қизиқувчиларни йирик икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- субъектнинг фаолиятини бевосита бошқараётган ички фойдаланувчиларга;

- молиявий ҳисоботнинг ташқи истеъмолчиларига. Улар ҳам иккига бўлинади: бевосита манфаатдор бўлган ва билвосита манфаатдор бўлган ташқи фойдаланувчиларга.

Бозор иқтисодиёти шароитида субъект тўғрисидаги маълумотлардан қайси бири бухгалтерия ҳисобининг ахборотларидан фойдаланувчиларнинг бўлинишига ва манфаатдорлигига сабаб бўлишини қисқача (1-жадвалда қайд этилган тарзда) ифодалаш мумкин.

Молиявий ҳисоботлардан фойдаланиш манфаатларини ёки қизиқиш жараёнлари бозор муносабати иштирокчилари учун жуда аҳамиятли ва муҳим. Шунинг учун корхонанинг молия бошқарувчилари ва тадбиркорлар молиявий менежмент усуллари қўллаш асосида амалдаги ҳисоботлар тизимига катта эътибор беришлари, уларни таҳлил қилишлари зарур. Бунинг учун молия менежерлари молия менежменти усуллари янада чуқурроқ ўрганишларига тўғри келади. Бу мақсадларни амалга ошириш учун молиявий менежментда маълумотлар бир нечта хусусиятга эга бўлишини эътиборда тутиш лозим.

Молиявий ҳисоботларни тузиш бозор муносабатлари шароитида қатор тамойиллар асосида ташкил этиладики, молиявий бошқаришнинг етарли даражадаги самарали воситаси ҳисобланган ушбу тамойилларни субъектларнинг ҳисоботида доимий тадбиқ этиш молиявий менежмент самарадорлигини ошириб бориш мақсадлари учун замин яратади.

1-жадвал

Молиявий ҳисобот маълумотидан фойдаланувчиларнинг манфаатларини гуруҳлаштириб ифодалаш

Фойдаланувчилар	Манфаати (ёки қизиқиш жараёни)	Маълумотлар манбалари
Корхона бошқарувчилари (менежерлари)	Ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятнинг самарадорлигини баҳолаш. Молиявий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш	Субъектнинг ички ҳамда молиявий ҳисоботлари
Солиқ органлари	Солиққа тортиш	Молиявий натижалар бўйича ҳисобот, аудит маълумотлари
Акциядорлар	Инвестициялар даромадлиги истиқ- болларини баҳолаш, акциялар бўйича	Молиявий ҳисобот

	дивидендларни тўлаш истикболларини баҳолаш	
Кредиторлар	Кредиторлик қарзлар ва фоизларини тўлаш учун маблағларнинг етарлилигини аниқлаш	Молиявий ҳисобот, махсус маълумотномалар
Мол етказиб берувчилар	Етказиб берилган маҳсулот(иш, хизмат)лар учун қарзларни тўлаш бўйича маблағларнинг етарлилигини аниқлаш	Молиявий ҳисобот
Харидорлар	Субъект фаолиятининг узоқ муддат давом этишини баҳолаш	Молиявий ҳисобот
Корхона ходимлари	Келгуси даврда субъектдан молиявий ва бошқа имтиёзлар ва тўловларни олиш мақсадида меҳнат билан бандликни баҳолаш	Молиявий ҳисобот
Статистика органлари	Статистик маълумотларни умумлаштириш	Молиявий ва статистика ҳисоботлари

Молиявий ҳисобот фойдаланувчиларга тақдим этилаётган маълумотларга қўйиладиган асосий талаблар бу маълумотларнинг фойдалилиги бўйича шундай ифода этилсинки, ушбу маълумотлар асосида бошқарув ва инвестицион қарорларини қабул қилиш мумкин бўлсин. Маълумотларнинг фойдалилик мезонлари (3-чизмада) келтирилган.

Молиявий ҳисоботларга қўйиладиган принципларнинг асосий таркиби молиявий ҳисоботларни тузиш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнларида кенг эътиборга олинадиган принциплар бўлиб, бугунги кунда улар молия бошқарувчилари ёки субъект менежерларига бозор иқтисодиёти шароитида фаол иштирок этиши учун катта аҳамиятга эга ва улар қўйидагилардан ташкил топган:

Икки ёқлама ёзув бухгалтерия ҳисобида ҳар бир муомала натижасида содир бўлган суммани икки марта— бир счетнинг дебети ва айнан шу суммани бошқа бир счетнинг кредитига ёзиш орқали ифода этилади. Улар ўртасидаги алоқа счетларнинг корреспонденцияси дейилади.

Маълумки, субъектнинг иқтисодий ресурслари активлар деб аталади.

Мажбуриятлар— бошқа субъектларнинг субъектнинг иқтисодий ресурсига даъвоси. Активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги айирма соф актив ёки хусусий капитал дейилади ва қўйидаги тенглама орқали акс эттирилади.

Активлар қ мажбуриятлар Қ хусусий капитал

Активлар - мажбуриятлар қ хусусий капитал

Субъектнинг ҳисоб регистрларида акс эттириладиган ҳодисалар хўжалик муомалалари деб баҳоланиб, ҳар бир хўжалик муомаласи ҳисоб регистрларига икки томонлама таъсир кўрсатади.

Даврийлик молиявий ҳисоботларнинг субъект томонидан ойлик, чораклик ва йиллик якуни бўйича тузилишини ифодалайди. Бунда субъект томонидан манфаатдор томонларга вақти-вақти билан ҳисобот бериб борилиши тушинилади.

Давомийлик субъект яқин келажакда (келгуси ўн икки ой давомида) ўз фаолиятини давом эттиришини англатади.

Пулда баҳолаш принципи хўжалик муомалаларининг актив ва пассивларининг универсал ўлчав сифатида пуллик ўлчов билан ифодаланишини билдиради.

Ҳисоблаш принципида субъектнинг даромадларини олиш билан бевосита боғлиқ харажатлари жорий ҳисобот даврида акс эттирилади. Ҳисоблаш принципига биноан пул маблағлари сотувчининг счётига ўтказилмаган бўлса ҳам, ҳисобот даврида маҳсулот ортиб жўнатилган ёки хизматлар кўрсатилган бўлса ҳам даромадлар тан олинади.

Мазмуннинг шаклдан устуворлиги. Бу принципнинг моҳияти шундаки, маълумотлар молиявий ҳисоботда акс эттирилганда унинг юридик шаклидан кўра, иқтисодий мазмунинг таркиби ва иқтисодий жиҳатдан асосланганлигига кўпроқ эътибор берилади.

Кўрсаткичларнинг солиштирувчанлиги принципига кўра, корхона хўжалик-молиявий фаолияти юзасидан маълумотларни бошқа субъект ларнинг фаолияти тўғрисидаги шунга ўхшаш маълумотлар билан солиштириш мумкинлигини назарда тутилади.

Тадбиркорлик субъектлари хўжалик-молиявий фаолияти натижаларини самарали таҳлил этиш ва молиявий ҳисоблар асосида молиявий қарорлар қабул қилиш учун молиявий ҳисоботларнинг маълумотларига таянишади.

3. Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари¹.

Субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг ахборотлар таъминоти мураккаб структурага эга бўлиб турли хил омиллар: бошқариш даражаси, ахборотларнинг мақсадли белгиланиши, фойдаланувчиларнинг таркиби ва қатор бошқа омиллар билан аниқланади. Субъектларда молиявий фаолиятнинг ахборотлар таъминотининг асосларини бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари ташкил қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоботи хизмати таркибига хўжалик фаолияти маълумотларини қайд қилиш молиявий ҳисоб китоб ишларини юритиш ва субъектнинг молиявий хўжалик фаолияти самарадорлигини баҳолаш ишлари учун зарурий маълумотлар базаси хизматини ҳам бажариши кабилар киради.

Молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга аниқ ишбилармон қарорлар қабул қилиш учун қулай ва тушунарли шаклда субъект молиявий ҳолати ҳақида умумлаштирилган ахборотларни ички ва ташқи фойдаланувчиларга тақдим этиш мақсадида молиявий ҳисоб маълумотлари асосида тўзилган ҳисобот шакллариининг мажмуасидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ҳисоботлар ўз навбатида субъектларни ташқи молиялаштиришнинг асосий манбаси ҳисобланувчи молиявий бозорлар ва субъектлар ўртасида ахборотлар алмашувининг асосий боғловчиси ва инструменти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам субъектларда молиявий- бошқарув қарорларини қабул қилишда ва молиявий менеджментнинг асосий ахборотлар манбаи сифатида молиявий ҳисоботлар тизимидан кенг фойдаланилади. Молиявий ҳисоботлар бозор иқтисодиёти шароитида субъектлар ички бошқарув тизими учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш ҳисоби маълумотларини умумлаштиради. Ишлаб чиқариш ҳисобининг маълумотлари ташқи фойдаланувчилар учун мулжалланмаган учунки у тижорат сири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ва молиявий ҳисоб тизимининг такомиллашгани субъектларнинг бошқарув таркиби билан белгиланади. Шунини ҳисобга олиш керакки бу таркиби универсал ҳисобланмайди: ҳар қайси субъект ўзининг фаолият хусусиятлари бўйича кўпроқ самарали бошқаришни ташкил қилишга интилади. Кичик субъектларда ишлаб чиқариш ҳисоби ва молиявий ҳисоб алоҳида хизматлар бўйича кўриб чиқилмайди. Бироқ функционал нуктаи назардан ишлаб чиқариш ва молиявий ҳисоблар ахборотлар зарур бўлган фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари учун муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар маъмурий буйруқбозлик тизимидан тубдан фарқ қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида биринчидан, янги турдаги фойдаланувчилар пайдо бўлади, иккинчидан, аввалги фойдаланувчилардан (масалан, субъект маъмурияти) фарқли равишда янги ахборотларга эҳтиёж туғилади.

¹ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодиёт мутахассисликлари бўйича бакалаврият битирув малакавий ишлари, магистирлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзуларидан олиниб таҳрир қилинган (2002-2005 йиллар).

Субъектлар менежерлари учун ҳисоботлардан фойдаланишдаги асосий манфаат ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият самарадорлигини аниқлаш ва шунингдек бошқарув ва молиявий қарорлар қабул қилишни иқтисодий асослаш ҳисобланади. Менежерлар учун асосий ахборотлар манбаи сифатида субъектнинг ички ҳисоботлари ва молиявий ҳисоботлар тизими ҳисобланади. Чунки ҳар қандай субъектда самарали ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил қилиш учун биринчи навбатда унинг молиявий иқтисодий потенциали аниқланади.

Солиқ органлари субъектларнинг тулайдиган солиқларнинг ўз вақтида ва мақсадга мувофиқ равишда ундириш жараёнини аниқлаш учун ҳисоботлардан фойдаланадилар ва унинг асосий ахборотлар манбаи сифатида молиявий ҳисоботлар, солиқ ҳисоботлари ва ички текширув ишларининг маълумотлари ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг акциядорлик турларини пайдо бўлиши натижасида ҳисоботлардан фойдаланувчиларнинг янги турлари яъни акциядорлар шаклланди. Акциядорлар ўзларига тегишли акциялар бўйича курс қийматини ва дивидендларининг истиқболларни аниқлаш мақсадида ахборотлари манбаи сифатида молиявий ҳисоботлардан фойдаланадилар.

Кредит муносабатларининг эркинлашуви ва кредит бериш тизимини эркин бозор механизмларига асосланиши натижасида банклар ва бошқа кредиторлар учун асосий масала олинган кредит ресурсларидан қарз олувчилар мақсадли фойланаётганлигини аниқлаш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кредит назорати учун зарур бўлган маълумотларнинг манбаи субъектнинг молиявий ҳисоботлари ва махсус маълумотлар ҳисобланади.

Субъектнинг контрагентлари ҳисобланган етказиб берувчилари ва сотиб олувчилари ҳам доимий равишда субъект молиявий фаолияти билан қизиқадиладар ва шунинг учун ҳам етказиб берувчилар тулай олиш имкониятига эга бўладиган ресурслар мавжудлигини асослаш ва сотиб олувчилар эса маҳсулот баҳосини асосланганлигини аниқлаш учун субъектнинг молиявий ҳисоботларидан ахборотлар манбаи сифатида фойдаланадилар.

Ҳисоботларда тақдим этиладиган ахборотларни ўқиш ва тушуниш фойдаланувчилар учун қулай бўлиши лозим. Ахборотларни фойдалилиги деганда манфаатдор шахслар томонидан ишбилармон қарорлар қабул қилиш учун улардан фойдаланиш имкониятлари ҳисобланади. Ҳар қандай молиявий ахборотлар фойдали бўлиши учун у тегишли мезонларга жавоб берадиган бўлиши лозим. Айниқса субъектларнинг бошқарув тизими учун зарурий ахборотлар молиявий қарор қабул қилиш ва молиявий режалаштириш учун самарали манба бўлиши лозим. Т.Балабанов «Молиявий менеджмент ўзининг ҳар қандай қарорларида иқтисодий мулоҳаза ва фикрлар асосида бошқаради ва ҳар доим умумий олинган ахборотлар асосида молиявий- бошқарув қарор қабул қилишни амалга ошириш билан ахборотлар оқимиға таянади»¹ деб таъкидлайди. Молиявий менежментнинг ахборотлар манбаи асосан субъектларда молиявий ҳисоб тизимлари ҳисобланади.

¹ И.Т. Балабанов «Финансовый менеджмент» Москва.: «Финансы .и статистика» 2004 г. 45 стр.

Молиявий ҳисоботлар сифатига нисбатан талаб нуктаи назаридан унинг асосий принципларидан бири аҳамиятли бўлиши ҳисобланади, яъни молиявий ҳисоботлардан олинadиган ахборотлар маълум аҳамиятга эга ва ундан фойдаланувчилар томонидан қабул қилинаётган қарорлар учун сезиларли таъсир кўрсататиши лозим. Ахборотлар утган давр, жорий ва келгуси давр қарорлари бўйича олинган натижалар асосида истикболли башоратларни ишлаб чиқишда аҳамиятли бўлиши ҳисобланади. Аҳамиятлилик яна фойдаланувчилар томонидан керакли молиявий хусусиятдаги ахборотларни янгилиги билан ҳам белгиланади.

Молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлик принципи. Молиявий ҳисоботлар хўжалик ҳаётининг воқеаларини аниқ кўрсатиши лозим. Шундагина бундай ҳисоботлардан ахборотлар манбаи сифатида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган бошқарув- молиявий қарорлар ўзининг самарасини бериши мумкин.

Нейтраллик принципи. Молиявий ҳисоботлар маълум турдаги ҳисоботлардан фойдаланувчилар манфатларини қондириш учун самарали бўлишини назарда тутиши лозим эмас. Молиявий ҳисоботлар ахборотлар манбаи сифатида фойдаланувчиларнинг ҳаммаси учун бир хилда бўлиши лозим.

Тушунарлилик принципи. Молиявий ҳисоботлар ҳар қандай фойдаланувчилар учун тушунарли ва содда бўлиши лозим.

Таққосланиш принципи. Маълум субъект томонидан шакллантириладиган молиявий ҳисоботлар ёўлланиладиган бухгалтерия ҳисоботи усулларининг кетма кетлигини асраши лозим ҳамда субъект фаолиятининг бир неча ҳисобот даврлари ахборотларини солиштириш имкониятини таъминланиши лозим.

Ҳар қандай ахборотларнинг бирлиги ҳисобнинг аниқ принциплари асосида шакллантирилганлигидан келиб чиқиб молиявий ҳисоботларда акс эттирилади. Шунинг учун ҳам ҳисобот маълумотларини шакллантиришда ҳисоб принциплари муҳим аҳамият касб этади. Бу принципларга икки ёклама ёзиш принципи, ҳисобнинг иқтисодий бирлик принципи, даврийлик принципи, амалдаги корхона принципи, пулли баҳолаш принципи, ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларни мувофиқлик принципи, устига қўйиб ҳисоблаш принципи ва бошқалар ҳисобланади.

Ҳисобот маълумотларини шакллантириш йўналишида ҳисоботларда келтирилган аниқ ахборотларга қўйилган чекланишларга риоя қилиниши лозим. Бунинг учун қуйидаги принципларга амал қилиниши кўзда тутилади: чиқим ва кирымни оптимал солиштириш, эҳтиёткорлик (консерватизм), конфиденциаллик принциплари.

Бозор иқтисодиёти асосида ривожланган мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш молиявий ҳисоботларни тайёрлаш қоидалари ҳисобланувчи ҳисоб стандартлари воситасида амалга оширилади. Умумий қабул қилинган ҳисоб тамойиллари (Generally Accepted Accounting Principles(GAAP)) бухгалтерия ҳисобида ахборотлар тайёрлашнинг ҳажми, турлари ва усулларини аниқлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси субъектларида молиявий ҳисоботлар юқорида курсатиб утилган ички фойдаланувчилар учун ҳамда, халқари бухгалтерия

стандартлари талабларига мувофиқ иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги ҳисоб тизимининг тамойилларига ҳам мувофиқ бўлиши лозим, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ахборотларига ва унинг бошқарув функцияси сифатидаги ролига мувофиқ келиши керак. Тамойилларнинг асосий гуруҳларининг мазмуни турли мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини миллий тизимларини соддалаштириш мақсадида халқари ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиладиган мавжуд ҳисоб ва ҳисоботнинг халқари стандартларини аниқлаб беради. Бухгалтерия ҳисобининг умумий қабул қилинган стандартлари хўжалик муомалаларининг субъективликдан четлашишига олиб келади; хўжалик муомалаларини нотўғри баҳолаш, ноаниқликлар ва икки томонлама фикрликларни олдини олади, ҳамда турли субъектларда молиявий ҳисоботлари солиштириш имкониятини ва турли даврлар кўрсаткичларини солиштириш имкониятини таъминлайди.

Жаҳон амалиётида турли мамлакатларнинг миллий хусусиятларига мувофиқ келувчи бухгалтерия ҳисобининг 3 модели жаҳон иқтисодиётида қабул қилинган:

Британ-америка модели, ҳисобнинг мазкур тури Австралия, АҚШ, Буюк Британия, Венесуэла, Гонконг, Ирландия, Исландия, Канада, Мексика, Марказий Америка мамлакатлари, Кипр ва бошқа мамлакатларда кенг кулланилади.

Бу моделнинг асосий хусусиятлари ижтимоий ташкилотлар ҳисобининг регламентацияси, ҳисобнинг молиявий асослари-инвесторлари ва кредиторларнинг суровлари учун ахборотларга мосланувчанлиги, фаол қимматли қўғозларнинг мавжудлиги, умумий ва профессионал бухгалтерия маълумотлари билан ҳарактерланади.

Континентал модел, ҳисобнинг мазкур модели, Австрия, Алжир, Белгия, Дания, Миср, Испания, Италия, Люксембург, Швейцария, Швеция, Япония ва бошқа мамлакатларга хосдир. Бу модел иқтисодиётнинг банк тизими ва давлатга кучли боғлиқлиги билан хусусиятланиб унинг фарқли томони, бизнеснинг банк билан мустақам ишлаб чиқариш боғлиқлиги, ҳисоб ва ҳисоботнинг давлат манфаатлари учун мувофиқлиги, макроиқтисодий режалаштириш ривожланганлиги билан белгиланади.

Жанубий Америка модели, ҳисобнинг мазкур модели, Аргентина, Боливия, Бразилия, Перу, Чили, Эквадор ва бошқа нобарқарор мамлакатларни ўз ичига олади. Бу моделнинг хусусиятли томони шундан иборатки, юқори даражадаги инфляция шароитида доимий ҳисоб маълумотларини коррективировка қилиш, аҳоли ва фирмалар даромадларини ҳисоби ва назорати бўйича давлатнинг қатъий тартибга солувчи талаблари, фискал йўналтирилганлиги билан белгиланади.

Кейинги йилларда, ғарб мамлакатларида бухгалтерия ҳисоби стандартларини яхлитлаштириш ишлари кескин тус олмоқда. Чунончи, хўжалик фаолиятини ва молиявий бозорларни байналминаллашуви, транснационал корпорациялар фаолият масштабларини кенгайтириш, турли мамлакатлар субъектларининг ишбилармон шерикчилигини кенгайтириш зарурияти билан белгиланади. Субъектларда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар бўйича тўзишда аввало «субъектнинг ҳисоботлари нималарга асосланган»лигини билиш лозим. Агар субъект мустақил ҳисобланса унинг ҳисоботлари таркиби бўйича (баланс, фойда ва зарарлар ҳақидаги

ҳисоботлар, пул маблағларининг ҳаракати туғрисидаги ҳисобот) ва мазмуни замонавий ҳисоб моделлари асосида ташкил қилиниши лозим.

Агар субъект шуба компанияси ҳисобланса ёки трансмиллий корпорацияларнинг филиаллари ҳисобланса ҳисоботлар консолидал-лаштирилган ҳисоботлар таркибига киритилиши ва унда ҳисобнинг ички фирмалар стандартлари тизимига амал қилиши лозим.

Концептуал тамойиллар гуруҳи молиявий ҳисоботларнинг иқтисодий мазмунини ташкил қилувчи кўрсаткичларга бўлган талабни аниқлайди. Улар бухгалтерия амалиётида фойдаланиладиган асосий тушунчалар мажмуасидан келиб чиқиб шакллантирилади ва бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари билан мувофиқ равишда қатъий белгиланади. Юқоридагиларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш керакки молиявий ҳисоботларни шакллантириш ва унинг таҳлили мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараёндир.

Бунда масаланинг маркази молиявий ҳисобот олишнинг ахборотлар базаси бошланғичини ташкил қилувчи кўрсаткичлар йиғиш ва қайд қилишдан тортиб инфляцион ўзгаришлар оқими ва бошқа тартибга солиш элементлари жараёнлари таъсирини ҳисобга олган ҳолда субъектлар молиявий ҳолатини таҳлил қилиш алгоритминини ишлаб чиқишгача бўлган ахборот технологияларнинг ҳамма босқичларини ташкил қилишнинг самарали йўллари кўрсатишдан иборат бўлади. Шу билан боғлиқ равишда субъект молиявий ҳисоботларни тўзишда ахборотлар олиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун комплекс инструментал элементлар: динамиклиги, қатъий белгиланиши, кулланилиши ҳисоблаш техникалари назорати остида ишбилармон қарорлар қабул қилиш жараёнида индивидуал ва коллегиял иштирок этиш кабилар билан белгиланади.

Молиявий ҳисоботларни тўзиш тамойиллари ташқи ва ички фойдаланувчилар учун қўлай бўлишини назарда тутиши билан субъектлар ички бошқарув тизими учун қўлай молиявий ахборотлар беришни ҳам назарда тутди.

4. Молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар уларнинг манфатлари ва ҳисобот шакллари юртишдаги асосий талаблар

Тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши ва тараққиётини самарали ташкил этишда энг муҳим таркибий қисмлардан бўлмиш молиявий ҳисоботлар тузиш, тақдим этиш ва улардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Молиявий ҳисоботлар, бозор иқтисодиёти шароитида субъектлар ўз олдига қўйган мақсадларига эришишида ва молиявий фаолияти натижаларини баҳолаш, таҳлил этиш ҳамда молиявий бошқарув тизими бошқаруви ва инвестицион фаолият бўйича қарорларни ишлаб чиқишда тузиладиган ҳисоботларни ўз ичига олади. Тадбиркорлик субъектлари белгиланган мақсадларига эришиши давомида:

- ўтган ҳисобот давридаги молиявий-хўжалик фаолиятнинг натижаларини, таҳлил қилишлари ва баҳолашлари;

- ички ва ташқи фойдаланувчилар учун ўзининг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича умумлаштирилган маълумотларни акс эттирувчи бир тизимга келтирган ҳолда йиғиб тақдим қилишлари керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига ва Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига кўра молиявий ҳисоботлар шакллариининг таркиби тасдиқланган. Кичик тадбиркорлик субъектлари йиллик молиявий ҳисоботларни фақат қисқартирилган тартиб бўйича топширадилар:

- бухгалтерия баланси – 1-шакл;
- молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2-шакл;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома– 2а- шакл;
- тушунтириш хати (схема, жадвал, график ва ҳ.к.).

Бозор шароитида субъектлар ўз тасарруфидаги барча ресурсларни молиявий, моддий ва пул ресурсларининг ҳаракати ҳамда улардан самарали фойдаланиш жараёнини бошқаришида молиявий ҳисоботлар муҳим ўрин тутди. Шундай экан, кичик тадбиркорлик субъектлари йиллик молиявий ҳисоботларининг таркибида 4-шакл—«Пул оқимлари тўғрисида»ги ҳисоботни ҳам тузишлари тавсия этилади. Унда субъектларнинг пул маблағлари айланиши ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари кўрсатилади. Субъектлар молиявий маълумотлардан фойдаланган ҳолда ўз молиявий фаолиятларига аниқ баҳо беришлари ва бу маълумотларни бухгалтерия ҳисоботларида акс эттиришлари муҳим вазифалардан саналади.

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ– 1-ШАКЛ.

Субъект баланси унинг маълум даврдаги маблағлари ва бу маблағларнинг манбалари ҳолатини кўрсатади. Бухгалтерия баланси ҳисобот даврининг боши ва охирида субъектга тегишли бўлган мулкнинг мавжудлиги ва ҳаракатини акс эттиради. Ҳамда актив ва пассив қисмлардан иборат бўлиб, унинг Актив қисмида субъект маблағларининг турлари ва жойланиши, пассив қисмида эса, уни бу маблағларнинг ташкил топиш манбалари ва тайинланиши акс эттирилади. Субъект активлари ва пассивларининг ўзгариши маблағлар ҳамда уларнинг ташкил топиш манбалари ошиши ёки камайишига олиб келади.

Балансининг актив қисми узоқ муддатли активлар ва айланма активларни ўз ичига олади.

Узоқ муддатли активларга субъектга тегишли **асосий воситалар**, яъни, хизмат муддати бир йилдан ортиқ ва бир донаси (комплекти)нинг баҳоси сотиб олиш санасида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан ортиқ бўлган активлар киради. Субъект раҳбари томонидан энг кам миқдор белгиланиши мумкин. **Номоддий активларга** субъектга даромад келтирувчи ёки унинг ишлаб чиқаришини юритишга шарт-шароит яратувчи, моддий кўринишга эга бўлмаган патент, муаллифлик ҳуқуқи, савдо маркалари, дастурий таъминот ва бошқалар киради.

Субъектнинг узоқ муддатли активлари бундан ташқари, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, молиявий инвестициялар, капитал қўйилмалар, узоқ муддатли дебиторлик қарзларини ҳам ўз ичига олади.

Жорий активларга субъект маблағларининг муомалавий цикли ёки бир йил давомида тўлиқ ишлатиладиган активлар киритилади. Балансининг актив қисми жорий активлари субъект молиявий қарорларни қабул қилишида умумлаштирилиб қўйидагича таркибда келтирилади:

- пул маблағлари;
- қисқа муддатли молиявий қўйилмалар;
- дебиторлик қарзлар;
- товар-моддий захиралари;
- келгуси давр харажатлари.

Субъект активлари таркибидаги пул маблағлари асосий ва юқори ликвидли маблағлар таркибига кирилади. Бундай маблағларга ҳисоблашиш, валюта счёти, банкдаги махсус ҳисоблар ва кассадаги пул маблағлари тушунилади. Улар субъектда бирламчи тўлов воситаси ҳисобланади.

Балансининг пассив қисмида субъект маблағларининг ташкил топиш манбалари акс эттирилади. Бу қисм маблағларнинг манбалари ва мажбуриятлар бўлиmlарига ажратилган.

Баланс пассив қисмининг ўз маблағлари манбалари бўлимига устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитал, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), мақсадли тушумлар, келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун резервлар кирилади. Баланс пассив қисмининг мажбуриятлар бўлимида узоқ муддатли ва жорий мажбуриятлар, бюджетга тўловлар бўйича қарзлар, мол етказиб берувчиларга қарзлар ва бошқалар акс эттирилади.

Субъект балансини ўрганишда асосий эътибор йил бошида ўтган даврда мулк ва маблағлар қанчалик ўзгарганлиги ҳамда активдаги ҳар бир банд пассивдаги манбаларни қанчалик таъминланганлигига қаратилади.

Балансининг пассив қисми ҳам айнан активлар каби маблағлар ҳаракатига кўра, қарзларни қайтариш муддатига қараб, қўйидаги гуруҳларга ажратилади:

- қисқа муддатли пассивлар;
- узоқ муддатли пассивлар;
- доимий пассивлар.

Қисқа муддатли мажбуриятлар – айланма активлар ҳисобидан қопланадиган ёки қисқа муддатли янги мажбуриятларнинг шаклланиши натижасида узиладиган мажбуриятлардир. қисқа муддатли мажбуриятларнинг таркибига бошқа ташкилотлардан бир йилгача бўлган муддатга олинган кредиторлик қарзлари ва банкнинг қисқа муддатли кредитлари кирилади.

Узоқ муддатли мажбуриятларда корхонанинг бир йилдан ортиқ муддатга олинган кредит ва қарзлари ифодаланади. Ушбу маълумотлар бухгалтерия балансининг 1-шакли 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Бухгалтерия баланси 1-шакл

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот даврининг бошига	Ҳисобот даврининг охирига
1	2	3	4
АКТИВ			

I.Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар:			
Бошланғич (кайта тиклаш)киймати (0100, 0300)	010		
Эскириш суммаси (0200)	011		
қолдик (баланс)киймати (сатр.010-011)	012		
Номоддий активлар:			
Бошланғич қиймати (0400)	020		
Амортизация суммаси (0500)	021		
қолдик (баланс)киймати (сатр. 020-021)	022		
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080), шу жумладан:	030		
қимматли қоғозлар (0610)	040		
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050		
қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060		
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070		
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080		
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	090		
Капитал қўйилмалар (0800)	100		
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940)	110		
Шундан: муддати ўтган	111		
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950,0960, 0990)	120		
I бўлим бўйича жами (сатр. 012+022+030+090+100+120)	130		
II. Жорий активлар			
Товар- моддий захиралари, жами (сатр.150Қ160Қ170Қ180), шу жумладан:	140		
Ишлаб чиқариш захиралари (1000,1100,1500,1600)	150		
Тугаланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160		
Тайёр маҳсулот(2800)	170		
Товарлар(2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180		
Келгуси давр харажатлари (3100)	190		
Кечиктирилгн харажатлар (3200)	200		
Дебиторлар, жами (сатр. 220+230+240+250+260+270+280+290+300+310)	210		
Шундан: муддати ўтган	211		
Ҳаридор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220		
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	240		
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250		
Мол етказиб берувчилар ва пудрачиларга берилган бўнақлар (4300)	260		
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270		
Мақсадли давлат жамғармалари ва сўғурталар бўйича тўловлари (4500)	280		
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310		
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+ 350+360), шу жумладан:	320		
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330		
Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари (5100)	340		
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350		
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360		
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370		
Бошқа жорий акивлар (5900)	380		
II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380)	390		
Баланс активи бўйича жами (сатр.130+ стр.390)	400		

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот даврининг бошига	Ҳисобот даврининг охирига
1	2	3	4
ПАССИВ			
1. Ўз маблағлари манбалари			
Устав капитали (8300)	410		
қўшилган капитал (8400)	420		
Резерв капитали (8500)	430		
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440		
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	450		
Мақсадли тушумлар (8800)	460		
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	470		
1 бўлим бўйича жами (сатр.410+920+430+440+450+460+470)	480		
II. Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+510+520+530+540+550+560+570+580+590)	490		
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590)	491		
шундан: муддати ўтган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари	492		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарзлар (7000)	500		
Ажралган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510		
Шўъба қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)	520		
Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210,7220,7230)	530		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240)	540		
Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250,7290)	550		
Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар (7300)	560		
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)	570		
Узоқ муддатли қарзлар (7820,7830,7840)	580		
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (7900)	590		
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+680+690+700+710+ 720+730+740+750+760)	600		
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр.610Қ630Қ650Қ670Қ680Қ690Қ700Қ710Қ720Қ760)	601		
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари	602		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610		
Ажралган бўлинмаларга қарз (6110)	620		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)	630		
Кечиктирилган даромадлар (6210,6220,6230)	640		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечикирилган мажбуриятлар (6240)	650		
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250,6290)	660		
Олинган бўнақлар (6300)	670		
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680		
Сўғурталар бўйича қарз (6510)	690		
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700		
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710		
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720		
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730		
Қисқа муддатли қарзлар (6820,6830,6840)	740		
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750		
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760		
II бўлим бўйича жами (сатр 490 + 600)	770		
Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480 + 770)	780		

Балансдан ташқари счётларда ҳисобга олинмаган қийматликларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот даврининг бошига	Ҳисобот даврининг охирига
Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар(001)	790		
Масъул асрашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар (002)	800		
Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар (003)	810		
Комиссияга қабул қилинган товарлар (004)	820		
Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар (005)	830		
Қатъий ҳисобот бунаклари (006)	840		
Тўловга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзи (007)	850		
Олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (008)	860		
Берилган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (009)	870		
Узоқ муддатли ижара шартномасига асосан берилган асосий воситалар (010)	880		
Суда шартномаси бўйича олинган мулклар (011)	890		
Келгуси даврларда солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган харажатлар (012)	900		
Вақтинчалик солиқ имтиёзлари(турлари бўйича)(013)	910		
Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари(014)	920		

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎ/РИСИДА ҲИСОБОТ. 2-ШАКЛ

Бозор шароитида субъектлар фаолиятини бошқаришда уни молиявий натижаларининг шаклланиши ва молиявий воситалар самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткич- фойданинг роли ошиб боради. Чунки фойда корхонанинг келажақдаги ривожланиши ва бошқарувида асосий молиялаштириш манбаидир.

Субъектларда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот молиявий йил даромадлари, харажатлари ва соф фойдани ёки зарарни кўрсатади.

Даромад маҳсулотларнинг сотилиши, хизматлар кўрсатилиши натижасида хусусий капитал миқдорининг ошишини таъминловчи омилдир. Даромадларнинг тушуми билан нақд пул маблағлари (келиб тушган пул маблағлари) ҳажми ошади ёки дебиторлик қарзлари яъни, ҳаридорлар тўлаши лозим бўлган суммалар ҳам кўпайиб боради.

Харажатлар капитални камайтиради ва даромад олиш мақсадида амалга оширилган ҳаракатларнинг натижасида вужудга келади. Харажатлар сотилган товарларнинг таннарига ёки бевосита тижорат муомалаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган сарфларга тенг бўлади.

Соф фойда умумий олинган даромаднинг умумий харажатдан ошган суммасидир. Фойда субъектнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб, барча пул тушум(даромад)лари билан харажатлари ўртасидаги фарқни кўрсатади. Агарда умумий харажатлар даромадлардан кўп бўлса, корхона молиявий йилни зарар билан якунлайди.

Субъектнинг соф фойдаси деб маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан, умумхўжалик ва молиявий фаолиятлари ҳамда фавқулодда зарарлардан иборат барча харажатларини қоплаб, қўшимча олинadиган даромадларидан солиқ суммасини тўлагандан кейин қолган суммасига айтилади. Субъект фойдасини шакллантириш олинган даромад кўпайган ёки камайганлиги, унинг ўзгариш сабабларига боғлиқ бўлганлиги учун бу ўзгаришга таъсир этувчи омиллар ўрганилади.

Субъектнинг соф фойдаси қўйидагилардан ташкил топади;

- маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан келган ялпи фойда;
- асосий фаолиятдан келган фойда;
- умумхўжалик фаолиятдан келган фойда(ёки зарар);
- фавқулодда вазиятлардан келган фойда (ёки зарар);
- фойда (даромад)дан тўланадиган солиқлар.

Субъект олган фойдани тақсимлаш асосан икки йўналишда амалга оширилади: бюджетга тўланадиган солиқ, йиғим, тўлов ва ажратмалар ҳамда субъектнинг ихтиёрида қоладиган соф фойда.

Ҳозирги шароитда субъектлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл)ни бюджетга тўловлар тўғрисидаги маълумотнома билан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартиб қоидаларидан келиб чиқиб тузади ва тақдим этади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шакли 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-шакл

	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		даромадлар (фойда)	харажатлар (зарарлар)	даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)- ларни сотишдан соф тушум	010		X		X
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннари	020	X		X	
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020)	030				
Давр харажатлари, жами (сатр.050Қ060Қ070 Қ080), шу жумладан:	040	X		X	
Сотиш харажатлари	050	X		X	
Маъмурий харажатлар	060	X		X	
Бошқа муомалавий харажатлар	070	X		X	
Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	080	X		X	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090		X		X
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр.030-040Қ090)	100				
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120Қ130Қ140 Қ150Қ160) шу жумладан:	110		X		X
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120		X		X
Фоизлар шаклидан даромадлар	130		X		X
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)дан даромадлар	140		X		X
Валюта курси фарқидан даромадлар	150		X		X
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		X		X
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр. 180Қ190Қ200 Қ210) шу жумладан:	170	X		X	
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180	X		X	
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	X		X	
Валюта курси фарқидан зарарлар	200	X		X	
Молияий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	X		X	
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100Қ110 -170)	220				
Фавқулодда фойда ва зарарлар	230				

Даромад (фойда)солиғи тўлангунга қадар фойда (зарар)(сатр. 200 -230)	240				
Даромад (фойда)солиғи	250	X		X	
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	260	X		X	
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)(сатр.240-250-260)	270				

Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот бўйича тўланади	Ҳақиқатда тўланган
Даромад (фойда), (сатр.281Қ282) Шу жумладан:	280		
Юридик шахслардан	281		
Жисмоний шахслардан	282		
Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ	290		
Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ	300		
Ягона ер солиғи	310		
Ягона солиқ	320		
Қўшилган қиймат солиғи	330		
Акциз солиғи	340		
Ер ости бойликларида фойдалаганлик учун солиқ	350		
Экология солиғи	360		
Сув ресурсларидан фойдалаганлик учун солиқ	370		
Импорт бўйича божхона божи	380		
Мол-мулк солиғи	390		
Ер солиғи	400		
Инфра структурани ривожлантириш солиғи	410		
Бошқа солиқлар	420		
Маҳаллий бюджетга йиғимлар	430		
Бюджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазолар	440		
Жами бюджетга тўловлар суммаси (280 дан 440 сатргача,281 ва 282 сатрлардан ташқари)	450		

ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҲРИСИДАГИ ҲИСОБОТ. 4-ШАКЛ.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунига мувофиқ ҳисоботларга киритилган. Унда пул маблағларининг ҳаракати нуқтаи назаридан субъектнинг мулки бўлган молиявий ресурсларининг ўзгариши акс эттирилади. Бу ҳисобот ёрдамида инфляция шароитида, бошқа молиявий ҳисобот шакллари тўлдиришда ҳисоблаш усулидан фойдаланишни эътиборга олган ҳолда, субъектнинг ликвидлигини объектив баҳолаш имкони яратилади.

Бозор шароитида ҳар қандай фаолият юритадиган субъект ўз тасарруфидаги барча ресурсларнинг ҳаракатини самарали ташкил этиши учун пул оқимларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузади ҳамда маълумотларни таҳлил этиш орқали молиявий бошқаришни амалга оширади. Чунки пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда субъектнинг жорий хўжалик фаолияти жараёнида пул маблағларининг келиб тушиши, сарфланиши ва уларнинг йил боши ва йил охиридаги қолдиғи, шунингдек, инвестицион ва молиявий фаолиятга йўналтирилган пул маблағлари акс эттирилади.

Субъектнинг жорий хўжалик, инвестицион ва молиявий фаолиятининг таъсирида барча пул маблағлари ўзгариши бу пул маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағларнинг қолдиқлари ўртасидаги боғлиқликни ҳисобот даврининг боши ва охирига нисбатан ўрнатиш имконини беради.

"Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот" тўртта бўлимдан ташкил топган:

1. Муомалавий фаолият натижасида олинган пул маблағларининг ҳаракати.
2. Солиқни тўлаш учун сарфланган маблағлари.
3. Инвестиция фаолияти учун сарфланган ва олинган пул маблағлар.
4. Молиявий фаолият бўйича сарфланган ва олинган пул маблағлар.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот субъектнинг юқори даражада даромад келтирадиган режаларни лойиҳалаштириш учун четдан пул маблағи жалб қилмасдан нақд пул билан ўзини ўзи таъминлаш имкониятини кўрсатади. Бозор шароитида субъектлар муомалавий, инвестицион ва молиявий фаолияти натижаларини тўлиқ ўрганиши зарур бўлганлиги учун кичик тадбиркорлик субъектлари ҳам ушбу ҳисобот шаклини тўлдирса келажакдаги тараққиётини белгилашда муҳим рол ўйнайди. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг шакли 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот. 4-шакл

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Кирим	Чиким
1	2	3	4
Муомалавий фаолият			
Маҳсулот (товар иш ва хизмат)ларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари	010		
Материал (товар иш ва хизмат)лар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари	020		
Ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари	030		
Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	040		
Жами: операцион фаолиятнинг соф пул кирими чикими (сатр.010-020-030+040)	050		
Инвестиция фаолияти			
Асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш	060		
Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш	070		
Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш	080		
Инвестицион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	090		
Жами: инвестицион фаолиятнинг соф пул кирими (чиким) (сатр 060+-070+080+-080+-090)	100		
Молиявий фаолият			
Олинган ва тўланган фойзалар	110		
Олинган ва тўланган дивидендлар	120		
Акциялар чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инсрументлардан келган пул тушумлари	130		
Хусусий акциялар сотиб олингандаги пул тўловлари	140		
Узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари	150		
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)бўйича пул тушумлари ва тўловлари	160		
Молиявий фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	170		
Жами: молиявий фаолиятнинг соф пул кирими (чикими) (сатр.110+120+130+140+150+160+170)	180		
Солиққа тортиш			
Тўланган даромад (фоида)солиғи	190		
Тўланган бошқа солиқлар	200		
Жами тўланган солиқлар (сатр 190+200)	210		
Жами молиявий хўжалик фаолиятининг соф пул кирими чикими (сатр.050+100+180-210)	220		
Йил бошидаги пул маблағлари	230		
Йил охиридаги пул маблағлари	240		

Чет эл валютасида пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумот

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Миқ дори
Йил бошига қолдик	250	
Келиб тушган валюта маблағлари, жами (сатр 261+262+263+264), шу жумладан	260	
Сотишдан олинган тушум	261	
Конвертация қилинган	262	
Молиявий фаолият бўйича	263	
Бошқа манбалар	264	
Сарифланган валюта маблағлари, жами (сатр 271+272+273), шу жумладан	270	
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўловлар	271	
Молиявий фаолият бўйича тўловлар	272	
Бошқа мақсадлар учун	273	
Йил охиридаги қолдик (сатр 250+260+270)	280	

Таянч иборалар: Субъект фаолиятини бошқариш, ишлаб чиқаришни бошқариш, ташкилий таъминот, ахборотлар таъминоти, молиявий ҳисот, баланс, баланснинг активи, баланснинг пассиви, молиявий натижа, пул оқими, хусусий капитал, муомалавий фаолият, молиявий фаолият, инвестицион фаолият.

Назорат учун саволлар.

1. Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.

2. Молиявий ҳисоботнинг тузилиши ва таркиби субъектнинг баланси, фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот.

3. Молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар ва уларнинг манфаатлари.

4. Молиявий ҳисоботларнинг шакллари.

5. Бухгалтерия баланси, 1-шакл.

1. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, 2-шакл.

2. Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, 3-шакл.

3. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, 4-шакл.

4. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот, 5-шакл.

10. Молиявий ҳисобот шакллари тўғри тузиш бўйича қўйиладиган асосий талаблар.

11. Баланс тушунчаси, унинг моҳияти ва корхоналар учун зарурияти. Баланснинг актив ва пассив қисмлари. Бухгалтерия балансини тузиш ва тақдим этиш тартиби.

12. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг моҳияти ва аҳамияти. Таркибий элементлари: даромадлар, харажатлар, фойда, ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартиби.

13. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг моҳияти ва аҳамияти. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартиби.

14. Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, унинг моҳияти ва аҳамияти.

15. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот, унинг моҳияти ва аҳамияти. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг таркибий элементлари ва тузиш тартиби.

16. Ҳисоботларнинг ўзаро боғлиқлиги, субъект баланси орқали унинг фаолияти натижаларини назорат қилиш.

17. Ҳисоботнинг экспресс-диагностикаси.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Актуальные вопросы административного и финансового права. СБ. науч. тр. Вып 2. - М.: МГИМО, 2004. – 209 с.
2. Астахов В. П. Финансовый учет. Тесты: Учебное пособие. - М.: ИДФБК-Пресс, 2004. – 200 с.
3. Бланк Е.Г. Основы финансового менеджмента.-М.: ИНФРА, 2004г.
4. Дон Патинкин. Деньги, процент и цены.-М.: Экономика, 2004.-375 с.
5. Донцова А.В., Никифорова Н.А. Анализ финансовой отчетности. Практикум. - М.: Дело и Сервис, 2004. – 144 с.
6. Миронов М.Г. Финансовый менеджмент (Справочник руководителя). - М.: ГроссМедиа, 2004. – 144 с.
7. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.
8. Собиров М.А., «Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асослари», Тошкент: Консаудитинформ - Нашриёт, 2003.
9. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорлик фаолияти асослари» (ўқув амалий қўлланма).- Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет.
10. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорликда молиявий менежмент» (ўқув амалий қўлланма).- Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет.

Интернет веб- сайтлари:

www.uz

www.gov.uz

II- БЎЛИМ: СУБЪЕКТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ

3-МАВЗУ: МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛНИНГ АСОСЛАРИ

Режа:

1. Молиявий таҳлилнинг турлари ва уларни ўтказиш услублари.¹
2. Молиявий коэффициентлар ва кўрсаткичлар билан ишлаш.
3. Субъектларни молиявий баҳолашда молиявий ҳисоботлар ва коэффициентлардан фойдаланиш усуллари.

1. Молиявий таҳлилнинг турлари ва уларни ўтказиш услублари

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида турли мулк шаклидаги субъектларнинг фаолиятида эркин муносабат юритиш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш учун шерик танлай билиш, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ва уни сотишдан олган даромадга тўлиқ эгалик қилиш, молиявий кўрсаткичларининг ўзгаришига бевосита таъсир этади. Янгича иш юритиш ташқи ва ички бозорлардан тажрибали мижоз ва ҳамкорлар танлаш билан бирга уларнинг молиявий имкониятларини ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Субъектлар фаолиятини ўрганишда молиявий ҳисобот асосий манба бўлиб хизмат қилади. Улар молиявий маълумотларнинг умулштириши натижасида тузилади ва ҳамкорликда ишловчилар ўртасида бири-бирини ўрганиш воситаси бўлади.

Субъект молиявий ҳолатининг таҳлили нафақат ўзи учун, аёлки унинг турли туман шериклари, мулкдорлари ва молиявий идоралар учун ҳам каёта аҳамиятга эга.

Кредит берувчилар даставвал субъектнинг қарз мажбуриятларини тўлаш қобилияти билан қизиқадилар. Узоқ муддатли кредит берувчи банк ёки облигациялар эгасини корхонанинг олинган кредитлар бўйича фоизлар ва қарзнинг асосий суммасини тўлаш қобилияти қизиқтиради.

Субъектнинг молиявий ҳолати бу кенг қамровли тушунча бўлиб, у корхона молиявий ресурсларининг мавжудлиги, жойлашуви ва улардан фойдаланишни акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими айлан таърифланади.

Ҳисоботлар асосида корхона молиявий таҳлилининг ўтказилиши бўйича ташқи ва ички молиявий таҳлил мавжуд.

Субъектнинг режалаштирилган меъёрлардан четга чиқишларининг таҳлили унинг молиячилари томонидан хўжалик фаолияти ҳақидаги барча ишончли ахборотлар асосида амалга ошириладиган молиявий ҳолат ички таҳлилининг таркибий қисми бўлиб қолади.

Субъектнинг молиявий ҳолати ташқи манфаатдор контрагентлар, мулкдорлар ёки давлат идоралари томонидан корхона фаолияти бўйича тузилган молиявий ҳисоботида асосланган таҳлилнинг ҳарактерини касб этади.

¹ ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодий мутахассисликлари бўйича бакалаврият битирув-малакавий ишлари, магистрлик ,номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари (2002-2005 йиллар).

Баланс ликвидлигининг таҳлили жорий тўлов қобилиятини баҳолаш, келгусида молиявий мувозанатни ва тўлов қобилиятини сақлаб қолишнинг имконияти ҳақида хулоса бериши керак.

Молиявий коэффициентларнинг таҳлили бу субъектнинг молиявий ҳолатини рақибларнинг молиявий ҳолатига солиштириш, ҳамда бир қатор ҳисобот йиллари учун молиявий ҳолат динамикасининг тадқиқотини ўтказишга имкон беради.

Баланс ҳисоботи бир томондан, объектив таҳлил имкониятини берувчи, иккинчи томондан, таҳлилий ҳисоботларни ўтказиш учун қулай шаклга ўзгартириш таҳлилни ўтказишда зарурий дастлабки босқич бўлади.

Ички таҳлил доирасида корхона молиявий барқарорлигининг ўзаро боғлиқ кўрсаткичларни ўз ичига олувчи тўлов қобилиятига эга бўлмаслик балансини тузиш асосида амалга оширилади.

Баланс ликвидлиги таҳлилининг вазифаси кредит қобилиятига баҳо бериш заруриятидан келиб чиқади. Баланснинг ликвидлиги корхона мажбуриятларини унинг пулга айланиш муддати мажбуриятларини қоплаш муддатига мос келувчи активлари билан қоплаш даражаси сифатида аниқланади. Баланс ликвидлигининг таҳлили ликвидлик даражасига кўра гуруҳлаштирилган ва ликвидликнинг камайиши тартибида жойлаштирилган активлар бўйича маблағларни тўлаш муддатлари асосида гуруҳлаштирилган ва муддатларнинг ўсиб бориши тартибида жойлаштирилган пассив бўйича мажбуриятлар билан солиштиришни ўз ичига олади.

Молиявий коэффициентлар корхона молиявий ҳолатининг нисбий кўрсаткичларидан, молиявий коэффициентларнинг таҳлили уларнинг миқдорларини базисли миқдорлар билан солиштириш ҳамда ҳисобот даври ва бир қатор йиллар учун Ушбу миқдор уларнинг динамикасини ўрганишдан иборат.

Молиявий таҳлилнинг тизими ва унинг асосий усуллари. Бозор шароитида субъектларнинг аниқ молиявий қарорларни қабул қилишда қатор молиявий таҳлил тизими ва усуллари кенг қўлланилади. Юқори самарали молиявий қарорларга эга бўлиш молиявий менежментнинг қўйидаги таҳлил тизими ва усуллари таркибига(3-чизма) боғлиқ бўлади:

- ҳисоботни ўқиш;
- горизонтал(ёки трендли) молиявий таҳлил;
- вертикал(ёки таркибий) молиявий таҳлил;
- таққосли молиявий таҳлил;
- интеграл молиявий таҳлили;
- молиявий коэффициентларнинг таҳлили.

Ҳисоботни ўқиш ва ушбу шаклларда берилган мутлақ миқдорларни ўрганиш таҳлилнинг энг муҳим усулларида биридир. Ҳисоботни ўқиш ёки у билан оддий танишиш субъект томонидан жалб қилинган маблағларнинг, уларни киритиш йўналишлари, ҳисобот даврида олинган фойданинг, пул маблағларини олишнинг асосий манбалари, ҳисобда қўлланилаётган усуллар, улардаги ўзгаришлар,

ташкилий тузилиши фаолият йўналишлари ва дивиденд сиёсати ҳамда бошқалар ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Горизонтал (ёки трендли) молиявий таҳлил субъектнинг олинган даврдаги алоҳида молиявий кўрсаткичларини ўрганиш асосида шаклланади. Ушбу таҳлил тизимидан фойдаланиш жараёнида алоҳида молиявий кўрсаткичларнинг ўсиш сурати ҳисобланиб, уларнинг умумий ўзгаришлари аниқланади. Молиявий менежментда горизонтал молиявий таҳлилнинг қўйидаги шакллари мавжуд:

- ҳисобот даврини молиявий кўрсаткичларини ўтган давр кўрсаткичлари билан таққослаш;
- ҳисобот даврини молиявий кўрсаткичларини ўтган йилнинг шу даври бўйича таққослаш;
- молиявий кўрсаткичларни ўтган даврлар динамикаси билан таққослаш.

Вертикал (ёки таркибий) молиявий таҳлил субъектнинг алоҳида молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг таркиби бўйича шаклланади. Бу таҳлилдан фойдаланишда барча алоҳида таркибларнинг молиявий кўрсаткичларининг жами салмоғи олиб ҳисобланади. Бунда, таҳлил айрим молиявий кўрсаткичларнинг 100 фоизга қабул қилинган умумий якуний кўрсаткичдаги салмоғини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Молиявий менежментда таҳлилнинг қўйидаги шакллари асосланади:

- активларнинг таркибий таҳлили;
- капиталларнинг таркибий таҳлили;
- пул оқимларининг таркибий таҳлили.

Таққосли молиявий таҳлил корхонанинг алоҳида бўлган бир таркибдаги кўрсаткичларни ўзаро боғлиқликда мазмунига қараб солиштиришлар асосида амалга оширилади. Молиявий менежментда фойдаланиш учун қўйидаги таҳлил шакллари мавжуд:

- молиявий кўрсаткичларни тармоқлараро таққослаш;
- молиявий кўрсаткичларни рақобатбардошлиги билан таққослаш;
- молиявий кўрсаткичларни ички таркибий бўлим бирликлари билан таққослаш;
- молиявий кўрсаткичларни ҳисобот ва режа бўйича таққослаш.


Интеграл молиявий таҳлил баъзи алоҳида олинган субъектнинг молиявий кўрсаткичларини чуқур баҳолаш шартларини шакллантиришга имкон беради. Бу таҳлилнинг қўйидаги шакллари мавжуд:

- дюпон тизимининг интеграл таҳлили;
- аниқ мўжжаланган интеграл молиявий таҳлил;
- портфелли молиявий таҳлил.

Молиявий коэффицентлар таҳлили (R-таҳлил) субъектнинг умумий молиявий кўрсаткичларини турли хил ҳисоблашлар бўйича ўзаро солиштирилишига асосланади. Айниқса, нисбий ёки бошқа кўрсаткичлар билан субъектнинг молиявий ҳолати ва молиявий фаолиятининг натижалари аниқланади. Бу таҳлилнинг қўйидаги шакллари мавжуд:

- молиявий барқарорлик таҳлили;

- тўлов қобилиятининг таҳлили;
- активларни айланишининг таҳлили;
- капитални айланишининг таҳлили;
- рентабиллик таҳлили.



3- чизма. Молиявий таҳлил тизимининг турли усуллари ва уларни ўтказиш шакллари

2. Молиявий коэффицентлар ва кўрсаткичлар билан ишлаш

Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги улар билан ҳамкорлик қилувчи ташқи субъектлар, яъни моддий-техника таъминоти корхоналари, турли иш ва хизматлар кўрсатувчи корхоналар, маҳсулот сотишга кўмаклашувчи, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари, кредиторлар ва инвесторлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ташқи субъектлар, биринчи навбатда, хўжаликнинг молиявий ҳолатини ифода этувчи кўрсаткичларга эътибор қаратадилар. Бу кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- капитал таркиби кўрсаткичлари;
- тўлов қобилияти (ликвидлик) кўрсаткичлари;
- иш фаоллиги кўрсаткичлари;
- рентабеллик кўрсаткичлари.

1. Капитал таркиби кўрсаткичлари кичик тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли молиявий маблағлар (қуйилмалар) киритган кредиторлар ва инвесторларнинг ҳимояланиш даражасини акс этиради. У субъектнинг узоқ муддатли молиявий мажбуриятларини бажариш қобилиятини ифодалайди.

Мулк коэффиценти (K_m) кичик тадбиркорлик субъектларининг жами капиталида ўз хусусий капиталининг улушини кўрсатади:

$$K_m = \frac{XK}{ЖАйк}$$

Бу ерда: XK – субъектнинг хусусий капитали қиймати;

$ЖАйк$ – субъект жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

Субъект мулкдорлари жами капитал таркибида ўз капитали улуши юқори бўлишидан манфаатдор бўладилар. Бу коэффицент бирдан юқори бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки, у субъектнинг иш фаоллиги тушиб кетган ҳолларда кўп йўқотишлардан асрайди ва кредитлар жалб этиш учун гарови сифатида чиқади.

Молиявий қарамлик коэффиценти ($K_{мк}$) субъектнинг ташқи қарзларга боғлиқлик даражасини ифодалайди:

$$K_{мк} = \frac{KK}{XK}$$

Бу ерда: KK – қарз эвазига жалб этилган капитал қиймати;

XK – субъектнинг хусусий капитали қиймати.

Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, субъектнинг қарзлари шунча кўп ва банкротлик хатари шунча юқори бўлади. Рақобатли бозор муҳитида бу кўрсаткич бирдан юқори бўлмаслиги мақсадга мувофиқ.

Кредиторларнинг ҳимояланганлиги коэффиценти ($K_{кх}$) кредиторларнинг берилган кредитлар фоизлари тўланмаслигидан ҳимояланганлиги даражасини белгилайди:

$$K_{\text{кх}} = \frac{C\Phi}{\Phi X}$$

Бу ерда: $C\Phi$ – солиқлар ва фоизлар тўлангаунга қадар соф фойда;
 ΦX – ҳисобот даврида фоизларни тўлаш харажатлари.

Бу кўрсаткич хўжаликнинг ҳисобот даврида фоиз харажатларини тўлаш учун неча марта маблағ ишлаб топганини кўрсатади ва қанча юқори бўлса, кредиторлар учун шунча муҳим ҳисобланади.

2. Тўлов қобилияти (ликвидлик) кўрсаткичлари субъектнинг кредиторлар олдидаги қисқа муддатли мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган маблағлари нисбатини ифода этади. Бунинг учун зарур бўлганда тезлик билан пул маблағларига айлантириш имконияти (ликвидлиги) юқори бўлган айланма маблағлар асос қилиб олинади.

Жорий ликвидлик коэффиценти ($K_{\text{жл}}$) субъектнинг йил давомидаги қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш учун маблағлари етарли ёки етарли эмаслигини аниқлаш учун ишлатилади. Бу коэффицент 1 ва 2 сонлари оралигида бўлиши мақсадга мувофиқ:

$$K_{\text{жл}} = \frac{ПМ + МКк + ДКс + ТМЗ}{Мкм}$$

Бу ерда: $ПМ$ – субъектнинг пул маблағлари;

$МКк$ – қисқа муддатли молиявий қуйилмалар;

$ДКс$ – соф дебиторлик қарзи;

$ТМЗ$ – товар-моддий захиралари;

$Мкм$ – субъектнинг қисқа муддатли мажбуриятлари.

Тезкор ликвидлик коэффиценти ($K_{\text{ил}}$) субъектнинг қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш учун ликвидлиги юқорироқ маблағлари нисбатини акс эттиради:

$$K_{\text{ил}} = \frac{ПМ + МКк + ДКс}{Мкм}$$

Бу кўрсаткичнинг моҳияти шундан иборатки, айрим ҳолларда қисқа муддатли мажбуриятларнинг қайтариш муддати тугаб, тезда қарзни узиш зарурияти туғилганда товар-моддий қийматликларни пулга айлантириш имконияти биров чегараланган, яъни уни сотиш жараёни чўзилиб кетиши мумкин. Банкдаги ҳисоблар ва кассадаги пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қуйилмалар ва соф дебиторлик қарзлари эса нисбатан юқори ликвидли молиявий ресурслар ҳисобланади.

Абсолют ликвидлик коэффиценти ($K_{\text{ал}}$) корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш учун абсолют ликвидликка эга бўлган пул маблағларининг нисбатини акс эттиради:

$$K_{ал} = \frac{ПМ}{М_{км}}$$

3. Рентабеллик кўрсаткичлари барча субъектлар фаолиятининг энг асосий ва якуний кўрсаткичидир.

Субъект фаолиятини таҳлил қилишда фойданинг умумий суммаси билан бирга, у қандай харажатлар эвазига олинаётганлини, маблағлар қандай даражада айланаётганлигини билиш мулкдорлар, шериклар ва кредиторлар учун ўта аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун корхонанинг молиявий ҳисоботида фойдалилик даражаси ва маблағлар айланишини ифода этувчи қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

Активлар рентабеллиги. (РА):

$$РА = \frac{СФ}{ЖАйк}$$

Бу ерда: $СФ$ – соф фойда;

$ЖАйк$ – субъект жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

Субъектнинг жами активлари рентабеллиги субъект активларига қўйилган маблағларнинг бир сўмига тўғри келадиган соф фойда, активлардан қанчалик даражада фойдаланилганлигини ифода қилади.

Сотилган маҳсулотнинг рентабеллиги (PCM):

$$PCM = \frac{ЯФ}{ССТ} \quad \text{ёки} \quad PCM = \frac{СФ}{ССТ}$$

Бу ерда: PCM – сотилган маҳсулот рентабеллиги;

$ЯФ$ – ялпи фойда;

$СФ$ – соф фойда;

$ССТ$ – маҳсулот сотишдан соф тушум.

Сотилган маҳсулотнинг рентабеллиги сотилган маҳсулотнинг ҳар бир сўми қанча ялпи фойда ёки соф фойда келтирганини кўрсатади.

Хусусий капиталнинг рентабеллиги (РХК):

$$РХК = \frac{СФ}{ХК}$$

Бу ерда: $СФ$ – соф фойда;

$ХК$ – хусусий капиталнинг ўртача йиллик қиймати.

Мулкдор томонидан киритилган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда фойдаланилади ва бу кўрсаткич бошқа қимматли қоғозлар киритилганда олиниши мумкин бўлган даромад билан солиштириш имконини беради.

Хусусий капиталнинг ҳар бир сўми қанча соф фойда келтирганини кўрсатади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (РИХ), бу айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларнинг бир сўмига олинган ялпи фойда ёки соф фойдани ифода қилади. Бу кўрсаткичдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқарининг солиштирма самарадорлигини аниқлашда кенг фойдаланилади.

$$РИХ = \frac{ЯФ}{МИТ} \quad \text{ёки} \quad РИХ = \frac{СФ}{МИТ}$$

Бу ерда: *ЯФ* – ялпи фойда;

СФ – соф фойда;

МИТ – маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи.

4. Иш фаоллиги коэффицентлари корхонанинг ўз маблағларидан қанчалик самарали фойдаланаётганини аниқлаш мақсадига хизмат қилади. Иш фаоллиги коэффицентлари корхонанинг маблағлари айланиши тезлиги, яъни маблағларнинг пул кўринишига ўтиши тезлигини ифодалайди ва хўжаликнинг тўловга қобиллигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлар сифатида юзага чиқади. Шунингдек, маблағлар айланишининг тезлашуви корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ошишига ҳам сабаб бўлади. Иш фаоллиги кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

Активларнинг айланиши (АА) – бу корхона активларига қўйилган маблағларнинг ҳар бир сўми қанча сўмлик сотилган маҳсулот қийматини келтирганини кўрсатади.

$$АА = \frac{ССТ}{ЖАйк}$$

Бу ерда: *ССТ*- маҳсулот сотишдан соф тушум;

ЖАйк – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

Дебиторлик қарзларнинг айланиши (ДА):

$$ДА = 365 : \frac{ССТ}{ДК}$$

Бу ерда: *ДК* - дебитор қарзлари ўртача йиллик қиймати.

Дебитор қарзларнинг айланиши субъект уни неча кунда узиши мумкинлигини кўрсатади.

Кредиторлик қарзларнинг айланиши (КА):

$$КА = 365 : \frac{СМТ}{КК}$$

Бу ерда: *СМТ* - сотилган маҳсулотнинг таннархи;

КК - кредитор қарзларнинг ўртача йиллик қиймати.

Кредитор қарзларнинг айланиши (кунда) хўжаликнинг мол юборувчилардан ўз қарзини узиш учун неча кун кераклигини кўрсатади.

Товар - моддий заҳиралари айланиши (ЗА):

$$3A = 365: \frac{CMT}{TMЗ}$$

Бу ерда: $TMЗ$ – товар-моддий захираларининг ўртача йиллик қиймати.

Товар-моддий захираларининг айланиши моддий-ишлаб чиқариш захираларини сотиш учун неча кун кераклигини кўрсатади.

3. Корхоналарнинг молиявий натижаларини баҳолашда молиявий ҳисоботлар ва коэффицентлардан фойдаланиш усуллари.

Бошқарув қарорлари қабул қилиш учун зарурий ахборотлар албатта молиявий менеджмент учун тегишли ахборотлар манбаларининг сифати, кўрсаткичлари ва эҳтимоллигига бевосита боғлиқдир. Бунда биринчи навбатда корхоналарнинг ички молиявий ҳолатини ўзида акс эттирувчи молиявий ҳисоботлар асосий рол уйнайди. Молиявий ҳисоботлар молиявий менеджмент учун бошқарув, молиявий, инвестицион қарорлар қабул қилишдаги энг муҳим молиявий ахборотлар манбаи ролини уйнайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналардаги мавжуд молиявий ҳисоботлар тизими асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- баланс;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- бюджетга туланмалар тўғрисидаги ҳисоботлар,
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;
- дебиторлик ва кредиторлик тўғрисидаги ҳисоботлар.

Турли мамлакатларда ҳисоботларни шакллантиришга ўзига хос талаблар қўйилади, бироқ ҳисобот тизимининг асосий шакллари сифатида баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар тўзилади. Ҳисоботнинг қолган шакллари баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шакллари ҳосиласи сифатида тўзилади. Умуман ҳисобот тизими элементларининг деталлаштирилиши субъектлар иқтисодий фаолиятининг натижаларини молиявий акс эттирилишини осонлаштиради ва ундан фойдаланувчилар учун бир қатор қулайликлар тугдириши мумкин.

Молиявий менеджмент ахборотларининг асосий манбаи корхоналарнинг бухгалтерлик баланси ҳисобланади.

Баланс субъектларнинг маълум муддатларга молиявий ҳолатини тавсифлаб, бир томондан ягона пулли баҳоланишларда субъектларнинг ресурсларини таркибини ва улардан фойдаланиш йўналишларини иккинчи томондануларни молиялаштириш манбаларини акс эттиради. Субъектлар баланси унинг актив ва пассив томонлари мувозанатини таъминлайди. Балансдаги ўзгаришлар активлар ва пассивларнинг таркиби ёки активлар ва пассивларнинг ўзаро тўғри муносабат равишдаги камайиши ёки кўпайиши мувозанатини ўзида акс эттиради. Шунингдек

балансдаги ўзгаришлар актив бўлимлари таркибининг ўзгаришлари ва пассив бўлимларининг таркибини ўзгариши билан содир бўлади.

Субъект активлари унинг фаолият даври мобайнида қабул қилинган инвестицион қарорларини ўзида акс эттиради. Активлар узоқ муддатли активлар ва қисқа муддатли активларга бўлинади.

Аксарият ҳолларда узоқ муддатли активларни асосий ишлаб чиқариш фондлари ва айланмадан ташқари активлар деб номланади. Узоқ муддатли активлар-бу хўжалик фаолиятида фойдаланиш учун жалб қилинган ва йил мобайнида сотиш учун муллжалланмаган, бир ҳисобот даври мобайнидан кўп вақт фойдаланиладиган маблағлардир.

Қисқа муддатли активлар эса аксарият ҳолларда айланма маблағлар деб номланиб бундай маблағлар бир ҳисобот даври мобайнида фойдаланиладиган, сотиладиган ва истеъмол қилинадиган маблағлардир.

Молиявий қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган айланма маблағлар таркиби қуйидаги гуруҳларга ажрататилади:

- пул маблағлари;
- қисқа муддатли молиявий қуйилмалар;
- дебиторлик қарзлари;
- моддий-ишлаб чиқариш заҳиралари.

Айланма активларнинг энг ликвидли қисми-пул маблағлари ҳисобланади. Буларга кассадаги ва банкдаги пул маблағлари, валюта маблағлари киради.

Баланснинг дебиторлик қарзлари бўлими субъект ишлаб чиқарган маҳсулотларини юклаб жунатган аммо хали пули келиб тушмаган активлар ҳисобланади.

Моддий ишлаб чиқариш заҳиралари: одатдаги ишбилармон цикли давомида сотиш, субъектнинг ичидаги ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, сотилган маҳсулотни кейинчалик қайта ишлаб чиқаришга муллжалланган моддий активлар ҳисобланади

Узоқ муддатли активларнинг асосий турларидан бири асосий воситалар бўлиб, улар материал шаклдаги узоқ муддат фойдаланишдаги маблағлардир. Маблағларнинг бу категориясига бинолар, иншоотлар, машина ва жихозлар киритилади.

Кейинги асосий турларидан бири номоддий активлар ҳисобланади бундай маблағлар жисмона ушлаб бўлмайдиган аммо субъектга келгусида даромад келтирадиган активлар ҳисобланади. бундай активларга патентлар, товар белгилари, савдо маркалари, авторлик ҳуқуқи ва бошқалар киритилади.

Баланснинг пассив томонида субъектни молиялаштириш манбаларини танлаш бўйича қарорлари ўз аксини топган. Молиявий менеджмент мақсадлари учун пассивларнинг қуйидаги моддаларини гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

- қисқа муддатли мажбуриятлар;
- ўзоқ муддатли мажбуриятлар;
- хусусий капитал.

Қисқа муддатли мажбуриятлар айланма активлар билан копланадиган ёки янги қисқа муддатли мажбуриятлар ҳисобига қайтариладиган субъектнинг мажбуриятлари ҳисобланади.

Узоқ муддатли активлар-бир йилдан узоқ муддатдан сунг қайтарилиши лозим бўлган мажбуриятлардир. Узоқ муддатли мажбуриятларнинг асосий турлари сифатида узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар киритилади.

Пассивларнинг кейинги кўрсаткичи, хусусий капитал бўлиб агар субъект акциядорлик жамияти ҳисобланса, акциядорлик капитали деб юритилади. Молиявий менеджмент учун мазкур гуруҳ моддаларини қуйилма қилинган капитал ва жамғарилган капитал турларига ажратиш муҳимдир.

қуйилма қилинган капитал- мулкдорлар томонидан инвестиция қилинган капиталдир.

Жамғарилган капитал-субъект фаолияти натижасида солиқлар ва дивидентлар тулангандан сунг қоладиган молиявий ресурсдир. Бу моддага тақсимланмаган фойда, жамғариш фонди, ҳисобот даврининг соф фойдаси киритилади.

Ҳисобот даври мобайнидаги молиявий натижалар маълум даражада корхонанинг «молиявий натижалар туғрисидаги ҳисобот»да(2-шакл) ўз аксини топади. Молиявий натижалар туғрисидаги ҳисоботда маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум асосий молиявий кўрсаткич ҳисобланади. Маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум маҳсулотни сотишдан олинган тушумдан эгри солиқлар ва божхона божлари чиқариб ташлангандан сунги молиявий натижадир.

Маҳсулот сотишдан ялпи фойда-соф тушумдан таннах таркибига кирувчи харажатларни чегиришдан қолган молиявий натижадир. Бу кўрсаткич корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Асосий фаолиятдан олинган фойда (зарарлар)- сотиш олинган ялпи даромад суммасидан давр харажатлари чегирилади ва бошқа муомалавий фаолиятдан олинган даромадлар йиғиндиси ҳисобланади.

Солиққа тортилгунча бўлган фойда- асосий фаолиятдан олинган фойдадан молиявий фаолият ва фавқулодда вужудга келувчи ҳолатлар бўйича даромад ва харажатларнинг фарқлари кушилиши ва чегирилиши натижасида аниқланади.

Соф фойда-солиққа тортилганча бўлган фойдадан фойдадан ундириладиган солиқлар ва мажбурий тўловларни чегириб ташлангандан сунг қоладиган молиявий натижа ҳисобланади. Бу молиявий натижа соф ишлаб чиқаришнинг молиявий натижаси ҳисобланади ва ундан дивидент туланади. Дивидент тулангандан сунг қолган фойда тақсимланмаган фойда ҳисобланади ва баланснинг 1 бўлимида ўз аксини топади.

«Харажатларнинг таркиби туғрисидаги низом»нинг қабул қилиниши молиявий натижалар туғрисидаги ҳисоботда алоҳида ўз аксини топди. Молиявий натижалар туғрисидаги ҳисоботнинг охирги моддаси тақсимланмаган фойдани ҳисоблаш учун асос ҳисобланувчи соф фойда кўрсаткичи ҳисобланади.

Молиявий менеджмент учун нафақат молиявий натижаларни билиш зарур, балки ҳисобот даври мобайнида пул маблағларининг ҳаракатларини ва улардан

фойдаланиш йўналишларини аниқлаш зарур. Пул маблағларининг ҳаракатлари туғрисидаги ҳисобот маълумотлари молиявий менеджер учун муҳим ахборотлар манбаи ҳисобланади. Чунки, субъектдаги инвестицион, молиявий ишлаб чиқариш, муомалавий фаолиятлар жараёнларида пул оқимларининг динамикасини аниқлашдаги асосий молиявий ахборотлар айнан пул маблағларининг ҳаракати туғрисидаги ҳисоботдан олинади.

Молиявий ҳисоботлар маълумотлари асосида молиявий қарор қабул қилиш учун зарурий маълумотлар таҳлил қилинади ва мазкур таҳлил натижаларига асосланган ҳолда бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш деганда субъектларнинг ҳисоботидаги молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаштириш тушунилади. Молиявий баҳолашнинг мазкур усули натижалари бўйича манфаатдор шахслар ва ташкилотларнинг субъект молиявий-хўжалик фаолиятининг жорий натижаларини баҳолаш асосида қарорлар қабул қилинади.

Таҳлилнинг асосий усулларида бири баланс ва молиявий натижалар туғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳисоботларни ўқиш ва абсолют миқдорларни ўрганиш ҳисобланадди. Ҳисоботларни ўқиш субъектнинг жалб қилинган маблағларининг асосий манбалари туғрисидаги ҳулосалар қилиш, уларни қуйилмалар қилиш йўналишлари туғрисидаги ахборотлар олиш, пул маблағларини олиш манбалари туғрисида маълумотлар олиш, субъектнинг ташкилий структураси ва унинг фаолият йўналишлари, дивиденд сиёсати ва бошқалар туғрисида ахборотларга эга бўлинади. Бироқ, бу ахборотлар, ўзининг аҳамиятлилигига қарамадан, бошқарув қарорлари қабул қилишда, хусусан, молиявий менежмент қарорларини учун субъектнинг фаолиятининг асосий кўрсаткичлари динамикасини баҳолаш ва уни бошқа турдош субъектлар билан солиштириш имкониятини тулигича таъминламайди. Шунинг учун ҳам солиштирма таҳлил курсакичларидан ҳам амалиётда кенг фойдаланилади. Горизонтал таҳлил, ҳисобот кўрсаткичларининг олдинги йилларга нисбатан, турли моддаларини солиштириш натижасидаги абсолют ва нисбий тебранишларини аниқлайди.

Вертикал таҳлил йиллар бўйича эмас балки баланс кўрсаткичларининг моддаларини бир бирига ўзаро солиштириш билан боғлиқ кўрсаткичлар тизимидан иборат бўлиб молиявий менежмент қарорлари учун зарурий бўлган ахборотларни олишда муҳим ҳисобланади. Тренд таҳлил бир неча йиллар мобайнидаги кўрсаткичларни базис йилдаги кўрсаткичлар билан ўзаро солиштириш ва йиллар мобайнида маълум кўрсаткичларнинг базис йилига нисбатан динамик ўзгаришларини аниқлаш билан боғлиқдир.

Ҳисоботларни таҳлил қилишнинг кенг қўлланилган усуллари махсус молиявий коэффицентларни ўрганиш ҳисобланади. Бу коэффицентлар корхоналар молиявий ҳолати туғрисидаги ахборотлар беришда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Уларнинг афзалликлари корхона активларини инфляция жараёни шароитида тўғри баҳолашнинг муҳим усули ҳисобланади. Бу усулнинг моҳияти, биринчидан, кўрсаткичларни ҳисоблашда; иккинчидан, қандайдир асосга нисбатан солиштириш билан белгиланади. Бундай асосларга қуйидагилар киритилади:

- умумий қабул қилинган стандартлар;
- ўртача тармоқ кўрсаткичлари;
- ўтган йилларнинг ухшаш кўрсаткичлари;
- рақобатлашувчи субъектларнинг молиявий кўрсакичлари;

Агар бу коэффициентлар солиштириладиган асосга нисбатан ёмонроқ бўлса субъектнинг «ночорлик» фаолиятини курсатиб берувчи «Иқтисодий индикатор» ролини ўйнайди ва аниқроқ ахборотлар олиш учун кейинги таҳлил ишлари олиб борилади.

Субъектлар учун молиявий коэффициентлар уларнинг фаолиятини ташқи молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар томонидан тўғри баҳолаш учун муҳим молиявий ахборотлар манбаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун молиявий менежер муҳим молиявий коэффициентларнинг таъсири остида қарорлар қабул қилишга ҳаракат қилади.


Коэффициентларнинг аналитик қиймати тасдиқлайдики аксарият ривожланган мамлакатларда молиявий коэффициентлардан ахборот манбаи сифатида фойдаланиш учун махсус нашриётлар фаолият кўрсатадилар. Масалан, АҚШда «Роберт Моррис Ассошиэйтс», АҚШ савдо вазирлигининг солиқ бюроси, «Мудис индастриэл мэнюэл», Японияда «Кайся нэнкан» ва бошқалар.¹

Молиявий коэффициентларни ҳисоблашда ягона курсакичлар тизимига риоя қилинмайди. Масалан, АҚШда 10-15 та кўрсаткичлардан фойдаланилади. Аммо, жаҳон амалиётида субъектларнинг молиявий ҳолатини баҳолашда ва инвестицион жалб қилувчанлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилиши кўзатилади:

- ликвидлилик коэффициенти;
- капиталларнинг таркиби;
- ишбилармон фаоллик кўрсаткичлари
- рентабеллик коэффициенти;
- бозор фаоллиги кўрсаткичи.

¹ Бирман А. «Опережная время» - М.: Наука, 1990 стр 76

Ҳисоботнинг асосий молиявий коэффицентлари



Субъектнинг молиявий ҳолати ва барқарорлигини таҳлил қилишда кўпгина молиявий коэффицентларни ҳисоблаш ва уларнинг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Субъектнинг қарз маблағларини баҳолаш ва унинг тўлов қобилиятини потенциал аниқлаб берувчи коэффицентлардан бири ликвидлилик коэффиценти ҳисобланади. Субъектларда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўловларининг муддатлари ҳақида ахборот булмаса, у ҳолда ликвидлилик кўрсаткичлари ишлатилади.

Ликвидлилик коэффиценти субъектнинг йил мобайнида қисқа муддатли мабуриятларини қайтара олиш имкониятини аниқлайди. Ликвидлилик коэффиценти: жорий ликвидлилик, муддатли ликвидлилик, абсолют ликвидлилик, соф айланма маблағлари каби элементлардан иборат. Жорий ликвидлилик

коэффициенти субъектнинг кичик давр мобайнида мажбуриятларини қайтара олиш учун зарурий маблағлар мавжудлигини аниқлайди. Умумий қабул қилинган стандартлар бўйича мазкур коэффициентнинг меъёрий миқдори 1 дан 2 гача бўлиши лозим. Коэффициентнинг паст чегараси корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларини қайтариш учун энг кам маблағларнинг миқдорини белгилайди., акс ҳолда капиталларнинг нораціонал структураси мавжудлигини тасдиқлайди. Коэффициентни аниқлашда унинг динамикасига алоҳида этибор бериш лозим.

Жорий ликвидлилик коэффициентини ҳисоблашда ҳисоботларнинг кўрсаткичларидан фойдаланилади. Чунончи, пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қуйилмалар, соф дебиторлик қарзлари, моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг йиғиндисини субъектнинг қисқа муддатли қарзларига нисбати кўринишида аниқланади. Жорий ликвидлилик коэффициентининг таркибий қисми сифатида муддатли ликвидлилик коэффициентни ҳисобланади. Муддатли ликвидлилик коэффициенти айланма активларнинг нисбатан юқорироқ ликвидликка эга қисмини қисқа муддатли мажбуриятларга нисбатини акс эттиради. Муддатли ликвидликни аниқлашда корхонанинг пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қуйилмалар, соф дебиторлик қарзларининг қисқа муддатли қарзларга нисбатини курсатиб беради. Субъектда муддатли ликвидликнинг йўқлиги ишбилармонлик имкониятларини қўллашга қобилиятсиз эканлигидан далолат беради. Мазкур кўрсаткичнинг паст даражаси маъмуриятнинг ҳаракатларида эркинлик йўқлигини билдиради. Субъект жорий қарзларини ва мажбуриятларини тулай олмаслиги ута жиддий салбий натижалар мавжудлигидан далолат беради. Бу эса, узоқ муддатли молиявий қуйилмалар ва активларни мажбуран сотишга, айрим ҳолларда инқирозга учрашга олиб келади. Абсолют ликвидлилик коэффициенти корхонанинг реал пул маблағларини қисқа муддатли мажбуриятларга нисбатини аниқлаб беради. Соф айланма капиталлар айланма активлардан қисқа муддатли активларни чегириб ташлагандан сўнг қолган қисми ҳисобланади.

Юқоридаги кўрсаткичлар тизими воситасида биз субъектларнинг турли хил хатарлардан ҳимояланганлик даражасини аниқлаш имкониятига эгаллигини аниқлаб олишимиз мумкин. Аммо бу кўрсаткичлар ҳар доим ҳам субъектларнинг фаолиятини тулигича баҳолаб бера олмайди. Чунончи, ликвидлилик коэффициентининг меъёрдан ортиши бевосита субъектларда ишчан капиталлар меъёрининг пасайишига олиб келади. Масалан, абсолют ликвидлилик коэффициенти пул маблағларини қисқа муддатли қарз мажбуриятларга нисбати орқали аниқланади. Аммо, нақд пул маблағларини кўпайиши корхонада ишчанлик фаолиятининг пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам молиявий кўрсаткичлар тизимидаги айрим кўрсаткичларнинг миқдор коэффициентлари бир бирига тесқари нисбатда ҳисобланади.

Субъект мулкдолари учун ликвидликнинг йўқлиги ёки унинг паст даражаси даромаднинг пасайиши, назоратнинг йўқолиши, капитал қуйилмаларнинг қисман ёки бутунлай йўқолишини билдиради. Агар мулкдорнинг жавобгарлиги чекланмаган бўлса, у ҳолда зарарлар мол мулкнинг миқдорига ҳам таъсир этиши мумкин. Кредиторлар учун бундай аҳвол фоиз тўловларининг ва улар қарзларининг

асосий миқдорининг кечиктирилишини ҳамда уларга тегишли миқдорнинг қисман ёки бутунлай йўқолишини билдиради.

Жорий тўловга қодирлилик тор тушунча, негаки, у келажакка қаратилган. Ликвидлилиكنинг кўрсаткичлари эса келажакда тўловга қодирлиликни аниқлашга ёрдам бериши мумкин. Иқтисодиётнинг нобарқарорлиги ва инфляция жараёнларининг кучайиши ҳар бир корхонада етарлича ликвидлилик коэффицентини башорат қилишга ундайди. Ликвидлилик коэффиценти даражаси башорат қилинган ҳисобот ёки экстраполяция усули ёрдамида ҳал қилинади. Ҳисоб ва баланс маълумотлари асосида амалга оширилади.

Капиталларнинг таркибининг кўрсаткичи ёки аксарият ҳолларда тўлов қобилияти кўрсаткичи субъектларга узоқ муддатли молиявий қуйилмалар қилган кредиторлар ва инвесторлар манфаатларининг ҳимояланганлик даражасини аниқлаб беради. Улар субъектларнинг узоқ муддатли қарзларни қайтара олиш қобилиятини курсатади.

Корхонанинг тўловга қобиллиги дейилганда, унинг муддатли мажбуриятлари бўйича тўловларни ўз вақтида амалга ошириш тушунилади. Молиявий таҳлил жараёнида жорий ва келгуси тўловга қодирлиги ўрганиб чиқилади. Ҳисобот даври учун жорий тўловга қодирлик балалари асосида унинг тўлов воситаларининг муддатли мажбуриятлар йиғиндиси билан солиштирилиши орқали аниқланади. Тўлов воситаларининг йиғиндисини аниқлаш бўйича турли қарашлар мавжуд. Тўлов воситаларига айирбошланадиган ва пулга айланадиган қисқа муддатли қимматли қоғозларни, дебиторлик қарзларининг бир қисмини киритишимиз мумкин.

Муддатли мажбуриятларга жорий пассивлар, яъни тўлов муддати тугаган мажбуриятлар ва қарзлар(қисқа муддатли банк кредитлари, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар, бюджет ва бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга бўлган кредиторлик қарзлари) киритилади. Тўлов воситаларининг муддатли мажбуриятлари устидан қўйиладиган устамаси субъектнинг тўловга қодирлигидан далолат беради.

Хусусийлик коэффиценти субъектнинг хусусий капиталлари таркибидаги улушини кўрсатади. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич имконият даражасида юқори бўлиши лозимлигининг мақсадга мувофиқлиги таъкидланади. Умуман олганда, мазкур коэффицентнинг нисбатан юқори бўлиши кредиторлар ва инвесторларнинг манфаатлари учун юқори ҳисобланади. Аммо, фойда меёри банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари % меъёрларидан юқори бўлган шароитда бундай кўрсаткич оқилона қарз олиш концепциясига унчалик тўғри келмайди. Чунки, кредит маблағларининг бозор иқтисодиёти шароитидаги концептуал асослари «ночор» субъектлар учунгина бериладиган молиявий ёрдам эмас, балки кредит маблағлари кредит ресурсларидан самарли фойдаланиш имкониятига эга бўлган субъектлар томонидан олиниши билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятига асосланади.

Молиявий боғлиқлик коэффиценти субъектларнинг ташқи қарздорларга боғлиқлик даражасини курсатади. Бу кўрсаткичнинг миқдори қанчалик юқори

бўлса субъектларни банкротликка олиб келувчи хатарли вазият ва пул маблағларнинг потенциал дефицитлари шунчалик даражада мавжуд бўлади.

Умуман, бу коэффицентнинг миқдори бозор шароитида 1 кўрсаткичидан ошиб кетмаслиги зарур. Ташқи қарзларга юқори даражадаги боғлиқлик субъектнинг сотиш суръатининг пасайиш шароитида молиявий ҳолатининг пасайишига олиб келади. Модомики, қарз капиталлари бўйича фоизлар тулаш харажатлари доимий харажатлар ҳисобланадики бундай шароитда субъект сотиш ҳажмини мутаносиб равишда камайтира олмайди.

Бундан ташқари, молиявий боғлиқликнинг юқори даражасида субъект ўртача бозор ставкаларида янги кредитлар олишда бир қанча кийинчиликларга дуч келади. Молиявий боғлиқлик коэффиценти субъект томонидан молиялаштириш манбаларини танлашда муҳим рол уйнайди.

Ишбилармон фаоллик ва рентабеллик кўрсаткичларини шакллантиришда ахборотларнинг манбалари сифатида баланс ва молиявий натижалар туғрисидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади. Ишбилармон фаоллик кўрсаткичи субъект ўзининг маблағларидан қандай самардорликда фойдаланишини курсатиб беради

Айланувчанлик кўрсаткичлари субъектларнинг молиявий ҳолатини баҳолашда катта аҳамиятга эга. Модомики, маблағларнинг айланиш тезлиги яъни қийматнинг пул шаклини олиш тезлиги субъектларнинг тўлов қобилиятига бевосита таъсир қилади. Бундан ташқари айланма маблағларни айланиш тезлигининг ошиши маълум шароитларда субъектларнинг техник- ишлаб чиқариш потенциалининг ошишига таъсир этади.

Биринчи гуруҳ кўрсаткичлари- бу субъектнинг хўжалик фаоллиги ҳақидаги умумий тасаввурга аниқроқ эга булинувчи капиталларнинг умумий айланувчанлик коэффиценти ҳисобланади.

Ишбилармон фаоллик кўрсаткичи тизимининг элементлари сифатида активларнинг айланувчанлиги, дебиторлик қарзларининг айланувчанлиги, кредиторлик қарзларининг айланувчанлиги, моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг айланувчанлиги, муомалавий жараёнларнинг айланувчанлиги каби кўрсаткичлардан фойдаланилади(5-чизмага қarang). Ишбилармон фаоллик кўрсаткичлари тизимининг ҳар бир элементи субъектларнинг активлари, дебиторлик, кредиторлик қарзларининг айланиш тезлигини батафсил равишда баҳолайди.

Субъектларда молиявий менеджмент тизимини шакллантиришдаги бош вазифа сифатида шакллантирилган асосий ва айланма капиталларни бошқариш, қарз маблағларининг оқилона манбаларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга молиявий дастаклар ва усуллар билан таъсир механизмларни шакллантириш ҳисобланади. Маълумки, қарз маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш субъектлар учун юқори даражадаги масъулиятни талаб қилади. Чунончи, такрор ишлаб чиқариш натижасида олинган қушимча қиймат аввало давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари, кредиторларнинг манфаатлари ҳамда корхона учун фойдани шакллантириши зарур.

Шунингдек олинган қарз маблағларининг ишлаб чиқариш жараёни даврийлиги билан тўғри келмаслиги натижасида субъектларда тўлов қобилятининг йўқолиши мумкин. Шунинг учун ҳам субъектларда қисқа муддатли қарз маблағларини қайтара олиш имкониятини баҳолашда ликвидлилик коэффиценти кўрсаткичлари тизимидан фойдаланилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз, «Орзу» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиб чиқамиз.

5-жадвал

«Орзу» О.Т.А.Жнинг кредитга лаёқатлилиги¹

Кўрсаткичлар	2003 йил	2004 йил	Ўзгариши
Қоплаш коэффиценти	0,07	0,31	0,24
Ликвидлилик коэффиценти	1,35	-	-1, 35
Мустақиллик коэффиценти	0,66	0,76	0,1

«Орзу» акциядорлик жамиятининг ўз маблағларининг жами мулк улушида ўтган йилга нисбатан 0,1 коэффицентга камайган; Ўтган йилга нисбатан қарзлар суммаси 0,19 коэффицентга камайган. даромадлари 0,14 коэффицентга ўзгарган; харажатларни қоплаш активлари 0,77 коэффицентга ошган;

Заҳира ва харажатларни қоплаш манбалари 0,26 коэффицентга ижобий томонга ўзгарган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг махсус №33 сонли йўриқномасига кўра, кредит суровчи барча Субъектларнинг бухгалтерия баланси маълумотларига қараб Қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланиши лозимлиги тавсия этилган:

- қопланиш коэффиценти;
- ликвидлилик коэффиценти;
- мустақиллик коэффиценти.

Юқоридаги кўрсаткичлар қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

-қопланиш коэффиценти кейинги йилларда пул маблағларининг улуши қисқа муддатли мажбуриятлардан 0,24 коэффицентга ошганлигини кўрсатмоқда;

-ликвидлилик коэффиценти ҳисобот йили охирида қисқа муддатли мажбуриятларнинг улуши йўқлигидан келиб чиқмоқда;

-мустақиллик коэффиценти йил охирида ўз маблағлари манбасининг 0,1 коэффицентга ошганлигини кўрсатмоқда.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда сотилган маҳсулот ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи алоҳида, аниқ кўрсатилган бўлиши керак яъни, биз ишлаб чиқариш харажатларини молиявий ҳисоботнинг ўзидан укий билишимиз ҳамда зарур ахборотларни олишимиз мумкин булсин. Бунинг учун

¹ «Орзу» АЖ нинг 20004 йиллик ҳисоботи

молиявий ҳисобот тузилганда сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳақида маълумотнома топширилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Таянч иборалар: Молиявий таҳлил, молиявий кўрсаткич, хўжалик фаолият таҳлили, горизантал,вертикал, қиёсий, интеграл таҳлил тизими, барқарорлик, тўловга қобиллик, активларни айланиши, капитал, иш фаоллик, рентабеллик.

Назорат учун саволлар.

1. Молиявий кўрсаткичларни ташкил топиши ва улардан молиявий менежментда фойдаланиш.
2. Молиявий таҳлил услублари.
3. Ташкилот фаолиятини молиявий натижаларини ташкил қилиш ва тақсимлаш модели.
4. Фойда кўрсаткичлари динамикаси ва даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш.
5. Пул маблағлари ҳаракати таҳлили.
6. Субъект капитали рентабеллилиги, ишлаб чиқариш самарадор-лиги ва иш фаоллигининг таҳлили. Рентабеллилик кўрсаткичларини омилли таҳлили.
7. Субъектни актив ва пасивларини тузилмавий таҳлили. Молиявий барқарорлик таҳлили.
8. Реал ўз капиталга эга бўлиш ва унинг етарлилиги таҳлили.
9. Заҳира ва харажатлар таркиб топиши манбалари таҳлили.
10. Ликвидлилик ва тўловга қобиллик таҳлили.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Астахов В. П. Финансовый учет. Тесты: Учебное пособие. - М.: ИДФБК-Пресс, 2004. – 200 с.
2. Бланк Е.Г. Основы финансового менеджмента.-М.: ИНФРА, 2004г.
3. Миронов М.Г. Финансовый менеджмент (Справочник руководителя). - М.: ГроссМедиа, 2004. – 144 с.
4. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.
5. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорлик фаолияти асослари» (ўқув амалий қўлланма).- Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет.
6. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорликда молиявий менежмент» (ўқув амалий қўлланма).- Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет.

Интернет веб- сайтлари:

www.uz

4- МАВЗУ: АКТИВЛАРНИ БОШҚАРИШ

Режа:

1. Субъектларнинг асосий ва айланма капиталларини бошқаришда молиявий ахборотлардан фойдаланиш усуллари¹
2. Субъект активларининг иқтисодий моҳияти ва гуруҳланиши
3. Субъектнинг активларининг шаклланиши, баҳолаш ва уларни бошқариш

1. Субъектларнинг асосий ва айланма капиталларини бошқаришда молиявий ахборотлардан фойдаланиш усуллари

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсадини реализация қилишнинг зарурий шарт шароитларидан бири ҳисобланган авансланган капитал бўйича фойда олиш инвестициялаш, ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истемол босқичларини ўз ичига олувчи капиталларни такрор ишлаб чиқаришни режалаштириш ҳисобланади. Капиталлар харажатларини тиклаш, уни жамғариш ва истемол қилиш учун зарурий пул фондларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш субъектларда молиявий бошқариш механизмини моҳиятини ташкил қилади.

Субъектларда шакллантирилган капиталларнинг хусусий, қарз ёки асосий ва айланма ёки доимий ва ўзгарувчан турларга ажратишимиздан қатий назар улар такрор ишлаб чиқариш жараёнида ўзлуксиз равишда айланади.

Субъект хўжалик молиявий фаолиятида ишлаб чиқариш фондлари ва ноишлаб чиқариш фондларидан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш фондларининг 3 шакли: ишлаб чиқариш, пул ва товар фондлари мавжуд. Барча турдаги фондларнинг умумий вазифаси ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришни таъминлашдан иборат, шунинг учун ҳам уларни ишлаб чиқариш фондлари деб аталади.

Ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг энг муҳим вазифалари:

- улардан фойдаланиш самарадорлиги;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати;
- ишлаб чиқариш фондларини энг кам сарфланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, яъни маҳсулот таннархини пасайтириш;
- бириктирилган(бунакланган) ишлаб чиқариш фондларининг кам миқдорини сарфлаб, муайян миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишдан иборат ҳисобланади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини тулдириб бориш ва айланувчанлиги-субъектнинг молиявий ҳолати ва рентабеллик даражасига таъсир курсатувчи омил ҳисобланади, унинг учун асосий фондларга қанча хусусий ва қарз маблағлари сарфланганлигининг аҳамияти катта. Субъект капиталларининг турли қисмларини маълум давр мобайнидаги доиравий айланиши унинг тўлиқ айланиши ва такрор ишлаб чиқаришни ўз ичига олади(оддий ва кенгайтирилган ишлаб чиқариш).

¹ ТДИУ ва МДШ мамлакатлари иқтисодиёт мутахассисликлари бўйича бакалаврият битирув малакавий ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари (2002-2005 йиллар).

«Айланмадан ташқари активлар» ва «Асосий капиталлар» ўзаро бир бирига боғлиқ тушунчалардир. Асосий капиталлар ўз ичига асосий воситалар, тугалланмаган узоқ муддатли инвестициялар, номоддий активлар, янги узоқ муддатли молиявий инвестициялар ва бошқаларни ўз ичига олади. Асосий воситаларнинг қиймати такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги улардан фойдаланиш натижасида субъект учун ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари ҳисобланувчи ойлик эскириш суммалари воситасида шакллантирилади.

Асосий капиталларнинг таркибига асосий воситаларга тугалланмаган капитал қуйилмалар ва янги жиҳозларни олиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар ҳам киритилади. Узоқ муддатли молиявий инвестициялар субъектларнинг устав капиталидаги улуши кўринишидаги харажатларни, узоқ муддатли акциялар ва облигациялар жалб қилиш операцияларини ўз ичига олади.

Субъектларнинг асосий капиталларини молиявий бошқаришда улардан самарали фойдаланиш даражасини молиявий баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Субъектларнинг асосий капиталларига қуйилмаларнинг самарадорлигини баҳолашда, улардан фойдаланиш ва такрор ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда қуйидаги тамойили ва ҳолатлардан келиб чиқиш зарур:

-асосий воситаларнинг функционал фойдалилиги йиллар давомида амал қилади. Шунинг учун уларни жалб қилиш ва эксплуатация қилиш харажатлари йиллар бўйича таксимланади;

-асосий воситаларнинг жисмоний янгиланиш даври уларнинг қиймат алмашинув вақтига тўғри келмайди. Натижада, субъектлар фаолиятида молиявий натижаларнинг пасайишига олиб келувчи зарарлар ва йўқотишлар содир бўлади. Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг турлари, ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш хусусияти ва бошқа хусусиятлари бўйича баҳоланади. Модомики, асосий воситалар нафакат ишлаб чиқариш соҳасига балки фаолиятнинг бошқа соҳаларига ҳам хизмат курсатади.

Асосий воситалардан самарали фойдаланиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланиладиган молиявий кўрсаткичлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- асосий воситалар ҳажми, структураси ва динамикасининг кўрсаткичи;
- асосий воситаларнинг такрор ишлаб чиқариш ва айланувчанлиги кўрсаткичи;
- асосий воситалардан самарали фойдаланиш кўрсаткичи;
- асосий воситаларни асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари самарадорлиги кўрсаткичи;
- асосий воситаларга инвестициялар самарадорлиги кўрсаткичи.

Асосий воситалардан фойдаланишнинг молиявий кўрсаткичларининг тизимлаштирилган тамойиллари бошқаришнинг аниқ эҳтиёжлари ва бошқарув қарорларини қабул қилиш асослари ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичларнинг тўлиқлиги ва аниқлиги ахборотлар манбаи сифатида бухгалтерия ҳисоботларининг такомиллашганлик даражаси билан белгиланади. Асосий воситалардан фойдаланишни молиявий кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари ва улардан асосий капиталларни бошқариш учун қўллаш имкониятларини кўриб чиқамиз. Асосий

воситаларнинг рентабеллиги соф фойданинг шу даврдаги асосий воситаларни уртача қийматига нисбати сифатида белгиланади.

Фонд самарадорлигининг ўсиши ҳисобига маҳсулот ҳажмининг ўсиши ҳиссаси таҳлил қилинаётган даврда фонд самарадорлигини ўсиши шу даврдаги асосий фондларнинг ўртача қийматига кўпайтириш йули билан аниқланади.

2. Субъект активларининг иқтисодий моҳияти ва гуруҳланиши

Асосий фондлар баланс, қайта тикланиш(қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда) ва қолдиқ қиймати бўйича кўрсатиб берилади. Бу уларнинг эскирганлик даражасини баҳолаш ва қайта баҳолашнинг таъсирини аниқлашга имкон беради. Эскириш куйидаги моддалар бўйича курсатилади: эскириш йили давомида таннарх таркибидаги ҳисобланган суммалар, шунингдек, тезлаштирилган механизм тартибидаги эскиришлар асосий фондлар алоҳида турлари бўйича капитал таъмирлаш харажатлари кўрсатилади.

Асосий воситалар ҳисобланмайдиган бошқа таҳлил қилинадиган активлар қаторига тугалланмаган қурилиш, эскириш қиймати билан номоддий активлар ва бошқалар киритилади. Молиявий менежментнинг асосий вазифаси асосий маблағлар таҳлил кўрсаткичларига уларни ўзгариш динамикасига асосланган ҳолда уларни молиялаштиришнинг устивор йўналишини аниқлаш ҳисобланади.

Субъектларда жорий активларни бошқариш активларни бошқариш тизимининг муҳим буғинларидан бири саналади. Жорий активлар кўп ҳолларда айланма маблағлар ёки айланма капиталлар деб ҳам юритилади. Умуман олганда субъектларнинг айланма маблағлари- бу унинг жорий активларига қуйилган капиталларнинг қисми ҳисобланади.

Субъектларда айланма маблағларни бошқариш айланма маблағларнинг айланиши, самарадорлик кўрсаткичларини молиявий баҳолаш кўрсаткичлари асосида аниқланади. Бундай кўрсаткичлар тизимига қуйидагилар киритилади:

- хом ашё ва материалларнинг айланувчанлиги;
- кредиторлик қарзларининг айланувчанлиги;
- тайёр маҳсулотнинг айланувчанлиги;
- дебиторлик қарзларининг айланувчанлиги;
- пул маблағларининг айланиш даври.

Молиявий менежментнинг бошқарув қарорларни қабул қилиш учун зарурий бўлган бундай кўрсаткичлари тизимини ҳисоблаш учун ахборотлар манбаи сифатида субъектнинг баланс маълумотлари ва молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади. Айланма капиталларнинг элементлари ўзлуксиз равишда ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига ўтади. Айланма капиталларнинг бир қисми доимий равишда ишлаб чиқаришда бўлади(ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот), бошқа қисмлари эса- муомала соҳасида бўлади(юклаб жунатилган товарлар, дебиторлик қарзлари, пул маблағлари, қимматли қоғозлар). Шунинг учун субъектларнинг айланма

капиталларининг таркиби ва миқдори нафақат ишлаб чиқариш билан балки муомала соҳаси учун ҳам мос келиши лозим.

Ишлаб чиқариш ва муомала соҳаси учун айланма маблағларига эҳтиёжи турли хўжалик фаолияти учун бир хилда бўлмайди чунки айланма маблағларнинг моддий мазмуни, айланиш тезлиги, ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг технологик ва ташкилий асослари ва бошқа омиллар билан аниқланади. Амалиётда айланма капиталларни режалаштириш, ҳисоб ва таҳлил қилиш учун қуйидаги белгилари бўйича гуруҳланади:

-ишлаб чиқаришдаги функционал ролига боғлиқ равишда айланма ишлаб чиқариш маблағлари ва муомала фондлари;

-назорат, режалаштириш ва бошқариш амалиётига боғлиқ равишда- нормаллаштирилган ва нормаллаштирилмаган айланма маблағлар;

-айланма капиталларнинг шаклланиш манбаларига боғлиқ равишда-хусусий айланма маблағлар ва қарз айланма маблағлар;

- ликвидлилик кўрсаткичларига боғлиқ равишда-абсолют ликвидли айланма маблағлар, тезда сотиш мумкин бўладиган айланма маблағлар, секинроқ сотиш мумкин бўладиган айланма маблағлар;

-моддий мазмунига боғлиқ равишда меҳнат буюмлари(хом ашё, материаллар, ёқилғи, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва бошқалар), тайёр маҳсулотлар, товарлар, пул маблағлари ва бошқалар

-ҳисоб стандартлари ва балансда акс эттирилиши бўйича –заҳирадаги айланма маблағлар, пул маблағлари, ва бошқалар;

-капиталлар қуйилишининг хатарлари даражаси бўйича- минимал хатарли айланма капиталлар, юқори даражадаги хатарли айланма капиталлар;

-айланма капиталларнинг функционал белгилари бўйича- ишлаб чиқариш айланма фондлари ва муомала фондларига бўлиниши ишлаб чиқариш жараёнида айланма маблағларнинг иштирок этиш вақтини таҳлил қилиш учун муҳимдир.

7-жадвал

Айланма маблағларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги функционал роли бўйича таркиби ва тузилиши.¹

	Айланма маблағларнинг гуруҳлари	Айланма маблағларнинг таркиби	Ахборотлар манбаи сифатида бухгалтерия ҳисоби рақамлар
--	---------------------------------	-------------------------------	--

¹ Павлова Л. «Финансовый менеджмент», М. : «Банки и биржи», 2003г . стр. 59

1.	Айланма ишлаб чиқариш фондлари(ишлаб чиқариш жараёнидаги айланма маблағлари)	1.1 Ишлаб чиқариш захиралари: -хом ашё -асосий материаллар -ярим фабрикатлар -ёкилги -ёрдамчи материаллар -инвентарь ва жиҳозлар, 1.2 Ишлаб чиқариш жараёнидаги маблағлар: -туғалланмаган ишлаб чиқариш -хусусий ярим фабрикатлар -келгуси давр харажатлари	10-10 10-10 10-20 10-30 10-60 10-80 20 10 21 10 31 10
2.	Муомала фондлари (муомаладаги айланма маблағлар)	2.1 сотилмаган маҳсулотлар: -тайёр маҳсулот -юклар жўнатилган маҳсулот -қайта сотиш учун товарлар 2.2. Пул маблағлари: -касса -ҳисоб рақами -валюта рақами -қимматли қоғозлар -бошқа пул маблағлари -бошқа субъектлар билан ҳисоб лаш- шишлар-дебиторлар	2810 2810 2910 5010 5110 5200 5810 5500,5600 40 00-4800
3.	Айланма маблағларнинг умумий суммаси.	(п1+п2)	

Айланма маблағлар баланс активининг 2 чи бўлимида акс этиб, айланишдаги пул маблағларида ифодаланади. Асосий фондлардан фарқли равишда айланма маблағлар бир ишлаб чиқариш циклида тўла ўзлаштирилиб, ўз қийматларини тайёр маҳсулотнинг таннархига ўтказиши ва ҳам буюм-натура, ҳам қиймат ифодасида қайта тикланади, шу тариқа бевосита ҳаракатда бўлади.

Кўриб турибмизки, айланма капиталлар хўжалик муомалалари ўзлуксиз оқимининг бир қисми ҳисобланади. субъектларда сотиб олиш жараёни ишлаб чиқариш захираларини ва кредиторлик қарзларини кўпайишига олиб келади; ишлаб чиқариш тайёр маҳсулот ҳажмининг ўсишига олиб келади; сотиш натижасидаги дебиторлик қарзлари кассадаги ва ҳисоблашиш счегидаги пул маблағларининг кўпайишига олиб келади. Бу муомалалар цикли кўп марта такрорланади ва умуман бундай муомалалар пул тушумлари ва пул тўловлари сифатидаги соддагина ҳаракатни ўзида акс эттиради.

3. Субъектнинг активларининг шаклланиши, баҳолаш уларни бошқариш

Молиявий бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятлари субъектлардаги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўзлуксиз равишда давомийлигини таъминлаш учун зарурий айланма маблағларнинг миқдорини аниқлаш ва айланма маблағларга бўлган молиявий эҳтиёжни таъминлашнинг муқобил вариантлари бўйича молиявий

қарор қабул қилиш ҳисобланади. Айланма маблағларнинг умумий салмоғида қарз маблағларининг улуши сезиларли даражани ташкил қилиши мумкин. Аксарият мамлакатларда айланма маблағларнинг таркибидги хусусий ва қарз маблағларининг уртача даражалари мавжуд. Масалан, Россияда улар -50/50, АҚШда- 60/40, Японияда- 30/70 ўртача нисбатларни ташкил қилади.

Субъектнинг ўз айланма маблағларини ташкил қилиш манбалари қуйидагилардан иборат:

-дастлаб субъектнинг ташкил бўлиши вақтида унинг ўз маблағлари бўлиб, улар ўз аксини устав фондида топади;

-хўжалик юритиш жараёнида: а) корхонанинг олган фойдаси ҳисобига; б) агар олган фойдаси етарли бўлмаса, у ҳолда банк кредити ҳисобига; в) айланма маблағларни ташкил қилишнинг ўзига хос манбаларидан бири-барқарор пасивлардир, чунки айланма маблағларининг таркибига «барқарор пасивлар» туркумига киритиладиган қисми ҳам шартли равишда тенглаштирилади.

Барқарор пасивларга қуйидагилар киритилади: ишчи ва хизматчиларга меҳнат ҳақи бўйича доимо мавжуд қарзлар; келгуси давр харажатлари ва тўловларни қоплаш захиралари ва х.к. субъектнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш субъектнинг ўз маблағлари ва уларга тенглаштирилган маблағларни аниқлашдан бошланади. Ўз ва унга тенглаштирилган маблағлар (баланс пасивининг 1 бўлими) манбаларининг умумий суммасига барқарор пасивларнинг нормативи доираси бўйича бўлган суммаси кушилиб асосий фондлар ва оборотдан ташқари активларнинг (баланс активининг 1 бўлими) қиймати чегириб ташланади. Ўз айланма маблағларини норматив доирасида асраш кўрсаткичи субъект хўжалик фаолияти ва молиявий ҳолатининг барқарорлигини баҳолаш учун катта аҳамиятга эга. Ўз айланма маблағлари мунтазам равишда етишмайдиган субъектларга тижорат банклари томонидан кредит билан таъминлашдан маҳрум этишга қадар чоралар қўллаш масаласи қўйилиб, улар ночор субъектларнинг қаторига киритилади.

Пул маблағларининг айланиши содир булувчи вақт оралиғи ишлаб чиқариш-тижорат жараёнинг давомийлигини ўзида акс эттиради. Субъектларнинг хусусий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжи молиявий режалаштиришнинг объекти ҳисобланади ва унинг молиявий режасида ўз аксини топади.

Субъект айланма маблағларини шакллантириш манбалари масаласи бошқа нуқтаи назарда муҳим ҳисобланади. Чунончи, бозор конъюктураси доимий равишда ўзгариб туради, шунинг учун унинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжлари ҳам ўзгариб туради. Айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда бухгалтерия баланси асосий ахборотлар манбаи ҳисобланади. Субъект раҳбари бухгалтерия баланси билан танишиб чиқиб, айланма маблағлар динамикасига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш захиралари суммасининг ўсиши ёки камайиши субъект ўз ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб бораётганлигини ёки унинг хом ашё ва материаллар бўйича ўрнатилган меёрдан ортиқча захираларни тўплаб бораётганлигини кўрсатиш мумкин.

Айланма маблағларнинг айланиш тезлиги ва унинг самардорлик даражасини аниқлаш субъектлар учун қарз маблағларини шакллантиришнинг оптимал

имкониятларини аниқлаб беради. Чунки, қарз маблағларини оқилона манбаларини шакллантириш молиявий менеджментнинг олдидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Умуман олганда қарз маблағларини шакллантириш бўйича молиявий қарор қабул қилиш масалалари пассивларни бошқаришнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Албатта, пассивларни бошқаришнинг мазкур усуллари учун ҳам ахборотлар манбалари сифатида асосан субъект молиявий хўжалик фаолиятини ўзида акс эттирувчи субъектнинг йиллик ҳисоб тизими элементларидан кенг фойдаланилади.

Таянч иборалар: субъект активлари, модий, номодий, доимий, айланма, ялпи, соф, хусусий, ижарага олинган активлар, юқори ликвидли, узоқ муддатли, асосий воситалар.

Назорат учун саволлар.

1. Субъект активларини ташкил топиш тамойиллари:
2. Айланма активларни бошқариш сиёсати.
3. Айланма активлар таснифи.
4. Айланма активлар турлари.
5. Айланма активларнинг амал қилиш даври.
6. Корхона айланма активларини бошқаришнинг асосий босқичлари.
7. Айланма активларнинг ҳажмини муқобиллаштириш.
8. Товар-моддий заҳираларни бошқариш.
9. Кредит сиёсати тамойилларини маҳсулот сотиб олувчиларига нисбатан ташкил топиши.
10. Дебиторлик қарзини қайта молиялаштиришнинг замонавий шаклларида корхонада фойдаланиш: факторинг; форфейтинг; восиқалар ҳисоби.
11. Айланма активларни молиялаштириш бошқаруви.
12. Ноайланма маблағларни бошқарув.
13. Ноайланма активлар бошқарув сиёсати.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Актуальные вопросы административного и финансового права. СБ. науч тр. Вып 2. - М.: МГИМО, 2004. – 209 с.
2. Астахов В. П. Финансовый учет. Тесты: Учебное пособие. - М.: ИДФБК-Пресс, 2004. – 200 с.
3. Бланк Е.Г. Основы финансового менеджмента.-М.: ИНФРА, 2004г.
4. Донцова А.В., Никифорова Н.А. Анализ финансовой отчетности. Практикум. - М.: Дело и Сервис, 2004. – 144 с.
5. Миронов М.Г. Финансовый менеджмент (Справочник руководителя). - М.: ГроссМедиа, 2004. – 144 с.
6. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.
7. Собиров М.А., «Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асослари», Тошкент: Консаудитинформ - Нашриёт, 2003.

8. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорлик фаолияти асослари» (ўқув амалий қўлланма).- Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет.

9. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорликда молиявий менежмент» (ўқув амалий қўлланма).- Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет

Интернет веб- сайтлари:

www.uz

www.gov.uz

5-Мавзу: КАПИТАЛЛАРНИ БОШҚАРИШ

Режа:

1. Корхона капиталини иқтисодий моҳияти ва гуруҳланиши.
2. Корхона капиталини шакллантириш принциплари.
3. Капитал қийматини баҳолаш ва уни оптималлаштириш.

1. Корхона капиталини иқтисодий моҳияти ва гуруҳланиши.

Капитал — молиявий менежментда доимий фойдаланиб келинаётган иқтисодий категориялардандир, мамлакатни бозор муносабатларига ўтиши билан ўзини янги мазмунига эга бўлди. Корхонанинг ташкил этилиши ва ривожланишида бош иқтисодий негиз бўлиб, капитал ўзини мавжудлиги ва ҳаракати жараёнида давлат, мулкдорлар ва ишчи ходимлар манфаатларини таъминлайди.

Молиявий менежмент йўналишларида капитал маблағлар қийматини пул, моддий ва номоддий шаклда, унинг активларини шакллантиришда инвестициялаштирилганлигини характерлайди.

Корхона капиталини иқтисодий моҳиятига кўра, биринчи навбатда унинг қуйидаги тавсифларини кўриб ўтиш зарур:

1. Капитал корхона ишлаб чиқаришини асосий омили ҳисобланади. Иқтисодий назарияда ишлаб чиқаришни 3 та асосий омилини ажратиб кўрсатиш мумкин, корхоналар хўжалик фаолиятини таъминлашда ишлаб чиқариш - капитали; ер ва бошқа табиий ресурслар; меҳнат ресурслари. Ягона ишлаб чиқариш комплексида барча омилларни бирлаштирувчи омил бўлиб, ишлаб чиқариш капитали муҳим ўрин эгаллайди.

2. Капитал даромад келтирувчи корхона молиявий ресурсларини характерлайди. Капитал бу ўз ўрнида — ссуда капитали шаклида ишлаб чиқариш омилларидан ажралмаган ҳолда корхонанинг даромадини шакллантиришни таъминловчи ишлаб чиқариш(операцион) фаолият эмас, балки молиявий (инвестиция) фаолияти соҳасини белгилайди.

3. Капитал корхонанинг мулкдорларини бойлигини шакллантирувчи бош асосий манба ҳисобланади. У бу зарурий даражада бойликни шакллантиришни жорий ва келажакда таъминлаш учун зарурдир. Жорий жараёнда ишлатилган капиталнинг бир қисми капитал таркибидан ажралиб, унинг мулкдорларини (эгаларини) келажакда йўналтирилган эҳтиёжларини таъминлайди.

4. Корхона капитали унинг бозор қийматини асосий ўлчови ҳисобланади. Унда корхона жами ўз капиталларини активларга нисбатан ҳажмини белгилайди. Бу ерда ишлатилган ўз капиталларини таркибини четдан жалб қилинган капиталлари қўшилган таркиби билан фойда олишни белгилайди.

5. Корхона капитали динамикаси унинг хўжалик фаолияти самарадорлиги даражасининг муҳим барометри ҳисобланади.

КОРХОНА КАПИТАЛЛАРИ ШАКЛЛАРИНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ



Капитал бу корхонанинг нафақат ўзининг кўп қиррали жиҳатлари моҳиятини характерлайди, шунингдек кўп шаклли манбалари билан ҳам юзага чиқади. Умумий тушунчаларда «Корхона капитали» деганда ҳозирги вақтда турли шаклдаги ўнлаб терминлар тушунилади. Бу тушунчаларни маълум бир тизимга келтиришни талаб этади. Бундай тизимлаштиришни 1-чизмада келтирамиз ва бундай шаклдаги корхона капиталларини алоҳида асосий хусусиятлари бўйича гуруҳлантириб қараб чиқамиз.

1. Корхонага тегишлиги бўйича унинг ўз капитали ва жалб қилинган капиталлар шаклларига ажратилади.

Ўз капитали – бу корхонанинг маблағлари умумий қийматини унинг шахсий маблағлари ва унинг белгиланган активларини шакллантириш учун фойдаланиладиган маблағларини бир қисмини ташкил этади (характерлайди).

Қарзга олинган капитал – корхонани ривожланишини молиялаштириш учун қайтарилиш асосида бериладиган пул маблағлари ёки бошқа мулк қийматликларни жалб қилишни характерлайди. Корхонада ишлатилинадиган қарз капиталини ҳамма шакли ўзида унинг белгиланган вақтда қайтарилиш талаб қилинадиган моливий мажбуриятларини билдиради.

2. Фойдаланиш мақсадлари бўйича корхона таркибида қуйидаги капиталлар шаклларига ажратиш мумкин: ишлаб чиқариш, ссуда ва (судхур)спекулятив.

Ишлаб чиқариш капитали – ишлаб чиқариш- таъминот фаолиятининг амалга ошириш учун унинг операцион активларида инвестициялаш бўйича корхонанинг маблағларни характерлайди.

Ссуда капитали – у ўзида унинг бир қисм фойдланиладиган пул воситалари (тижорат банкларининг қисқа ва узоқ муддатли депозит жамғармалари) сифатида инвестициялаш жараёнида фойдаланилади унинг шунингдек бир қисм қарзли фондларнинг воситаларини (облигация, депозит сертификатлари, вексел ва бошқаларни) характерлайди.

Спекулятив(судхўр) капитал– унинг бир қисми, судхўрлик молиявий операциялар фаолиятида (асосан баҳолар фарқи) фойдаланиланишини характерлайди.

3. Инвестициялаш шакллари бўйича капиталлар: пул, материал, номатериал шаклидаги капиталларга ажратилади. Корхонанинг устав фондини шакллантириш учун фойдаланилади. Бу корхоналарни янгитдан очилиши ва устав капиталини ўстириш учун қонун йўли билан белгиланган шакллар ҳисобланади.

4. Инвестициялаш объекти бўйича: корхонада асосий ва оборот капиталларига ажратилади.

Асосий капитал – бу корхона капиталини фойдаланиладиган қисмини оборотдан ташқаридаги активларини ҳаммасини характерлайди.

Айланма капитали – бу корхона асосий активларига сарфланадиган қисмини характерлайди.

5. Доиравий айланиш жараёнида қатнашиш шакли бўйича: Бу доиравий айланишнинг умумий циклларидан келиб чиқади ва корхона

капиталларини унинг пул, ишлаб чиқариш ва товар шаклида ажратилади. Корхона капиталларини доиравий айланиш цикллари тавсифлаш жараёнида тўлиқ тушунтирилади.

6. Мулк шакллари бўйича: Бу хусусий ва давлат капиталига, яъни корхона устав капиталини шакллантириш жараёнида инвестициялашни белгилайди. Капиталларни бундай бўлишини корхонанинг мулкчилик шакллари жараёнида фойдаланилади.

7. Ташкилий – ҳуқуқий фаолият шакллари бўйича:

- акционер капитали (акционер жамияти шаклида тузилган корхона капитали);
- пай капитали (масъулияти чекланган жамиятлар партнер корхоналари капитали, консалтинг ёки жамоа капитали);
- индивидуал корхона капитали (оила, жамоа капитали) шаклларида ажратилади:

8. Хўжалик жараёнига фойланиш хусусиятига қараб молиявий менежмент амалиётида ишлайдиган ва ишламайдиган капиталларга бўлинади.

Ишлайдиган капитал – бевосита корхонанинг даромадини шакллантиришда қатнашувчи ва корхонанинг операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятини таъминлашда қатнашувчи капитал қисмига айтилади.

Ишламайдиган капитал (ёки «ўлик капитал») – капитал корхона даромадини шакллантириши ва корхона хўжалик фаолияти шаклларида бевосита қатнашмайдиган бошқа корхона активларига инвестициялаш-тирилган қисмига айтилади. *Масалан:* ишлаб чиқаришга фойдаланилмайдиган иморат ва воситалар; маҳсулот учун ишлаб чиқариш захиралари, ишлаб чиқаришдан чиқарилган, истеъмолчилар талабидан қолган, жавоб бермайдиган (товарлар) ва сифатини йўқотган товарлар киради.

9. Мулкдорларнинг фойдаланиш характери бўйича: эса истеъмол қилинадиган ва жамғариладиган капитал шаклларида ажратилади.

- Истеъмол қилинадиган капитал тақсимлангандан кейин бу капитал функциясини йўқотади: у ўзида дезинвестицияни билдириб, оборотдан ташқари активлардан ажратиш дивидендлар, фоизлар ва ишчи ходимларни ижтимоий қондириш мақсадида бир қисм капитални айланма активлар ва оборотдан ташқари активлар таркибидан чиқариш.

- Жамғариладиган капитал – фойдани ўстириш дивидендлар тўлаш жараёнида уларни ўстириш киради.

10. Жалб қилиш манбаи бўйича: миллий ва халқаро капиталларга бўлинади.

Корхона капиталларини доимий доиравий айланиш жараёни ҳаракатланишини қўйидаги таркибда келтириш мумкин. Ҳар бир тугалланган капитал айланиши алоҳида босқичлардан иборат бўлади.


- биринчи босқич: пул шаклидаги капитал (операцион активларни инвестициялаш);

- иккинчи босқич: ишлаб чиқариш капитали бу ишлаб чиқаришни маҳсулот шаклига ўтиши;

- учинчи босқич: бу товар капитали реализация даражаси билан товар ва хизматлар пул капитали шаклига айланади. Шунинг учун доимий доиравий айланиш стадияларига айтилади. Бу корхона капиталларини ўртача доиравий айланиш давомийлигини унинг кунда (ой, йил) айланиш даврини характерлайди. Бундан ташқари бу кўрсаткич кўриладиган даврида капитални айланиш миқдорини акс эттиради.

2. Корхона капиталини шакллантириш принциплари.

Корхона хўжалик фаолиятини самарали даражаси кўп ҳолларда унинг капитали шаклланишини мақсадли йўналтирилганлиги билан аниқланади. Корхона капитали шаклланишини асосий мақсади бу зарурий активларни сотиб олишда истеъмолни қондириш ва унинг таркибий самарали таъминлаш томонидан ундан фойдаланишни билдиради.



Корхона капиталини шакллантиришнинг асосий принциплари.

1. Корхона хўжалик фаолиятини келажакда ривожланишини ҳисобга олиш: капитал ҳажми ва таркибини шаклланиши жараёни унинг хўжалик фаолиятини таъминлаш вазифасига бўйсунити нафақат корхонанинг бошланғич босқичи ҳаракатида шунингдек, яқин келажакдаги фаолияти учун ҳам таълуқлидир. Бундай келажакда ривожланишни таъминлаш корхона капиталлари шаклланиши

барча ҳисобларни қўшиш йўли билан янги корхоналарни ташкил этиш, бизнес режа лойиҳаларини тузиш ва бошқаларга боғлиқ.

2. Корхонада шакллантирилган активлари ҳажмини жалб қилинган капиталлари билан мос келишини таъминлаш. Корхоналар капиталга бўлган умумий эҳтиёжи унинг оборот ва оборотдан ташқари активларига бўлган эҳтиёжидан тузилади.

Янгитдан ташкил бўлаётган корхоналар учун зарур бўладиган капиталга умумий эҳтиёжи олдиға турадиган харажатларни 2 гуруҳға ажратилади: 1. Корхонани ташкил этиш олди харажатлари; 2. бошланғич капитал.

- Янги ташкил этилаётган корхона бўйича ташкил этиш харажати ўзида катта бўлмаган молиявий маблағлар суммасига тенг бўлиб, у корхонада бизнес-режа ишлаб чиқиш ва шу билан боғлиқ бошқа кузатувларни молиялаштириш учун зарур харажатларини акс эттиради. Бу харажатлар бир мартали характерға эға, аммо маълум белгиланган капитал харажатларини белгилайди, улар одатда унча аҳамиятға эға бўлмаган ўринни олади.

- Бошланғич капитал янги тузилаётган корхоналар активларини шакллантириш учун бевосита қаратилган бўлиб, унинг хўжалик фаолиятини бошлаш мақсадида тузилади.

Янги тузилаётган корхонада капиталға бўлган умумий эҳтиёжларини аниқлашда одатда икки асосий усулдан фойдаланилади:

- Тўғридан-тўғри ҳисоб усули – бу янгидан тузилаётган корхоналар хўжалик фаолиятини бошлаш мақсадида маълум белгиланган зарурий активлар суммасини аниқлаш орқали унинг капиталға умумий эҳтиёжи ҳисобланади. Бу ҳисоб усули қуйидаги алгоритмдан чиқади: Активларни умумий суммаси жалб қилинган (жойлаштирилган) капитални умумий суммасига тенг. Актив қ капитал.

Бу янги тузилаётган корхоналар активларға эҳтиёжи 3 та вариантда ҳисобланади. (минимал зарурий активлар суммаси, зарурий активлар суммаси, максимал зарурий активлар суммаси, яъни алоҳида шакллар бўйича сғуртали заҳираларини етарли ҳажмда таъминлаши.

- Билвосита ҳисоб усули. Капиталға умумий эҳтиёжи кўрсаткичлардан фойдаланиши орқали ойдинлашади. «Маҳсулотни капитал ҳажми» бу бир бирлик ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки сотилган маҳсулотға капитал ҳажми ҳисобға олинади. (ўз ва жалб қилинган капитал). Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Пк + Кп + ОР + ПРк,$$

Пк қ янги корхонани тузиш учун умумий капиталға эҳтиёж.

Кп қ маҳсулотға капитал ҳажми кўрсаткичи (тармоқ ва анологик).

ОР қ режалаштирилган ўртача йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш.

ПРк қ стартовой харажатлар.

3. Капитал таркибини уни самарали харакати йўли билан оптималлаштиришни таъминлаш. Корхона фаолиятини юқори якуний

натижаларини шакллантириш шартини аҳамиятли даражаси фойдаланиладиган капитал таркибидан иборат.

Капитал таркиби ўзида ўзининг хўжалик фаолияти жараёнида ўз ва жалб қилинган молиявий маблағларни, корхонада фойдаланишни солиштиришни ифодалайди. Корхонада фойдаланиладиган капитал таркиби бир қатор жихатлар билан аниқланади, у нафақат молиявий балки унинг операцион ва инвестицион фаолиятини ифодалайди. У активларнинг рентабеллиги ва ўз капиталлари коэффицентларига таъсир қилади. Шунингдек, (иктисодий ва молиявий рентабеллик даражасига) молиявий барқарорлик ва тўловга қобиллик коэффицентлар тизимини аниқлайди ва якуний ҳисобда фойдалилик даражасини ва хавф-хатарларни корхона ривожланиши жараёнида шакллантиришни аниқлайди.

Корхона мулкнинг ташкил топиш манбалари.

Корхона мулкнинг ташкил топиш манбаларига кўра иккига бўлинади ўз маблағларининг манбаи ва мажбуриятларга (—схемага қаранг). Ўз маблағларининг манбаи корхона таъсисчилар томонидан киритилган ва ишлаб топилган маблағларидан ташкил топади. Уларга қуйидагилар киради: устав капитали, қўшилган ва заҳира капиталидан, ҳамда тақсимланмаган фойда.

Устав капитали — таъсис ҳужжатларда белгиланган хиссаларнинг (пул ифодасида) йиғиндисидир. Устав капиталига хисса шаклида қўшиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижроия органининг қарорига кўра баҳоланади ва ҳисобга олинади. Устав капитал корхона мулкни шакллантиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Унинг суммаси корхона уставига ёзилган бўлади ва унинг ўзгартирилиши корхона уставига ўзгартиришни киритиш ва корхоналарни рўйхатга олиувчи органда қайта рўйхатдан ўтиши лозим бўлади.

Қўшилган капитал акцияларни номинал қийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинadиган эмиссия даромадини, ҳамда устав капиталини шакллантиришда пайдо бўладиган курс фарқларини акс эттиради.

Заҳира капитали мол—мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляция заҳираларини, шунингдек текинга олинган мол—мулк қийматини акс эттиради. Шу билан биргаликда қонунчиликда белгиланган тартибда ва миқдорда резерв капиталини ташкил қилади. Резерв капиталини ташкил қилиш унинг миқдори ва тартиби корхона уставига ёзилган бўлиши лозим.

Тақсимланмаган фойда — фойданинг жамғарилаётганини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин.

Заҳиралар — ҳисобот йилида корхона томонидан келгуси харажатлар ва тўловларни амалга ошириш ва уларни ишлаб чиқараётган маҳсулот таннархига бир маромда қўшиб бориш учун ички имкониятлар ҳисобидан тузиладиган жамғармалардир. Уларга даргумон қарзлар бўйича резервлар, ишчиларга меҳнат таътили учун резервлар, асосий воситалар ремонтини учун резервлар ва бошқалар киради.

Мақсадли тушумлар — маълум бир мақсадлар учун келиб тушаётган пул маблағлари киради. Уларга грант, субсидия, аъзолик бадаллари, мақсадли фойдаланиш учун солиқлар бўйича имтиёзлар ва бошқалар киради.

Корхона мажбуриятлари бўлиб корхонанинг жалб қилинган маблағлари киради. Улар ўз вақтида иккига бўлинади: қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятларга.

Жорий мажбурият ҳисобланади:

— Ҳисобот кунидан бошлаб 12 ой давомида ҳисоб—китоб қилинадиган мажбуриятлар;

— Мажбуриятларнинг қолган моддалари жорий эмас, яъни узоқ муддатли ҳисобланади.

Жорий мажбуриятлар: тавсифи жорий активлар тавсифига ўхшашдир. Кредиторлик қарзи иш хақи, солиқлар бўйича қарзлар ва бошқа операция харажатлари бўйича қарзлар каби айрим жорий мажбуриятлар жорий активлар ҳисобидан ҳисоб — китоб қилишни талаб қилади, чунки субъектнинг одатдаги операцияси циклида фойдаланиладиган айланма маблағни ташкил этувчи моддалар бўйича мажбурий ҳисобланади. Бундай операция моддалари хатто ҳисобот вақтидан сўнг 12 ойдан ортиқ давр давомида ҳам ҳисоб — китоб қилиниши лозим бўлсада, жорий мажбуриятлар ҳисобида тасниф қилинади.

Жорий мажбуриятларга шунингдек банк овердрафтлари, тўланадиган дивидендлар, даромад солиқлари, савдо билан боғлиқ бўлмаган ўзга кредиторлик қарзлари, фоизларни тўлашни талаб қиладиган қисқа муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми киради.



Хўжалик маблағларини ташкил топиш манбалари бўйича гуруҳлаштириш.

Узоқ муддатли асосда айланма маблағдан пул билан таъминланадиган, фоизни тўлашни талаб қилувчи мажбуриятлар (12 ой давомида ҳисоб —китоб қилинмайдиган мажбуриятлар) узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобланади.

Ҳисобот санасидан бошлаб 12 ой давомида ҳисоб —китоб қилиниши лозим бўлган мажбуриятлар:

— Дастлабки муддат 12 ойдан кўпроқ бўлса;

— Субъект мажбуриятни узоқ муддатли асосда қайта молиялашни режалаштираётган бўлса;

— Бу муддао молиявий ҳисобот маъқуллагунга қадар тўлдириладиган қайтадан молиялашга ёки тўловлар муддатини ўзгартиришга қаратилган битим билан қўллаб — қувватланса, бундай шароитда узоқ муддатли мажбуриятлар сифатида тасниф этилиши лозим.

Жорий мажбуриятлардан чиқариб юбориладиган ҳар қандай қисқа муддатли қарз миқдори уни тақдим этишни қўллаб — қувватловчи ахборот билан биргаликда бухгалтерия балансига изоҳларда очиб берилиши лозим.

Мажбуриятлар тарафларнинг келишувига биноан пул билан акс эттирилади.

Суд қарори бўйича юзага келган мажбуриятлар тегишли суммада акс эттирилади.

Потенциал мажбуриятлар дастлабки ҳақиқий баҳоси бўйича акс эттирилади.

Хўжалик операциялари ва хўжалик жараёнлари.

Корхона ўз фаолиятини узлуксиз олиб бориши учун маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишда доимо товар —моддий қийматликларга эҳтиёж сезади. Ушбу эҳтиёжини қондириш учун корхона хўжалик жараёни 3 та фаза: таъминот жараёни, ишлаб чиқариш жараёни ва сотиш (реализация) жараёни мунтазам равишда олиб боради.

Таъминот жараёни. Ҳар қандай корхона ўз хўжалик фаолиятини бошлашдан олдин аввал унга керак бўлган моддий бойликлар билан таъминланган бўлиши лозим. Корхона зарур бўлган бу моддий қийматликларни мол етказиб берувчилардан тузилган шартномага асосан олади. Шартномада муайян моддий қийматликнинг номи, сони, сифати, баҳоси, ассортименти ва қайси муддатда олиб келиниши кўрсатилган бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёни. Ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун корхона тегишли моддий қийматликларга эга бўлиши керак. Шу моддий қийматликлардан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнида бухгалтерия ҳисобида ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни акс эттиради ҳамда ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотларни қайд қилади.

Сотиш (реализация) жараёни. Ишлаб чиқариш жараёнидан сўнг яратилган миллий даромадни тақсимлаш ва кейинги ишлаб чиқаришни амалга оширишдан маҳсулотларни сотиш фазасига келади.

Корхона маблағининг айланишининг бошқа фазалари муомала сферасида амалга оширилади.

Муомала сфераси билан корхонани моддий қийматликлар билан таъминлаш ва тайёр маҳсулотларни сотиш фазасидан иборат.

Ҳамма жараёнлар таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари айрим— айрим олинган хўжалик операциялар иборат бўлади.

Хўжалик операциялари деганда, хўжалик жараёнларни амалга оширишда корхона маблағларининг ҳаракати тушунилади.

Таянч иборалар: Корхоналар капитали, капитал таркиби, хўжалик операциялари, капиталларни бошқариш, капитални боҳолаш, капитал таркибини шакллантириш, корхонанинг ўз капитали таркиби, жалб қилинган капитали, тўловга қобиллик, активларни айланиши, капитал, иш фаоллик, рентабеллик.

Назорат учун саволлар.

1. Субъектлар капиталини иқтисодий моҳияти ва гуруҳланиши.
2. Субъект капиталини шакллантириш принциплари.
3. Капитал қиймати, уни баҳолаш ва башорат қилиш.
4. Молиявий леверидж.
5. Ўз капиталларини бошқариш.
6. Жалб қилинган(қарз) капиталларини бошқариш.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Астахов В. П. Финансовый учет. Тесты: Учебное пособие. - М.: ИДФБК-Пресс, 2004. – 200 с.
2. Бланк Е.Г. Основы финансового менеджмента.-М.: ИНФРА, 2004г.
3. Миронов М.Г. Финансовый менеджмент (Справочник руководителя). - М.: ГроссМедиа, 2004. – 144 с.
4. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.
5. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорлик фаолияти асослари» (ўқув амалий қўлланма).- Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет.
6. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорликда молиявий менежмент» (ўқув амалий қўлланма).- Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет.

Интернет веб- сайтлари:

www.uz

Мавзу: 6. Инвестицияларни бошқариш.

Режа:

2. Субъектда инвестицияларни бошқаришнинг умумий асослари.
2. Инвестиция лойиҳаси; унинг таркиби ва давом этиш босқичи¹.
3. Инвестиция бозорини баҳолаш ва башорат қилиш.
4. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш.
5. Инвестиция рискларини турлари ва уларни бошқариш.

1. Субъектда инвестицияларни бошқаришнинг умумий асослари

Инвестиция жараёнларини изга солиб туришнинг иқтисодий асосларини яратиш, ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга имкон туғдирувчи шарт-шароитни таъминлаш инвестиция сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, иқтисодий ўсишга айнан шу йўл билан эришиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти капитал мулкка мўлжалланаётган инвестицияларнинг ҳажми тегишли молия активларининг даромадлилигига боғлиқ бўлади. Даромад меъёри орқали эса ана шу активларнинг баҳоси инвестицияларга бўлган талаб ва таклифга қараб белгиланади. Давлатнинг пул ва кредит сиёсати орқали инвестицияга бўлган талаб ва таклифнинг нисбати ҳамда унинг таркибий тузилишига таъсир курсатиши мумкин. Шундай экан, бу сиёсат турли молия активларидан олинadиган даромаднинг ҳажмига ҳам катта таъсир этади. У инвестиция товарлари бозорида инвесторларнинг хатти-ҳаракатининг бош йўналишини, шунга боғлиқ ҳолда инвестициялар таркибий тузилишини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритиши билан иқтисодиётимизда бир қанча туб ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Иқтисодиётнинг барча соҳаларида янги атамаларимиз аксини топа бошлади. Молия кредит ва пул муносабатларида ҳам янги атама (термин)лар кулланила бошланди. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш ҳозирги бозор шароитида муҳим урин тутди.

Инвестициялар маблағ сарфламоқ, яъни лотинча "инвестор" деган суздан олинган бўлиб капитал харажатларнинг ҳажми, таркиби ва унинг асосий йўналишларини англатади. Инвестициялар мамлакатда иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида мамлакатда ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш деган маънони билдиради.

Инвестициялар ташкил этиш ва молиялаштиришда республика хориж инвестицияларини жалб этиш ва ички жамғарма манбаларини сафарбар этмай

¹ ТДИУ ва МДШ мамлакатлари иқтисодиёт мутахассисликлари бййича бакалавриат битирув малакавий ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари (2002-2005 йиллар).

туриб, уларнинг узи фаол инвестиция ишлари билан шуғулланмай туриб, иқтисодиётнинг структурасини тубдан ўзгартириш вазифасини ҳал этиш қийин кечади.

Инвестиция ташкил этиш ва молиялаштиришда асосий этибор субъектларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш, биноларни қайта қуриш ва техника билан қуроллантириш учун маблағларни қидириб топишни рағбатлантиришга қаратилади. Ҳозирги пайтда капитал сарфларни маблағ билан таъминлаш манбаъларини таркиби ўзгармоқда.

Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш давлат томонидан амалга оширилади. Бунда инвестициялар бўйича амал килаётган конунлар албатта ҳисобга олинади. Ўзбекистонда инвестициялар агросаноат комплекси, енгил саноат, кимё ва нефткимё саноати, машинасозлик ва медицина соҳаларига йуналтирилмоқда.

Давлат томонидан инвестицияларни ташкил этиш молия-кредит сиёсатини тўғри олиб бориш бунинг асосида молиявий ёрдамлар, дотация, субсидия, қарзлар кўринишида айрим ҳудуд ва тармоқларнинг ривожини учун йуналтирилиши булар ҳаммаси инвестициялар ва молиянинг моддий асосини ташкил этади.

Инвестицияларни молиялаштиришда давлат инвестиция дастурларини жумладан давлатлараро ҳудудий дастурларни давлат бюджети ҳисобидан ва нобюджет маблағлар ҳисобидан амалга ошириш ҳаракатлари орқали кўриб чиқилади.

Инвестицияларни ҳимоя қилиш борасида давлат айниқса хориж инвестицияларига кафолатлар ва имтиёзлар бериши лозим.

Объектларга инвестиция маблағларини йуналтириш бўйича инвестициялар реал ва молиявий инвестицияларга бўлинади: реал инвестиция - саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, ва банкларга капитал қуйиш демакдир; молиявий инвестициялар - қимматли қоғозлар чиқариш ва реализация билан боғлиқ ишлар учун сарфланадиган маблағлардан иборат.

Инвестициялар қатнашиш хусусиятига кўра қуйидагича бўлади.

- тўғридан тўғри инвестициялар асосан объект аниқ бўлган маълум мақсадни амалга ошириш реал бўлган тақдирда йуналтириладиган маблағлардир.

- эгри инвестициялар - булар воситачилар орқали объектларга сарфланади ва олинган даромадлар мижозларнинг ўртасида тақсимланади.

Бозор шароитида инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш йуналишлари Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётини барқарорлаштириш субъектларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун бир қанча тадбирлар ҳамда инвестиция дастурлари ва лойҳаларини ишлаб чиқиш лозим. Ҳозирги пайтда инвестицияларнинг ташкил этиш ва молиялаштириш инвестиция сиёсатининг қуйдаги йўналишларига асосан амалга оширилмоқда.

- ташки иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш, товарларни экспорт қилишда хориж инвестициялари учун уз даромадларидан фойдаланишларида бирмунча имтиёзлар тартибини жорий этиш.

- хорижий инвестицияларининг асосан капитал манбаларини республика иқтисодиётига жалб этиш учун ҳуқуқий ижтимоий иқтисодий шарт шароитларини янада такомиллаштириш.

- Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги техникалар олиб келадиган иқтисодиёт структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган хориж инвестицияларига нисбатан очик эшиклар сиёсати утказиш.

Ҳозирги шароитда республикада инвестиция базасига ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислохатлар стратегиясини муҳим шароити бўлиб қолди.

Ўзбекистон республикаси бир қанча ривожланган мамлакатлар билан қўшма корхоналар барпо этмоқда. Ҳамкорликда ишлаб чиқариш маҳсулотлар ва товарлар ички бозорни таъминламоқда ва экспорт килинмоқда.

Хориж инвестицияларини жалб этиш мақсадида давлат инвестиция лойihalари ва дастурлари ишлаб чиқилган.

Бозор шароитида ҳар бир инвестиция жараёни маълум бир даромадни олиш мақсадида амалга оширилади.

Субъектларнинг инвестиция ва инвестицион фаолиятининг иқтисодий мазмуни.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий объектларидан бири бўлиб инвестиция ҳисобланади.

Инвестициянинг кенг маъносини унинг кейинчалик мақсадни кузлаб қўйилган капитални ифодалайди.

Инвестициялар субъектнинг активида бухгалтерия балансининг чап томонида молиялаш манбайи эса, унинг унг томонида (баланснинг пассивида) акс эттирилади.

Капитал қуйилмалар ҳақиқий харажатлар бўйича (инвесторлар учун) балансда курсатилади. Инвестиция фаолиятининг объектлари қуйидагилардир, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш хизматларининг янгитдан ҳосил қилмоқчи ва реконструкцияланадиган асосий органидир, шунингдек халқ хўжалигининг ҳамма бўлимларидаги мавжуд воситалар.

Инвестиция фаолият юридик шахсларнинг амалий харажат мажмуини узида намоён қилади.

Инвестициялар-бу пул маблағлари, кредитлар, банк қуйилмалари, улушлар, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар, технология, машина ва ускуналар, лицензиялар бўлиб тадбиркорликнинг турли соҳаларида фойда олиш мақсадида объектларга қўйилган интеллектуал бойлик ва мулкчилик ҳуқуқларини йиғиндиси.

Инвестиция соҳаси таркибига қўйидагилар киради:

1. Капитал қурилиш соҳаси (унда халқ хўжалиги тармоқларининг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларига инвестициялар сарфланади. Бу соҳа буюртмачи--инвесторлар, пудратчилар, лойиҳачилар, ускуна етказиб берувчилар, якка тартибда ва кооператив ўй-жой қурилиши бўйича фуқаролар ва шу каби бошқа субъектларнинг инвестиция фаолиятини ўз ичига олади).

2. Инновация соҳаси (бу соҳада илмий-техникавий маҳсулот ва интеллектуал салоҳиятлар амалга оширилади).

3. Молия капитали муомаласи соҳаси (бу соҳа турли шаклдаги пул, ссуда ва молия мажбуриятларининг ҳаракатланишини ўз ичига олади).

4. Инвестиция фаолияти соҳаси (бу соҳа субъектларнинг мулкӣ ва муаллифлик ҳуқуқларини амалга оширишни ўз ичига олади);

Инвестициялар шаклларига кўра: **молиявий, моддий, мулкчилик ҳуқуқлари** турларига бўлинади.

Молиявий инвестицияларга пул, депозитлар, улуш, акциялар, облигациялар ва бошқа ўзоқ муддатли қимматли қоғозлар киради.

Моддий турдаги инвестициялар икки гуруҳга: кўзгалувчан мулкка ва кучмас мулкка бўлинади.

Кўзгалувчан мулкка машина ва қурилмалар, ҳамда бошқа моддий бойликлар киради. **Кучмас мулкка** бино, иншоот, коммуникация қурилмалари, яъни кўп ҳолларда асосий фондларнинг пассив қисми киради.

Инвестицияларнинг турли-туман шакллари бўлиб, мулкчилик ҳуқуқлари ҳисобланади. Бундай турдаги инвестицияларни тўплами бозор муносабатларининг ривожланиш даражасига ва миллий бозор ҳусусиятларига кўра ўзгариб туради. Инвестиция тўплами ичидан биринчи навбатда интеллектуал бойликка эга бўлган ҳуқуқлар, табиий ресурслар ва бошқа турдаги ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ажралиб чиқади.

Инвестицияларнинг интеллектуал ҳуқуқлар тури муаллифлик ҳуқуқлари, ноу-хау ва бошқалар кўринишида бўлиши мумкин. Чет эл сармоядорлари томонидан институцион бирликларнинг устав капиталига улуш сифатида товар белгиларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, шу хўжалик бирликларининг сифатли товар ишлаб чиқаришига олиб келади. Оқибатда, бундай ҳаракат хўжалик бирликларининг интенсив ривожланишига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига чет эл инвестицияларининг оқиб келишига олиб келади.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи инвестициялар ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам беради.

Йўналтирилаётган соҳаларига, қўйилма объектларига қараб, инвестиция фаолиятининг объектлари қўйидаги туркумларга ажратилади:

-янги ташқил қилинадиган ва замонавийлаштириладиган асосий фондлар ҳамда халқ хўжалигининг барча тармоқларида айланувчи маблағлар;

-илмий-техника маҳсулоти;

-интеллектуал бойликлар;

-акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар;

-мақсадли пул қўйилмалари;

-мулкӣ ҳуқуқлар ва бошқалар.

Инвестицияларни амалга оширишнинг асосий босқичлари қўйидагилардир:

биринчидан, ресурсларни капитал қўйилмаларга айлантириш, яъни ресурсларни инвестицион фаолият натижаси ҳисобланган объектларга ўтказиш;

иккинчидан, капитал қўйилмалар учун сарфланган маблағлар пировард натижада инвестициялар миқдорини ошириш ва янги истеъмол қийматини яратиш;

учинчидан, ижтимоий самара яратиш, яъни инвестиция фаолиятининг пировард мақсадини амалга ошириш.

Агар инвестициялар натижасида фойда (даромад) ёки ижтимоий самара олинмаса, инвестиция қилишга қизиқиш бўлмайди. Чунки инвестиция- бу ҳайрия ёки эҳсон тариқасидаги маблағ эмас.

Бошланғич ва охириги занжирлар тутшиб, янги ўзаро боғлиқлик жараёни ҳосил бўлади: даромадлар-ресурсларга айлантирилади, яъни жамғариш жараёни такрорланади. Инвестиция фаолияти—тармоқларда инвестицияларнинг бир маротаба тўлиқ айланиши жараёнидир. Инвестиция даври инвестицияларнинг бир марта айланиши муддатига тенгдир. Яъни капитал мулк тариқасида мужассам бўлган қийматнинг пул маблағлари жамланган даврдан улар қайтиб келадиган пайтга қадар бўлган аниқ ҳаракатини ўз ичига олади. Давлат корхоналари, фирмалар, корпорацияларнинг инвестиция фаолияти уларга солиқ-эскириш имтиёзлари (фойдани солиққа тортиш бўйича ёки эскиришнинг имтиёли меъёрлари)ни бериш йўли билан рағбатлантиради. Инвестицион жараён инвестицион комплексларда амалга оширилади.

Инвестиция комплекси деганда биз айтилган барча тушунчалар йиғиндисини яъни уларнинг мазмуни, инвестиция қилиш билан боғлиқ бўлган иштирокчиларни, бир сўз билан айтганда инвесторлар ва инвестиция буюртмаларининг ижрочиларини тушунамиз. Инвестиция комплекси тушунчаси кенг маънода қўлланилади, у инвестиция билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни ўз ичига олади. Назаримизда, бу жараёнлар инвестиция комплексининг таркибий қисми бўлиб, улар доимо бир-бирларини тўлдириб боради.

Айқид ёқоёниё,оё оадёёёаа ёйааёёёёй оайёёёо кёёёааё ёёёёаё аёёай айёёа йёёёёаё:

-ооёоёёё оадёёаё, ййааёаё субъектёаё, оўжаёёё аёёёаёйёаёё, жаёёёёаё аа жаёйаё оаёёёёёёаёё оййёёаай ёйааёёёёё кёёёё ёёёё аёёай;

-аааёаё оййёёаай ёйааёёёёё аа ёёоаа оййёёаёёё афяаёо хёййёаа йёёёёаёёёёё оёқаёё ёйааёёёёё кёёёё ёёёё аёёай;

Оойааё ўёай ааёоаааё ооёоёёё оадёёаё, ййааёаё субъектёаё, оўжаёёё аёёёаёйёаёё, жаёёёёаё аа жаёйаё оаёёёёёёаёё оййёёаай ёйааёёёёёйё айёёа йёёёё оаёёёаёё ёўёёа ÷ёқайёс.

Ао ёўё аёёай ёйааёёёёё кёёёйаайаа о ,ёё ао йауаёёёаёёаа оадёёё, жаёё кёёёйаай, йёёёё аа ёйааёёоаё айёёёёаёёё аёёёаёёёёо ҳақёааёё қадёёаёёё ёйааёёёёя оайёёёйёйй ёоауаёёёаёё қааоё кёёааёёаё. Ёйааёёёёаё ёйааёёёёй ёсёайёёаёйёё ёёёаёёо ҳақёааёё қадёёаёёё қааоё кёёааё, ёйааёёёёёёаёйё йёёёёаёёёёааё, оойёйааё, ооёоёёё аа жаёёёо ёёёёйёё ўхёё,жаёё кййёёёё йакёааёаа йауаёёёаёёё ёоаа ооёёёааё, хайаа айёқа жаёййёё аа йёёёё оадёёаёаа ойёааёайёё о÷оы ааёааё.

Оойааё кёёёа, айқид ёқоёниё,оё оадёёёаа аёё-аёёёаёёаа айёёк аўёйааай, ўс оадёёёаёё йёёёааёё йааоёёёёаёё о÷оы ооёоёёё йёёё аа йааёаёёаё аёёай жаайй ааёаёёаай ёйааёёёёаёйёё ёайй аа ооёёё÷а ёўёёёёё йааёоа. Ёйааёёёёаё айёёа йёёёёа,оаай ёйааёёёёёёаёёёё ёўйаёёёёё аа йайаааёйёёёёёё йоёоақёё дааёёаа ааёёёёаёё. Оёаё ўс хйёёёаёёаа қадаа ёйааёёёёёёаёё айёёа йёёёё о÷оы қадод аўёаай

этилатган кредит маблағлари кўринишида амалга оширилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон иқтисодиётининг устивор тармоқларини ривожлантириш учун амалга оширилатган инвестицион лойиҳаларга хорижий капитални жалб этилишига, айниқса, катта аҳамият берилмоқда.

Инвестициядан олдинги изланишлар ва лойиҳанинг самадорлигини асослаш учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш маълум даражада машаққатли ва қиммат жараёндир. Шу сабабдан инвестиция объектининг самарадорлигини баҳолаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда тахминий баҳо амалга оширилади. Унинг мақсади инвестициядан олдинги изланишларни тула ҳажмда ўтказишнинг мақсадга мўвофиқлигини аниқлашдир. Иккинчи босқичда эса тулақонли изланиш амалга оширилади.

Инвестиция бозори - инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш учун замин яратиб беради, бу бозор инвестиция товарлари, қурилиш материалларининг барча турлари, ишлаб чиқариш фондларининг актив қисми, инвестиция хизматларидан иборат. Асосий элементлари талаб ва таклиф рақобат ва баҳолардан ташкил топган. Инвестиция бозори тузилишига кўра 2 қисмга бўлинади:

1. Реал объектни инвестициялаш бозори.

а) тўғридан тўғри капитал маблағларни йуналтириш бозори

б) хусусийлаштирилатган объектлар бозори

в) кучмас мулк

г) бошқа реал объектларни инвестициялаш

2. Молиявий инвестициялаш инструментларининг бозори, фонд бозори ва пул бозорига бўлинади.

Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш инвестицияларнинг турлари ва инвестиция бозорининг фаоллик даражаси унинг элементлари уртасидаги нисбатига боғлиқ бўлади. Уларни бозор конъюктурасини ўрганиш орқали аниқланади.

Инвестицион имкониятларни ўрганиш жараёнида лойиҳанинг яшовчанлик қобилияти аниқланиши биланоқ, инвестицияларга кумаклашиш ва уларни амалга оширишни режалаштириш босқичлари бошланади. Бироқ бунда асосий ҳаракатлар лойиҳани якуний баҳолаш босқичи ва инвестицион фазасига тўғри келади. Чекланган ресурсларнинг йуқотилишини камайтириш учун концептуал босқичдан тортиб субъектни фойдаланишга топширгунгача инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқишдаги ҳаракатлар кетма-кетлигини аниқ тушуниш керак бўлади. Шу билан биргаликда, инвестициялар жалб қилишга кумаклашувчи инвестиция ташкилотлар, тижорат банклари, молиявий муассасалар, ускуна етказиб берувчилар, экспорт кредитларини суғурталаш агентликлари ва маслаҳат фирмалари каби турли иштирокчиларнинг лойиҳадаги ролига ҳам аҳамият бериш лозим.

Инвестицион лойиҳаларни тайёрлаш уч босқичдан иборат:

□ инвестиция имкониятларини аниқлаш (имкониятларни ўрганиш);

□ лойиҳанинг муқобил вариантларини таҳлил қилиш ва дастлабки лойиҳа танлаш, ҳамда лойиҳа, яъни техник иқтисодий асослашлар (ТИА)нинг тайёрлаш;

□ лойиҳа бўйича хулоса ва инвестициялар киритиш ҳақидаги қарор (баҳолаш хулосаси)ларни қабул қилиш.

Таъминот изланишлари, ёки функционал изланишлар ҳам лойиҳа тайёрлаш босқичининг қисми ҳисобланади, бироқ лекин алоҳида утказилади. Лойиҳани мана шу барча босқичлардан утказиш ҳам инвестициялар киритишга кумаклашиб, қарор қабул қилиш ва лойиҳани амалга ошириш учун яхши замин яратади.

Инвестиция имкониятларини аниқлаш инвестиция фаолиятининг бошлангич нуктасидир. Охир оқибат у инвестицион маблағларини тўплашни бошлаб юбориши мумкин. Ривожланаётган ёки ривожланган мамлакатларда бўлган хусусий ёки давлат секторидаги потенциал инвесторлар вужудга келаётган инвестици имкониятлари тўғрисида ахборот олишдан манфаатдордирлар. Инвестици лойиҳасини идентификация қиладиган ахборотни яратиш учун кулланиладиган ёндашувлар иқтисодиёт сектори ва субъект даражасида бўлиши керак. Ушбу ёндашувлар учун изланишларнинг икки йуналиши ҳосдир. Иқтисодиёт сектори даражасида ривожланаётган мамлакатларнинг бутун инвестиция имкониятлари ҳамда ушбу мамлакатларнинг хорижий инвестицияларга бўлган умумий қизиқишини таҳлил қилиш лозим. Субъект даражасида эса ҳам ривожланаётган, ҳам ривожланган мамлакатлардаги яқка лойиҳачиларнинг аниқ инвестиция талабларини ўрганиш талаб қилинади.

Инвестиция имкониятларини ўрганиш ниҳоятда юзаки хусусиятга эга ва кўпинча батафсил таҳлил эмас, балки умумий баҳоларга асосланади. Харажатлар тўғрисидаги маълумотлар одатда ускуна етказиб берувчилар каби манбалардан олинган ахборотларга эмас, балки ухшаш лойиҳалардан олинади. Вазиятга қараб ёки умумий имкониятлар (секторли ёндашув), ёки аниқ бир лойиҳанинг имкониятлари (субъект даражасидаги ёндашув), ёки иккаласи ҳам ўрганилиши керак.

Изланишларнинг мазмуни лойиҳанинг тури ва хусусиятига қараб узгаради. Бироқ ушбу изланишлар лойиҳанинг муҳим жиҳатларига боғлиқ бўлгани учун хулосалар етарли даражада равшан булмоғи талаб қилинади. Чунки хулосалар лойиҳани тайёрлаш жараёнининг кейинги босқичи учун асос бўлиши керак. Кўп ҳолларда таъминотни ўрганиш техник иқтисодий асослашлар (ТИА)ни тайёрлашдан олдин ёки ундан кейин ўтказилганда изланишлар ТИАнинг ажралмас қисмини ташкил қиладди, ва бу ҳолда ТИАнинг умумий қиймати ва унга кетадиган харажатлар камаяди.

Техник иқтисодий асослаш инвестиция киритиш ҳақида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган барча ахборотни бериши керак. Шу сабабдан инвестиция лойиҳаси учун зарур тижорий, техник, молиявий, иқтисодий ва экологик шароитлар дастлабки хулоса босқичида кўриб чиқилган қарорларнинг муқобил вариантлари асосида аниқланиши ва танқидий баҳоланиши керак. Мана шу уринишларнинг натижаси лойиҳа бўлади. Унинг дастлабки шартлари ва мақсадлари лойиҳадан кўзланган асосий мақсад, маркетинг стратегиясининг мумкин бўлган вариантлари, бозорда эришилажак ва эриша олинadиган улуш, тегишли ишлаб чиқариш қувватлари, корхонанинг жойлашиши, мавжуд хом ашё ва материаллар,

технология ва механик жиҳозлар, ва, ниҳоят, зарур бўлса, ишлаб чиқаришнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолашдан келиб чиқиб аниқланиши зарур. Изланишларнинг молиявий қисми инвестицияларнинг ҳажми, шу жумладан, соф айланма капитал, ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатлари, сотишдан олинган тушум ва инвестиция қилинган капиталнинг келтирадиган даромадини аниқлашдан иборатдир.

Инвестиция ва ишлаб чиқариш харажатларининг якуний баҳоси ҳамда иқтисодий ва молиявий даромадлиликнинг кейинги ҳисоб-китобларини утказиш факат барча муҳим жиҳатлар ва улар билан боғлиқ чиқимларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳанинг чегаралари аниқлангандагина мақсадга мувофиқдир. Лойиҳанинг бутун ҳажми кейинги ишлар учун асос бўлувчи чизмаларда ифодаланган бўлиши керак.

Баҳолаш хулосалари нафақат муаъйян бир лойиҳа, балки у билан боғлиқ саноат соҳалари ва умуман иқтисодиётга ҳам тегишли бўлади. Чунончи, автомобилсозлик субъекти баҳоланса, хулоса шунингдек компания ва ушбу соҳа ўртасидаги ўзаро алоқалар, яъни хом ашё ва ускуна етказиб берувчи, транспорт сектори, йўлларнинг мавжудлиги ва энерготаяминот имкониятларини ҳам ҳисобга олади.

Баҳолаш хулосасини тузганда йирик лойиҳалар учун амалий муҳит, жойлашуви, бозор ва ресурсларнинг мавжудлигидан келиб чиққан барча омилларнинг таҳлили ва маълумотларни текшириш талаб қилиниши мумкин.

Инвестиция фазаси, ёки лойиҳани амалга ошириш биринчи навбатда ва асосан, лойиҳани бошқариш соҳасидаги кенг қамровли маслаҳат ва лойиҳа ишларини ўз ичига олади. Инвестиция фазаси қуйидаги босқичларга бўлиниши мумкин:

- лойиҳани амалга ошириш учун ҳуқуқий, молиявий ва ташқилий асосларни урнатиш;
- технологиялар, шу жумладан, асосий лойиҳа ишларини олиш ва етказиш;
- лойиҳага батафсил ишлов бериш ва контрактлар тузиш, шу жумладан, тендерларда қатнашиш, таклифларни баҳолаш ва музокаралар утказиш;
- ер олиш, қурилиш ишлари ва ускуналарни ўрнатиш;
- ишлаб чиқариш маркетинги, шу жумладан, таъминот ва фирма маъмуриятини ташкил қилиш;
- персонал тўплаш ва уни ўқитиш;
- фойдаланишга топшириш ва субъектни ишга тушириш.

Батафсил лойиҳа- конструкторлик ишлари бўлимни тайёрлаш, технология ва ускунани якуний танлаш, қурилиш графигини тайёрлаш ва режалаштириш, йуналиш-технологик хариталари, кўлам чизмалари ва турли схемаларни тайёрлашни ўз ичига олади.

Тендерларда қатнашиши ва таклифларни баҳолаш босқичида ўзини яхши намоён қилган кўп сонли маҳаллий ва халқаро таъминотчилардан лойиҳа учун товар ва хизматлар борасида кенг таклифлар олиш муҳимдир. Музокаралар утказиш

ва контрактлар тузиш технолоияларни бериш, иншоотлар куриш, машина ва ускуналар сотиб олиб, урнатиш ҳамда лойиҳани молиялашда юзага келадиган ҳуқуқий мажбуриятлар билан боғлиқдир. Ушбу босқичда, бир томондан, инвестор ёки тадбиркор ва, иккинчи томондан, молиявий муассасалар, маслаҳатчилар, архитекторлар ҳамда хом ашё, материал, зарур ресурсларни етказиб берувчилар уртасида шартномалар тузилади. Музокараларни ўтказишда ривожланаётган мамлакатлар катта муаммоларга дуч келишади, шунинг учун тажрибали маслаҳат фирмалари билан ҳамкорлик қилишга тўғри келади. Аммо ҳаттоки мос маслаҳатчи фирмани танлаш ҳам қийин бўлади ва тегишли тажриба ҳамда ишончга асосланади.

Субъектни фойдаланишга топшириш ва ишга тушириш – одатда лойиҳани амалга оширишнинг қисқа, аммо техник жиҳатдан муҳим давридир. У олдинги қурилиш босқичини кейинги фойдаланишга топшириш (ишлаб чиқариш) босқичи билан боғлайди. Мана шу босқичда эришилган муваффақият лойиҳанинг келажакдаги яшовчанлигидан дарак бериб, уни режалаштириш ва амалга оширишнинг самарадолигини кўрсатади.

Лойиҳани яхши режалаштириш ва самарали бошқариш қурилиш, субъектни очиш учун зарур бўлган ускуна етказиб бериш ва монтаж қилиш, ишлаб чиқариш персоналларини тўплаш ва ўқитиш, барча ишлаб чиқариш ресурсларини етказиб бериш каби ҳаракатлар уз вақтида, яъни лойиҳалаштирилаётган субъектни ишга туширишдан олдин қилинишини кафолатлаши керак. Юқорида келтирилган босқичлардан ҳар бирини режалаштиришда йул қўйилган ҳар қандай хато ва ноаниқликлар лойиҳани муваффақиятли амалга оширишга, айниқса, субъектни ишга тушириш босқичида салбий таъсир кўрсатади.

Бунга йўл қўймаслик учун ҳар хил фаолият турларини самарали мувофиқлаштириш зарур. Бу нарсага фақат пухта календар режалаштириш бўлгандагина эришиш мумкин. Бунинг учун турли, масалан, «танқидий йул» ҳамда «лоийҳани баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилган.

Қандай усуллар танланмасин, лойиҳани жорий қилиш жараёнида дастлабки графикнинг бажарилишини мунтазам равишда таҳлил қилиш керак. Бу иш қурилиш ишларини бажариш вақтида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай тафовутларни аниқлаш ва уларнинг ҳаражатларга таъсирини ҳисобга олиш учун қилинади. Бундан келиб чиқадики, тахминий кўрсаткичларни доимо инвестиция фаза давомида йиғиладиган реал инвестиция ва ишлаб чиқариш ҳаражатлар билан таққослаш керак. Бу нарса лойиҳа даромадлигининг умумий кўрсаткичидаги охириги узгаришларни кузатиш ва назорат қилиш учун қилинади. Бу эса, уз навбатида, қисқа муддатли ссудалар кўрсаткичлари ва инвестиция лойиҳасидаги акциядорлик улушининг ўзгартиришини талаб қилиши мумкин.

3. Инвестиция бозорини баҳолаш ва башорат қилиш

Кўплаб мамлакатлар хорижий қуйилмаларни жалб этиш мақсадида имтиёзли шароитларни яратади, хусусан капиталларни асраш ва зарарларни қоплашни кафолатлайди, имтиёзли солиқ олишни киритади ва фойдани хорижга эркин

ўтказишга рухсат беради, олинган даромадлар ва бошқаларни қайта инвестициялашга шароитлар яратади.

Инвесторларни жалб этишдаги уларни энг биринчи уринда кизиктирадиган омиллар қуйидагилардир: иқтисодий вазият, сиёсий вазият, ҳуқуқий соҳа, географик урин, институционал ташкилий техник соҳа.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг шарт-шароитларини ҳисобга олиб, республика ҳудудларида инвестиция ҳажмини ўстириш учун изланишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг ресурслар ва муддатларни инобатга олган ҳолда қайта ишлаб чиқариш дастурини тузиш ва амалга ошириши;
- инвестицион жараёни тартибга солишнинг мақбул механизминини танлаш;
- ўз ресурсларини топиш ва капитал қуйилмаларнинг молиялаштириш манбаларини оқилона нисбатини аниқлаш;
- хорижий шериклар билан алоқа ўрнатиш ва уларнинг маблағларини минтақа иқтисодиётига жалб этиш;
- капитал қуйилмаларнинг самарадорлигини ошириш.

Иқтисодий усишга эришиш учун нафакат инвестициянинг ҳажмини кўпайтириш, балки уларнинг йуналишини ва тузулмасини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялаш учун шундай ишлаб чиқариш турлари ва субъектларни танлаш зарурки, улар тезда ўзини қоплаб, юқори даражада иқтисодий ва технологик самара бера олсинлар. Бундай ҳолатда инвестициянинг тезда қайтарилиши ва қанчалик самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу инвестицион жараёни жонлантириш учун туртки бериши, кейинчалик эса инвестициялаш учун афзал тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектларини танлашга имконият яратиш мумкин. Инвестициянинг қисқа муддатли сиёсати иқтисодий усишни таъминловчи тармоқлар ва субъектларнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, узоқ муддатга мўлжалланган стратегияга эга бўлиши лозим. Тармоқларнинг учта асосий гуруҳи: экспортга лаёқатли қазилма саноат, илмий-техник имкониятларига эга, эскирган ва хали техник такомиллашмаган тармоқлар мавжуд.

4. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида субъектларнинг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларига инвестицияларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб бундай манбалари субъектларнинг ўз ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланган ҳолда қўйидаги манбалари мавжуддир:

- юридик ва жисмоний шахслар жамғармалари;
- банк кредитлари ҳисобига молияштириладиган инвестициялар
- хорижий инвестициялар и
- давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестициялар.

Сўнгги йилларда инвестицияларнинг таркиби, хусусан, бюджетдан ажратиладиган инвестициялар ва банк кредитларининг аҳамияти кескин ўзгарди. Давлат бюджетининг инвестиция сарфлари 2003 йилда 29,4 фоизни ташқил қилган

бўлса, 2004 йилда 0,9 фоизга кўпайган, яъни 30,3 фоизни ташкил этди. Хоразм статистика бош бошқармаси маълумотларига кўра, бу кўрсаткич Хоразм вилоятида 2004 йилда 2003 қараганда 14,6 фоизга кўпайган.

Монетар сиёсатнинг кучайтирилиши субъектлар молиявий аҳолининг барқарор эмаслиги юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга ва субъектлар учун самарали бўлишига иқтисодий инфратузилманинг марказий буғини молиявий механизмнинг таркибий қисми бўлган солиқлар механизми ҳисобланади. Чунки солиқлар ҳам ҳар бир субъект миқёсида тузилган инвестиция лойиҳаларнинг иқтисодий самараси тақдирини ҳал қилишда асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда ҳам инвестиция лойиҳаларини тузишда ва молиялаштириш учун қўлай инвестиция муҳитини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар кўриб чиқилмоқда. Уларнинг негизида иккита асосий омил ётади:

- иқтисодий барқарорлик;

- инфляция жараёнларини тартибга солиш ва миллий валюта-сўмнинг тўлов қобилиятини оширишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида қўлай инвестиция лойиҳаларни тузиш ва уларни молиялаштириш бўйича қўйидаги омиллар аниқ кўрсатиб беради:

- инвестиция лойиҳалари билан шуғулланувчи шахсларни рағбатлантириш;

- саноатнинг устивор соҳалари, ёкилғи, энергетика мажмуалари бўйича инвестиция лойиҳаларини тузишнинг жадаллаштирилиши;

- ҳалқ ҳўжалигининг илм фан талаб тармоқларда ишлаб турган қувватларни янгилаш ва янгиларини барпо этиш бўйича интеллектуал инвестиция лойиҳаларининг амалга киритилиши;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестицияларни лойиҳалар асосида жалб этиш кўп жиҳатдан турли хил инвестиция муассасалари фаолиятининг авж олишига, қимматли қоғозлар бозори ташкил топиши, инфляция жараёнларининг бартараф этилиши ва ишлаб чиқаришнинг барқарорлашишига боғлиқдир.

Мамлакатимиз инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва рағбатлантириш бевосита қўйидаги масалаларни ҳал этишга ёрдам беради:

- янги замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, бир неча йиллар давомида сифатсиз, ҳаридор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш;

- янги иш жойларини ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илғор бошқариш тажрибасини жорий этиш ва шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш;

- жаҳон бозори талабларига мос сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга кадрлар баланд валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлаш.

Бундан ташқари айрим инвестицион лойиҳаларидан олинадиган даромадлари бўйича солиқ ва божхона имтиёзлари мавжуд. Бунга мисол қилиб қўйидагиларни келитириб ўтамыз:

- республика инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларига сарф этилаётган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш субъектлари фойда солиғидан 7 йилгача озод қилинди, аввал бу муддат 5 йил эди;

- қўшма корхоналарда хорижий сармояларнинг улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлса, бу субъектларнинг даромадидан олинадиган солиқ фоизи жамғарма миқдорига қараб, 300,0 минг АҚШ долларидан 1 млн. долларгача 20 фоиз, 1 млн. АҚШ долларига тенг ва юқори бўлгандан 16 фоиз фойда солиғи белгиланди;

- агар ишлаб чиқариш ҳажмида 25 фоиздан кўпроқ маҳсулот болалар учун мўлжалланган бўлса, бу корхона ишлаб чиқариш бошлангандан 5 йил муддатга даромад солиғини тўлашдан озод этилади;

- корхона инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда хорижий инвесторларнинг ҳиссаси 50 фоиз ва ундан юқори бўлса, улар 2 йил муддатга даромад солиғидан озод бўладилар.

Буларнинг барчаси инвестиция лойиҳалари асосида субъектларнинг жаҳон бозорига бемалол чиқиши ва Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ошириш учун технология ва маҳсулотларнинг сифатлилиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш имконини беради.

Ривожланган мамлакатларда чет эл инвестицияларини молиялаштириш манбаларининг 50-60 фоизи ташқил қилинишини инобатга олсак, ҳозирги пайтда мамлакатимизга чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб қилиш ва улар иштирокида қўшма корхоналар ташқил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ислохотларнинг ҳозирги босқичининг бош стратегик йўналишига айланиб бормоқда. Бу иқтисодиёт субъектлари бўлмиш корхона, хўжалик ва ташқилотларнинг тўла туқис мустақил бўлишини, ўз фаолиятини бозор талабларига биноан ташқил этишларини тақозо этади. Эркинликнинг муҳим талаби ўз-ўзини молиялаштириш принципига изчил амал қилиш, яъни ҳар бир хўжалик субъекти ўз харажатларини ўз даромадлари билан қоплашидир. Бу молиялаштириш тор маънода субъектнинг ички маблағи ҳисобидан, кенг маънода кредит ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Инвестиция лойиҳаларини ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш бу ички манбаи яъни тақсимланган фойда ва амортизация ажратмасидир. Бу ерда инвестиция лойиҳаларини молиялашнинг ички имкони 3 нарса билан чегараланади:

Биринчиси, нодавлат корхоналарнинг кўплигини, айниқса аграр соҳада норентабеллик, қолганларида рентабелликни паст бўлиши, фойдани қайта молиялаштиришга чегара қўяди.

Иккинчиси, нодавлат секторда амортизацияга инвестицион лойиҳаларнинг молиялашга юбориш имконининг озлиги. Кўпгина корхоналарда асосий фондлар тузиб бўлганига қарамай амортизация ажратмалари етарли эмас. Бунинг устига нодавлат сектордаги кичик корхоналар, тармоққа хўжалиги ва яқка тартибда ишлаш сермехнат бўлгандан асосий фондлар ғоят кичик, амортизацияга ажратма эса

жиддий инвестиция манбаи бўла олмайди. Масалан, кичик бизнес корхоналарида ялпи сарфлар 62 млрд. сўм бўлган бўлса, шундан моддий сарфлар атига 8,3 млрд. сўмни (13,4%) ташкил этади ва бу асосий капиталнинг етарли эмаслигини кўрсатади;

Учинчиси, акциядорлик жамиятларида фойдани дивиденд учун ажратиш зарурияти унинг тақсимланмаган қисмини қисқартириб, уни қайта молиялаштиришни чеклайди. Бу ерда акциядорларнинг дивиденд олиш иштиёқи билан келажакни кўзлаб тақсимланмаган фойдани кўпайтириш ўртасида зиддият бор. Шу боис, кўп ҳолларда фойдани қайта молиялаштириш дивиденд беришдан воз кечиш ҳисобидан бўлади. Масалан, «Юлдуз» акциядорлик тикувчилик фирмаси 2001 йилда дивиденд бериб, инвестицияга маблағ ажрата олмаса, 2002 йилда инвестицияга маблағ қўйиб дивиденд олмайди. Айтилган омилларнинг таъсирида ички молиявий инвестициялар ҳиссасининг камайиб бориши юз бермоқда. Бундай тенденция иқтисоднинг ҳамма секторига хос бўлади. Агар 2002йилда жами корхоналарнинг ўз маблағи жами молиявий инвестиция лойиҳаларида 46,2% қилган бўлса, 2003 йилда 21,9% бўлди. Аммо бу корхоналарнинг молиявий аҳволига қараб ҳар хил бўлди, чунончи фермер хўжалигида 43,1%, ижара корхоналарида 46,1%, қўшма корхоналарда 2,3%, ширкатларда 69,5%. Агар баъзи бир тоифа корхоналарда инвестицион лойиҳаларни ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш уларнинг аҳволига боғлиқ бўлса, бошқа тоифа корхоналарда масалан, қўшма корхоналарда у пулни инвестициялашга катта зарурият бўлмаслигидан келиб чиқади, чунки бу ерда ҳориж инвестицияси мавжуд.

Ўз ўзини молиялаштириш манбалари билангина эмас, балки корхона маблағини нимага инвестициялаш билан ҳам фарқланади. Инвестицион лойиҳалар ҳар хил оқимда кечадики, улар фирмалар ва деҳқон хўжалиги маблағларидан иборатдир. Бу оқимларни таъминловчи молиявий ресурслар турлича, улар ўз маблағлари ва банк кредитларидан иборат, лекин уларга мурожаат этиш бир хил эмас. Бу инвестиция лойиҳасининг молиявий аҳволи билан изоҳланади, аммо уларнинг инвестиция лойиҳасига талаби ихтиёридаги асосий маблағларига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳалари фақатгина иқтисодий ўсишни таъминлабгина қолмай, балки меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини ошириш, уни даромад билан таъминлаш каби ижтимоий муаммоларнинг ечимига хизмат қилиши турган гап.

Лойиҳавий молиялаштириш – бу банк кредитлашининг бир тури бўлиб, инвестиция лойиҳаларини кредитлашда кредитор қисман ёки тўлиқ мажбуриятни (хатарни) ўз бўйнига олади. Лойиҳаларни тузишда бевосита лойиҳавий компаниялар иштирок этади.

Оддий кредит операцияларида банк мижознинг тўлов қудрати, лойиҳавий ҳолати билан қизиқса, лойиҳавий молиялаштиришда асосий диққат лойиҳавий таҳлилга қаратилади. Бунинг учун лойиҳанинг таъсирчанлик даражасининг баҳоланиши, «зарарсизлик нукта»сини белгиланиши ва бошқача усуллар қўлланилади. Лойиҳавий молиялаштиришда хатар даражасининг юқорилигини ҳисобга олиб, кредиторлар инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда амал

қилувчи хатарларни бошқаришнинг энг фойдали бўлишини таъминлашга ҳаракат қилади.

Хатарни камайтиришнинг анъанавий усулларида ташқари, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги иштирокчиларга уни тақсимлаш усуллари ҳам қўлланилади. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги хатарларни кредитор ва қарз олувчи ўртасида тақсимлашда лойиҳани молиялаштириш қўйидагича таснифланиши мумкин:

- лойиҳани молиялаштиришдаги кредиторнинг қарздорга нисбатан ҳуқуқсизлиги;

- чегараланган миқдорида лойиҳани молиялаштириш;

- тўлиқ миқдорида лойиҳани молиялаштириш.

Лойиҳани молиялаштириш, банк-кредитор учун юқори хатарда ҳарактерланса, таваккалчилик молиялаштириш билан ўхшашлик томонлари бор.

Таваккалчилик молиялаштириш таваккал бизнес фондлари орқали таъминланади, бу фондлар юқори хатардаги фаолиятни маблағ билан таъминлаш учун ташкил этилади. Қоидага кўра бу лойиҳалар асосан янги технология ва маҳсулотлар ўстида изланишлардан иборат.

Иқтисодиётнинг оғир секторларига лойиҳавий молиялаштириш орқали банк капиталининг оқиб киришини рағбатлантириш мақсадида, ҳукумат туғридан-туғри ёки айланма тўртки бериши мумкин. Хусусан кафолат бериш ва бошқалар.

Кредитор учун лойиҳавий молиялаштириш юқори хатар билан боғлиқ бўлишини ҳисобга олганда, асосий эътибор лойиҳани пухталиқ захирасини баҳолашга қаратилади. У қарзни қоплаш коэффиценти билан белгиланади. Лойиҳадан кўтиляётган соф даромад суммасини кредит қарздорлиги бўйича тўлов (режалаштирилган) га алоқаси билан топилди. Ҳар қандай ҳолатда DCR 1дан кичик бўлмайди. Жаҳон амалиётида 80 йиллардаги бу кўрсаткичнинг энг паст даражаси этиб 2:1 (200%). Бугунги кунга келиб жаҳон бозоридаги ЛК борасидаги ўтқир рақобат бу коэффицентни 1,3:1 (30%) туширди. Албатта кредитнинг қайтарилиш тартиби сингари ЛМ даги кредитларни ўзишда DP(deficated porcentage) каби усуллардан ҳам фойдаланилади. Унга кўра банк нақд пул олишига фоиз белгилаш асосида қарзни ўзишга имкон беради. DP DCR даражасига кўра белгиланади. DCR коэффиценти 1 га тушиши DP ни 100% чиқишига сабаб бўлади.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг молиявий чизмасини 2га ажратиш мумкин:

1) лойиҳаларни параллел молиялаштириш 2) лойиҳаларни изчил молиялаштириш.

1) 1 чи тури қўшма молиялаштириш деб ҳам юритилади. Кредит ташкилотлари лойиҳавий молиялаштиришни амалга ошириши учун қарзларни бир нечта кредиторлар ўртасида бўлиб олиши мумкин. Бунда инвестицион лойиҳалар йирик капитал сифимга эга бўлиб бундай лойиҳаларни бир банк молиялаштириш имкониятларига эга бўлмайди ва хатар даражаси ўта юқори бўлади. Шунинг учун бундай лойиҳалар бир нечта банклар ёки кредиторларнинг ўзаро келишувлари асосида молиялаштирилади. Бундай лойиҳаларни молиялаштириш синдикатлаштирилган молиялаштириш деб ҳам юритилади ёки турли хил консорциумларни ташкил қилиш воситасида молиялаштириш ташкил қилинади.

2) лойиҳаларни молиялаштиришнинг изчил турида йирик банклар бош ташаббускор бўлиб хизмат қилади.

4.Инвестиция рискларининг турлари ва уларни бошқариш.

Лойиҳавий рисклар- булар инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга таҳдид солувчи ва уларнинг самаралигини пасайтирувчи рискларнинг йиғиндисидир. Рискларни таснифлашда турли хил тузишлар ва аспектлар мавжуддир:

- лойиҳавий имкониятнинг босқич ва фойдаларига кўра;
- ЛФ иштирокчиларининг риск омиларига таъсир даражаси;
- рисклардан ҳимояланиш имкониятлари нуқтаси назарига кўра; 1)

Суғурталанган 2) Суғурталанмаган.

ЛК ларни кўйидаги турлари бўлиш мумкин:

1. Лойиҳа иштирокчиларининг rischi;
2. Лойиҳа юқори қийматлиги rischi;
3. Лойиҳанинг бевақт тўхтатилиш rischi;
4. Иш ва объектнинг паст сифатлик rischi;
5. Конструктор ва технологик рисклар;
6. Ишлаб чиқариш rischi;
7. Бошқарувчилик rischi;
8. Ортиқчалик rischi;
9. Молиявий риск;
10. Давлатлараро риск;
11. Маъмурий риск;
12. Ҳукукий риск;
13. Форс-Мажор rischi;

Ҳар бирига алоҳида изоҳ бериб чиқамиз:

I. Лойиҳа иштирокчиларининг rischi; лойиҳа иштирокчиларидан бирининг олган мажбуриятини ўз вақтида бажармаслигидир. Натижада бутун бошли лойиҳа самарасиз бўлиши мумкин. Бу рискнинг олдини олиш лойиҳа менежери хавф остида бўлади:

- лойиҳа иштирокчиларини синчковлик билан танлаш;
- иштирокчилар ўртасидаги шартномаларда кўрсатилган қоида бузилишларига жарималарни кўриб чиқиш;
- вазиятга кўра иштирокчиларни ўзгартириш чораларини мунтазам кўзатиш;
- лойиҳа иштирокчиларини лойиҳавий рискларни суғурталашга мажбур этиш;
- имкониятга қараб буйсунувчи компания учун компаниядан мажбурият талаб қилиш;

II Юқори қийматлик rischi; Бу рискнинг элементлари: лойиҳалаштиришдаги хатолик, навбатдаги ресурслардан самарали фойдалана олмаслигидир, лойиҳанинг

амалга оширилиш шартларидаги ўзгаришлар (нархнинг ошиши, солиқ даражасининг кўтарилиши) бўлиши мумкин . Кўп учрайдиган рисклардан биридир.

III Бевақт тухтатилиш rischi(Pelayu risk): Бу рискнинг сабабларига лойиҳалаштиришдаги хатолик, мажбуриятларга амал қилмаслик, ташқи шартларнинг ўзгариши (лойиҳани экологик сабабларга кўра ёпилишини талаб этиш, қўғозбозлик) кабиларни келтириш мумкин.

IV Конструкторлик ва технологик рисклар.

Конструкторлик rischi– лойиҳани қурилиш фазасидаги технологияси-нинг мавжуд эмаслигидир.

Технологик rischi– объектдан фойдаланишда техно-иқтисодий параметрлардан чекиниш режимидир.

V Ишлаб чиқариш rischi– Ишлаб чиқариш жараёнидаги вужудга келган тўқнашувлар rischi. Ишлаб чиқариш ритмини бузилиши ва хатто тулик тўхтаб қолиш билан характерланади. Турлари: геологик риск- қазиб олиш миқдоридаги заҳираларнинг ноаниқ белгиланишидир.

Экология риск- экология стандартларининг бузилиши натижасида давлатга туланган харажатларни олиб кетиш.

VI Бошқарувчилик rischi

Ишлаб чиқариш riskининг тури бўлиб, бошқарув персоналидаги тажриба ва даража етишмаслиги билан характерланади.

VII Ортиқчалик rischi

Бу риск лойиҳавий маҳсулотни сотилиш миқдори ва нархининг тушиши билан боғлиқдир. Бу риск бозор конъюктурасининг ўзгариши деб ҳам аталади.

VIII Молиявий риск

Бу рискнинг асосий турлари лойиҳавий фаолият билан боғлиқдир: кредит rischi; валюта rischi; фоиз ставкасининг ўзгариши rischi; қайта молиялаш rischi.

Кредит rischi – бу лойиҳалайдиган кампаниянинг банк олдидаги тўлов мажбуриятини қисман ёки умуман бажармаслигидир.

Валюта rischi – бу лойиҳавий маҳсулотнинг сотилишидан келиб тушган валютанинг кредит валютаси билан мос келмаслигидир. Ҳукумат миллий валютада сотишни талаб этса, хатар тўғилади.

Фоиз ставкасини ўзгартириш rischi – бу риск кредит ресурсларининг сузиб юрувчи курсида фойдаланишда келиб чиқади.

Қайта молиялаш rischi – ташаббускор банк саноатдаги турли қийинчиликларни ҳисобга олиш ва ўзи мажбур бўлиб қолиш мумкин.

IX Давлатлараро риск – ташқи лойиҳавий рискка алоқадордир. Унга кўра давлат сиёсати ёки лойиҳа амал қиладиган ҳудуддаги ҳолатнинг ўзгариши мумкин.

X Маъмурий риск – бу ташқи разрядга тегишлидир унга кўра лойиҳани амалга ошириш йўлида керак бўладиган барча турдаги лицензияларни давлатдан ва халқаро миқёсда олиниши кўзда тутилади. Баъзи ривожланаётган давлатларда бу ҳолат коррупция билан ҳам боғлиқдир

XII Ҳуқуқий риск.

Лойиҳаларни амалга оширишда амал қиладиган миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқий меёрлар билан боғлиқдир. Қонунларни мустаҳкам эмаслиги, тез ўзгарувчанлиги билан бу риск келиб чиқади.

ХIII Форс –Можор rischi .

Ташқи (экзоген) даражасидаги риск турларига кириб, ер кимирлаш, офатлар, ёнғинлар, туфонлар шулар жумласидандир. Бунга яна табиий бўлмаган қайта куриш, революция каби ҳолатлар ҳам киради.

Лойиҳани бошқариш— бу синтетик интизом бўлиб, иқтисодий ва профессионал билимлар тупламидир .

Бугунги кунда рискни бошқариш бўйича етарли даражада яхши таркиб топган фаолият мавжуддир. Бу фаолият қуйидаги асосий йуналишларни уз ичига олади.

1. Идентификация (Identityfication);
2. Рискни баҳолаш;
3. Риск бошқарувида маддад ва инструмент танлаш;
4. Рискнинг олдини олиш ва назорат қилиш;
5. Рискни молиялаштириш
6. Натижаларнинг баҳоси

Биринчи ва иккинчи йуналишлар *рискнинг таҳлили* дейилади. Рискнинг Идентификация – сифат таҳлили бўлса, Рискнинг баҳоси эса –миқдорий таҳлилдир. Риск таҳлиллари ичида энг кўп учрайдигани рискни назарий бошқаруви бўлиб статистик усуллар ҳисобланади.Ушбу усуллар: статистик текширув Монте–Карло эспорт усулларини баҳолаш, аналитик усул алоқадор рискларни катталиги таҳлили, муҳим босқичлардан бири бўлиб рискни бошқаришда чоралар ва усуллар босқичи ҳисобланади .

Рискларни бошқаришда усул ва чоралардан фодаланилади. Қабул қилинган усул доирасида бир неча чоралардан фойдаланиш мумкин. Назария ва амалиёт риск бошқарувини турт асосий гуруҳга ажратиб беради: 1. Сиқиб чиқариш rischi; 2. Рискни олдини олиш ва назорат; 3. Риск сугуртаси; 4. Рискни сингдириш. *Туртинчи йуналиш* – Рискнинг олдини олиш ва назорат олдиндан белгиланган режа ва дастур асосида ташкилий техник тадбирларни кўзда тутати. Булар жумласида қуйидаги тадбирлар киради: Риск мониторинги Риск башорати таҳдид солаётган хавфдан бошқармани хабардор этиш олдини олиш ва назорат доирасида махсус ташкилий техник тадбирлар ўтказиш. Бешинчи ва туртинчи йўналишлар умумий «танланган усулни амалга ошириш» деб ҳам юритилади. *Натижалатни баҳолаш*- Мавжуд лойиҳа доирасида фаолиятнинг Риск-менеджменти қисмини хулосавий қисмидир; Лойиҳавий фаолиятнинг қуйидаги хусусиятларига эътибор бериш лозим: А)иштирокчиларнинг кўплиги: Б) сезеларли вақт чузилиши: С) лойҳавий фаолиятнинг кибин характер Д) халқаро характер Е). вақтинчалик чузилиш омили О).Рисклар таҳлили инвестицион фазасидан урин олган. Айни вақтда бу таҳлилнинг объекти бўлиб инвеститцион ва ишлаб чикчриш фазоларидаги рисклар ҳамда лойҳаларнинг ёпилиш фазодаги рисклар

ҳисобланади. Таҳлил ўтказиш вақтида бу фазолар ўртасидаги масофа шунин билдиради:

Баъзи рисклар идентификация босқичида ҳисоб олинмаган бўлиши мумкин; лойиҳани амалга ошириш шартларини ўзгариши натижасида баъзи рисклар номувофиқ бўлиши мумкин;

лойиҳага ўтказилган ўзгаришлар натижасида баъзи рисклар тўғри келмаслиги мумкин; шу риск бўйича янги олинган ахборотга асосан, бу рискни қайта кўриб чиқиш лозим.

Лойиҳанинг комбинациялаштирилган характери. Бу омилни лойиҳавий риск бошқарувида ҳисобга олиниши инвестиция олди фазасида у риск таҳлили воситасида кўриб чиқиш лозим. Лойиҳа доирасидаги турли хил фаолиятларга алоқадор ҳолда: илмий изланиш, ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва бошқалар.

Юқоридаги лойиҳавий хусусиятларни ҳисобга олиб қуйидаги хулосага келиш мумкин :

Лойиҳавий риск таҳлили алоҳида лойиҳавий фаолиятда рискни бошқариш босқичи сифатида эмас балки бутун лойиҳа мабайнида бош тамойил булиш лозим.

В) Иштирокчиларнинг кўплилик омили.

Лойиҳа иштирокчиларининг кўп эканлиги асосий (лойиҳавий компания, лойиҳа хомийлари ва кредиторлар), иккиламчи (истемолчилар, етказиб берувчилар ва жиддий объектларга олиб келиши мумкин.

Биринчидан, ҳар бир иштирокчи бошқалардан фарқли улароқ ўзига хос рискга эга.

Иккинчидан, ҳар бир иштирокчига тўғри келадиган юқори рискнинг даражаси иштирокчилар ўртасидаги занжирга боғлиқ.

Учинчидан, ҳар бир иштирокчи учун лойиҳанинг бошқа иштирокчилари ўзига хос риск олишдир.

Бу риск олишлардан хулоса чиқарган ҳолда, шунга мувофиқ тавсифлар бериш мумкин: барча лойиҳа иштирокчилари риск шароитида бир таҳлил услубидан фойдаланишлари лозим, субъектив олиш рискин минималлаштириш ва умумий мақсадга эришиш учун иштирокчилар ўртасидаги риск тақсимооти ҳеч бўлмаса умумий кўринишда инвестиция олди босқичига амалга ошириши мумкин. Агар риск тақсимооти бўйича савдо кейинроққа қолдирилса, лойиҳа тухтаб қолиши ва сарфланган харажатлар беҳуда кетиши мумкин. Риск тақсимооти нарх келишиши каби операциялардан ҳам муҳимроқ рискни тақсимлашда уни иштирокчилар зиммасига алоҳида-алоҳида ёки умуман бўлиб ташлашни ўзи бўлмайди, чунки бир иштирокчининг ўз вазифасини бажармаслиги бошқаларни ҳам ўзига тортиб кетади ва ҳамма жабр кўради. Шунинг учун иштирокчиларнинг манфаатлари мос келадиган муҳит яратиш лозимки, улар ўзларини «бир қайиқда» деб билиши керак.

Ҳар бир иштирокчи қай даражада бўлмасин рискнинг хусусий фактори бўлиб ҳисобланади, ташаббускор ҳамкор танлашда ҳамкорларнинг бу иш борасидаги тажрибаси ва мутахассислиги омилларга эътибор бериш ҳамда

ҳамкорликнинг иқтисодий аҳволини албатта биринчи навбатда кўриб чиқиш лозим.

Лойиҳавий фаолиятнинг халқаро характери.

Бу характернинг жиҳати шундаки, лойиҳа иштирокчилари турли давлат ҳуқуқчилигига бўйсунилари ҳамда халқари ташкилотлар статус (ерлик)ларига эга бўлишлари мумкин.

Лойиҳавий фаолиятнинг интернационалашуви халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлаштириши билан трансмиллий компанияларни жаҳон иқтисодиетидаги ўрнини кучайтириш, лойиҳаларни қўллаб қувватлашда халқаро молия институтларини аҳамиятининг ўсиши билан шартланади.

Лойиҳавий фаолиятнинг хусусиятларида юқорида эслатиб ўтилган рисклар менежмент босқичларида ўз изини колдиради: рискларни идентификациялаш (сифатий таҳлил)

Бу таҳлил омилларини аниқлаш, риск кўринишларини, босқичларини рискнинг ўсиши мумкин бўлган шароитда аниқлаш мумкин.

Рисклар турли туманли (ҳар бир лойиҳа учун)лига қарамай, бир хил турдаги лойиҳаларда юзага келадиган рисклар етарли даражада андозалашган.

Рискнинг таҳлилий жараёнини расмийлаштириш учун турли риск матрицалари ишлаб чиқилганки, уларда лойиҳавий рискларнинг кўринишлари, ечимлари, соҳалари ва уларни амалга ошириш вақтлари курсатилган.

Рискларни баҳолаш (микдорий таҳлил)

Лойиҳавий фаолиятда рискни баҳолаш усуллариининг ичида кўпинча: «лойиҳанинг таъсирчанлик таҳлили» фойдаланилади. Унга кўра « зарарсизлик нуқтаси»ни аниқлаш барқарорликни текширишни аниқлаш кўзда тутилди.

Таъсирчанлик таҳлили лойиҳанинг таъсирчанлик даражаси лойиҳада белгиланган ухшаш параметрлардан бирининг узгариши лойиҳа таъсирчанлигининг қай даражада ўзгаришини аниқлаб беради.

Зарарсизлик нуқтасини аниқлаш.

Бу усул ёрдамида маҳсулот сотувидан келиб тушган фойда ва уни ишлаб чиқаришга кетган харажатларнинг тенглиги яъни сотув ҳажмини аниқлаш мумкин.

Зарарсизлик таҳлили лойиҳавий кудрат ёки ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш учун хизмат қилади.

Барқарорлик назорати. Бу усул лойиҳа иштирокчилари учун бирмунча хавфли бўлган лойиҳанинг ўсиш сценарисини ишлаб чиқаришни кўзда тутди.

Микдорий таҳлил усули бошқа усуллар ичида чет эл ва илмий адабиётларда:

- сценарий таҳлили;
- ҳал қилиш дарахти;
- «Монте-Карло усули;
- ноаниқликнинг расмий тасвири;
- статистик усул;
- мутахасиснинг баҳоси усули;
- рискни баҳолаш палласи;

- опалогие усулидеб ҳам юритилади

Таянч иборалар: Субъектнинг инвестици сиёсати, реал инвестиция-ларни бошқариш, асосий шакллари, инвестиция лойиҳаларнинг шакллари, инвестицион лойиҳаларни самарадорлигини баҳолаш услублари, молиявий инвестицияларни бошқариш, молиявий инвестициялар портфелини ташкил топиши.

Назорат учун саволлар.

1. Субъектнинг инвестицион сиёсати.
2. Реал инвестицияларни бошқариш.
3. Реал инвестициялашнинг асосий шакллари.
4. Инвестицион лойиҳалар шакллари ва уларни ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар.
5. Реал инвестиция лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш услублари.
6. Реал инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари тизими.
8. Молиявий инвестицияларни бошқариш.
9. Инвестициялашни алоҳида молиявий инструментлари самарадорлигини баҳолашнинг усуллари.
10. Молиявий инвестициялар портфелини ташкил топиши.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Актуальные вопросы административного и финансового права. СБ. науч тр. Вып 2. - М.: МГИМО, 2004. – 209 с.
2. Астахов В. П. Финансовый учет. Тесты: Учебное пособие. - М.: ИДФБК-Пресс, 2004. – 200 с.
3. Астахов В.П. Финансовый учет. Тесты: Учеб. пособие. - М.: Ид. ФБК-Пресс, 2004. – 488 с.
4. Донцова А.В., Никифорова Н.А. Анализ финансовой отчетности. Практикум. - М.: Дело и Сервис, 2004. – 144 с.
5. Ефимова М.Р. Финансово-экономические расчеты. Пособие для менеджеров: Учеб пос. - М.: ИНФРА-М, 2004. – 185 с.
6. Ковалев В. В. Учет, анализ и бюджетирование лизинговѳх операций. Теория и практика. - М.: ФиС, 2004. - 150 с.
7. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.

Интернетвеб- сайтлари:

www.uz www.gov.uz

7- МАВЗУ: ПУЛ ОҚИМЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Режа:

1. Тадбиркорлик субъектларининг пул оқимлари тўғрисида тушунча ва уларни бошқаришнинг услубий асослари

2.Тадбиркорлик субъектларида пул маблағларининг тушуми ва сарфланиши режасини ишлаб чиқиш ҳамда бошқариш¹

3.Тадбиркорликни молиялаштириш манбалари уларни шаклланиши ва усуллари

4.Тадбиркорликни кредитлаш шакллари ва уларни жалб этиш механизми

1. Тадбиркорлик субъектларининг пул оқимлари тўғрисида тушинча ва уларни бошқаришнинг услубий асослари

Бизнес субъектларининг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишда **пул оқимларини** тўғри режалаштириш ва бошқариш муҳим роль ўйнайди. Пул оқимлари тадбиркорлик субъектининг бир йил давомидаги барча сарфланган ва кирим қилинган пул маблағларининг ҳаракатини ифодалайди. Субъектнинг «пул оқимлари» тушунчаси ўзида фаолиятининг узлуксизлиги жараёни давомида пул маблағлари тушуми ва чиқимининг тақсимланиш йиғиндисини акс этиради.

Субъектларнинг пул оқимлари тушунчаси молиявий бошқарувнинг алоҳида объекти сифатида нафақат маҳаллий, балки хорижий адабиётларда ҳам молиявий бошқарув бўйича етарли даражада ўз аксини топмаган. Бу пул оқимларининг асосий таркибида пул активларини бошқариш, молиявий ресурсларни шакллантиришни бошқариш ва банкротлик хавфи шароитида инқирозга қарши субъектларнинг бошқаруви масалалари кўриб чиқилади. Унга шунингдек, молиявий ҳисоботлар, пул маблағларининг ҳаракат динамикасини тасвирловчи бухгалтеря ҳисобини юритиш каби ҳисоб турлари киради.

Пул оқимларини тўғри режалаштириш ва бошқариш нисбатан мураккаб вазифа бўлиб, у эндиgina амалиётга кириб келмоқда. Шунингдек, молиявий ҳисоботининг шаклларида бири ҳам «пул оқимлари тўғрисида»дир.

Бизнес субъектларининг пул оқимларидан унумли фойдаланиш қуйидаги вазифаларни ечишга ёрдам беради:

- у тадбиркорлик субъектининг «молиявий қон айланиш тизими» бўлиб, самарали ташкил этилганда молиявий барқарорликни таъминлайди;
- пул оқимларини оқилона шакллантириш хўжалик операцион фаолиятининг бир маромда ва доимий амал қилишини таъминлайди;
- пул оқимларини самарали бошқариш қарз маблағларига, яъни четдан жалб қилинган капиталларга бўлган эҳтиёжларни қисқартиради;
- пул оқимларини бошқаришнинг фаол тизимига эга бўлиш ўз маблағларидан самарали фойдаланишни, ички молиявий манбаларни шакллантиришни таъминлайди;
- пул оқимларини тўғри бошқариш хўжалик капиталининг айланишини тезлаштирувчи молиявий дастак ҳисобланади;

¹ ТДИУ ва МДШ мамлакатлари итисодиёт мутахассисликлари бўйича бакалавриат битирув малакавий ишлари, магистирлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари таркибидан олинди (2002-2005 йиллар).

▪ пул оқимларидан самарали фойдаланиш тадбиркорлик субъектининг тўлов қобилиятини оширади ва мақсадли фойда миқдорига эришишга ёрдам беради;

▪ пул оқимларини самарали бошқариш шаклларига эга бўлиш, қўшимча фойда олишни, бевосита пул активлари бўйича ижобий натижаларга эришишни, яъни вақтинча бўш турган пул маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Тадбиркорлик субъектлари «пул оқимларини бошқариш» тушунчаси ўзида хўжалик фаолияти учун хизмат қилувчи турли шаклдаги пул оқимлари таркибини акс эттиради. Бунинг моҳиятини пул оқимларини бошқаришда уларнинг алоҳида хусусиятларига қараб аниқлаш талаб этилади. Бундай пул оқимларини гуруҳлаштиришни қуйидаги асосий белгилари бўйича ташкил қилиш таклиф қилинади.

1. Пул оқимлари хўжалик фаолиятига хизмат қилиш жараёнларининг ҳажми бўйича қуйидаги шаклларга ажратилади:

- корхона бўйича тўлиқ пул оқимлари;
- корхона хўжалик фаолиятининг алоҳида шакллари бўйича пул оқимлари;
- алоҳида таркибий тузилмалари (жавобгарлик марказлари) бўйича пул оқимлари;
- алоҳида хўжалик операциялари бўйича пул оқимлари.

2. Халқаро ҳисоб стандартларига мос равишда хўжалик фаолиятининг шакллари бўйича пул оқимларининг турлари қуйидагиларга ажратилади:

- операцион фаолият бўйича пул оқимлари;
- инвестиция фаолияти бўйича пул оқимлари;
- молиявий фаолият бўйича пул оқимлари.

3. Пул маблағларининг ҳаракат йўналишлари бўйича пул оқимлари икки асосий шаклга ажратилади:

- ижобий пул оқимлари («пул маблағларининг кирими»);
- салбий пул оқимлари («пул маблағларининг чиқими»).

4. Ҳажмини ҳисоблаш усуллари бўйича пул оқимлари қуйидаги шаклларга ажратилади:

- ялпи пул оқимлари;
- соф пул оқимлари.

5. Ҳажмининг етарлилик даражаси бўйича пул оқимлари қуйидаги шаклларга ажратилади:

- пул оқимларининг етарлилиги;
- пул оқимларининг етишмаслиги (дефицитлиги).

6. Пул оқимлари даврда баҳолаш усуллари бўйича қуйидаги шаклларга ажратилади:

- жорий пул оқимлари;
- келгусидаги пул оқимлари.

7. Пул оқимлари кўриладиган даврда шакллантирилишининг узлуксизлиги бўйича қуйидаги шаклларга ажратилади:

- доимий пул оқимлари;
- вақтинчалик пул оқимлари.

8. Доимий пул оқимлари вақт оралиғинг барқарорлиги бўйича қуйидаги шаклларга ажратилади:

- доимий пул оқимларининг бир хил вақтдаги оралиғи;
- доимий пул оқимларининг ҳар хил вақтдаги оралиғи.

Тадбиркорлик субъектларининг пул оқимлари операцион фаолият, молиявий фаолият ва инвестицион фаолият натижасида шаклланадиган пул оқимларидан иборат бўлади.

Операцион фаолият бўйича пул оқимлари мол етказиб берувчиларга тўланадиган счетлар, ишчиларга меҳнат ҳақи харажатлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ижтимоий ажратмалар, асосий воситаларнинг эскириши, турли иш ва хизматлар учун тўланган пул маблағлари, фоиз кўринишидаги харажатлар, ишлаб чиқариш хусусиятидаги бошқа харажатлар, хўжаликни бошқариш харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва бошқа операцион харажатлар, бюджетга турли солиқлар кўринишидаги чиқимлар ҳамда маҳсулот сотишдан олинган, иш ва хизматлар кўрсатишдан келиб тушган тушум, роялти, фоиз кўринишидаги тушумлар ва операцион фаолият билан боғлиқ бошқа пул тушумларини акс эттиради.

Инвестицион фаолият бўйича пул оқимлари кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқаришга сарфлаган реал инвестициялари ва ортиқча асосий воситаларни сотиш, бошқа субъектларнинг акцияларини сотиб олиш ва сотиш ҳамда бошқа инвестиция хусусиятига эга бўлган кирим ва чиқимларни ўз ичига олади.

Молиявий фаолият бўйича пул оқимлари тадбиркорлик субъектининг қўшимча сармоя сифатида маблағ жалб қилишини, узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни жалб қилишни, пул кўринишида дивиденд бериш ва корхона фаолиятини ташқи маблағлар билан молиялаштиришни ўз ичига олади.

Бизнес субъектларининг пул оқимларининг шаклланишида ички ва ташқи омиллар ўз таъсирини ўтказади. Ташқи таъсирларга товарлар ва фонд бозорларидаги вазият, хўжалик юритувчи субъектлар орасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби, кредитлар билан таъминлаш, солиқ ва божхона тизимлари кирса, ички омилларга ишлаб чиқариш жараёнининг давомийлиги ва мавсумийлик хусусияти, тадбиркорлик субъектининг эскиришни ҳисоблаш сиёсати, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражаси, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тизими ва бошқалар мисол бўлади.

Тадбиркорлик субъектлари доимо ижобий пул оқимига эга бўлган тақдирда барқарор ривожланиш имконига эга бўлади. Пул оқимлари ва бошқа молиявий ресурсларнинг етарли даражада бўлиши нафақат такрор ишлаб чиқариш ва шахсий истеъмолни кенгайтиришга, балки тадбиркорлик субъектининг ликвидлигини таъминлашга ҳам имкон беради.

Тадбиркорлик субъектларининг тўловга қобиллиги айниқса, моддий ресурслар таъминоти, турли иш ва хизматлар кўрсатувчи ташқи субъектлар ва уларнинг молиявий фаолияти учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

5-чизма

Бизнес субъектларининг турли фаолияти натижасида ҳосил бўладиган пул маблағларининг оқими



2. Тадбиркорлик субъектларида пул маблағларининг тушуми ва сарфланиши режасини ишлаб чиқиш ҳамда бошқариш

Пул оқимларини бошқариш бутун субъект молиявий фаолиятини бошқариш тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У субъектнинг молиявий бошқарувида турли шаклдаги вазифаларни ечишда ва унинг субъект молиявий менежментининг бош мақсадига қаратилганлигини талаб этади.

Кичик тадбиркорлик субъектининг пул оқимларини бошқариш жараёни қуйидаги асосий тамойиллар асосида амалга оширилади.

1. Ахборотларнинг ишончлилиги тамойили. Ҳар қандай бошқариладиган тизим, шунингдек, субъект пул оқимларини бошқаришда ҳам зарурий ахборот базаси билан таъминланиши керак бўлади. Бундай ахборот базаларига эга бўлиш ўз-ўзидан маълум қийинчиликларни ҳал қилишни талаб этади. Айниқса, молиявий ҳисоботлар тузиш ва улардан фойдаланишда ягона бухгалтерия ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида ташкил этишни шакллантириш ва бошқалар бу тамойилга таянилишини яққол кўрсатади.

2. Баланслаштирилиши тамойили. Субъектлар пул оқимларини бошқариш кўпроқ унинг таркибий гуруҳланишидаги асосий шакллар билан узвий боғлиқ бўлиб, бу жараёнларни бир-бирига маълумотларнинг мослиги ва турли шаклдалиги билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу тамойил субъект пул оқимларини асосий шакллари, ҳажми, вақт оралиғи ва бошқа хусусиятларига қараб мувозанатлаштиришни талаб этади. Субъектнинг пул оқимларини бошқариш жараёнида пул оқими ва ундан фойдаланишни мақбуллаштирилишини кўзда тутати.

3. Самарадорликни таъминлаш тамойили. Субъект пул оқимларини бошқаришда маълум бир вақтда пул маблағларининг тушумини ва сарфланишининг бир меъёрдалигини, бўш турган пул маблағларининг активлигини ошириш, инфляция даражасини пасайтириш, муайян вақтдаги қиймат баҳосини самарали ташкил этишга қаратилади. Бу тамойилга субъект молиявий инвестицияларини ҳаракатлантириш йўли билан пул оқимларини самарали бошқариш ва бошқалар киради.

4. Ликвидликни таъминлаш тамойили. Субъект пул оқимларининг алоҳида шакллари бўйича юқори даражадаги маромсизлик юзага келиши натижасида вақтинча пул дефицити пайдо бўлиб, унинг ликвидлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун субъект пул оқимларини бошқаришнинг даврларида бу оқимлар ликвидлигини етарли даражада таъминлаш зарур.

Пул маблағлари режасини тузишда молиявий ҳисобот моддаларидан фойдаланиб, субъект тўғрисида атрофлича маълумот олинади, шу асосда корхонада пул маблағларининг тушуми ва сарфланиши, шунингдек, молиявий ҳолат, пул маблағларининг ҳаракатининг фаоллик даражаси таҳлил этилади.

«Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»да субъектнинг молиявий ресурслари таркибидаги ўзгаришлар ва пул маблағларининг ҳаракати, хусусан, жорий хўжалик фаолияти жараёнида бу маблағларнинг келиб тушиши, сарфланиши, йил боши ва

охиридаги қолдиғи, шунингдек, инвестиция ва молиявий фаолиятга йўналтирилган қисми акс эттирилади.

Пул оқимларини бошқаришда молиявий ахборотлар билан ишлаш жараёнидаги энг муҳим жиҳатларидан бири субъект фаолияти, хусусан, унинг хўжалик фаолияти ҳақида алоҳида хулосалар чиқариш учун зарур бўладиган катор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

3. Тадбиркорликни молиялаштириш манбалари уларни шаклланиши ва усуллари

Мамлакат иқтисодиёти тарақиётининг ҳозирги босқичидаги муҳим масалалардан бири унинг халқаро миқёсдаги рақоботбардошлигини ва жаҳон хўжалиги алоқаларидаги фаол иштирокини таъминлашдир. Бу масаланинг ижобий ҳал этилиши, аввало, бозор иқтисодиёти асоси бўлмиш кичик тадбиркорликнинг кенг ривожланиши билан боғлиқ.

Тадбиркорлик субъектларининг рақоботбардошлигига улар молиявий ресурсларининг ҳаракатини самарали бошқариш орқали эришилади. Молиявий ресурсларни ташкил этиш ва бошқариш механизми уларнинг моҳиятини тушинишни, амалиётда молиявий имкониятларни бошқариш усуллари ва кўрсатмаларидан, шу жумладан молиялаштириш манбаларини шакллантириш, таҳминлар тузиш ва режалаштириш ҳамда молиявий таҳлиллардан фойдаланишни талаб этади.

Кўпчиллик иқтисодчи олимлар ва амалиётчиларнинг фикр ва мулоҳазалари шуни тасдиқлайдики, кичик тадбиркорлик субъектларда молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва моҳияти ҳали кўп ўрганилмаган масалалардан биридир. Молиявий ресурслар кўпинча пул маблағлари (пул даромадлари ва тушумлари)нинг манбалари ёки пул маблағлари фондлари сифатида талқин қилинган.

Бозор муносабатларини ривожланишига ва кичик тадбиркорлик субъектларининг тарраққиётига етарли миқдордаги молиявий ресурсларсиз эришиб бўлмайди. Тадбиркорларда молиявий ресурсларнинг етарлилиги уларнинг ҳамкор сифатида қатнашувчилар билан муносабатларида тўловга лаёқатлилиги, гаров ҳамда бошқа мажбуриятларни бажариши, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг вақтида тўланишини, кредитларнинг белгиланган муддатда қайтарилишини таъминлаш кафолатидир.

Молиявий ресурслар ҳар бир тадбиркорлик субъектининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш ҳамда мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун пул жамғармалари ва бошқа молиявий ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради шунингдек, ўз ходимлари, давлат ва бошқа субъектлар олдидаги молиявий мажбуриятларини бажариш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадларига ҳам хизмат қилади.

Молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан оқилона фойдаланиш тадбиркорлик субъектининг молия муносабатлари орқали таъминланади. Кичик

тадбиркорлик субъектларининг молияси ўзининг мазмунига кўра бу субъектларнинг молиявий ресурсларини ташкил этувчи мақсадли пул маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни акс эттиради.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг молияси тадбиркорлик субъектининг қуйидаги иқтисодий субъектлар билан вужудга келадиган молиявий муносабатларини акс эттиради:

- товар-моддий қийматликларни харид этиш, маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш жараёнида шахсларва давлат (давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар бўйича);

- марказлашган ва марказлашмаган пул маблағлари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш юзасидан субъектлар билан банклар, бюджетдан ташқари жамғармалар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги;

- бюджет тизимига солиқлар тўлаш ва харажатларни молиялаштириш жараёнида кичик тадбиркорлик субъектлари билан давлат ўртасидаги;

- меҳнат ҳақидан турли ижтимоий ажратмалар қилишда ва нафақа фонди, иш билан таъминлашга кўмаклашиш фонди, ихтиёрий тиббий сўғурта фонди ва бошқа фондлар ўртасидаги;

- сўғурта ҳолатлари вужудга келганда зарарларни қоплаш ва сўғурта тўловларини амалга оширишда субъектлар ва сўғурта органлари ўртасидаги.

Тадбиркорлик субъектида молиявий ресурсларнинг ҳосил бўлиш манбалари кичик тадбиркорлик субъектининг хусусий капитали, муассисларнинг улушли ҳиссасидан, тадбиркорлик субъектининг маҳсулот сотиш, турли иш ва хизматлар кўрсатишдан олган пул тушуми, бошқа операцион ва молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар, четдан жалб этилган қарз маблағлари, бошқа субъектларнинг хайрия ва эҳсонлари ҳамда молиялашнинг бошқа манбаларидан ташкил топиши мумкин (6-чизма).

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслари ва уларни шакллантириш кам ўрганилган муаммолардан бири бўлганлиги учун бу борада турлича фикрлар мавжуд. Чунки, уларнинг молиявий ресурслари сифатида пул даромадлари ва тушумлари ёки пул фондлари билан бир қаторда пул айланишининг хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади.

Дарҳақиқат, субъектлар молиявий ресурсларининг ўсиши учун бундай ресурсларнинг ташкил топиш шакллари ва усуллари (даромадлар ва тушумлар)нинг муҳимлиги жиҳатидан улардан фойдаланиш шакллари ва усуллари(пул маблағлари фондлари) билан бир хил аҳамиятга эга. Бироқ пул маблағлари фондлари молиявий ресурсларни ишлатилишининг ягона йўналиши эмас. Уларнинг бир қисми мазкур фондлар доиравий айланишининг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунга кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий ресурслари пул маблағлари манбалари, яъни ташкил топиши ёки шаклланишига кўра мавжуд молиявий имкониятлар сифатида самарали тадбиркорлик фаолияти учун тўлиқ кафолат бўла олмайди.

Маълумки, пул маблағларисиз хўжалик фаолиятини тассавур этиб бўлмайди. Кичик бизнеснинг молиявий таъминотида тадбиркорлик молиявий фаолиятининг

ресурслари ҳал қилувчи ўрин тутади, шунингдек, улар такрор ишлаб чиқариш жараёнларини молиялаштириш имкониятларини белгилайди.

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслари бу субъектлар ихтиёрида бўлган пул маблағлари фондлари мажмуидан иборат.

Тадбиркорлик субъектларини ташкил топишининг дастлабки босқичида уни ташкил этаётган мулкдор, агар биттадан ортиқ бўлса, муассисларнинг сармояларига таянилади. Одатда, кичик тадбиркорлик йўналишидаги мулкдорлар субъектни ташкил топиши жараёнида тўланиши лозим бўлган турли тўловларни ўз сармоялари ҳисобидан амалга оширадilar.

Тадбиркорлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга маблағлар жалб этишда, биринчи навбатда, ўз мол-мулклари ва жамғармаларига фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Чунки, бу хўжалик мустақиллигини таъминлашнинг энг мақбул йўлидир.

Субъект фаолиятининг кейинги йилларида ишлаб чиқаришни молиялаштириш учун ўз маблағларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Аммо, бунда корхона жорий ишлаб чиқариш харажатларини қоплашдан ташқари маълум миқдорда фойда олишга ҳам эришмоғи лозим. Дастлабки йилларда субъектлар ўз қувватлари ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида фойданинг аксарият қисмини ишлаб чиқаришга қайта молиялаштиришга ҳаракат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўрисидаги Низом»га мувофиқ корхоналарда молиявий маблағлар (пул маблағлари)нинг ҳосил бўлиш манбалари қуйидагилардан иборат:

- маҳсулот сотиш, иш ва хизматлар кўрсатишдан олинган пул тушуми;
- асосий фаолиятдан келган бошқа даромадлар (операцион даромадлар);
- молиявий фаолиятдан келган даромадлар;
- фавқулодда даромадлар.

Маҳсулот сотиш, иш бажариш ва хизматлар кўрсатишдан соф пул тушуми хўжалик даромадларининг асосини ташкил этади. Агар кичик бизнес субъектларининг ёрдамчи тармоқларидан саноат хусусиятига эга маҳсулотлар сотилса, уларнинг қийматига қўшилган қиймат ёки акциз солиғи ҳам қўшилади.



6-чизма. Тадбиркорлик субъектлари молиявий ресурсларининг ҳосил бўлиш манбалари.

Бунда соф пул тушуми қўшилган қиймат ёки акциз солиғини чегириб ташлаш орқали ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес субъектлари молиявий ресурсларни шакллантириш манбаларини кенгайтириш мақсадида асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан бирга бошқа фаолият турларини ҳам олиб боришга интилади. **Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларга** қуйидагилар киради:

- ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномаларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари (масалан, кичик бизнес корхоналарининг бой берилган фойдасини тўлаш ёки етказилган маънавий зарарни қоплаш);
- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар фойдаси;
- мол-мулкни қисқа муддатга (бир йилгача) ижарага беришдан рента даромади;
- ёрдамчи тармоқлардан қўрилган даромадлар;
- тадбиркорлик субъектининг ортиқча асосий фондлари ва бошқа мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар;
- даъво муддати ўтган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;
- товар-моддий бойликларни қайта баҳолашдан қўрилган даромадлар;
- давлат субсидияларидан даромадлар;
- холисона молиявий ёрдам;
- бошқа операцион даромадлар.

Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари бозор иқтисодиётининг муҳим элементи ҳисобланадиган молия ва қимматли қоғозлар бозорида ҳам фаол иштирок этиб, даромад олишлари мумкин.

Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларга қуйидагилар киради:

- бошқа сармоясига улуш қўйиш натижасида келадиган даромадлар;
- акциялар бўйича дивидендлар, облигация ва бошқа қимматли қоғозлардан фоиз кўринишидаги даромадлар;
- мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган даромадлар (лизинг тўловини олиш);
- баланс валюта моддаларининг ижобий курс фарқланиши ва сарфланган маблағларнинг қайта баҳоланишидан олинадиган даромадлар.

Айрим ҳолатларда фавқулодда ҳолатлар (сел, жала, ёнғин, ер силкиниши ва ҳ.к.) натижасида қўрилган зарарни қоплаш юзасидан ҳам даромад олиш мумкин ва уни **фавқулодда даромадлар** деб аталади.

Аммо молиявий маблағларнинг ушбу ҳосил бўлиш манбалари ҳали субъект ихтиёрида қоладиган ҳақиқий даромад (соф фойда)ни акс эттирмайди, чунки, келгуси йилда такрор ишлаб чиқаришга жалб этиш мумкин бўлган маблағ фақатгина йилнинг соф фойдаси ҳамда амортизация ажратмалари ҳисобига таъминланиши мумкин.

Бугунги кунда амалда қўлланилаётган низомга кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг молиявий натижаларини шакллантиришда фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари қўлланилади:

1. Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда. Бу маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$ЯФ = ССТ - ИТ$$

бу ерда: $ЯФ$ – ялпи фойда;

$ССТ$ – сотишдан олинган соф тушум;

$ИТ$ – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

2. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда. Бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойд билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плус асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ$$

Бу ерда: $АФФ$ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

$ДХ$ – давр харажатлари;

$БД$ – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

$БЗ$ – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

3. Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарар. Бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плус молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ёки минус кўрилган зарарлар сифатида аниқланади:

$$УФ = АФФ + МД - МХ$$

Бу ерда: $УФ$ – умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

$МД$ – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

$МХ$ – молиявий фаолият харажатлари.

4. Солиқ тўлангунгача олинган фойда. Бу умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плус фавкулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ёки минус зарарлар сифатида аниқланади:

$$СТФ = УФ + ФФ - ФЗ;$$

Бунда: $СТФ$ – солиқ тўлагунгача бўлган фойда;

$ФФ$ – фавкулодда вазиятлардан олинган фойда;

$ФЗ$ – фавкулодда вазиятларда кўрилган зарар.

5. Йилнинг соф фойдаси. Бу солиқ тўлагандан кейин хўжалик юритувчи субъектнинг, ихтиёрида қоладиган ҳамда хўжалик субъекти мустақил тасарруф этадиган фойда. У солиқлар тўлангунга қадар бўлган фойдадан, даромаддан солиқни ҳамда конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда аниқланади:

$$СФ = СТФ - ДС - БС$$

Бунда: $СФ$ – соф фойда;

$ДС$ – даромад (фойда)дан тўланадиган солиқлар;

$БС$ – бошқа солиқлар ва тўловлар.

Субъектлар соф фойдасининг бир қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, иккинчи қисмини эса истеъмол учун йўналтириши мумкин. Соф фойданинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтириладиган қисми капиталлаштирилган фойда, деб аталади ва у:

- асосий фондларнинг қийматини ўстиришга;

- айланма фондларнинг қийматини ўстиришга;
- узоқ муддатли инвестицияларни амалга оширишга;
- захира жамғармасини яратишга йўналтирилиши мумкин.

Соф фойданинг бир қисми кичик тадбиркорлик субъектлари аъзоларига даромад тарзида тақсимланиши ва турли ижтимоий мақсадларга ишлатилиши мумкин.

Субъектларини молиялаштиришда ички захиралар, яъни ўз молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ички молиявий ресурслардан унумли фойдаланиш, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини юксалтириш ва мавжуд ресурслардан тежамкорлик билан, оқилона фойдаланишни назарда тутаяди.

4. Тадбиркорликни кредитлаш шакллари ва уларни жалб этиш механизми

Кредит муносабатлари ҳақида тушунча

Тадбиркорлик субъектларининг тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан бири—унинг молиявий маблағлар билан таъминланиш даражасидир.

Тадбиркорлик субъектларининг муваффақиятли ривожланиши ва кенгайишида молиялаштиришнинг ташқи манбалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ташқи ёки четдан жалб қилинган молиявий ресурслар, улар орасида эса банк кредитлари муҳим ўрин эгаллайди.

Кредит узоқ вақтларгача субъектнинг молия-кредит институтлари билан ўзаро иқтисодий муносабатларини ифодаловчи ягона молиявий шакли бўлиб келди.

Шунга кўра, кредит муносабатлари қийматни пул шаклининг ва молиявий ресурслар бозорида тақсимланмаган пул маблағларининг муҳим кўринишидир. Кредит муносабатлари кредит ресурслари бозори қатнашчилари ўртасидаги асосий, лекин ягона бўлмаган молиявий алоқалар шаклидир. Иқтисодий адабиётларда кредитнинг моҳиятини мамлакат ссуда фонди ҳаракатининг шакли сифатида тушуниш алоҳида ўрин эгаллайди. Бироқ, маъмурий бошқариш тизими шароитида кредит ўзининг бир хўжалик субъектидан бошқасига маблағларининг оқиб ўтишида молиявий воситалик қилишдек мақсадли вазифани бажара олмайди.

Бозор шароити кредит муносабатлари жараёнида унинг асл мазмунини шакллантирди. Бундай шаклдаги пул маблағлари мулк объекти бўлиб, товарлилик табиатини, уларнинг бозордаги эркин жойлашиш ҳаракатини кўзда тутувчи, товар баҳоси унга бўлган талаб ва таклифнинг нисбати орқали ўрнатилишини кўрсатади.

Қарз берувчи томонидан пул маблағларини қарзга бериш, қарз олувчи томонидан эса шу маблағларни олиш бўйича қизиқиш тўғилган тақдирдагина кредит муносабатлари вужудга келади. Кредит муносабатларининг иштирокчилари томонидан манфатларнинг мос келиши кредит шартномаларининг тузилишини таъминлайди. Кредит муносабатларини ривожлатиришда банклар кредитнинг асосий ҳарактерли белгилари ва уларнинг ҳаракатида муҳим шартлар ва қонунларга асосланган ҳолда кредитлаш жараёнларини амалга оширишлари зарур.

Кредит (лот. Creditum - қарз, credo - ишонаман) – пул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устама (фоиз) тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатларга қарзга бериш. Кредитнинг моҳиятини янада мукамалроқ ёритишда унинг баъзи муҳим томонларига этибор берамиз. қарзга маблағ берувчи томон кредитор (давлат, банк, субъект, хусусий шахс ва б.), қарз олувчи томон эса дебитор дейилади. Кредит келишуви қарздан фойдаланиш шартлари қайд этилган шартнома билан расмийлаштирилади. Кредит муомаласи– қарз берувчи билан қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатдир. Лекин ҳар қандай қарз муносабати ҳам кредит бўла олмайди. Кредит муносабатида олинган маблағ қайтариб берилиши, фойдаланилгани учун ҳақ (келишилган фоизда) тўланиши, муддатли, маълум товар ва номоддий активлар билан таъминланган бўлиши, мақсадли ишлатилиши шарт.

Тижорат банклари томонидан кредит бериш муддатлилиқ, қайтаришлиқ, тўловлилиқ ва таъминланганлиқ тамойиллари асосида амалга оширилади.

Муддатлилиқ тамойили шуни билдирадики, кредит берувчидан олинган кредитни ўз вақтида қайтариб бериш муддати уларни қандай муддатларда берилганлиги билан ҳарактерланади. Мана шу тамойилга асосланиб, кредитлар сўндириш муддатига кўра, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитларга ажратилади.

Қисқа муддатли кредитлар, одатда, субъектнинг жорий фаолиятини айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида, нисбатан юқори фоизларда ва бир йилгача муддатда қайтариш шарти билан берилади.

Ўрта муддатли кредитлар 1 йилдан 5 йилгача муддатга, ишлаб чиқариш хусусиятига кўра, сарфланган инвестицияларни шу муддат ичида тўла қоплаш имконига эга бўлган соҳаларга берилади. Мазкур кредитларга бўлган эҳтиёж ишлаб чиқариш даврийлигининг ўзига хос хусусиятлари ва битимлар (шартномалар)дан юзага келиб чиққан ҳолда белгиланади. Ўрта муддатли кредитнинг амал қилиш муддати 5 йилдан ошмаслиги лозим.

Узоқ муддатли кредитлар 5 йилдан кўп муддатга, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун, одатда, ишлаб чиқаришни техник қуроллантириш, қайта қуриш ва капитал таъмирлаш мақсадларига берилади.

Қайтаришлиқ тамойили қарздорнинг кредитни тўлиқ ҳажмда кредиторга қайтарилиши бўйича жавобгарлигини англатади. Қайтаришлиқ тамойилининг асосида банklar берган кредитларни қайтарилишининг иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги ва маблағларни узлуксиз доиравий айланиши ётади. Кредитнинг муддатлилиқ тамойили қайтаришлиқ тамойили билан узвий боғлиқ.

Кредитлашнинг муддатлилиги икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, кредитнинг моҳияти вақтинча фойдаланишга берилган маблағларнинг қайтарилишини билдирибгина қолмай, балки улар қайтариладиган аниқ муддатларнинг белгиланишини ҳам тақоза этади.

Кредит иқтисодий муносабатларнинг белгиланган тизими сифатида бошқа пулли муносабатлардан фарқ қилади. Бунда пулнинг харажати қайтариб бериш шарти билан амалга ошади.

Тўловлилиқ тамойилига кўра, кредитлар қарздорга маълум бир фоиз тўловларини тўлаш шарти билан берилади. қарздорнинг кредитдан фойдаланганлиқ

учун тўлайдиган фоиз тўловлари кредит муассасасининг даромадини ташкил этади. Кредитнинг тўловлилиги у эгасига суммада тўлиқ қайтарилишинигина эмас, олинган шу кредит ресурслари учун фоиз шаклидаги тўлов билан қайтарилишини ҳам ифодалайди.

Бу тамойил кредит шартномасида кўзда тутилган барча талабларни, кредитор учун берган кредитини ва у маблағни қарзга берганлиги учун муайян тўловни талаб қилади.

Таъминланганлик тамойили, кредитлаш шартларига кўра, қарздор кредиторга кредитни қайтариш кафолатини таъминлаши лозимлигидан келиб чиқади. Чунки, қарздор кредитни қайтаришдан бош тортганда, кредитор қарздорнинг (ёки унга кафолат, кафиллик берган юридик шахснинг) мол-мулкидан тегишли миқдордаги маблағларни ўз тасарруфига олиш имкониятига эга бўлиши керак. Банклар ўзлари билан доимий алоқада бўлган, банкнинг ҳисоб рақамида мунтазам пул оқими мавжуд, яхши обрў ва кредит тарихига эга қарз олувчиларга, бу таъминот турларини талаб қилмай, бланкали (ишончли) кредит беришлари мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, кредитнинг бош тамойили унинг мақсадга йуналтирилишидир. Бунда аниқ хўжалик жараёнларининг кредит билан боғлиқлиги таъминланади. Кредитлар бизнес-режа асосида берилади. Кредитларнинг берилиши ва ресурсларнинг режали тақсимланишида таъминланганлик тамойили муҳим ўрин тутди. Қисқа муддатли кредитларнинг амал қилиш муддати 12 ойдан ошмайдиган ссуда бўлиб, уни муддатининг узайтирилиши кредитланаётган тадбирларни утказиш муддати, уларнинг қопланиши ва бошқа шартлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қисқа муддатли ссудалар кредитларнинг бошқа турларига нисбатан ликвидлироқ ҳисобланади.

Кредитнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- **тижорат кредити** бир хўжалик юритувчи субъект томонидан берилади ва одатда, васика билан расмийлаштирилади. Тижорат кредити асосан икки ҳолатда амалга оширилади. Биринчи ҳолатда сотиб олувчи товар ҳужжатларини олганидан сўнг ўтказилиш сотувчи томонидан қўйилган васикани (траттани) талаффуз этади ёки оддий васика расмийлаштирилади. Иккинчи ҳолатда ишлаб чиқарувчи харидорнинг қарз мажбуриятларини олмайди ва қарз бўйича ҳисоб очади;

- **банк кредити** жисмоний ва юридик шахсларга пул шаклида банклар томонидан берилади. Банк кредитининг объекти пул маблағларини бевосита ссудага бериш жараёни ҳисобланади. Банк кредитининг форфейтинг, факторинг, харидорга қарз бериш каби кўринишлари бор;

- **давлат кредити** давлатнинг қарз берувчи ва қарз олувчи сифатида иштирокини назарда тутди. Давлат қарз берувчи сифатидаги банк тизими орқали бюджетдан тармок, ҳудуд, субъектларни кредит ажратиб, молиялаштиради. қарз олувчи сифатида аҳолига давлат заёмларининг, облигацияларини сотиш билан жисмоний ёки юридик шахслардан қарз олади, натижада давлатнинг ички қарзи пайдо бўлади. Чет давлатлардан олинган кредитлар ҳисобидан давлатнинг ташқи қарзи юзага келади;

- **истеъмол кредити** аҳолига истеъмол товарлари, хизматларни насияга сотиш, уй-жой қурилиши харажатлари учун, ломбардлардаги мулк гарови ҳисобига, ўзаро ёрдам кассаси ва бошқа кўринишларда берилади. Бу кредитни шакли аҳолининг истеъмол талабини қондириш мақсадида асосий восита сифатида хизмат қилади ва товар ёки пул шаклида ташқил қилинади;

- **ҳалқаро кредит** муддатли, қайтимли ва фоиз тўлаш шартлари билан бир мамлакатдаги кредитор томонидан иккинчи мамлакатдаги қарз олувчига пул ёки товар шаклида бериладиган қарз, шунингдек, чет эл облигациялари, чет эл корхоналарининг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига фойда олиш мақсадларида капитал қўйиш.

Кредит иқтисодиётда муҳим вазифаларни бажаради. Уларнинг орасида молия ресурсларини қайта тақсимлаш асосий ўринда туради. Кредит ёрдамида капиталнинг бир тармоқдан иккинчисига, бир мулкдордан иккинчисига оқиб ўтиши таъминланади. Шу билан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, маблағларни капитал қўйишнинг энг фойдали ва истиқболли йўналишларида тўплаш имкониятлари юзага келади.

Ўзбекистонда тижорат банкларининг кредит сиёсати мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқларини жадал ривожлантиришга йўналтирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказлаштирилган кредитлари мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилган янги ишлаб чиқариш субъектларини барпо этишга ажратилмоқда. Шунингдек, мамлакатнинг тижорат банклари ҳам янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга кредитлар ажратиш билан бирга кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни ҳам амалга оширмоқда. Имтиёзли шартларда ажратилаётган кредитлар ва микрокредитлар шулар жумласидандир.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолатларда четдан қарзга маблағ жалб этишга эҳтиёж юзага келади. Четдан жалб этиладиган бундай қарз маблағларини қуйидаги молиявий муассасалар ёрдамида ва бошқа манбалар эвазига олиш мумкин:

1. Тижорат банкларининг кредитлари.
2. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредитлари.
3. Ҳалқаро молия ташкилотларининг маблағлари (тижорат банкларининг лойиҳалари орқали).
4. Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан кредитлар.
5. Кредит иттифоқлари ва шунга ўхшаш субъектларнинг кредитлари.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш улар фаолиятини молиялаштиришнинг энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Субъектлар ва кредит ташкилоти ўртасида тегишли шартномавий муносабатларни шакллантириш орқали ўрнатиладиган молиявий муносабатдир. Бу муносабатларнинг марказий бўғини кредит шартномаси бўлиб, у кредитнинг таъминланганлиги, кредитлар ўз вақтида фоизи билан қайтарилишининг ҳукуқий асосларини таъминлайди.

Банк кредитлари лойиҳанинг хусусиятига кўра, **имтиёзли** ёки **имтиёзсиз шартларда** берилиши мумкин. Имтиёзли кредитлар устувор йўналишлар учун, одатда, давлат дастурлари доирасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш

мақсадларига хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистонда кичик тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида давлат дастурларига киритилганлиги туфайли ҳукуматнинг пул-кредит сиёсатида тадбиркорлар учун имтиёзли кредитлар тизими жорий этилган.

Айрим ҳолларда давлат баъзи тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қисқа муддатли кредитларни қайтариш муддатини узайтиришга имконият яратади. Хусусан, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун айланма маблағларни тўлдириш мақсадидаги қисқа муддатли кредитлар, одатда, 1 йилгача муддатга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун фермер хўжаликларига, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига, 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, кредит шартномаси асосида белгиланади.

Кредитларни олиш учун қарз олувчилар банкка қуйидаги ҳужжатлар (кредит пакети)ни:

- кредит буюртмаси;
- қарз олувчининг банк ҳисоб варағидаги пул тушумлари тахмини (пул оқими) кўрсатилган бизнес-режаси;
- охириги ҳисобот санасига давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома, шунингдек, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликнинг солиштирма далолатномалари;
- молиявий натижалар ҳақида ҳисобот;
- таъминот шаклларида бирини тақдим этадилар.

Олинган кредитни қайтармаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка қуйидаги таъминот турларининг бирини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

- мулк ёки қимматли қоғозларнинг гарови;
- банк ёки сўғурта ташкилотининг кафолати;
- учинчи шахснинг кафиллиги;
- сўғурта суюбъектининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслик хатарини сўғурта қилгани тўрисидаги сўғурта полиси;
- фуқаролар йиғинлари маҳалла, қишлоқ, овул кенгашларининг кафиллиги.

Кредитларни қайтарилиш таъминотининг шаклларида бири сифатида мол-мулк гарови хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўрисида»ги қонунига мувофиқ, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк, шу жумладан, буюмлар ва мулкый ҳуқуқлар (талаблар), қимматбаҳо буюмлар, заргарлик буюмлари, эркин айирбошланадиган валюта ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин. Кредит ҳисобига сотиб олинган мулк, мазкур кредит бўйича шу мулк қийматининг 80 фоизи миқдорида гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 7 мартда рўйхатга олинган «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тўрисида»ги 907-сонли тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур тартиб тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнеснинг бошқа субъектлари ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликларига кредит беришни тартибга солади. Бу тартиб кичик ва ўрта бизнес субъектларини, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларни банклар томонидан микрокредитлашга татбиқ этилмайди.

Берилаётган кредитларнинг муддати кредитланаётган тадбирнинг қопланишига боғлиқ чунончи:

- бизнес субъектларига айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитлар, одатда, 1 йилгача муддатга;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун фермер хўжаликларига, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитлар, одатда, 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади;

- бизнеснинг барча субъектларига, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларига инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун бериладиган кредитлар, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз, 5 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Бизнес субъектларига айланма маблағларини тўлдириш мақсадида берилган кредитларнинг қайтарилиш муддати, уларнинг қайтарилишининг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, форс-мажор ҳолатларини истисно қилганда, 12 ойдан;

деҳқон на фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга мўлжалланган айланма маблағларни тўлдириш учун берилган кредитларни қайтариш муддати, бу муддат узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, форс-мажор ҳолатларини истисно қилганда, 30 ойдан;

фермер ва деҳқон хўжаликларининг ўз айланма маблағларини тўлдириш мақсадида, қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлмаган фаолияти учун олинган кредитдан фойдаланиш муддати, уни қайтариш муддати узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, 12 ойдан ошмаслиги керак.

Инвестиция мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича банклар имтиёзли давр белгилашлари мумкин. Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаларининг микдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, кредит шартномаси асосида белгиланади.

Айланма маблағларни тўлдиришга кредит олиш учун кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолдаги буюртма банкка келиб тушган кундан бошлаб, ушбу кредит бўйича банк ҳулосасини беришгача бўлган муддат тижорат банклари бўлимлари, таркибида бўлимлари бўлмаган тижорат банклари, шунингдек, хусусий банклар учун – 10 иш кунидан, банкларнинг вилоят бўлимлари учун – 15 иш кунидан ва бош (республика) банклар учун – 20 иш кунидан ошмаслиги керак.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун кредит сўраб берилган кредит буюртмаларини банклар томонидан кўриб чиқиш муддати, мос равишда, кўпи билан 2 барабар оширилиши мумкин.

Субъектларни молия-кредит тизими орқали қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, имтиёзли кредит бериш механизмини қўллаш ҳамда кафолатлаш жараёнини ривожлантириш билан характерланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўрисида»ги 195-сонли қарори билан тижорат банкларининг кичик бизнесни ривожлантиришга фаол қатнашишларини таъминлаш мақсадида **«Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси»** ташкил этилди. Жамғарма маблағлари банклар фойдасининг 25 фоизгачасини ажратиш ҳисобига шакллантирилмоқда.

Тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурсларини кўпайтиришига йуналтириладиган ва жамғарманинг берилган кредитлари ҳисобига олинган даромадлари даромад (фойда) солиғидан 5 йил муддатга озод қилинади. Тижорат банкларининг даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиққа тортиладиган база жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари (депозитлари)нинг кўпайган суммасига камаяди, бунда бўшайдиган маблағларда кўрсатилган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини оширишга мақсадли йўналтирилиши шарт.

Имтиёзли кредит бериш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан кредитларни бериш муддатлари кредит берилаётган тадбирларнинг ўзини қоплашига боғлиқ, чунончи:

- ишлаб чиқариш заҳираларини харид қилиш учун зарур бўлган айланма маблағларни хом ашё материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда бошқаларга кредитлар кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига, қоидага кўра, 1 йил муддатгача;
- қишлоқ, хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар фермер хўжаликларига, шунингдек, юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликларига, қоидага кўра, камида 2 йил муддатга берилади;
- инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш учун кредитлар кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланувчи барча субъектларга, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларига тўлов муддатини кечиктириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар қарз олувчиларга маҳсулот етиштириш (тамакичилик ва алкогольли маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари) билан боғлиқ бўлган, амалдаги қонунчилик билан тақиқланмаган тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, ривожлантириш ва кенгайтириш учун хусусан:

- ишлаб чиқариш биноларини қуриш, техника билан жиҳозлаш ва реконструкция қилиш;
- машиналар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарлар, уруғлик, ҳайвон ва паррандаларни сотиб олиш;
- хом ашё ва материаллар, шу жумладан, ҳайвонлар учун ем, омихта озуқа, ветеринария препаратлари, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари,

минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва экин майдонларига ишлов бериш бўйича механизациялаштирилган хизматларни сотиб олиш учун ажратилади.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдалан- ганлик учун фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш бўйича кредит берилган кунда белгиланган ставканинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Тижорат банклари «Имтиёзли кредит бериш жамғармаси»ни ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта субъектларга, деҳқон ва фермер хўжаликларига, шунингдек, юқори технологияли ва инновация лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида имтиёзли кредит бериш учун ташкил этадилар.

Тадбиркорлик субъектларини кредитлаш шаклларида бири микрокредитдир. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2000 йил 29 февралда 902- рақам билан рўйхатга олинган «Тижорат банклари томонидаи юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби» ва 2000 йил 29 февралда 903- рақами билан рўйхатга олинган, «Тижорат банклари томонидаи юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби» Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб ёки олмасдан фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес субъектларига микрокредитлар бериш тартибини белгилаб берди.

Юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига бериладиган микро-кредитлар деганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредит бериладиган кундаги курси бўйича 5000 (беш минг) АҚШ доллариға эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади. Микрокредитлар фақат Ўзбекистон Республикаси резидентларигагина берилади.

Юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига бериладиган микрокредитлар деганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 10000 (ўн минг) АҚШ доллариға эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади.

Тижорат банклари микрокредитларни қарз олувчиларга шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатга берадилар. Кредитлар миқдорнинг талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақами жойлашган манзил бўйича берилади. Микрокредитлар 50 фоизгача миқдорини 1,5 йил (18 ой) гача бўлган муддатда қайтариш шарти билан, нақд пулда берилиши мумкин.

Банклар кичик тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар, шунингдек, микрокредитлар бериш учун «Имтиёзли кредит бериш жамғармаси»ни ташкил этадилар.

Имтиёзли кредит бериш жамғармаси ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бўйича фоиз ставкалари Марказий банкнинг микрокредит берилган кундаги қайта молиялаш ставкасига нисбатан 50 фоиздан ортиқ бўлмаган даражада белгиланади.

Микрокредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадлар учун берилади:

- кичик(мини) ускуналарни ҳарид қилиш;
- хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруғлик, чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омехта ем, ветеринария доридармонлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари ва минерал ўғитларни сотиб олиш;
- хом ашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш;
- меҳнат қуроллари, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва ёрдамчи ашёларни ҳарид қилиш;
- халқ, бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш;
- ҳунармандчиликни ривожлантириш, уй меҳнати (касаначилик)ни ташкил қилиш;
- сервис хизмати ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш;
- соғлиқни асрашни ривожлантириш;
- сайёҳлик (туризм) соҳасини ривожлантириш;
- кичик кўламдаги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари.

Микрокредитлар илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзларни қоплаш, тамакичилик ва спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш, савдо-воситачилик фаолиятини амалга ошириш, ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган, шахсий мулкни ҳарид қилиш мақсадлари учун берилмайди.

Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаларининг миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида, аммо Марказий банк томонидан расман ўрнатилган қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади.

Талаб этиладиган барча зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда кредит сўраб берилган ушбу ариза бўйича банк томонидан ҳулоса бериш муддати бу ариза банкка келиб тушган санадан бошлаб 5 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Кредитлар мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақами жойлашган манзил бўйича берилади. Кредитлар алоҳида кредит ҳисоб рақамини очиш ва ушбу ҳисоб рақамидан қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида моддий-товар бойликлар учун нақд пулсиз ўтказиш йўли билан ёки микрокредитнинг 50 фоизгача миқдорида нақд пул шаклида фақат деҳқон на фермер хўжаликларига, улар томонидан тақдим этилган пул чекларига нақд пул бериш йўли билан берилади.

Нақд пулда бериладиган микрокредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар белгиланган тартибда нақд пулда қайтарилади.

Тижорат банклари ўз Низомларига ва валюта операцияларини амалга ошириш учун уларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияда белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ, фақат ўз ишлаб чиқариш фаолияти учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, хом ашё ва бутловчи

қисмларни импорт йўли билан харид қилишга чет эл валютасида микрокредитлар беришлари мумкин.

Чет эл валютасидаги микрокредитлар банклар билан қарз олувчилар ўртасида тузиладиган кредит шартномаларида белгиланадиган тижорат шартлари асосида нақдпул шаклда берилади. Чет эл валютасида берилган кредитлар бўйича фоизларнинг тўлови, тўлов санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Сўнгги пайтларда молиялаштиришнинг янги шаклларида бири сифатида банкларнинг фаолиятига **овердрафт** кириб келмоқда. Овердрафт қисқа муддатли кредитлаш шакли бўлиб, банклар амалиётида ишлатилади. Унинг шундаки, банк ўз миждо ҳисоб рақамида вақтинча маблағ бўлмаган ҳолатларда унинг фаолиятини молиялаштириш учун овердрафт шартномасини тузади. Миждо ўз ҳисоб рақамига маблағ тушиши билан овердрафт шарти билан олган қарзларини банкка маълум бир фоизлар эвазига қайтаради. Овердрафт, одатда, банкнинг энг ишончли миждоларига нисбатан қўлланилади.

Ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан маълумки, тадбиркорлик фаолияти ривожланмасдан туриб, бозор иқтисодиётининг барча ички ва ташқи бўғинларини ҳаракатга келтириш анча мушкул. Тадбиркорлик шакллариининг кенгайиб кичик тадбиркорлик субъектлари иқтисодий ривожланишнинг муҳим бўғинига айланиб бораётган ҳозирги шароитда бу шаклни мамлакатимизда ҳам қўллашнинг аҳамияти катта омилларига айланиб бормоқда.

Тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида турли банклар (давлат банклари, давлат-акциядорлик тижорат банклари, акциядорлик-тижорат банклари, хусусий банклар, чет эл иштирокидаги банклар) ва бошқа жамғармалар томонидан янги кредит йўналишлари орқали кичик тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган субъектлар қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари таъсирида доимий равишда молиявий маблағларга эҳтиёж сезадилар. Чунки, экинларни экиш ва парваришлаш даври узоқ давом этиб, ҳосил йиғиб олингунга қадар пул тушуми бўлмайди. Бу ҳолат ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш учун айланма маблағларни шакллантиришга маблағ излашни талаб этади. Бундай ҳолатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида қўлланиладиган **фьючерс операциялари** муҳим аҳамият касб этади. Фьючерс операцияларида маҳсулотни сотиб олувчи харидор йил бошидан келгуси ҳосил учун бўнак (ҳосил қийматининг бир қисмини олдиндан тўлаб қўйиш) сифатида маблағ бериб туради.

Кичик тадбиркорлик субъектлари бўнақдан фойдаланиб, жорий ишлаб чиқаришни молиялаштириш имконига эга бўлади. Республикаимизда пахта ва дон экинларига давлат буюртмаси ўрнатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги ПФ-2165-сонли фармонида мувофиқ кичик бизнес корхоналари давлат буюртмаси ҳажмидаги етиштираётган маҳсулот қийматининг 50 фоизи миқдорида Молия Вазирлигининг «Давлат эҳтиёжлари учун

ҳарид этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси» маблағлари ҳисобидан бўнак пули (транш) олиш имкониятига эга эди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 январь 1295-сон билан рўйхатга олинган «Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом» тартибларидан келиб чиқиб ва Вазирлар Маҳкамасининг махсус қабул қилинган қарорига кўра 2003 йил ҳосилидан бошлаб Бухоро, Фарғона, Наманган, Хоразм вилоятларида амалдаги тайёрлов субъектлари орқали бўнак бериш механизми ўрнига фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган пахта ҳам ашёси ва ғалла етиштириш бўйича харажатларини уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри кредитлаш механизми синов тариқасида жорий қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 2004 йил ҳосилидан бошлаб Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд вилоятларида жойлашган фермер хўжаликлари ва 2005 йил ҳосилидан бошлаб қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида жойлашган фермер хўжаликлари давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан кредит бериш механизмини жорий этиш белгиланди.

Тадбиқ этилаётган янги механизмнинг афзаллиги қуйидагиларда кўринади:

- харажатларнинг айрим турлари бўйича тўловларга эҳтиёжи бўлмаган фермерларга мазкур маблағларни технологик карталарда белгиланган бошқа харажатларни қоплаш учун, масалан, ўз тракторига эга бўлган фермерга машина трактор парклари кўрсатадиган хизматлар учун белгиланган маблағларни ёнилғи-мойлаш материаллари ёки минерал ўғитларни сотиб олиш учун йўналтиришга рухсат этилади;

- узоқ масофада жойлашган фермер хўжаликларининг транш маблағларини йўналтириш учун ҳар ойда бир неча марта банкка келишларига эҳтиёж қолмайди ва уларнинг ихтиёрига қараб мавсумий тўловларнинг ҳар ойда бир марта ўтказиш имконига эга бўлинади.

- тижорат банклари ажратган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилмай қолиши хатари камаяди ва молиялаштиришнинг транш (бўнак) тартибидаги таёрлов корхоналари томонидан ажратилган бўнак маблағларининг бир қисми хўжалик томонидан маҳсулот етказиб бериш билан қопламай қолиши муаммоси ечилади.

Кредитлар фермер хўжаликлари улар томонидан давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган ғалла ва пахта ҳам ашёси қийматининг 50 фоизигача миқдорида берилади. Фермер хўжалиги томонидан давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулот ҳажмининг қиймати "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва "Ўздонмаҳсулот" ДАК субъектлари билан тузилган контракция шартномаларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади.

Низомга кўра, кредитнинг миқдори тайёрлов субъектлари томонидан фермер хўжалигига етказиб бериладиган уруғлик маҳсулотнинг қийматига камаяди. Кредитнинг миқдорини аниқлаш учун кредит шартномасини тузиш вақтидаги ҳарид

нархлари асос қилиб олинади. Ҳарид нархлари тасдиқлангач, кредитнинг миқдори қайта ҳисоблаб чиқилиши лозим.

Имтиёзли кредитлар фақат қуйидаги мақсадлар учун берилиши мумкин:

- меҳнат ҳақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш учун;
- минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш

воситаларини ҳарид қилиш учун;

- ёқилғи-мойлаш материалларини ҳарид қилиш учун;
- МТПлар, муқобил МТПлар, СФУлар (сувдан фойдаланувчи уюшмалари) ва бошқа шахсларнинг хизматларига тўловлар учун;
- хўжалик ихтиёридаги техникаларга эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун;
- молиявий лизингга берилган техника воситаларининг лизинг тўловлари учун;
- электроэнергия тўловлари учун;
- плёнка остига эқиладиган пахтага полиэтилен плёнкасини ҳарид қилиш учун;
- коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш хизматларига тўловлар учун;
- ягона ер солиғи тўловлари учун.

Бунда, бериладиган кредитнинг миқдорини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари томонидан агротехкарталардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир қишлоқ хўжалиги экини бўйича ҳар бир харажат турининг энг кўп меъёри (қишлоқ хўжалик йилининг тегишли даврлари ёйилмаси билан) ҳар йилги ҳосил учун тасдиқланади. Кредитлар ушбу меъёрлар доирасида ажратиб борилиши лозим.

Кредитлар тегишли қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўйича фермер хўжаликлари билан якуний ҳисоб-китоблар якунлангунча, лекин 18 ойдан кўп бўлмаган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

Фермер хўжаликларини кредитлаш банк маржасини ҳисобга олган ҳолда, имтиёзли фоиз ставкаси билан амалга оширилади.

Бу кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 5 фоиз миқдорида белгиланиб, унинг 2,5 фоизи банк маржасини ташқил этади.

Кредит олиш учун фермер хўжаликлари уларнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномаларининг нусхалари;

- бизнес режа;

- сўнги ҳисобот даври учун Давлат солиқ хизматининг маҳаллий органи томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл), дебитор ва кредитор қарзлар тўғрисида маълумотнома (2а-шакл), муддати 90 кундан ошган қарздорликларга солиштирма далолатномалар, молиявий натижалар тўрисида ҳисобот (2-шакл).

Имтиёзли кредитлар қайтишини таъминлаш мақсадида, банк давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилинадиган пахта ҳомашёси ва ғалла етиштиришни молиялаштириш мақсадида фермер хўжаликларига берилган имтиёзли кредитларнинг қайтарилиши бўйича ўзининг тадбиркорлик хавфини сўғурта қилиши мумкин. "Ўзагросуғурта" компаниясининг имтиёзли кредитларнинг қайтмаслиги хавфини суғурталаш

шартномалари бўйича сўғурта бадалларининг ҳажми олинаётган кредит суммасининг 1,25 фоизи миқдорида бўлади ва тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади.

Бунда, тақдим этилаётган кредитнинг миқдори "Ўзагросуғурта" ДАСК билан келишилган суғурта пулидан кўп бўлмаслиги зарур.

Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг, банк фермер хўжалигининг аризасини кўриб чиқиши ва 5 кун муддат ичида у билан кредит шартномаси тузиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги субъектларини имтиёзли фоиз ставкаларида кредитлашда тижорат банкларининг манфаатдорлигини ошириш мақсадида, уларнинг имтиёзли фоиз ставкалари бўйича кредитлар бериш билан боғлиқ харажатларини давлат томонидан қоплаш механизми жорий қилинди.

Айрим ҳолатларда фермер хўжаликларида мол юборувчилар томонидан жўнатишган товар-моддий қийматликларнинг қийматини тўлаш учун вақтинча маблағнинг етишмовчилиги ҳолатлари учрайди. Бундай ҳолатларда улар товар-моддий қийматликларни юборувчи субъектлар (кредиторлар) билан маҳсулот қийматини маълум муддатдан сўнг тўлаш шarti билан шартнома тузишлари мумкин. Маълум бир муддатгача бундай кредиторлик қарзи тўланиши лозим бўлган ҳисоб-китоблар счётида акс этиб туради. Агар шу муддатда ҳам кредиторлик қарзини тўлаш имкони бўлмаган тақдирда бу қарз **васика** кўринишида (яъни қарзни маълум бир муддатдан сўнг фоизи билан қайтариш) расмийлаштирилади.

Субъектлар ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммоси пайдо бўлганда, яъни товар-моддий қийматликларни юборган субъект харидордан маҳсулотнинг қийматини муддатда ўзаро ҳисоб-китоб қила олмаса ёки бундай қарзлар шубҳали, уларни ундириш эҳтимоли кам бўлса **факторинг** воситасида қарзни ундириш амалиётида қўлланилади.

Факторинг – субъектлар ўртасида қарзларни ундиришда воситачилик фаолиятидир. Факторингда ўртада турувчи субъект (одатда банк) қарз берган субъектдан маълум бир коммиссион тўлов эвазига қарздордан маблағни ундириш ҳуқуқини қўлга киритади. Факторинг шартномаси тузилиши билан субъект ундирилмай турган қарзнинг аксарият қисмини факторинг субъекти (ёки банк)дан қўлга киритади. Сўнгра факторинг субъекти дебитор субъектга қарзни ундириш бўйича даъво қўзғатади.

Факторинг–айланувчи воситаларни кредит билан таъминлашда ўртада турувчининг фаолияти туридир. Ўртада турувчи банк маълум тўлов эвазига ишбилармонлар таркибидан харидорлардан унинг ҳисобига олинadиган пул маблағини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Факторинг операциялари кредитнинг кичик бизнес субъектлари учун қулай шаклларида биридир. Ўз хусусиятига кўра, уни кредитнинг воситавий шакли деб ҳам аташ мумкин. Факторингни олдиндан тўлаш шаклини олувчи одатдаги кредит деб ҳисоблаш, унинг асосий мақсадли потенциал қарзларни инкасса қилишидир. Бу нарса кредит ресурслари бозоридаги нобарқарорлик шароитида муҳим аҳамиятга эга. Тижорат банклари операцияларининг таркибида мазкур молиявий шакл эндигина

ривожланиб келмоқда. Кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида факторинг хизмати таянч вазифани ўтайди ҳамда улар молиявий таъминотнинг яхшиланишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади.

Факторингнинг афзаллиги шундаки, у нотўловлар муаммосини қисман бўлсада ечишга имкон беради.

Таяч иборалар: капитал, ўз маблағлари, қарз маблағлари, капитал қиймати, молиявий левераж, капиталнинг таркиби, низом жамғарма, қўшилган капитал, резерв капитал, тақсимланмаган фойда, соф фойда, молиявий лизинг, оператив лизинг.

Назорат учун саволлар.

1. Суъектни пул оқимларини бошқаришнинг тамойиллари.
2. Суъектни пул оқимларининг оптимизацияси услублари.
3. Суъектнинг пул оқимларини режалаштириш.
4. Соф фойданинг мақсадли суммасини ҳисоблашнинг асосий элементлари.
5. Тўлов календарини ишлаб чиқиш.
6. Пул активларини бошқариш.
7. Суъектни нинг пул маблағлари колдигининг оптимизацияси.
8. Баумолл модели. Миллер-Орр модели.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Астахов В. П. Финансовый учет. Тесты: Учебное пособие. - М.: ИДФБК-Пресс, 2004. – 200 с.
2. Бланк Е.Г. Основы финансового менеджмента.-М.: ИНФРА, 2004г.
3. Миронов М.Г. Финансовый менеджмент (Справочник руководителя). - М.: ГроссМедиа, 2004. – 144 с.
4. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.
5. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорлик фаолияти асослари» (ўқув амалий қўлланма).- Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет.
6. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорликда молиявий менежмент» (ўқув амалий қўлланма).- Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет.

Интернетвеб- сайтлари:

www.uz

www.gov.uz

www.stat.uz

www.tsue.Fan.uz

8- МАВЗУ: СУБЪЕКТНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Режа:

1. Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементлари
2. Маҳсулотларнинг таннархи ва калькуляция моддалари
3. Таннархни ҳисоблаш объектлари бўйича тақсимлаш¹
4. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган билвосита (эгри) харажатлар ва ёрдамчи тармоқларнинг таннархини режалаштириш
5. Маҳсулот таннархини ҳисоблаш кетма-кетлиги ва таннархни пасайтириш йўллари

1. Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементлари

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ харажатларни амалга оширади. Маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида сарф қилинган моддий ресурслар (асосий воситаларнинг эскириши, материаллар, уруғлик, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа) ва жонли меҳнат сарфлари ишлаб чиқариш харажатларини ташкил қилади.

Хўжаликнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа хўжалик-молиявий фаолияти натижасида юзага келадиган харажатларини қуйидагича туркумлаш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокига кўра:
 - ишлаб чиқариш харажатлари;
 - ноишлаб чиқариш харажатлари.
2. Ишлаб чиқаришда сарф этиладиган ресурсларнинг манбаига кўра:
 - ички харажатлар;
 - ташқи харажатлар.
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига нисбатан:
 - доимий харажатлар;
 - ўзгарувчан харажатлар.
4. Маҳсулотнинг таннархига олиб борилиши жиҳатидан:
 - бевосита харажатлар;
 - билвосита харажатлар.
5. Хўжаликнинг умумий ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа хўжалик фаолияти натижасида юзага келадиган:
 - маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар;
 - давр харажатлари;
 - молиявий фаолият бўйича харажатлар;
 - фавқулодда зарарлар.

¹ ТДИУ ва МДШ мамлакатлари итисодий мутахассисликлари бўйича бакалаврият битирув-малакавий ишлари, магистирлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари (2002-2005 йиллар).


Ишлаб чиқариш харажатлари бевосита ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

- бевосита моддий материал харажатлари;
- бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тааллуқли устама харажатлар.

Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатга **ноишлаб чиқариш харажатлари** деб юритилади. Унинг таркибига:

- маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар;
- маъмурий бошқарув харажатлари;
- бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- фавқулодда зарарлар киради.

Хўжалик юритувчи субъект харажатларининг туркумланиши



Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган фермер хўжалигининг ўзига тегишли ресурслар сарфи (асосий воситалар, ем-хашак, органик ўғитлар, асосий подага ўтказилаётган ёш чорва моллари ва бошқалар) хўжаликнинг **ички харажатларини**, ташки мол юборувчилар ва бошқа субъектлардан сотиб олинган ресурслар учун тўловлар хўжаликнинг **ташқи харажатларини** ташкил қилади.

Қисқа муддатли даврда маҳсулот ҳажмининг ўсишига нисбатан доимий ва ўзгарувчи харажатлар фарқ қилади.

Доимий харажатлар маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ бўлмай, хўжаликнинг маълум бир вақт оралиғида сарфлаши қатъий белгилаб қўйилган ўзгармас харажатларини ифода этади. Бунга асосий воситаларнинг эскириш, бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи, суғурта тўловлари, телефон учун абонентлик тўлови ижара тўловлари ва шунга ўхшашларни мисол қилиб келтириш мумкин. Доимий харажатларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, маҳсулот ҳажмининг ошиб бориши билан бир бирлик маҳсулотга тўғри келувчи доимий харажатлар камайиб боради.

Ўзгарувчан харажатларнинг миқдори маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ёки камайишига қараб ўзгариб туради, яъни маҳсулотнинг ҳажмига мутаносиб бўлади. Ўзгарувчан харажатларнинг таркибига ишчиларнинг меҳнат ҳақи ва унга нисбатан ажратмалар, хом ашё, ёнилғи-мойлаш материаллари, ўғитлар, ем-хашак, ёқилғи ва энергия, транспорт харажатлари ҳамда бошқа ресурсларнинг сарфи киради. Ўзгарувчи харажатларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, маҳсулот ҳажмининг ошиб бориши бир бирлик маҳсулотга тўғри келувчи ўзгарувчан харажатларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатмайди.

Доимий ва ўзгарувчи харажатларнинг йиғиндиси хўжаликнинг умумий харажатларини ташкил қилади. Бундан ташқари бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган **ўртача умумий харажатлар** тушунчаси ҳам мавжуд. **Ўртача доимий харажатлар**, доимий харажатлар суммасини маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмига бўлиш орқали ҳисобланади. Худди шунингдек, **ўртача ўзгарувчан харажатларни**, ўзгарувчи харажатлар суммасини маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмига бўлиш орқали топиш мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичида, ҳали моддий ресурслар ва асосий воситалар тўла бандлик даражасига эришмаган даврда ўртача доимий харажатларнинг қиймати юқори бўлади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб бориши билан у камайиб бориш хусусиятига эга. Ўртача ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш ҳажми оптимал чегарага етгунча камайиб боради, аммо ундан кейин ишлаб чиқаришга жалб этилган ортиқча ресурсларнинг самарасиз бўлиши туфайли, ўртача ўзгарувчи харажатлар ортиб боради.

Кейинги ҳар бир қўшимча маҳсулотнинг бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар **чегаравий харажатлар** деб юритилади. Уни умумий харажатлар суммасининг ўсган қисмини маҳсулот ҳажмининг ўсган қисмига бўлиш орқали топиш мумкин. Чегаравий харажатлар ишлаб чиқарилаётган ҳар бир қўшимча маҳсулот бирлиги хўжаликка қанчага тушишини кўрсатади.

Айрим турдаги ишлаб чиқариш харажатларини яратилаётган маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри киритиш мумкин. Унга ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг меҳнат ҳақи ва истеъмол қилинган моддий ресурслар сарфини киритиш мумкин. Бундай харажатларнинг турлари **бевосита ишлаб чиқариш харажатлари** деб юритилади.

Иккинчи бир харажат турлари бир неча хил маҳсулот етиштириш жараёнида иштирок этиши туфайли (масалан, ўсимликчиликда ер ҳайдаш тракторларининг эскириши), уларга кетган харажатларни шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги иштирокига мутаносиб тақсимлашга тўғри келади. Бундай харажатлар **билвосита ишлаб чиқариш харажатлари** деб юритилади.

Хўжаликнинг ишлаб чиқариш, операцион, молиявий ва бошқа фаолияти натижасида юзага келадиган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ қуйидагича туркумланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар бўйича ажратилади:

- ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий фондларнинг эскириш;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

2. Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдани аниқлашда ҳисобга олинadиган давр харажатларининг элементлари:

- бошқарув харажатлари;
- маҳсулотни сотиш харажатлари;
- бошқа операцион харажатлар.

3. Хўжаликнинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойдасини аниқлашда ҳисобга олинadиган молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- фоизлар бўйича тўловлар;
- мол-мулкни узоқ муддатли ижарага (лизингга) олиш тўловлари;
- хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;
- қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- молиявий фаолиятга оид бошқа харажатлар.

4. Хўжаликнинг одатдаги фаолиятига мос келмайдиган, бир неча йиллар давомида такрорланиб турмайдиган ва фермер хўжалиги бошлиғининг (мулк эгасининг) қабул қилган бошқарув қарорларига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келадиган воқеалар ва ҳодисалар (сув тошқини, ёнғин, жала, дўл каби

табiiй офатлар ва мамлакат қонунчилигининг ўзгариши) натижасида кўрилган зарарлар. 8- чизма

Харажат турларининг элементлари ва уларнинг таркиби

ЖАМИ ХАРАЖАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ:

I.	МАҲСУЛОТНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАНАРХИ (МТ):
1.1	Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари:
	-ўзи ишлаб чиқарган ва сотиб олинган уруғ ва кўчат материаллари; -ўзи ишлаб чиқарган ва сотиб олинган ем-хашак ва озуқа; -минерал ўғитлар ва кимёвий ҳимоя воситалари; -ёрдамчи ишлаб чиқариш учун хом- ашё ва материаллар; -ташқи субъектлар томонидан асосий фаолият турига оид бўлмаган, аммо ишлаб чиқариш характеридаги иш ва хизматларни бажариш харажатлари; -хўжаликнинг ўз кучи билан асосий воситаларни техника кўриги, жорий, оралиқ ва капитал таъмирлашига сарфланган моддий ресурсларнинг сарфи; -хўжаликнинг ўз техникалари билан бажарадиган ишлаб чиқариш ишларига сарфланадиган моддий ресурсларнинг сарфи; -табiiй камайиш меъёрида моддий қийматликларнинг камомади ва маҳсулотларнинг бузилишидан кўрилган зарарлар; -бошқа моддий харажатлар.
	Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари:
1.2	-ишлаб чиқаришда хўжалик аъзолари ва ёлланма ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари (меҳнат ҳақиға ҳар хил устамалар, тунги сменада ва дам олиш кунлари ортиқча ишлагани учун кўшимчалар, натурада тўланган маҳсулотлар қиймати ва бошқаларни ҳам кўшиб); -амалдаги қонунчилик бўйича навбатдаги ёки кўшимча (олдин фойдаланилмаган) меҳнат таътили учун ҳақ тўлаш; -мажбурий таътилда бўлган ходимларга ишланмаган вақт учун иш қақини қисман сақлаган ҳолда ҳақ тўлаш; -давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) ҳақ тўлаш.
	Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар:
1.3	-меҳнат ҳақидан ижтимоий суғурта, нафақа ва бандлик фондиға мажбурий ажратмалар; -ихтиёрий асосда нодавлат нафақа фонди, тиббий суғурта ва бошқа кўнгилли суғурта фондларига ажратмалар;
	Асосий воситаларнинг эскириши:
1.4	- асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши ажратмалари (лизингға олинган воситаларнинг лизинг тўловлари ҳам киради).
	Ишлаб чиқариш аҳамиятиға эга бўлган бошқа харажатлар:
1.5	-ташқи субъектлар томонидан ишлаб чиқаришни моддий ресурслар билан таъминлаш харажатлари;
	-ташқи субъектлар томонидан хўжаликнинг асосий воситаларини иш

	ҳолатида сақлаб туриш учун бажарилган таъмирлаш харажатлари; -экинлар, чорва моллари ва ишлаб чиқариш воситаларини мажбурий суғурталаш харажатлари; -ёнғинга қарши, экинзорлар, асосий воситаларни қўриқлаш харажатлари; -ишлаб чиқаришга оид асосий воситаларни жорий ижарага олиш харажатлари; -ишлаб чиқаришда олган жароҳати натижасида меҳнат қобилиятини йўқотганлик учун суд қарори билан тўланадиган нафақалар; - ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бошқа харажатлар
II.	ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ (ДХ):
2.1	Бошқарув харажатлари: -ассоциация, корпоратив ёки бошқа бошқарув органлари учун ажратмалар; -бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва унга нисбатан ижтимоий ажратмалар (ҳар хил устамалар, мукофатлар ва бошқаларни ҳам қўшиб); -бошқарув характердаги асосий воситаларни асраш ва таъмирлаш; -бошқарув ходимларининг хизмат сафари харажатлари; -бошқарув ходимларининг техник таъминоти ва транспорт хизмати харажатлари; -кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш харажатлари; -бошқарувга тегишли мол-мулкни мажбурий суғурталаш харажатлари; Маҳсулотни сотиш харажатлари: -махсулотни ўраш, қадоқлаш, асраш, ортиш ва ташиш харажатлари; -белгиланган меъёردа реклама уюштириш, кўргазма ва ярмаркаларда қатнашиш харажатлари; -бозорни ўрганиш харажатлари (маркетинг харажатлари); сотиш билан боғлиқ бошқа харажатлар. Бошқа операцион харажатлар: -четга хизмат кўрсатиш ва ёрдамчи тармоқларни асраш бўйича харажатлар;
2.2	-маслаҳат, аудиторлик, банк хизмати ва бошқа хизматлар учун тўловлар; -асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни сотиш бўйича зарарлар; -вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлик даврида тўланадиган ҳақ; -болани икки ёшга тўлгунча парваришлашга тўланадиган ойлик нафақа; -ўқув муассасалари ва бошқа жамоат ташкилотлари, жамиятларга бепул хизмат кўрсатиш ва хайрия тadbирлари харажатлари; -ходимларнинг даволаниши, дам олиши ҳамда экскурсияга чиқиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш; -ходимларга кўрсатиладиган компенсация ва моддий ёрдамлар; -ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа нарсаларни бепул бериш; -амалдаги қонунчилик билан амалга ошириладиган бюджетга мажбурий тўловлар ҳамда махсус нобюджет фондларга йиғимлар, ажратмалар; -судлашув чиқимлари, даъво муддати ўтган ҳамда шубҳали дебиторлик қаризларини ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар; -хўжалик шартномаларини бузганлиги учун турли жарималар ҳамда
2.3	

	етказилган зарарларни қоплаш харажатлари; -даромад ёки солиққа тортиш объектларини яширганлигини (камайтириб кўрсатилганлиги) учун жарималар; -ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар операцияларидан кўрилган зарарлар; -айбдорлари аниқланмаган ўғирлик ва суистеъмолликдан кўрилган зарарлар; -бошқа операцион харажатлар.
III.	МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР (МФХ):
	-банк кредитлари ва бошқа қарзларнинг фоизлари учун тўловлар; -мол-мулкни узоқ муддатли ижарага олиш (лизинг) тўловлари; -валюта операциялари ва валюта счётидаги маблағлар курснинг салбий фарқланишидан кўрилган зарарлар; -қимматли қоғозлар чиқариш ҳамда тарқатиш билан боғлиқ харажатлар; -молиявий қуйилмаларнинг қайта баҳоланишидан кўрилган зарарлар; -молиявий фаолиятга оид бошқа харажатлар.
IV.	ФАВҚУЛОДДА ЗАРАЛАР (ФЗ).
	-сув тошқини, ёнғин, жала, дўл каби табиий офатлар ва мамлакат қонунчилиги ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар ва бошқалар.

2. Маҳсулотларнинг таннархи ва калькуляция моддалари

Маҳсулот таннархи ишлаб чиқариш харажатлари тушунчасидан фарқ қилади. Маҳсулотнинг таннархи шу маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган барча моддий ва меҳнат ресурсларининг қиймат кўринишида ифодаланишидир.

Маҳсулотнинг таннархини ҳисоблашдан кўзда тутилган асосий мақсад маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган ҳақиқий харажатларни тегишли ҳужжатларда ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли акс эттириш ҳамда моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан тежамкорлик асосида, оқилона фойдаланиш устидан назорат ўрнатишдир.

Маҳсулот таннархи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи энг муҳим кўрсаткичлардан биридир. У фермер хўжалигига у ёки бу турдаги маҳсулотни етиштириш қиймат кўринишида қанчага тушаётганини кўрсатади. Таннархда ишлаб чиқариш фаолиятининг сифат кўрсаткичлари: ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги, ишлаб чиқариш технологияси ва меҳнатни ташқил этиш даражаси, хўжаликни тежамкорлик билан ва оқилона юритиш омиллари, экинларнинг ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлигини юксалтириш шароитлари ўз аксини топади.

Маҳсулотнинг таннархи бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини шу маҳсулот миқдorigа бўлиш орқали топилади:

$$MT = \frac{ИХ}{ММ}$$

Бу ерда: МТ – маҳсулотнинг таннархи, сўм/центнер, сўм/дона ва ҳ.к.

ИХ – маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари, сўм

ММ – маҳсулотни миқдори, центнер, дона ва ҳ.к.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблаш билан бирга, автотранспорт, тракторлар ва ишчи ҳайвонлар томонидан бажарилган ишларнинг таннархи ҳам ҳисобланади. Бунда автотранспорт бажарган иш тонна-километрда, ҳайдов тракторлари бажарган иш шартли эталон-гектарда, отларники от иш кунда ҳисобга олинади. Шунингдек, бир гектар ердаги бир маҳсулот турини ишлаб чиқариш таннархи, бир бош чорва молини парваришлаш таннархи ҳам ҳисобланиши лозим.

Хўжаликда режадаги (ишлаб чиқариш–бизнес режада белгиланган) ва ҳақиқий (ҳисобот бўйича ҳақиқатда эришилган) таннарх ҳисоблаб борилиши лозим. Бу режалаштирилган ишлаб чиқариш харажатларини ҳақиқатда эришилган даража билан солиштириш, ортиқча моддий ва меҳнат ресурсларининг сарфларига йўл қўйилгани ёки тежамга эришилганини аниқлаш ва келгусида тегишли хулосалар чиқаришга имкон беради.

Маҳсулотнинг таннархини ҳисоблашда фақат шу маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади. Маҳсулотни сотиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш билан боғлиқ умумхўжалик харажатлари маҳсулотнинг таннархига киритилмай давр харажатлари ҳисобига киритилади.

Маҳсулотнинг таннархига киритиладиган ишлаб чиқариш харажатлари харажат элементлари ва моддалари бўйича гуруҳларга ажратилади. Масалан, бухгалтерия ҳисобида маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатларнинг иқтисодий мазмуни ва умумийлик хусусиятларига кўра қуйидаги элементлар бўйича ажратилади:

- ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий фондлар эскириши;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Амалиётда маҳсулотнинг таннархини режалаштириш ва ҳисоблашда харажатларни калькуляция моддалари бўйича гуруҳлаш қабул қилинган. Бу усулда харажатларнинг турлари кўпроқ табақалаштирилган бўлиб, улардан ҳар бирининг таннархни шакллантиришга таъсирини аниқроқ кўриш мумкин.

«Меҳнатга ҳақ тўлаш ва у билан боғлиқ ижтимоий ажратмалар» моддасида:

-ишлаб чиқаришда хўжалик аъзолари ва ёлланма ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва меҳнат ҳақиға нисбатан ижтимоий ажратмалар қилиш харажатлари (меҳнат ҳақиға ҳар хил устамалар, тунги сменада ва дам олиш кунлари ортиқча ишлагани учун қўшимчалар, натурада тўланган маҳсулотлар қиймати ва бошқаларни ҳам қўшиб);

-амалдаги қонунчилик бўйича навбатдаги ёки қўшимча (олдин фойдаланилмаган) меҳнат таътили учун ҳақ тўлаш;

-мажбурий таътилда бўлган ходимларга ишланмаган вақт учун иш ҳақини қисман сақлаган ҳолда ҳақ тўлаш;

-давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, ғавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) ҳақ тўлаш;

-ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, оналарнинг болани овқатлантириш вақтидаги танаффуслари, тиббий кўрикдан ўтиш даври учун ҳақ тўлаш харажатлари киради.

«Уруғлик ва кўчат материаллари» моддасида хўжаликнинг ўзида ишлаб чиқарилган ҳамда сотиб олинган экиш учун мўлжалланган уруғлик ва кўчатлар ҳисобга олинади. Бунда хўжаликнинг ўзида етиштирилган уруғлик ва кўчатлар уларни ишлаб чиқариш таннархида, четдан сотиб олинганлари эса сотиб олиш баҳосида ҳисобга олинади. Ушбу уруғлик ва кўчатларни экишга тайёрлаш (транспортга юклаш, ташиш, тушириш, экиш ва бошқалар) бу моддада акс этмай, тегишли моддалар бўйича (меҳнатга ҳақ тўлаш, асосий воситаларни асраш, иш ва хизматлар ва бошқа) ҳисобга олинади.

«Минерал ва органик ўғитлар» моддасида экинларга солинган минерал ва органик ўғитларнинг қиймати ҳисобга олинади. Бунда хўжаликнинг ўзида мавжуд органик ўғитлар (гўнг ва бошқа) уларни ишлаб чиқариш таннархида, четдан сотиб олинганлари эса сотиб олиш баҳосида ҳисобга олинади. Ушбу ўғитларни экинларга солиш (транспортга юклаш, ташиш, тушириш, сепиш ва бошқалар) бу моддада акс этмай, тегишли моддалар бўйича (меҳнатга ҳақ тўлаш, асосий воситаларни асраш, иш ва хизматлар ва бошқа) ҳисобга олинади.

«Асосий воситаларни асраш» моддасида ишлаб чиқаришда иштирок этадиган асосий воситаларни асраш билан боғлиқ қуйидаги харажатлар акс эттирилади:

-асосий воситаларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат ҳақи;

-меҳнат ҳақидан ижтимоий ажратмалар қилиш;

-ёнилғи-мойлаш материалларига қилинган харажатлар (тракторлар ва бошқа машиналарнинг қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларни бажариш, бир ер майдонидан бошқасига кўчиш билан боғлиқ ишларга сарфланган ёнилғи-мойлаш материаллари қийматини ҳам қўшган ҳолда);

-айнан шу экин ёки чорва молларининг турига тақсимланадиган, асосий воситаларнинг баланс қийматидан келиб чиқиб ўрнатилган меъёрда ҳисобланадиган эскириш суммаси;

-асосий воситаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари.

Асосий воситаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш харажатларига қуйидагилар киради:

таъмирлашда иштирок этган ишчи ва мутахассислар меҳнат ҳақи ва меҳнат ҳақидан ижтимоий ажратмалар;

асосий воситаларни таъмирлашга сарфланган эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари ва бошқа материаллар, таъмирлаш ва ундан сўнг синаб кўриш вақтида сарфланган ёнилғи-мойлаш материалларининг қиймати;

таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш корхоналарининг хизматига ҳақ тўлаш харажатлари.

Ўсимликчилик тармоғида ишлатиладиган асосий воситаларни асраш харажатлари алоҳида экин турлари маҳсулотлари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш турлари таннархига қуйидаги тартибда қўшилади:

-тор ихтисослашувдаги асосий воситаларники (масалан, шоли ўрувчи комбайнлар ва пахта териш машиналари) - бевосита шу экин маҳсулотларининг таннархига;

тракторларники – улар томонидан экин турлари бўйича бажарган иши ҳажмига (шартли эталон гектарда) мутаносиб равишда;

тупрокқа ишлов берувчи машиналарники – экин турлари бўйича ишлов берилган майдон ҳажмига мутаносиб равишда;

экиш агрегатлариники – экин турлари бўйича экилган майдон ҳажмига мутаносиб равишда;

ҳосилни ўриб-йиғувчи комбайнларники – экин турлари бўйича ўрилган майдон ҳажмига мутаносиб равишда;

минерал ўғит солувчи машиналарники – экинларга солинган ўғитларнинг физик ҳажмига мутаносиб равишда;

бир неча турдаги чорва моллари жойлаштирилган биноларники – ҳар бир чорва моли турининг бинода эгаллаган жойи ҳажмига (метр-квадратда) мутаносиб равишда;

бир турдаги чорва моллари жойлаштирилган биноларники – тўғридан-тўғри шу чорва моллари таннархига олиб борилади;

маҳсулотларни асраш омборлариники - ҳар бир маҳсулот турининг омборда эгаллаган майдони ҳажмига мутаносиб равишда.

«Иш ва хизматлар» моддасида хўжаликка бошқа корхона ва ташқилотлар томонидан кўрсатилган ишлаб чиқариш характеридаги иш ва хизматлар учун ҳақ тўлаш харажатлари, шунингдек, хўжаликнинг ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари бажарган иш ва хизматларнинг харажатлари акс эттирилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмаларига от-арава, юк автотранспорти, тракторлар томонидан бажариладиган юк ташиш ишлари, таъмирлаш устахонаси, маҳсулотларни қайта ишлаш бўлинмалари (тегирмон, мойжувоз, сабзавот ва меваларни қайта ишлаш цехлари, озуқа тайёрлаш цехи) ва бошқалар киритилади. Маҳсулотни қайта ишловчи ёрдамчи бўлинмаларнинг технологик жараёнларни (хом-ашёни ювиш, қайнатиш, шарбат ва намақоб тайёрлаш, қовуриш, қиздириш, майдалаш, қуриштириш ва ҳ.к.) таъминлашга сарфлайдиган ёқилғи, электр, газ, сув, шунингдек маҳсулотни музлаткичларда ва бошқа тарзда асраш харажатлари ҳам ушбу моддада акс эттирилади.

Бу моддага ташқи субъектлар томонидан қишлоқ хўжалиги ишларини (ер ҳайдаш, ерни экишга тайёрлаш, экинларни экиш, тупрокқа ишлов бериш, ўғит солиш, кимёвий ҳимоя воситалари билан ишлов бериш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш, омборларга ташиш, ветеринария ва зоотехника хизматларини кўрсатиш ва бошқа) бажариш, турли хизматлар кўрсатиш, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни моддий

ресурслар, сув, газ, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлаш харажатлари ҳам киритилади.

«Чорва молларининг nobуд бўлишидан йўқотишлар» моддасида ўсувдаги ва маҳсулдор чорва моллари, парранда, иш ҳайвонлари, асалариларнинг nobуд бўлишидан кўриладиган йўқотишлар (айбдорлардан ундириладиган ва табиий офатлар натижасида nobуд бўлганлардан ташқари) акс эттирилади.

«Бошқа харажатлар» моддасига юқорида келтирилган моддаларда акс этмаган, аммо ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган қуйидаги бошқа харажатлар киритилади:

- экинлар, чорва моллари ва ишлаб чиқариш воситаларини мажбурий суғурталаш харажатлари;

- ёнғинга қарши, экинзорлар, асосий воситаларни қўриқлаш харажатлари;

- ишлаб чиқаришга оид асосий воситаларни жорий ижарага олиш харажатлари;

- ишчиларга бериладиган махсус кийим-бош (халат, куртка, этик, фартук ва бошқа) харажатлари;

- фермаларнинг атрофини девор билан ўраш, чорва моллари учун ёзги соябон ва отарлар қуриш харажатлари;

- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бошқа харажатлар.

4. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган билвосита эгри харажатлар ва ёрдамчи тармоқлар таннархини режалаштириш

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган билвосита эгри харажатлар, маҳсулот таннархига яъни экинлар, чорва молларининг тури ва гуруҳларига, шу харажатларнинг хусусиятини ифода этадиган бирор кўрсаткичга мутаносиб тақсимланади.

Маҳсулотларни сотиш, субъектни бошқариш ва бошқа операцион харажатларни ўзида мужассамлиштирган давр харажатлари, маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда ҳисобидан қопланади.

Лекин бирор маҳсулот етиштиришни ва уни сотиш билан боғлиқ натижаларни аниқлаш, унга иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш учун шу экин ёки маҳсулотнинг фойдалилигини аниқлаш зарур бўлган тақдирда давр харажатларининг у ёки маҳсулотдаги салмоғини аниқлашга тўғри келганда бу салмоқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатларидаги салмоққа асосан тақсимланади.

Масалан, субъектнинг жами ишлаб чиқариш харажатлари 20 млн сўмни, давр харажатлари 20 млн сўмни ташқил этса, ишлаб чиқариш харажатларининг таркибида давр харажатлари 10 фоизни ташқил этган бўлади. Агарда субъектда пахта хом ашёсини етиштириш билан боғлиқ ишлаб чиқариш харажатлари 100 млн сўмга тенг бўлса, унда давр харажатларининг пахта хом ашёсига тўғри келадиган қисми 10 млн (100х10:100) сўмга тенг бўлади. Унда пахта хом ашёсини етиштириш ва сотиш билан боғлиқ жами харажат 110 млн сўмга тенг.

Субъектда ишлаб чиқаришнинг самарали бўлишига эришиш, бошқаришни соддалаштириш мақсадида хизмат кўрсатиш соҳалари ёки тармоқлари ташкил этилиб улар ишлаб чиқариш бўлинмалари мақомида бўлади ҳамда алоҳида калькуляция объекти ҳисобланади. Улар фаолияти билан боғлиқ умумий харажатлар алоҳида комплекс модда сифатида ҳисоблаб борилади ва йил охирида хизмат кўрсатилган соҳаларда бажарган ишларга мутаносиб ҳолда тақсим қилинади. Қишлоқ хўжалик субъектларида қуйидаги хизмат кўрсатиш бўлинмалари ташкил этилиши мумкин:

1. Машина-трактор парки;
2. Таъмирлаш устахонаси;
3. Жонли тортув кучи;
4. Электр хўжалиги;
5. Машина-мелиоратив отряди ва ҳ.к.

Машина-трактор паркларининг бажарган ишлари асосан эталон гектарларда, автотранспорт ишлари машина соатларда ёки тонна километрда, жонли тортув кучи билан бажарилган ишлар от кунларида, электр хўжалигида эса киловатт- соатларида ўлчанади.

Бу соҳалар ишлари таннархи умумий қоидаларга асосан харажатларни элементлар ва моддалар бўйича ҳисоблаш орқали аниқланади. Хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг харажатлари тўла- тўқис ўзлари хизмат кўрсатган тармоқларда бажарилган ишларга тақсим қилинади ва йил охирида қолдиқ қолмайди.

Масалан, корхонанинг трактор парки ҳамма соҳаларда 100 минг эталон гектар иш бажариб, трактор паркининг бир йиллик жами харажати 4500 минг сўмни ташкил этган бўлса унда 1 эталон гектар бажарилган иш таннархи 45 сўмни ($4500:100$) ташкил этади. Агарда бир йилда 100 минг эталон гектарни бажарилган ишнинг 60 минги пахтачиликда амалга оширилган бўлса, трактор парки харажатларининг 2700 минг (60000×45) сўми пахта таннархига бориб тушади. Худди шу тартибда харажатлар бошқа иш бажарилган соҳаларга бориб тушади.

Шунинг учун хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг ишини тўғри ташкил қилиш, бу соҳадаги харажатларни камайтириш, бажарилган ишларнинг таннархини арзонлаштириш пировард натижада маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш улар самарадорлигини ошириш рақобат бардошлигини таъминлаш йўлларида биридир.

5. Маҳсулотнинг таннархини ҳисоблаш кетма-кетлиги ва таннархни пасайтириш йўллари

Маҳсулот таннархини ҳисоблаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади.

9-чизма

Маҳсулотнинг таннархини ҳисоблаш кетма-кетлиги



Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект учун маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини излаб топиш иқтисодий самарадорлик нуқтаи-назаридан муҳим ҳисобланади. Чунки, маҳсулотнинг таннархи қанчалик арзон бўлса, хўжалик оладиган фойданинг миқдори шунчалик ошиб боради.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида истеъмол қилинадиган саноат субъектларининг маҳсулотлари ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш корхоналарининг иш ва хизматлари нархларининг тез суръатлар билан ошиб борганлиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг ҳам қимматлашиб

кетишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг нисбатан пастлиги натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари билан бу тармок учун зарур бўлган саноат товарлари ёки хизматлар баҳолари ўртасида йирик номутаносиблик (баҳолар паритети) вужудга келади. Бу вазият аксарият ҳолларда фермер хўжаликлари етиштираётган маҳсулотларни зарар билан сотишига сабаб бўлади. Шунинг учун, кучли рақобатга асосланган ҳамда қишлоқ хўжалиги учун қулай бўлмаган бозор муносабатлари шароитида фермерларнинг олдида маҳсулотнинг таннархини ҳар томонлама пасайтириш йўллари излаб топиш вазифаси туради.

Маҳсулотнинг таннархини пасайтириш йўллари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқаришга юқори унумли, ишончли ва арзон ишлаб чиқариш воситаларини жорий этиш;

- ер, асосий ва айланма фондлардан оқилона ва самарали фойдаланиш;

- ишлаб чиқаришнинг материал сиғимини камайтириш ва тежамкорликка эришиш;

- машина ва техникаларнинг кунлик ва йиллик иш унумини ошириш;

- ресурсларни тежовчи ва чиқитсиз технологиялардан кенг фойдаланиш;

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташқил этишнинг илғор шаклларида фойдаланиш;

- меҳнат унумдорлигини ошириш;

- қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш;

- маҳсулотлар сифатини ошириш ва нобудгарчилик ва йўқотишларга йўл қўймаслик;

- энг яхши экин навлари вазотли чорва молларидан фойдаланиш.

Ҳар бир тадбиркорлик фаолияти сарф-харажатлар бўлишини тақозо этади. Тадбиркорлик фаолияти жараёнида сарф этилган барча меҳнат харажатлари ижтимоий харажатларни ташқил этади. ва у товар қийматини ифода қилади.

Товар ишлаб чиқарувчи томонидан товар ишлаб чиқариш учун сарф қилинган харажатлар (C-V) ишлаб чиқариш харажатларини ташқил этади.

Маҳсулотнинг таннархи – бу, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарф қилинган ишлаб чиқариш харажати. Маҳсулотнинг таннархи ўртача умумий харажатдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 54-сонли қарорига асосан «Харажатларнинг таркиби молиявий натижаларни белгилаш ҳақидаги низоми»га кўра, ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва таннархни аниқлаш тартибини белгилаб беради.

Янги низом субъектларнинг молиявий ва бошқарув фаолиятини тартибга солиш имконини беради.

Таянч иборалари. ишлаб чиқариш харажати, маҳсулот таннархи, баҳолаш мезони, харажатларнинг гуруҳланиши, ўзгарувчан, доимий, операцион харажат, маржинал таҳлил.

Назорат учун саволлар.

1. Ижтимоий харажатлар ва таннархнинг моҳияти нималардан иборат?
2. Амалдаги низомга кўра тадбиркорлик харажатлари таркиби қандай?
3. Ишлаб чиқариш ва давр харажатлари таркиби ва уларни таркиби нималардан ташкил топган?
4. Харажатларнинг турланиши?
5. Маҳсулот таннархи тушунчаси ва турлари?
6. Маҳсулотлар таннархини калкуляция қилиш.
7. Хизмат соҳалари иши маҳсулотлари таннархини калкуляция қилиш?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Актуальные вопросы административного и финансового права. СБ. науч. тр. Вып. 2. - М.: МГИМО, 2004. – 209 с.
2. Астахов В. П. Финансовый учет. Тесты: Учебное пособие. - М.: ИДФБК-Пресс, 2004. – 200 с.
3. Астахов В.П. Финансовый учет. Тесты: Учеб. пособие. - М.: Ид. ФБК-Пресс, 2004. – 488 с.
4. Дон Патинкин. Деньги, процент и цены.-М.: Экономика, 2004.-375 с.
5. Донцова А.В., Никифорова Н.А. Анализ финансовой отчетности. Практикум. - М.: Дело и Сервис, 2004. – 144 с.
6. Ефимова М.Р. Финансово-экономические расчеты. Пособие для менеджеров: Учеб. пос. - М.: ИНФРА-М, 2004. – 185 с.
7. Ковалев В. В. Учет, анализ и бюджетирование лизинговых операций. Теория и практика. - М.: ФиС, 2004. - 150 с.
8. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.

Интернет веб- сайтлари:

www.uz

www.gov.uz

www.stat.uz

www.tsue.fan.uz

III-БЎЛИМ: МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ ТИЗИМИ ВА УСУЛЛАРИ.

9-МАВЗУ: БЕЗНЕС-РЕЖАНИНГ МОЛИЯВИЙ ЖИХАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА РЕАЛ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ БОШҚАРИШ.

Режа:

1. Тадбиркорликда молиявий режалаштиришнинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва тамойиллари
2. Тадбиркорликда молиявий режалаштириш тизими ва ундан фойдаланиш¹
3. Тадбиркорликда молиявий режалаштиришнинг асосий кўрсаткичлари ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш усуллари

1. Тадбиркорликда молиявий режалаштиришнинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва тамойиллари

Бозор муносабатлари ривожланаётган бир шароитда, кўплаб тадбиркорлик субъектлари ташкил этилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бундай тадбиркорлик субъектларининг молиявий бошқарувида режалаштириш асосий рол ўйнайди. Иқтисодиётнинг барча шаклларида ишлаб чиқариш ва истеъмол бўғинларининг изчил ва бир маромда ишлаши, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради.

«Режалаштириш – бошқаришнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у иқтисодий тизимнинг келгуси ҳолатини, унга эришиш йўллари, усуллари ва воситаларини белгилаб берувчи режаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашдан иборатдир»².

«Молиявий режалаштириш - муайян муддат учун молиявий ресурсларнинг ҳаракати ва тегишли молиявий муносабатларнинг ҳаракатини асослашдан иборат жараён»³. Кичик тадбиркорлик субъектининг молиявий фаолияти айрим ҳолларда алоҳида олинган ёки бир туркум операциялар унинг объекти бўлади. Бунда турли пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш учун ресурсларнинг ҳаракатигина эмас, балки уларга воситачилик қилувчи молиявий муносабатлар ҳамда юзага келадиган нарх наво нисбатлари ҳам ҳисобга олинади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий режалаштиришнинг асосий вазифаси ҳар бир хўжалик ва молиявий операциясининг пул маблағлари эҳтиёжини, харажатлар ҳажми ва таркибини, субъектни бутун иши якунларини ҳисоб-китоб қилишдан иборат. Молиявий режалаштириш ёрдамида даромадлар, уларнинг

¹ ТДИУ ва МДШ мамлакатлари иқтисодиёт мутахассисликлари бййича бакалавриат битирув малакавий ишлари, магистирлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари таркибидан олинди (2002-2005 йиллар).

² Б.А. Райзберг, Л.Ш. Лозовский., Е.Б.Стародубцева. «Современный экономический словарь», - М.: ИНФОРМ, 1997. С. 243.

³ И.Т. Балабанов. «Основы финансового менеджмента. Как управлять капиталом» - М.: Финансы и статистика. 2003. С. 38.

провард натижаларини ҳисобга олган ҳолда оқилона тақсимлаш кабилар прогноз қилинади.

Молиявий режалаштириш иқтисодиёт соҳаларида хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини режалаштиришнинг ассосий ва узвий қисми ҳисобланади.

Молиявий режалаштириш қуйидаги тарзда амалга оширилади. Аввал хўжалик субъектининг ривожланиш истикболлари таҳлил этилиб, мавжуд ривожланиш йўналишини ўзгартиришга қодир таъмойиллар белгиланади. Сўнгра хўжалик субъектининг рақобатбардошлиги таҳлил этилади, турли фаолият соҳаларидаги тараққиёт истикболлари таққослаб чиқилиб, молиявий ресурсларни тақсимлашнинг устувор йўналишлари белгиланади.

Ҳозирги шароитда долзарб бўлган молиявий режалаштириш методологиясини акс эттирувчи тамойиллар қуйидагиларда баён этилади:

- объектив зарурийлик тамойили молиявий режалаштиришдан хўжалик юритишнинг барча даражаларида молияларини бошқаришнинг бирламчи босқичи сифатида фойдаланиш. Бу шунинг асосида, мазкур жараён молиявий имкониятларини аниқлаш, оқилона қиймат нисбатлари, ва топшириқларни бажариш учун пул ресурсларининг ҳаракатини прогноз қилиш воситаси ва усуллари сифатида зарурдир;

- самарадорлик тамойили мазкур жараённинг сифат жиҳатини акс эттириб, уни ҳар бир субъект фаолиятидаги алоҳида операциялар бўйича ижобий натижаларга эришишга, тегишли иқтисодий ёки ижтимоий самарани қўлга киритишга йўналтиради;

- уйғунлик ва мақсадлар бирлиги тамойили, ишлаб чиқариш ва молиявий топшириқларни, моддий ва молиявий ресурслар ҳаракатини турли бошқарув даражаларидаги режаларини мувофиқлаштириб олиб боришни тақозо этади;

- илмийлик тамойили, у режалаштиришнинг асосий жиҳатларига алоҳида эътибор бериб, белгиланаётган топшириқлар реаллиги ва самарадорлигини, режадаги топшириқларнинг ижтимоий эҳтиёжлари учун ресурсларнинг мавжудлигини, молиявий топшириқларнинг вақти ва бажарилишини мувофиқлаштирилишни таъминлайди.

Режалаштиришнинг вазифаларига хўжалик субъектининг тури ва катта-кичиклигига қараб баҳо бериш мумкин.

Ҳар қандай хўжалик субъектининг бошқаруви унинг тури ва катта-кичиклигидан қатъи назар келгуси давр учун иқтисодий фаолият соҳасида қандай вазифаларни режалаштириши мумкинлигини билиши шарт. Шу билан бирга, айрим фаолият турларини режалаштиришда олдида қўйилган вазифаларни бажариш учун қандай иқтисодий ресурслар талаб қилинишини билиши керак. Масалан, бу сармояни жалб этишга ва сармояларнинг ҳажмини белгилашга тааллуқлидир.

Тадбиркорлик субъектларини режалаштириш таркибида молиявий режалаштиришнинг қуйидаги асосий вазифаларига эътибор берилиши зарур:

-такрор ишлаб чиқариш жараёнини зарурий молиявий мабалағлар билан таъминлаш. Бунда молиялаштиришнинг мақсадлари, манбалари, уларнинг шакллантирилиши ва фойдаланилишига;

- хўжалик субъектининг бюджет ва нобюджет фондлари, банклар ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажаришига кафолатлар ҳисобланади. Муайян субъект учун сармоя тизими максимал фойда келтиради ва бюджет тўловларининг белгиланган ҳажмларда бўлишини таъминлайди;

-фойда ва бошқа даромадлардан самарали фойдаланиш мақсадида заҳираларни аниқлаш ва ресурсларни сафарбар этиш;

-субъектнинг молиявий аҳволи тўлов қобилияти ва кредитни тўлашга қодирлиги устидан назорат қилиш. Бундай фаолиятнинг барча босқичларида ва бошқарув даражаларида молиявий режалаштириш хусусий белгиларига эгаки, бу белгилар уни ягона тизимидан ажратиб олиш имконини беради;

-ҳар қандай бошқарув даражасида субъектнинг молиявий режалаштириш объекти бўлиб, унга хўжалик субъектларининг молиявий муносабатлари ва қиймат нисбатларида ифодаланувчи молиявий ресурсларнинг ҳаракати кучли таъсир кўрсатади;

-унинг таъсир доираси қайта тақсимлаш жараёнларини қамраб оладики, бу жараёнлар пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишда маблағларнинг воситасида амалга оширилади;

-молиявий режалаштириш такрор ишлаб чиқаришнинг қиймат жиҳатига қаратилган бўлиб, унинг асосий мақсади белгиланаётган лойиҳалар ва уларнинг самарадорлигини таъминлашнинг молиявий имкониятларини асослаб беришдан иборат;

Молиявий режалаштириш бўлажак харажат ва даромадларни янада аниқ белгилашдан, зарур маблағларнинг ҳажмини ва бўлажак молиявий натижаларни тўғри ҳисоб-китоб қилишдан иборат бўлади.

Молиявий прогнозлаш режалаштиришнинг муҳим элементлари сифатида бюджетни тузиш ва келгусидаги молиявий эҳтиёжларни баҳолашнинг асоси ҳисобланади. Молиялаштириш ички ва ташқи манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Ички молиялаштириш пул маблағларининг ҳаракати натижасида кичик тадбиркорлик субъектларининг меъёрдаги ишлаб чиқариш фаолиятига монанд равишда амалга оширилади, ташқи молиялаштириш кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳамкорлари томонидан келиб тушган капитал билан шунингдек, инвесторлар ва банкнинг кредит маблағлари асосида амалга оширилади.

Тадбиркор субъектлари келгусидаги тижорат операциялари ва улар билан боғлиқ бўлган харажатларни чамалаб ички молиялашдаги эҳтиёжларини олдиндан баҳолашлари мумкин.

2. Тадбиркорликда молиявий режалаштириш тизими ва ундан фойдаланиш

Субъектларнинг молиявий фаолиятини бошқариш механизмнинг асосини молиявий режалаштириш ташкил этади. Молиявий режалаштириш ўзида молиявий режа тизимини ишлаб чиқиш жараёнини ва корхоналарнинг ривожланишида зарурий молиявий ресурслар билан таъминлаш бўйича меъёрий режа кўрсаткичларини ва жорий молия йили ҳамда истикболдаги молиявий фаолиятининг самарали ривожланишини акс эттиради.

Молиявий режалаштириш субъектда (ёки ички фирма молиявий режалаштириш) унинг учта асосий тизимидан фойдаланиш асосида ташил килинади:

- молиявий фаолиятни прогнозлаштириш;
- молиявий фаолиятни жорий режалаштириш;
- молиявий фаолиятни тезкор режалаштириш.

Ҳар бир молиявий режалаштириш тизимининг алоҳида даври ва алоҳида натижаларини амалиётга жорий қилиш шакллари мавжуд.

10- Жадвал

Молиявий режалаштириш тизими ва унинг натижаларидан корхонада фойдаланиш шакллари

Фойдани ривожлантириш тизими	Молиявий режалаштириш натижаларини амалиётга жорий қилиш шакллари	Режалаштириш даври
1. Молиявий фаолиятни прогнозлаштириш	Молиявий фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича умумий молиявий стратегия ва молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш	3 йилгача
2. Молиявий фаолиятни жорий режалаштириш	Молиявий фаолиятнинг алоҳида жиҳатлари бўйича жорий молиявий режалаштиришни ишлаб чиқиш	1 йил
3. Молиявий фаолиятни тезкор режалаштириш	Молиявий фаолиятнинг барча асосий масалалари бўйича тўлов календари, бюджетларнинг ижроси ва бошқа шаклдаги тезкор режа вазифаларини ишлаб чиқиш	чорак, ойлар

Молиявий режалаштиришнинг барча тизими ўзаро алоқада бўлиб, улардан аниқ кетма кетликда фойдаланилади.

Режалаштиришнинг бошланғич (дастлабки) прогнозлаштиришнинг асосий йўналишларини, молиявий фаолиятнинг мақсадли параметрларини, субъектни умумий молиявий фаолиятининг стратегиясини ишлаб чиқиш, жорий молиявий режалаштириш параметрлари ва белгиланган вазифалари орқали амалга оширишдан

иборат. Ўз навбатида жорий молиявий режалаштиришнинг асосларини субъект молиявий фаолиятининг барча жиҳатлари бўйича тўғридан-тўғри тезкор ижро этувчи бюджетларни ишлаб чиқиш ва уларга етказиш лозим.

1. Молиявий фаолиятнинг прогнозлаштириш тизими молиявий режалаштириш тизимида кўриладиган соҳанинг муҳим ва мураккаб таркиби ҳисобланади ва юқори даражадаги ижрони талаб қилади.

Субъектларда молиявий режалаштириш аниқ молиявий йўналиш (ғоя) асосида шакллантирилади.

Субъектларнинг молиявий йўналиши (ғояси) алоҳида корхонанинг молиявий фаолиятини амалга оширишда ташкил қилувчи тамойиллар тизимини тасвирлайди, улар таъсисчи ва менежерларнинг молиявий минталетети ва «миссиясини» аниқ тавсифлайди.

Субъектларнинг молиявий йўналиши (ғояси) бевосита тадбиркорлик молиявий фаолиятини прогнозлаш ва шу асосида корхона молиявий стратегиясини ишлаб чиқишга йўналтирилади.

Субъектнинг молиявий стратегияси ўзида молиявий фаолиятининг узок муддатли мақсадлари тизимини, унинг молиявий ғоясини аниқлаш ва самарали натижаларга эришиш йўллари акс эттиради(9-чизмага қаранг).

2. Молиявий фаолиятни жорий ривожлантириш тизими ишлаб чиқилган стратегия ва молиявий фаолиятнинг алоҳида жиҳатлари бўйича молиявий сиёсат негизида амалга оширилади. Бу режалаштириш тизимининг вазифаси жорий молиявий режанинг аниқ шакллари ишлаб чиқишдан, корхона ривожланиши олдида турган барча молиялаштириш манбаларини аниқлаш, даромадлар ва харажатлар таркибини шакллантириш, корхонанинг доимий тўловга қобиллигини таъминлаш, режалаштирилган давр якуни, унинг активлари ва капиталлари таркибини олдиндан аниқлашдан иборат.

Молиявий фаолиятнинг жорий режаси жорий молия йили чораклари бўйича ишлаб чиқилади.

Субъектнинг жорий молиявий режасини ишлаб чиқиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- субъект молиявий стратегияси ва молиявий фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича олдида турган даврда мақсадли стратегик меъёрларни ишлаб чиқиш;

- субъект молиявий фаолиятининг алоҳида жиҳатлари бўйича молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш;

- режалаштирилаётган ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш ҳажми ва корхона операцион фаолиятининг бошқа иқтисодий кўрсаткичлари;

- ишлаб чиқилган меъёрлар ва алоҳида ресурсларнинг харажатлари бўйича меъёрлар тизими;

- амалдаги солиқ ставкаси тўловларининг тизими;

- амалдаги эскиришни ҳисоблаш меъёрлари тизими;

- молиявий бозорда кредит ва депозит фоизларининг ўртача ставкалари;

- ўтган даврдаги молиявий таҳлил натижалари.

Субъектда ишлаб чиқиладиган жорий молиявий режанинг асосий шакллари қуйидагилар ҳисобланади.

Операцион фаолият бўйича даромадлар ва харажатларнинг режаси субъект жорий молиявий режасининг асосий турларидан бири бўлиб, жорий режалаштиришнинг дастлабки босқичида унинг молиявий фаолияти тузилади.

Бу режани ишлаб чиқишдан мақсад субъектнинг операцион фаолиятидан олинadиган соф фойда суммасини аниқлаш ҳисобланади.

Бу режани ишлаб чиқиш жараёнида маҳсулот сотишдан олинadиган (ялпи ва соф) даромад, харажат, солиқ тўловлари, субъектнинг соф ва баланс фойдаси бўйича режа кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш талаб этилади.

Инвестиция фаолияти бўйича даромадлар ва харажатларнинг режаси ушбу фаолиятнинг асосий молиявий жиҳатларини таъминлашни акс эттиради.

Бу режани ишлаб чиқишдан мақсад белгиланган инвестиция дастурларини амалга ошириш учун молиявий ресурсларга эҳтиёжларнинг ҳажмини, шунингдек, инвестиция фаолияти давомида бундай ресурслар тушумининг эҳтимолларини аниқлаш ҳисобланади (мулкларни ҳисобдан чиқариш натижасида келадиган даромад, инвестиция фойдаси ва бошқалар).

Бу режа молиявий йилда реал инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатлар, шунингдек, узоқ муддатли молиявий қўйилмалар ҳажмининг ўсишини акс эттиради.

Пул маблағларининг тушуми ва чиқими режаси пул оқимларини прогнозлаштириш натижаларини акс эттиришга қаратилган.


Бундай режани ишлаб чиқишдан мақсад режалаштириладиган даврнинг барча босқичларида тўлов қобилиятининг доимий таъминланишини билдиради.

Ушбу режада пул маблағларининг йил бошидаги қолдиқ кўрсаткичи режа давридаги тушум ва чиқими ҳамда пул маблағларининг йил охиридаги қолдиқ кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди.

Баланс режа ўзида субъектдаги молиявий маблағлардан фойдаланишнинг тузилиши ва активлари таркибининг режа даври охиридаги натижаларини прогнозлаштиришни акс эттиради.

Баланс режани ишлаб чиқишнинг мақсади айрим активлар турларининг ўсиши, ички баланслаштиришни таъминлаш зарурияти, шунингдек, субъектнинг етарли молиявий барқарорлигини таъминлашда капиталнинг оптимал таркибини шакллантириш ҳисобланади.

Субъектда жорий молиявий режалаштириш жараёнлари операцион фаолиятни режалаштириш билан ўзвий боғлиқ. Бундай боғлиқликнинг технологик жараёни 7-чизмада келтирилган.



Субъектнинг операцион фаолияти бййича режалаштиришнинг асосий кыринишлари

Субъектнинг молиявий фаолияти бййича жорий режалаштиришнинг шакллари

асосий

10-чизма. Субъектнинг молиявий ва операцион фаолияти бййича жорий режалаштириш жараёнининг технологик алоқаси.

3. Молиявий фаолиятни тезкор режалаштириш тизими хўжалик фаолиятини молиявий таъминлашнинг асосий йўналишлари бййича қисқа муддатли режа вазифаларини комплекс ишлаб чиқишдан иборат. Бундай молия-режа вазифаларининг асосий шакли бюджет ҳисобланади.

Бюджет ўз-ўзидан қисқа муддатли даврда тезкор молиявий режани, бир йилгача бўлган даврда (қоида бййича, чорак ёки ойлик давр доирасида), хўжалик фаолиятининг аниқ шакллариининг ҳаракати жараёнида молиявий маблағларнинг тушумини ва харажатларини акс эттиради.



9- чизма. Субъектнинг молиявий стратегияси доирасида молиявий фаолиятини алоҳида жихатлари бўйича молиявий сиёсатни шакллантириш тизими

У жорий молиявий режа кўрсаткичларининг ҳар бир бўлими бўйича ва жавобгарлик марказларининг барча шаклларида етказиб берувчи бош режа ҳужжати ҳисобланади.

Режали бюджетни ишлаб чиқиш субъектнинг «Бюджетлаштириш» атамасини таснифлайди ва икки асосий вазифани ечишга қаратилган:

а) субъектнинг бўлимлари ва алоҳида таркибий бирликдаги фаолияти билан боғлиқ харажатларнинг таркиби ва ҳажмини аниқлаш;

б) бу харажатларни молиявий ресурслар билан қоплашни турли манбалардан таъминлаш.

Тезкор молиявий режалаштириш жараёнида бюджетларни гуруҳлаштириш қатор хусусиятли белгиларга кўра қўлланилади(11-чизма).



11-чизма. Тезкор молиявий режалаштириш жараёнида бюджетларнинг турларини гуруҳлаштириш

Субъект фаолиятининг соҳаларига кўра, бюджетлар операцион, инвестицион ва молиявий фаолият бўйича ажратилади. Бу бюджетлар жорий молиявий режанинг таркибини ишлаб чиқиш тартибларини чораклар ёки ойлар бўйича деталлаштириб акс эттиради.

Жорий бюджет субъектнинг даромад ва харажатларининг режасини аниқлаштиради. У икки бўлимдан иборат: 1) жорий харажатлар; 2) операцион фаолиятдан олинган жорий даромадлар. Жорий бюджетнинг тахминий шакли 11-жадвалда келтирилган.

Жорий бюджетнинг тахминий шакли

Кўрсаткичлар	Чор ак бўйича жами	Шу жумладан, ойлар бўйича		
		я нвар	фе врал	ма рт
1	2	3	4	5
I. Жорий харажатлар 1. Материал харажатлар (харажатларнинг алоҳида моддалари бўйича) 2. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши 3. Меҳнат ҳақи бўйича харажатлар 4. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар 5. Солиқ тўловлари 6. Бошқа бевосита харажатлар 7. Жорий устама харажатлар				
Жами жорий харажатлар				
II. Операцион фаолиятдан даромадлар 1. Маҳсулотларни сотишдан тушган даромадлар 2. Бошқа операцион фаолиятдан тушган даромадлар				
Жами операцион даромадлар				
III. Маҳсулот баҳосига кирувчи солиқлар (ҚҚС, акциз ва бошқалар)				
IV. Соф даромад (II-III)				
V. Ялпи операцион фойда (IV – I)				
VI. Фойдадан тўланадиган солиқ тўлови ва йиғимлари				
VII. Соф операцион фойда (V- VI)				

Капитал бюджет— аниқ ижрочиларга капитал қўйилмаларнинг жорий режасини етказиб бериш шаклидир. У икки бўлимдан иборат. Капитал бюджетнинг тахминий шакли 12-жадвалда келтирилган.

Капитал бюджетнинг тахминий шакли

Кўрсаткичлар	Чор ак бўйича жами	Шу жумладан, ойлар бўйича		
		я нвар	фе врал	ма рт
1	2	3	4	5
Капитал харажатлар 1. Бино ва иншоотлар сотиб олиш ёки қуриш 2. Машина ва механизм сотиб олиш 3. Асбоб – ускуналар сотиб олиш (инвентар ва хўжалик жиҳозларидан ташқари) 4. Номоддий активларни сотиб олиш 5. Бошқа турдаги капитал харажатлар 6. Инвестицион фаолият бўйича солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар 7. Капитал харажатларнинг захираси				
Жами харажатлар				

Маблағлар тушумининг манбалари 1. Инвесторнинг капитал харажатларни молиялашга йўналтирилган ўз маблағлари 2. Акцидорлар(пайчилар)нинг пай бадаллари 3. Молиявий лизинг 4. Облигация эмиссияси 5. Банк кредитлари 6. Молиявий ресурсларни жалб этишнинг бошқа манбалари				
Жами маблағларнинг тушуми				
Маблағларнинг тушуми ва харажатларнинг қолдиғи				

3. Тадбиркорликда молиявий режалаштиришнинг асосий кўрсаткичлари ва усуллари

Молиявий режалаштириш муддатлари ва кўрсаткичларига кўра одатда, уч турга—узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли режалаштиришга бўлинади.

Узоқ муддатли режалаштириш. Узоқ муддатли режалаштириш ўрта ва қисқа муддатли режалаштиришни ўз ичига олиб, жаҳон амалиётида кенг қўлланилади. Узоқ муддатли режа, одатда, уч ва беш йиллик даврларни ўз ичига олади. У кўпроқ баён кўринишида бўлиб, субъектнинг умумий стратегиясини белгилаб беради, чунки бундай узоқ муддат учун барча ҳисоб-китобларни аниқ башорат қилиш анча қийин. Узоқ муддатли режа субъектнинг раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилиб, унда субъектнинг истиқболдаги асосий стратегик мақсадлари белгиланади.

Узоқ муддатли режалаштиришда белгиланадиган асосий соҳалар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ташкилий таркиби;
- ишлаб чиқариш қувватлари;
- капитал қуйилмалар;
- молиявий маблағларга талаблар;
- тадқиқот ва ишланмалар;
- бозор улуши ва ҳоказолар.

Субъектнинг ташкилий таркиби қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- оптимал рентабелликни, яъни унинг имкон қадар оддий, аниқ ва тушунарли бўлишини;

- оралиқ бўғинларни мумкин қадар камроқ ўз ичига олишни, кўрсатма берувчи ва ахборот тизимининг жуда катта бўлмаслиги;

- келажак учун менежерлар тайёрлаш шарт-шароитини яратиши керак.

Пул маблағларининг сарфи, хусусан, сармояни такрор ишлаб чиқаришга йўналтириш, инвестициялар пул маблағларининг бевосита сарфини кредитлаш ҳамда қимматли қоғозларни сотиб олиш орқали амалга оширилади.

Молиявий ресурслар муайян вақт мобайнида нақд пул тушуми ва харажатнинг барча манбаларини эгаллаб олади. Айнан нақд пулнинг самарасиз бошқарилиши молиявий иқтисодий қийинчиликларга сабаб бўлади, нақд

маблағларнинг йўқлиги фойданинг йўқлигига қараганда тезроқ синишига олиб келади. Бунда асосий сабаб – муомаладаги сармоянинг нақд пулни товар захирасига, сўнгра дебиторлик қарзига ва ниҳоят, яна нақд пулга алмаштириш учун зарур бўлган энг кам миқдорини белгилаб олишдан иборат.

Фойдадан ҳам, харажатлардан ҳам молиялаштириладиган махсус захира ва жамғармалар барқарорлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилмоғи лозим. Амалиёт хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулни жамғаришлари шарт эканлигини кўрсатмоқда. Бу келгуси эҳтиёжлар учун чунончи, солиқларни тўлаш, қарздан узилиш, асбоб–ускуналарни алмаштириш, пул тўловларини амалга ошириш учун керак.

қисқа муддатли молиявий режа хўжалик юритувчи субъект учун алоҳида аҳамиятга эга. Бундай режа барча қолган режаларни ҳисобга олган ҳолда активни таҳлил этиш ва назорат қилиш имконини беради, унга киритилган захиралар эса зарур бўлган актив маблағлар ҳақида маълумот беради.

Қисқа муддатли режалаштириш ярим йиллик, ойлик ва ҳоказо бўлиши мумкин. Йиллик қисқа муддатли режа ишлаб чиқариш ҳажмини, фойда ва бошқаларни режалаштиришни ўз ичига олади. Бу режа турли шериклар ва мол етказиб берувчиларни яқиндан боғлайди ва шу сабабли бундай режаларнинг алоҳида жиҳатлари хўжалик юритувчи субъектлар- маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва унинг шериги учун умумий бўлиши мумкин, мазкур режалар улар ўртасидаги келишишларни қандай даражада ташқил этишга ҳам боғлиқ.

Қисқа муддатли молиявий режалаштириш қуйидаги режалардан таркиб топади:

- навбатдаги молиявий режадан, жорий харажатлар (ҳом ашё, меҳнат ҳақи), жорий фаолиятдан кўриладиган фойда ёки зарар;
- субъектнинг фаолияти бўйича бетараф томоннинг молиявий режасидан: даромад (эски асбоб-ускуналарни сотиш), харажат, фаолиятдан кўриладиган фойда ёки зарар;
- кредит режадан;
- активларни таъминлаш режаси, у ўзидан олдинги режаларни фойда ёки зарарларни ўз ичига олади: фойда ва зарарларнинг суммаси, мавжуд актив маблағлар захирасининг таркиби билан ҳам боғлиқ.

Юқорида келтирилган режалаштиришнинг турлари ва кўрсаткичларидан тўғри фойдаланилса, жуда катта самара беради. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ҳам узок муддатли, ҳам қисқа муддатли режалаштиришни қўллаши лозим. Масалан, кўпчилик ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектини оладиган бўлсак, унда режалаштириш бўйича узок муддатли ва қисқа муддатли режалаштиришни биргаликда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, қўйилган мақсад, унга эришиш муддатлари, товарларнинг тури ва ҳоказолар билан белгиланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолияти жараёнида молиявий тушумлар ва улардан фойдаланиш истикболини белгилаш зарурияти

туғилади. Молиявий ресурслар ва энг аввало, фойда молиявий режалаштириш объекти бўлиб хизмат қилади. Фойданинг тақсимланиши молиявий режада ва пул маблағлари фондларини ташкил этиш ҳамда сарфлаш сметаларида акс эттирилади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молияси фойдани тақсимлаш ва ишлатиш жараёнининг динамикасини турли ички ва ташқи омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш ва назорат этишни ўз ичига олади.

Бозор шароитида микро даражада молиявий режалаштиришнинг аҳамияти ортади. Чунки субъектларнинг ҳар бир қадами таваккал билан боғлиқ бўлиб, унинг даромад ёки зарар келтириши турли кўринишларда ҳисоб-китоб қилинган ва асосланган бўлиши лозим.

Режалаштиришдан кўзда тутилган асосий мақсад, субъектлар фаолиятини режалаштиришнинг олдига қўйиладиган асосий талаб ва вазифаларга жавоб бериши лозим:

1. Режаларнинг ички ва ташқи фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши.
2. Режалаштириш тизими, шакллари ва усуллари. Режалаштириш усуллари: баланс усули, ҳисоб-конструктив усули, мақсадли-дастурий усул, иқтисодий-математик усул, меъёрий-ресурс усули ва бошқалар.
3. Қисқа муддатли (жорий, оператив), ўрта муддатли ва узоқ муддатли (истикболи) режалар. Прогнозлаштириш ва уни тузиш усуллари.
4. Ички хўжалик фаолиятини режалаштириш тизими. Иш дастурлари ва оператив режалар таркиби, уларни тузиш тартиби: ишлаб чиқариш бўйича режа топшириқлари, ишлаб чиқариш ресурсларини сарфлаш меъёрлари, ишлаб чиқариш харажатлари лимитлари, маҳсулот ва материаллар (хизматлар) учун ҳисоб баҳолари, иш ва меҳнат ҳақини баҳолашлар ва бошқа топшириқлар.
5. Йиллик режаларни мазмуни ва таркиби.
6. Молиявий режа. Молиявий режалаштириш тамойиллари.
7. Субъектнинг молиявий фаолиятини прогнозлаштириш, молиявий фаолиятни жорий режалаштириш ва оператив режалаштириш.
8. Субъектнинг молиявий стратегиясини шакллантириш босқичлари. Жорий молиявий режалар тизими: операцион фаолият бўйича даромадлар ва харажатларнинг режаси, инвестиция фаолияти бўйича даромадлар ва харажатларнинг режаси, пул маблағларининг кирими ва чиқими режаси, баланс режаси.
9. Бюджет турлари ва уларнинг хусусиятлари. Жорий бюджет ва капитал бюджетни шакллантириш.
10. Инвестициялар ва кредитларни жалб этишга йўналтирилган бизнес режаларнинг мазмуни ва уларга қўйиладиган асосий талаблар.
11. Бизнес-режа устида ишлаш, унинг таркиби ва бўлимларини шакллантириш: титул варағи, бизнес режанинг мундарижаси, амалга оширилиши мўлжалланган бизнеснинг қисқача таснифи, субъект тўғрисида умумий маълумотлар.
12. Бизнес-режанинг молиявий жиҳатларини ишлаб чиқиш ва бошқариш йўллари, усуллари ташкил этишни таъминлаш.

13. Инвестиция лойиҳаларни амалиётга тадбиқ қилишни бошқариш. Объектларни фойдаланишга киритиш ва қурилиш билан боғлиқ инвестиция фаолияти.

Таянч иборалар: режалаштириш, мақсад ва стратегия, иқтисодий усуллар, прогнозлаштириш, дастурлаш, жорий, тезкор, даромад, харажат, кирим, чиқим режаси, бюджет, жорий, капитал, ташқилий режа, ишлаб чиқариш режаси, маркетинг ва сотув режаси.

Назорат учун саволлар.

1. Режалаштиришдан кўзда тутилган асосий мақсад, режалаштиришнинг олдида қўйиладиган асосий талаб ва вазифалар, режаларнинг ички ва ташқи фойдаланувчилари.

2. Режалаштириш тизими, шакллари ва усуллари. Режалаштириш усуллари: баланс усули, ҳисоб-конструктив усули, мақсадли-дастурий усул, иқтисодий-математик усул, меъёрий-ресурс усули ва бошқалар.

3. Қисқа муддатли (жорий, тезкор), ўрта муддатли ва узоқ муддатли (истикболли) режалар. Прогнозлаштириш ва уни тузиш усуллари.

4. Ички хўжалик фаолиятини режалаштириш тизими. Иш дастурлари ва тезкор режаларнинг таркиби, уларни тузиш тартиби: ишлаб чиқариш бўйича режа топшириқлари, ишлаб чиқариш ресурсларини сарфлаш меъёрлари, ишлаб чиқариш харажатлари лимитлари, маҳсулот ва материаллар (хизматлар) учун ҳисоб баҳолари, иш ва меҳнат ҳақини баҳолаш ва бошқа топшириқлар.

5. Йиллик режаларнинг мазмуни ва таркиби.

6. Молиявий режа. Молиявий режалаштиришнинг тамойиллари.

7. Субъектнинг молиявий фаолиятини прогнозлаштириш, молиявий фаолиятни жорий ва тезкор режалаштириш.

8. Корхонанинг молиявий стратегиясини шакллантириш босқичлари. Жорий молиявий режалар тизими: операцион фаолият бўйича даромадлар ва харажатларнинг режаси, инвестицион фаолият бўйича даромадлар ва харажатларнинг режаси, пул маблағларининг кирими ва чиқими режаси, баланс режаси.

9. Бюджетнинг турлари ва уларнинг хусусиятлари. Жорий бюджет ва капитал бюджетни шакллантириш.

10. Инвестициялар ва кредитларни жалб этишга йўналтирилган бизнес режалар мазмуни ва уларга қўйиладиган асосий талаблар.

11. Бизнес-режа устида ишлаш, унинг таркиби ва бўлимларини шакллантириш: титул варағи, бизнес режанинг мундарижаси, амалга оширилиши мўлжалланган бизнеснинг қисқача таснифи, субъект тўғрисида умумий маълумотлар.

12. Инвестиция лойиҳаларни амалиётга жорий қилишни бошқариш. Объектларни фойдаланишга киритиш ва қурилиш билан боғлиқ инвестиция фаолияти.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Актуальные вопросы административного и финансового права. СБ. науч тр. Вып 2. - М.: МГИМО, 2004. – 209 с.
2. Астахов В. П. Финансовый учет. Тесты: Учебное пособие. - М.: ИДФБК-Пресс, 2004. – 200 с.
3. Астахов В.П. Финансовый учет. Тесты: Учеб. пособие. - М.: Ид. ФБК-Пресс, 2004. – 488 с.
4. Дон Патинкин. Деньги, процент и цены.-М.: Экономика, 2004.-375 с.
5. Донцова А.В., Никифорова Н.А. Анализ финансовой отчетности. Практикум. - М.: Дело и Сервис, 2004. – 144 с.
6. Ефимова М.Р. Финансово-экономические расчеты. Пособие для менеджеров: Учеб пос. - М.: ИНФРА-М, 2004. – 185 с.
7. Ковалев В. В. Учет, анализ и бюджетирование лизинговѳх операций. Теория и практика. - М.: ФиС, 2004. - 150 с.
8. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.
9. Собиров М.А., «Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асослари», Тошкент: Консаудитинформ - Нашриѳт, 2003.
10. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорлик фаолияти асослари» (ѳқув амалий кўлланма).- Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет.
11. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорликда молиявий менежмент» (ѳқув амалий кўлланма).- Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет

Интернет веб- сайтлари:

www.uz

www.gov.uz

www.stat.uz

www.tsue.fan.uz

10- МАВЗУ: МОЛИЯВИЙ ТАВАККАЛЧИЛИК (РИСК)НИ БОШҚАРИШ

Режа:

1. Таваккалчилик тушунчаси ва уни бошқариш
2. Таваккалчиликни баҳолаш усуллари
3. Таваккалчиликни камайтириш йўллари

1. Таваккалчилик тушунчаси ва уни бошқариш

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожланиб бориши билан хўжалик юритишнинг асосини ташкил этувчи рақобатнинг аҳамияти ортиб бормоўда. Бундай шароитда муваффақиятли фаолият юритиш учун тадбиркорлар самарали бошқарув услубларини билишлари, таваккалчилик чегараларини аниқлай олишлари, мавжуд вариантлардан энг мақбулини танлай олишлари керак. Бу эса тадбиркорнинг ишбилармонлик ўобиляти билан белгиланади ва ҳар бир тадбиркордан маълум даражада билим ва малака талаб қилади.

Тадбиркорлик – фойда олиш мақсадида ўз мол-мулкни таваккалчилик асосида бизнесга тикиш жараёни эканлиги туфайли, бундай фаолият доимий равишда маълум бир хатарлар билан боғлиқ бўлади. Мамлакатимиз ва хорижда тўпланган тажрибалар тадбиркорлик фаолиятини таваккалчиликсиз амалга ошириб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган инсонларнинг ҳаёти умид ва тушкунлик, тинимсиз меҳнат ва хавотирларга тўла бўлади.

Тадбиркор таваккалчилиги юқори бўлган ишга тайёр бўлган одамлар ўаторига киради. У таваккалчилиги ўта юқори бўлган лойиҳаларни ечиши ва ҳал қилиши мумкин ёки таваккалчиликнинг даражаси унчалик кучли бўлмаган бизнес билан шуғулланиши мумкин.

Таваккалчилик – келгусидаги вазият ноаниқ бўлган шароитда пировард натижа яхши бўлишига умид боғлаб, мол-мулк ёки фойдадан маҳрум бўлиш (тўлиқ ёки қисман) хавфини ўз бўйнига олиб амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик субъектининг фаолияти билан боғлиқ таваккалчилик турларининг моҳияти ва келиб чиқиш хусусиятларига кўра қуйидагича туркумлаш мумкин (13-чизма):

- табиий жараёнлар билан боғлиқ таваккалчилик;
- ишлаб чиқариш фаолиятига оид таваккалчилик;
- маҳсулотларни ташиш ва асраш жараёни билан боғлиқ таваккалчилик;
- тижорат фаолиятига оид таваккалчилик;
- молиявий фаолиятга оид таваккалчилик;
- сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳусусиятдаги таваккалчилик.

Таваккалчиликни туғдирадиган хавфларнинг турлари хилма-хил бўлиб, уларнинг баъзи бирлари субъектнинг ўз фаолиятини натижасида юзага келса,

иккинчи турлари унга боғлиқ бўлмаган ташқи омилларнинг таъсирида юзага келади.

Таваккалчиликнинг турлари	Таркиби
Табиий жараёнлар билан боғлиқ таваккалчилик	- ғавқулодда юз берадиган табиий офатларнинг (ер қимирлаши, ёнғин, сув тошқини, жала, дўл, довул, қурғоқчилик ва бошқа) хавфи; - табиий-иқлимий шароитлар, об-ҳавонинг кескин ўзгариши билан боғлиқ хавф-хатарлар ва бошқалар.
Ишлаб чиқаришга оид таваккалчилик	- ишлаб чиқариш жараёнининг издан чиқиши ёки тўхтаб қолиши хавфи; - моддий ресурслар бўйича таъминотдаги узилишларнинг хавфи; - технологик асбоб-ускуналарнинг жисмоний ва маънавий эскириши, ишдан чиқиши ва бузилиш хавфи; - бино-иншоотларнинг емирилиши, чўкиши ва кулаши билан боғлиқ хавфлар; - сифатсиз хом ашё оқибатида яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш хавфи; - меҳнат хавфсизлигига риоя этмаслик оқибатида ходимларнинг жароҳат олиши хавфи ва бошқалар.
Маҳсулотларни асраш ва ташишга оид таваккалчилик	- транспорт воситаларида юкларни ташиш жараёнида рўй бериши мумкин бўлган йўқотишлар ва нобудгарчиликлар; - маҳсулотларни асраш жараёнида юз бериши мумкин табиий меъёрдаги ва ундан юқори бўлган бузилишлар ва нобудгарчиликлар хавфи; - товар-моддий қийматликларни ўғирлаш ва талон-тарож қилиш оқибатида кўрилиши мумкин бўлган зарарлар.
Тижорат фаолиятига оид таваккалчилик	- бозор конъюктурасидаги ўзгаришлар хавфи; - истеъмолчилар талабининг тушиб кетиши хавфи; - бозорда таклиф ҳажмининг кескин ошиб кетиши хавфи; - маҳсулотнинг сотилмай қолиши хавфи; - рақобат кўрашига бардош беролмаслик хавфи; - маҳсулот баҳосининг кескин пасайиши хавфи ва бошқалар.
Молиявий фаолиятга оид таваккалчилик	- пулнинг қадрсизланиши ва инфляция хавфи; - валюта ҳисоб раўамидаги маблағларнинг салбий

	фарқланиши хавфи; - инвестицион сарфларнинг ўзини ўопламаслиги хавфи; - пул оўимлари ва айланма маблағларнинг етишмаслиги хавфи; - дебитор ва кредитор ўарзларнинг кўпайиб кетиши хавфи; - нотўловлар хавфи; - қимматли қоғозлар қийматининг тушиб кетиши хавфи; - ўарзга олинган маблағларни қайтаролмаслик хавфи ва бошқалар.
Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳарактердаги таваккалчилик	- миллий можаролар, ҳарбий тўқнашувлар, ғалаёнлар, терроризм хавфи; - иш ташлашлар, коррупция ва жиноятчилик хавфи; - кутилмаганда солиў, божхона ва бошқа меъғрий конунчилик ҳужжатларининг ўзгариши; - иқтисодий беқарорлик ва ўсиш суръатларининг пасайиши; - экспорт ва импорт тартибини мураккаблаштириш хавфи.

12-чизма. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликларнинг турлари

Ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган таваккалчилик кўпинча қуйидаги сабабларга кўра вужудга келиши мумкин:

- бошқарув ходимларининг ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва бошқа соҳаларда нотўғри ўарорлар қабул қилиши;
- ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги хатоликлар;
- ходимларнинг ўз хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндошуви;
- субъектни ривожлантириш стратегияси ва бизнес режасини нотўғри шакллантириш;
- ўзини қопламайдиган ва аниқ ҳисоб-китоблар қилинмаган лойиҳаларга қўл уриш;
- даромадлар ва харажатларни доимий назорат остига олмаслик;
- бизнесдаги ташқи шерикларни танлашга масъулиятсизлик билан ёндошув;
- бухгалтерия ҳисобини тўғри ва аниқ юритмаслик;
- ҳисобот шакллари тўғри ва аниқ тўлғасмаслик;
- бозор конъюктурасини, рақобат муҳитини, талаб ва таклиф нисбатини, истеъмолчиларнинг ҳатти-ҳаракатини ва бошқа омилларни доимий кузатиб бормаслик.

Бундай таваккалчиликларнинг турларини субъект бошқарувчилари доимий равишда кузатиб боришлари ва улар натижасида юзага келадиган зарарларни пасайтириш тадбирларини белгилаб боришлари мумкин.

Ташқи омилларнинг таъсири натижасида юзага келадиган таваккалчилик турлари субъект бошқарувчилари ёки ходимларининг хатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлмай, кўпинча фавқулодда шарт-шароитларнинг таъсирида юзага келади.

Ҳар қандай тадбиркорлик фирмаси таваккалчилик билан боғлиқ фаолият олиб борар экан, доимий равишда таваккалчилик турларини аниқлайди, маъқул бўлган чегарасини белгилайди ҳамда унинг кескин оқибатларидан ўзини ҳимоялаш йўллари кидиради.

Таваккалчиликдаги хавф даражасини аниқлаш, унинг олдини олиш йўллари излаб топиш ва оқибатида юз бериши мумкин бўлган зарарларни пасайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга оид фаолиятни **таваккалчиликни бошқариш тизими** деб аталади.


Тадбиркорнинг **таваккалчиликни бошқариш** доирасидаги фаолияти ўз субъектининг даромадлигига таҳдид солувчи таваккалчиликларнинг таъсиридан ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Таваккалчиликни оўйлона бошқариш субъектнинг узоқ муддатли истиёболда муваффақиятга эришиш имкониятини оширади, унинг молиявий ҳолатининг ёмонлашиш хавфини бир мунча бўлсада камайтиради.

Тадбиркор учун пайдо бўладиган таваккалчиликни тахминий билиш зарурдир, лекин бунинг ўзи етарли эмас. Муҳими, таваккалчиликнинг аниқ тури корхона фаолиятига ўандай таъсир кўрсатаётганлиги ва қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини аниқлаб, уни тўғри баҳолай билиш ва шундан сўнг субъектининг иқтисодий самарадорлигига таъсирини ҳисоблаб топишдир. Таваккалчиликни бошқариш бир-бирини тўлдириб боровчи бир нечта босқичлардан иборат бўлади (13-чизмага қаранг).

Таваккалчиликни бошқаришда энг аввало юзага келиши мумкин бўлган унинг турлари аниқланади, улар таҳлил этилади ва зарарнинг кутиладиган даражаси ҳисобланади. Кейинги босқичда унинг олдини олиш, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни пасайтириш ёки суғурталаш тадбирлари ишлаб чиқилади ва уни бошқариш усуллари танланади. Охирги босқичда эса кўрилган зарарларни қоплаш, оқибатларини таҳлил этиш ва бартараф қилиш чоралари кўрилади.

Умуман олганда, таваккалчиликни бошқариш тадбиркорга ресурслардан янада оқилона фойдаланиш, жавобгарликни тақсимлаш, фирма фаолиятининг натижаларини яхшилаш ва таваккалчиликнинг таъсиридан хавфсизлигини таъминлаш имконини яратилади.



13-чизма. Тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш жараёни

2. Таваккалчиликни баҳолаш усуллари

Таваккалчиликларни бошқариш жараёнида асосий эътибор уни баҳолашга қаратилади.

Таваккалчиликни баҳолаш –унинг даражасини миқдорий ёки сифат ўлчамлари билан аниқлашдир.

Таваккалчиликнинг тахминий эҳтимолини аниқлаш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Илмий адабиётларда тадбиркорлик таваккалчиликларини баҳолашнинг 4 усули келтирилади:

- **Статистик усул;**
- **Эксперт усули;**
- **Аналитик усул;**
- **Комбинациялаштирилган усул.**

Статистик усулда субъектнинг ва тармоқдаги бошқа турдош субъектларнинг бир неча йиллик фаолияти давомида юз берган таваккалчилик ҳодисалари ҳамда уларнинг таъсирида қўрилган зарарларнинг даражаси ўрганиб чиқилади.

Эксперт усулида иш тажрибаси юқори ва мазкур соҳада эксперт ҳисобланган юқори малакали мутахассисларнинг фикрлари, аниқ ҳисоб-китоблари ва тавсиялари эътиборга олинади.

Аналитик усулда иқтисодий-математик усуллар, вазиятли иш ўйинлари ва эҳтимоллар назариясидаги моделлар ёрдамида таваккалчиликнинг даражасига баҳо берилади.

Комбинациялаштирилган усул юқорида келтирилган барча усулларни ёки улардан бир нечасини қўллаш орқали амалга оширилади.

Тадбиркорлик таваккалчилигини ҳал қилиш жараёнида тадбиркор олдида мавжуд усуллардан бирини, яъни талабга жавоб берадиганини танлаш масаласи кўндаланг туради. Бунинг учун тадбиркор барча ҳолатларни таҳлил қилиб чиқиши керак. Тадбиркорлик таваккалчилигини баҳолаш ва ҳисобларнинг аниқлиги мутахассисларнинг малакасига ва улар ҳал қилаётган ҳолатга боғлиқ.

Ўз фаолияти учун маъқул бўлган таваккалчилик даражаси, қоида бўйича, активлар ва хусусий капиталнинг қиймати, пул оқимларининг миқдори, тўловга қобиллик даражаси, соф фойда ва рентабеллик каби кўрсаткичлар билан аниқланади.

Таваккалчилиكنинг *йўл қўйилиши мумкин бўлган, жиддий зарар туёдирадиган* ва *ўта хавфли* даражалари мавжуд бўлади.

Йўл қўйилиши мумкин бўлган таваккалчилик даражасида кўрилган зарарларнинг миқдори субъектнинг ҳақиқатда эришган соф фойдаси миқдоридан ошиб кетмагани маъқул.

$$\text{Зарарнинг миқдори} \leq \text{Соф фойда}$$

Жиддий зарар туёдирадиган таваккалчилик даражасида кўрилган зарарларнинг миқдори субъектнинг соф фойдасидан юқори, аммо, жорий ликвидликни таъминлайдиган активларининг қийматидан ошиб кетмаслиги лозим.

$$\text{Соф фойда} < \text{Зарарнинг миқдори} \leq \text{Жорий ликвидли активлар}$$

Ўта хавфли таваккалчилик даражасида кўрилган зарарлар субъектнинг жорий ликвидлигини таъминлайдиган активларининг қийматидан ошиб, хусусий капиталга тенглашиши ҳам мумкин. Ўта хавфли таваккалчилик оқибатида корхонанинг банкротликка учраш эҳтимоли вужудга келади.

$$\text{Жорий ликвидли активлар} < \text{Зарарнинг миқдори} \leq \text{Хусусий капитал}$$

Кўрилган зарарнинг миқдори корхонанинг хусусий капиталидан ортиб кетганда (*Зарарнинг миқдори* > *Хусусий капитал*) корхона тўловга қобиллигини йўқотади ва сўзсиз банкрот деб эълон қилинади.

Таваккалчилиكنи баҳолашда *коэффициентлардан* фойдаланиш мумкин. Соф фойдага, жорий ликвидли маблағларга ва хусусий капиталга нисбатан таваккалчилик коэффициентларини ҳисоблаш мумкин:

$$K_{сф} = \frac{ЗМ}{СФ} , K_{жлм} = \frac{ЗМ}{ЖЛМ} , K_{хк} = \frac{ЗМ}{ХК} .$$

Бу ерда,

$K_{сф}$, $K_{жлм}$, $K_{хк}$ – соф фойдага, жорий ликвидли маблағларга ва хусусий капиталга нисбатан таваккалчилик коэффициентларидир;

$ЗМ$ – кўрилган зарарнинг миқдори, сўм;

$СФ$ – субъектнинг соф фойдаси, сўм;

ЖЛМ – корхонанинг жорий ликвидли маблағлари, сўм;

ХК – корхонанинг хусусий капитали, сўм.

Таваккалчилик коэффицентларини ҳисоблашда қуйидаги ҳолатларга эътиборни қаратиш керак. Агар соф фойдага нисбатан ҳисобланган таваккалчилик коэффиценти бирдан ортиб кетса, кўрилган зарар йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан ортиб, жиддий зарар туғдирадиган таваккалчиликка айланганини билдиради ва зарарни миқдорини корхонанинг жорий ликвидли маблағларига нисбатан солиштириш зарурияти туғилади. Жорий ликвидли маблағларга нисбатан ҳисобланган таваккалчилик коэффиценти бирдан ортиб кетганда эса, таваккалчилик даражаси корхона учун ўта хавфли эканлигидан дарак беради ва зарар миқдорини хусусий капитал билан солиштириш зарурияти туғилади. Ҳар учала формулада ҳам таваккалчилик коэффицентлари бирдан кичик ёки тенг ($Km \leq 1$) бўлсагина ҳисобланаётган таваккалчилик мезонига мос келади.

Корхона қанча катта капиталга эгалик қилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги, рентабеллик даражаси ва жорий активлар ликвидлиги юқори бўлса, унинг таваккалчиликка таъсири шунча кам бўлади ва тадбиркор таваккалчилик вазиятларида кўркмасдан масалаларни ҳал қилиши мумкин.

Таваккалчиликни баҳолаш ҳар бир тадбиркорнинг ақл-идрокига боғлиқ. Консерватив тоифадаги тадбиркорлар, одатда, янгиликларга кўп интилмасдан, мумкин бўлган ҳар қандай таваккалчиликдан ўочишга ҳаракат қиладилар. Бошқа тоифадаги тадбиркорлар эса, агар таваккалчилик меъёр даражасида бўлиб, уни баҳолаш ва олдини олиш ёки оқибатларини пасайтириш мумкин бўлса, таваккал қилиш йўлини танлайдилар. Кўпчилик мутахассислар фикрига кўра, таваккалчиликка бормасдан бизнесда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Таваккалчиликка бўлган муносабат тадбиркор эга бўлган сармоя миқдорига ҳам боғлиқ. Масалан, тадбиркорнинг сармояси 100 минг сўмга тенг бўлса, унинг учун 20000 сўмлик зарар жуда катта йўқотиш бўлади. Агар у 10 млн. сўмлик сармомояга эга бўлсачи? Бу ҳолда 20000 сўмга тенг зарар билан таваккалчилик қилиш унчалик хавф туғдирмайди.

3. Таваккалчиликни камайтириш йўллари

Мавжуд ноаниқликлар ва хатарлар тадбиркорни ўз лойиҳасининг фойдалилигини чуқур таҳлил этишга, ишлаб чиқариш ва бошқа харажатларни тежамкорлик асосида пухта сарфлашга, асосий воситалар ва айланма маблағлардан самарали фойдаланишга, баҳо сиёсатини тўғри белгилашга ундайди. Акс ҳолда корхона фаолияти инўйироз билан яқун топиши мумкин.

Таваккалчиликни камайтиришнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

1. Таваккалчиликнинг пайдо бўлишидан қочиш.

2. Таваккалчиликнинг таъсирини камайтириш.

Биринчи ҳолатда тадбиркор ўз фаолиятига хавф туғдирадиган ҳар ўандай хатарни четлаб ўтишга ҳаракат қилади.

Иккинчи ҳолатда эса тадбиркор таваккалчиликнинг субъект ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятига таъсирини (зарарни) пасайтириш чораларини излайди.

Таваккалчиликни камайтиришнинг йўналишларини белгилашда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш керак:

- агар тадбиркорнинг фаолият тури муқаррар равишда таваккалчилик билан боғланган бўлса, бундай ҳолатда уни четлаб ўтиш имконияти бўлмайди;
- бир турдаги таваккалчиликдан қочиш унинг иккинчи турини туғдириши мумкин;
- таваккалчиликдан қочиш юқори даражада фойда келтирадиган соҳаларда бизнес имкониятларини чеклайди;
- тадбиркорлик фаолиятининг кўлами йирик ва кутилаётган фойданинг миқдори қанча кўп бўлса, таваккалчиликнинг юзага келиши эҳтимоли ҳам шунча юқори бўлади ва ҳоказо.

Таваккалчиликни камайтиришда тадбиркор унинг таъсирини *ўзига олиши, тақсимлаши* ёки *бошқаларга ўтказиши* мумкин.

Таваккалчиликни *ўзига олиш* қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

1. Олдиндан режалаштирилган ҳолда зарарларни ўловчи махсус заҳира жамғармаларини яратиш.

2. Режалаштирилмаган таваккалчиликдан кўрилган зарарларни фойда ёки активлар ҳисобидан қоплаш.

Олдиндан режалаштирилган заҳира жамғармаларини яратиш ўзини-ўзи суғурталаш жараёнини англатади. Субъект фавқулодда юз берадиган таваккалчилик ҳолатлари учун фойдадан ажратма ҳисобига махсус жамғарма (таваккалчилик жамғармаси) яратади. Масалан, йирик тадбиркорлик субъекти унча қиммат бўлмаган ускунани тасодифий хатарлардан суғурталашни махсус суғурта компанияси орқали амалга оширишни маъқул кўрмайди. Ўзини-ўзи суғурталаш зарар эҳтимоли кичик бўлгандагина мақсадга мувофиқ. Бироқ, заҳира жамғармаси фойда келтирмайдиган ўлик капитал эканлиги учун, тадбиркорлар бундай жамғармани қисқартиришга ҳаракат қиладилар.

Иккинчи ҳолатда, яъни режалаштирилмаган таваккалчиликни ўзига олишда тадбиркорлик фирмаси таваккалчилик натижасидаги йўқотишларни фойда ёки активлардан қоплашига тўғри келади. Агар йўқотишлар ҳажми фойдадан катта бўлса, жорий ликвидли активлар ёки хусусий капиталнинг бир қисмидан воз кечишга тўғри келади.

Тадбиркорлик таваккалчилигини пасайтиришнинг яна бир усули бу таваккалчиликни *тақсимлаш* ёки *бирлаштириш* йўли билан йўқотишларни қисқартириш ҳисобланади.

Таваккалчиликни тақсимлаш, одатда, тадбиркорлик фирмасининг активларини тақсимлаш йўли билан амалга оширилади.

Мулк тадбиркор оиласининг турли аъзолари номига ўтказилади ёки шу мақсад учун яратилган корпорация ва траст фирмалари номига ўтказилади. Бунда бир мақсад атрофида бирлашган тадбиркор оиласининг аъзолари ёки яқин алоқада бўлган тадбиркорларнинг гуруҳи (ширкат, корпорация, концерн ва бошқа)

таваккалчилик қилиш оқибатида кўрилиши мумкин бўлган фойда ва зарарларни ўзаро тақсимлайдилар.

Таваккалчиликни тақсимлаш орқали камайтириш усулларида бири – **диверсификациялашдир**. Унинг моҳияти бир-бири билан боғлиқ бўлган турли хилдаги фаолият кўринишлари ўртасида капитал қуйилмаларни ва товар-моддий ресурсларни тақсимлашдан иборат. Агар таваккалчилик оқибатида бир фаолият туридан зарар кўрилса, бошқасидан кўрилган фойда ҳисобидан уни қоплаш мумкин.

Диверсификациялаш ишлаб чиқариш, тижорат ва инвестиция фаолияти соҳаларида таваккалчиликнинг даражасини камайтириш имконини яратади. Уни диверсификациялаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

- капитал сарфларни бир нечта фаолият турларига бўлиб сарфлаш;
- ҳар хил турдаги юқори даромад келтирадиган қимматли қоғозларга инвестиция қилиш;
- моддий-техник таъминоти бўйича ташқи шерикларнинг сонини кўпайтириш;
- турли сигментларни ўамраб олган бозор ва истеъмолчиларнинг талабига мос товарлар ишлаб чиқариш;
- бозор конъюктураси ва истеъмолчилар сигментига мос келувчи турли баҳо сиёсатини юритиш;
- юк ташувчи турли транспорт субъектларининг хизматидан фойдаланиш;
- товар-моддий заҳираларни бир нечта жойда бўлиб асраш ва ҳоказо.

Амалиётда диверсификациялаш таваккалчиликни фақат камайтириши эмас, аксинча ошириши ҳам мумкин. Тадбиркор ўз маблағини самарасиз ишлаб чиқариш фаолиятига сарфлаган таъдирда таваккалчилик эҳтимоли ортади.

Таваккалчиликни бирлаштириш икки ёки ундан ортиқ корхоналарнинг қўшилиши натижасида содир бўлади ва бунинг натижасида янги ташқил топган корхона дастлабкиларига караганда кўп активга эга бўлади. Таваккалчилик хатарларини пасайтириш йўлида тадбиркорларнинг ўз капиталларини бирлаштириши, улар ўртасида олинган фойдани ва зарарларни бўлиш имконини яратади. Ушбу ҳолат корхонани таваккалчиликдан бутунлай холи қилмайди, лекин унинг хатар даражасини бир мунча пасайтиришга ёрдам беради.

Таваккалчиликни бошқаларга ўтказиш ёки таваккалчилик трансферти – тадбиркорлик таваккалчилигини камайтиришнинг яна бир усули ҳисобланади. Бунда таваккалчилик хатарлари шартнома асосида иккинчи бир юридик шахс зиммасига ўтказилади.

Таваккалчиликни бошқаларга ўтказишнинг икки томон учун ҳам фойдали сабаблари мавжуд:

1. Таваккалчиликни ўзига олишда кўрилиши мумкин бўлган зарарларнинг миқдори таваккалчиликни ўтказишдагига нисбатан кўп бўлиши мумкин.
2. Таваккалчилик ўтказиладиган ташқи субъект хатарларни камайтиришнинг самарали усуллари билиши ва кўпроқ имкониятларга эга бўлиши мумкин.

3. Таваккалчиликни ўтказувчи маълум тўлов эвазига эҳтимол тутилган зарарлардан ўзини ҳимоялашга эришса, таваккалчиликни оловчи ўтказувчилар бадали ҳисобидан даромад кўриш имкониятига эга бўлади.

Таваккалчиликни ўтказишнинг қуйидаги шакллари учрайди:

1. **Қурилиш шартномалари** – бундай шартномани тузиш орқали тадбиркор турли объектларни қуриш билан боғлиқ бўлган барча таваккалчиликни қурилиш фирмасининг бўйнига ўтказилади.

2. **Юкларни асраш ва жўнатиш шартномасини** имзолаш орқали тадбиркор маҳсулотларни ташиш ва асраш даврида юз бериши мумкин бўлган йўқотишлар ва бузилишлар бўйича хатарин маълум тўлов эвазига транспорт компаниясининг зиммасига ўтказилади.

3. **Сотиш, хизмат кўрсатиш ва таъминлаш шартномаси** тадбиркорга товар ва хизматларни тарқатиш билан боғлиқ таваккалчилик хатарларини дистрибьюторлар зиммасига ўтказиш орқали, эҳтимол тутилган йўқотишларни камайтиришга имкон яратади. Бу йўл билан субъект истеъмолчи сифатида асосий воситалар ва асбоб-ускуналарнинг бузилиши, ишдан чиқиши хатарларини кафолат муддати давомида уларни ишлаб чиқарган ёки сотган компаниянинг зиммасига ўтказилади.

4. **Ижара** – таваккалчиликни ўтказишнинг кенг қўлланиладиган усулларида бири. Кейинги пайтларда кенг тарқалаётган ижара турларидан бири молиявий ижара ёки лизингдир. Ижарага берувчи ўз мулкани маълум бир давр оралиғига ижарага бериб, унинг сақланиши ва ишлатилиши билан боғлиқ таваккалчиликни ижарага оловчининг зиммасига ўтказилади.

5. **Факторинг** – дебитор қарз мажбуриятини фактор воситачига ўтказётган субъектнинг қарз ундириш таваккалчилигини камайтириш мақсадида тузиладиган шартномадир. Субъектлар ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммоси пайдо бўлганда, яъни товар-моддий қийматликларни жўнатган субъект харидордан маҳсулот ҳақини ўз муддатида ундирилмаса ёки бундай қарзлар шубҳали, уларни ундириш эҳтимоли кам бўлса факторинг воситасида қарзни ундириш амалиёти қўлланилади.

Факторингда воситачи корхона (одатда банк) қарз берган субъектдан маълум бир комисион тўлов эвазига қарздордан маблағни ундириш ҳуқуқини қўлга киритади. Факторинг шартномаси тузилиши билан субъект ундирилмай турган қарзнинг аксарият қисмини факторинг субъектидан (ёки банктан) олади. Сўнгра факторинг корхонаси қарздор корхонага қарзни ундириш бўйича даъво қўзғатади.

Факторингнинг афзаллиги шундаки, у нотўловлар муаммосини қисман бўлсада ечишга имкон беради.

6. Субъектнинг фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликни ўтказиш-нинг энг самарали усулларида бири – **суғуртадир**. Суғурталашда субъектнинг ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий фаолияти ёки табиий омиллар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг таваккалчилиги маълум ҳақ тўлаш эвазига, шартнома асосида суғурта компаниясининг зиммасига ўтказилади.

Таваккалчиликнинг бирор тури натижасида субъект зарар кўрса, зарарнинг катта қисми суғурта шартномасига асосан суғурта компанияси томонидан ўопланади.

Суғурта объекти сифатида қуйидагилар чиқиши мумкин:

- субъект активларини бузилиш, ишдан чиқиш, ёнғин ва бошқа табиий офатлардан суғурталаш, яъни мулк суғуртаси;
- субъект қабул қиладиган ва жўнатиладиган юklar суғуртаси;
- қарзга олинган маблағларнинг қайтарилмаслиги, яъни кредит таваккалчилиги суғуртаси;
- гаровга қўйилган мулкни суғурталаш;
- қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва молларини табиий офатлар, касалликлар ва зараркунандалардан суғурталаш;
- ходимларни ишлаб чиқариш жарағнидаги бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва ҳоказо.

7. Хеджерлаш – молиявий ёки тижорат фаолиятида баҳоларнинг (валюта курсининг) тебраниб туришидан йўқотишларни камайтириш учун таваккалчиликни фьючерс шартномалари ёрдамида суғурталаш шакли ҳисобланади.

Баҳо (курс)нинг ўзгариши таваккалчилигини суғурталашга хизмат қилувчи шартнома «хедж» деб аталади. Хеджерлашни амалга оширувчи субъект «хеджер» деб аталади.

Хеджерлашнинг икки тури мавжуд:

1. **Ошишдан хеджерлаш;**
2. **Пасайишдан хеджерлаш.**

Ошишдан хеджерлаш келгусида субъект истеъмол қиладиган моддий ресурсларнинг нархлари (валюта курслар)ининг ошиши эҳтимолидан суғурталаниши зарур бўлган ҳолатларда қўлланилади. Масалан, ресурснинг баҳоси (ёки валюта курси, қимматли қоғоз нархи) уч ойдан кейин ўсади деб тахмин қилинмоқда ва у субъектга 3 ойдан кейин керак бўлади. Баҳолар (курснинг) ошишидан кўриладиган йўқотишларни қоплаш учун, ресурсларни бугунги кундаги баҳоларда сотиб олиш шартномасини қўлга киритиш лозим бўлади. Агар 3 ойдан кейин ресурснинг баҳоси ошиб кетган таъдирда ҳам, фьючерс шартномасини сотган субъект ресурсни шартнома сотилган санадаги (3 ой олдинги) баҳоларда етказиб бериш мажбуриятини зиммасига олади. Шу йўл билан ошишдан хеджерлашни амалга оширувчи хеджер ўзини келгусида баҳоларни ошишидан кўрилиши мумкин бўлган зарардан суғурталайди.

Пасайишдан хеджерлаш келгусида товарнинг баҳоси пасайиши таваккалчилигидан қочиб, унинг олди-сотди шартномасини фьючерс бозоридаги ҳозирги баҳо даражасида сотиш билан боғлиқ биржа операциясини англатади. Пасайишдан хеджерлашни амалга оширувчи хеджер келажакда сотадиган товар шартномасини биржада шошилишч сотиб, ўзини келажакда кўриши мумкин бўлган зарардан суғурталайди.

Айтайлик, бўрдоқчилик билан шғулланувчи фермер 6 ойдан кейин бозорга ҳар бири 500 килограммдан бўлган 50 та новвосни сотишни режалаштирган. Бозор ҳолатини таҳлил этиш асосида фермер 6 ойдан кейин 1 кг гўштнинг баҳоси 2500

сўмдан 1800 сўмга тушиб кетади деган тахминга келди. Бундай ҳолатда у 6 ойдан кейин 250 центнер гўшт сотиш шартномасини тахмин қилинаётган йўқотишларни қоплаш мақсадида бугунги кундаги баҳоларда (2500 сўмдан) сотади.

Хеджер шошилиш шартномаларни сотиш ёки сотиб олиш ёрдамида бозорлардаги баҳоларнинг ноаниқлигидан келиб чиқадиган таваккалчиликни камайтиришга ҳаракат қилади.

Таянч иборалар: таваккалчилик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, таваккалчиликни баҳолаш, нейтрализация механизми, суғурта, ихтиёрий мажбурий.

Назорат учун саволлар.

1. Субъект молиявий рискининг иқтисоий моҳияти ва унинг таснифи.
2. Субъект молиявий рискларини асосий турларига таъриф.
3. Молиявий рискларни бошқаришнинг тамойиллари.
4. Субъект молиявий рисклари даражасига таъсир этувчи омиллар.
5. Молиявий рискларни нейтрализацияси механизми ва унинг самарадорлиги.
6. Молиявий рискларни суғурта қилишнинг турлари ва шакллари.
7. Молиявий рискларни суғурта қилишнинг асосий шартлари, таркиби ва тузилиши.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Актуальные вопросы административного и финансового права. СБ. науч тр. Вып 2. - М.: МГИМО, 2004. – 209 с.
2. Астахов В. П. Финансовый учет. Тесты: Учебное пособие. - М.: ИДФБК-Пресс, 2004. – 200 с.
3. Астахов В.П. Финансовый учет. Тесты: Учеб. пособие. - М.: Ид. ФБК-Пресс, 2004. – 488 с.
4. Дон Патинкин. Деньги, процент и цены.-М.: Экономика, 2004.-375 с.
5. Донцова А.В., Никифорова Н.А. Анализ финансовой отчетности. Практикум. - М.: Дело и Сервис, 2004. – 144 с.
6. Ефимова М.Р. Финансово-экономические расчеты. Пособие для менеджеров: Учеб пос. - М.: ИНФРА-М, 2004. – 185 с.
7. Ковалев В. В. Учет, анализ и бюджетирование лизинговых операций. Теория и практика. - М.: ФиС, 2004. - 150 с.
8. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.

Интернет веб-сайтлари:

www.uz

www.gov.uz

www.stat.uz

www.tsue.Fan.uz

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси», Т.: «Адолат», 1995
2. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси», Т.: «Адолат», 1996
3. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари», Т.: «Адолат», 1999 й. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, «Халқ сўзи», 1996 йил 26 апрел
4. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августдаги «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», Тошкент, Адолат, 1999 й
5. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августдаги «Давлат Ер Кадастри тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари», Т.: «Адолат», 1999 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», «Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами», Т.: «Шарқ», 2002.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 3-сон, 28-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 28 августдаги Фармони, Халқ сўзи, 2002 йил 30 август
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3226-сонли Фармони. «Халқ сўзи», 2003 йил 25 март.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони, «Халқ сўзи», 2003 йил 28 октябр.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 4 ноябрдаги «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармони, «Халқ сўзи», 2004 йил 5 ноябр.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги ПФ-3406-сонли «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

Фармони, «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асослари», «Консаудитинформ-нашр», 2005

14. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Қарори «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилаётган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ҳаққоний талаб этганлиги учун жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида», «Халқ сўзи», 2005 йил 15 июн.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Халқ сўзи», 2005 йил 16 июн.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Бозор ислохотларидан чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Халқ сўзи» 2005 йил 18 июн №117/360-сонли.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Микро фирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Халқ сўзи», 2005 йил 20 июн.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 4 мартдаги 75-сонли Қарори, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сонли Қарори, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357 - сонли қарори ва шу қарор билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ”.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги «Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 486-сонли Қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 607-сонли Қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 августдаги 387-сонли «Махсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги Қарори

26. И.А.Каримов, «Ўзбекистон–бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.

27. И.А. Каримов.«Қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўқис ҳаёт манбаи - Т.: 1998.

28. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда - Т.: 1999.

29. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш–фаровонлик манбаи, Сайланма асарлар. Т.: - Ўзбекистон, I Том 2001.

30. Каримов И.А. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги тадбирлари. Сайланма асарлар, 9-том. Т.: 2001.

31.Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. Сайланма асарлар. 9-том. Т-2001.

Қўшимча адабиётлар:

1.Актуальные вопросы административного и финансового права. Сб. науч тр. Вып 2. - М.: МГИМО, 2004. – 209 с.

2.Астахов В. П. Финансовый учет. Тесты: Учебное пособие. - М.: ИДФБК-Пресс, 2004. – 200 с.

3.Астахов В.П. Финансовый учет. Тесты: Учеб. пособ. - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2004. – 488 с.

4.Астахов В.П. Финансовый учет. Тесты: Учеб. пособие. - М.: Ид. ФБК-Пресс, 2004. – 488 с.

5.Белолипецкий В.Г. Финансы фирмў. Сб. задач. - М.: Экон. Фак. МГУ, ТЕИС, 1999. – 234с.

6.Бизнес план предприятия: финансовый бюджет.-М.: Приор,2003.96 с.

7.Волков И.М., Гранева М.В. Проектный анализ: финансовый аспект. 2-е изд. перераб. и доп. - М.: Экон фак. ТЕИС,2000. – 103 с.

8.Грюнинг Х., Ван, Брайович Братанович С. Анализ банковских рисков. Система оценки корпоративного управления и управления финансовым риском . Пер. с англ. Вступ. Сл. д.э.н. К. Р. Тагирбекова.- М.: Весь мир,2004.-250с.

9.Дементьева А. Г. Корпоративные Финансы: Учеб. пособ. /Часть 1. В 2 ч. - М.: МГИМО,2002.-250с.

10.Дон Патинкин. Деньги, процент и цены.- М.: Экономика, 2004.375 с.

11.Донцова А.В., Никифорова Н.А. анализ финансовой отчетности. Практикум. - М.: Дело и Сервис, 2004. – 144 с.

12.Ефимова М.Р. Финансово-экономические расчеты. Пособие для менеджеров: Учеб пос. - М.: ИНФРА-М, 2004. – 185 с.

- 13.Катасонов В. Ю., Морозов Д. С., Петров М. В. Проектное финансовый опыт и перспективы для России /Под об. ред. Катасонова В. Ю. - М.: Анкил, 2001. – 130 с.
- 14.Ковалев В. В. Учет, анализ и бюджетирование лизинговых операций. Теория и практика. - М.: ФиС, 2004. - 150 с.
- 15.Ковалев В. В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. - М.: ФиС, 2004.-100с.
- 16.Ковалев В.В. Сборник задач по финансовому анализ: Учеб пособия. - М.: Финансы и статистика, 2003. – 124 с.
- 17.Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.
- 18.Ковалев В.В.Сборник задач по финансовому анализ: Учеб. пособие. - М.: Финансы и статистика, 2001. – 128 с.
- 19.Кожухар В.М. Практикум оценка инвестиций: Учеб. пособие. - М.: Изд. торговая корпорация. Дашка, 2005. – 148 с.
- 20.Костино Н.И., Алексеев А.А. Финансовое прогнозирование в экономических системах: Учебное пособие для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. – 285 с.
- 21.Собиров М.А., «Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асослари», Тошкент: Консаудитинформ - Нашриёт, 2003.
- 22.Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорлик фаолияти асослари» (ўқув амалий қўлланма).- Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет.
23. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорликда молиявий менежмент» (ўқув амалий қўлланма).- Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет

Ахборот-техник воситалар

Интернет веб-сайтлари:

- www.uz – Ўзбекистон биринчи сайти:
- www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг махсус веб-сайти
- www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Статистика Давлат Қўмитаси веб-сайти
- www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги веб-сайти
- www.bankinfo.uz – Ўзбекистон Республикаси Банклари Ассоциацияси ва «Ахборот-рейтинг» веб-сайти
- www.worldbank.org – Дунё банки веб-сайти
- www.ifc.org – Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК) веб-сайти.
- www.wto.org – Халқаро савдо ташкилоти(ХСТ)веб-сайти.
- www.iccwbo.org – Халқаро савдо палатаси веб сайти
- www.oecd.org – Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти веб сайти
- www.ilo.org – Халқаро меҳнат ташкилоти веб сайти
- www.europa.eu.int – Евро итифоқ веб сайти

Атамалар луғати.

Акционер – акционерлик жамиятининг акцияларига эгалик қилувчи жисмоний ва юридик шахс. Акционерлар турли шаклларда бўлиши мумкин.

Акция – акционерлик жамиятининг капиталига ҳисса қўшганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи қимматбаҳо қоз. Акция ўзининг эгасига дивединд шаклида фойдани бир қисмини олиш (ўзлаштириш) ҳуқуқини беради.

Амортизация – келгусида асосий фондларни тўлиқ қайта тиклаш учун пул маблағларини жамғариш ва уларнинг қийматини тиклаш мақсадида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизматга асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматини уларнинг эскиришига қараб узлуксиз ўтказиш жараёни. Ишлаб чиқариш жараёни ва ташқи муҳитнинг таъсири натижасида асосий фондлар аста секинлик билан эскиради, уларнинг моддий ва маънавий эскириши содир бўлади. Бунда меҳнат воситаларининг қиймати узлуксиз қисмларга бўлиниб, амортизация ҳисоблаш йўли билан норматив хизмат қилиш муддати давомида тайёр маҳсулотга ўтказилади.

Аудиторлик фирмаси – юридик шахсларнинг молиявий-хўжалик фаолияти, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш устидан ҳолис назоратни шартномага биноан ҳақ асосида амалга оширувчи ташкилот. Аудиторлик фирмаси корхоналарнинг молиявий фаолиятини таҳлил қилиши, унга баҳо бериши, маслаҳат хизматлари кўрсатиши, текшириш ёки назорат қилиш асосида корхона молиявий ҳисоботининг ҳаққонийлиги ва ундаги ҳисоб ишларининг аҳволи тўғрисида расмий ҳулоса бериши мумкин.

Аудиторлик назорати – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини аниқлаш мақсадида махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлган аудиторлик фирмаси томонидан амалга ошириладиган назорат.

Асосий фондларнинг аванслаштирилган қиймати – доимий оборотда (айланишда) бўлган корхонанинг асосий маблағлари. Пул шаклида аванслаштирилган қиймат ўзининг ҳаракати давомида амортизациялаштирилган (ажратмалари) шаклида (кўринишида) маҳсулот сотилгандан сўнг қисм-қисм бўлиб корхона ихтиёрига қайтади.

Асосий фондларнинг реализация қилишдан олинган фойда – ҳукумат томонидан белгиланган тартибда ҳисобланган, инфляция индексига оширилган (кўпайтирилган) асосий фондларнинг сотиш баҳоси ва уларнинг дастлабки ёки қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ.

Баланс қиймати – бухгалтерия балансида асосий фондлар ва айланма маблағларнинг пулда ифодаланган баҳоси.

Баланс фойда – маҳсулот таннархига киритиладиган барча чиқимлар ҳамда мажбурий тўловлар чегирилгандан сўнгги корхона ялпи даромадининг қисми. Баланс фойда солиққа тортилгунга қадар бўлган ялпи фойдадир.

Бозор - 1) талаб ва таклиф учрашадиган жой, бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг жамоатчилик сезаётган эҳтиёжга мос келиш даражаси аниқланади, мазкур товарнинг бошқа рақобатчи товарлар билан Рақобатбардошлиги таккосланади; 2) товар, хизмат ва бошқа мулк турлари билан алмашиш соҳаси; 3)

истеъмолчилар гуруҳи; 4) мазкур товарнинг барча харидорлари; 5) ташкиллаштирилган савдо жойи; 6) товар ва хизматларни олиш манбаи; 7) қандайдир маҳсулот ёки хизматларнинг виртуал ёки табиий акс эттирилган мавжуд ёки потенциал харидорлари ва сотувчиларининг мажмуи; 8) биржа.

Бозор сегменти - таклиф этилаётган битта маҳсулотнинг тури ва маркетинг комплексига бир хилда муносабатда булувчи истеъмолчилар гуруҳининг мажмуи.

Бозорни сегментлаш - бозорнинг ҳар бири учун алоҳида товарлар ёки маркетинг комплекси талаб қилиниши мумкин бўлган харидорларнинг аниқ гуруҳларига булиш, тақсимлаш.

Бозорни тадқиқ этиш - 1) мунтазам равишда ишлаб чиқариш бозорларини (ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун), уларнинг мавжуд ва потенциал истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш учун товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни таъминлаш қобилиятини тадқиқ этиш. Тадқиқотлар сотув бозори, ишчи кучи бозори, капитал бозори, ҳамда хом-ашё ва материаллар бозорини қамраб олади; 2) бозори сифими, салоҳияти, рақобатчилик муҳити ва нарх тавсифномалари тўғрисидаги маълумотларни олиш учун битта ёки бир нечта бозорларнинг сифат ва миқдорий таҳлили.

Бозорнинг рақобатчилик харитаси - 1) рақобатчиларини бозорда эгаллаб турган ўрнига кўра таснифлаш; 2) бозорда рақобатчининг ўрнини назорат қилиш имконини берувчи рақобатчилар улушини тақсимлаш. Аниқ товар бозорларида рақобатчиларнинг ўрнини таҳлил қилиш натижасида аниқланади.

Брэиндинг - маркетинг коммуникациялари тизимининг фирма стили ва унинг элементларини ишлаб чиқиш, фирмани рақобатчилардан ажратиб турувчи узига хос имиджини яратиш соҳаси

Горизонтал диверсификация - фирма ассортименти айна пайтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан боғлиқ булмаган, бироқ миждозларнинг қизиқишини уйғотиши мумкин бўлган маҳсулотлар билан тулдириш.

Демпинг - товарни ўртача бозор нархидан арзон, баъзида ҳатто ўз таннархидан арзон нархда сотиш. Кўпчилик ғарб мамлакатларида миллий ишлаб чиқарувчилар фойдасини ҳимоя қилувчи ва аксари ҳолларда бошқа мамлакатлардан рақобатнинг кучли эмаслиги сабабли арзон нархда товар олиб киришни таъқиқловчи антидемпинг қонунлар амал қилади.

Диверсификация - 1) товар стратегиясининг тури, унга асосан корхона ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажмини кенгайтиради; 2) янги бозорларни эгаллаб олиш ва қушимча фойда олиш мақсадида ишлаб чиқаришнинг бир-бири билан боғлиқ булмаган икки ёки ундан ортиқ турини бир вақтнинг узида кенгайтириш ва ривожлантириш.

Имидж - товар образи, унинг бирон нарсани эслатиши, ухшаши ва акс эттириши, товар бозори иқтисодиётига чамбарчас боғлиқ бўлган иждимоий-психологик ҳолат. Товарнинг имиджи товарнинг репутацияси, товар маркаси, товар ишлаб чиқарилган корхона ва мамлакат билан ассоциациялашади.

Информация (ахборотлар, маълумотлар) - 1) ишларнинг аҳволи ҳақида хабардор қилиш; 2) тадбиркорлик, маркетинг ва бошқа фаолият турлари олдида

турган вазифаларни бажаришда ёрдам бериши мумкин бўлган турли хил билим ва маълумотлар; 3) маркетинг тизими субъектларнинг ўзаро муносабатлари жараёнидаги бевосита ва тескари алоқалар натижаларининг тавсифномаси; 4) турли хил энергияларнинг ўзаро алоқалари натижаси.

Истеъмолчининг мустақиллиги (суверенитети) - истеъмол ҳуқуқининг мустақиллиги, қарам эмаслиги, ҳуқуқнинг мустақил йуналиши бўлиб, товар ва хизматлар бозорида истеъмолчининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қоид ва йуриқномалар мажмуидан иборат.

Коммуникатив сиёсат - 1) корхонанинг истиқболдаги ҳаракатлар курси ҳамда талабни шакллантириш, истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш ва фойда олиш мақсадида товар ва хизматларни бозорга олиб кириш бўйича самарали ва барқарор фаолиятни таъминловчи маркетинг тизимининг барча субъектлари билан ўзаро ҳаракатларни ташкил этиш ва коммуникатив воситалар (коммуникатив микс) мажмуасидан фойдаланиш стратегиясининг мавжудлиги. 2) рағбатлантириш мажмуасини ишлаб чиқиш, яъни бизнес - ҳамкорликларнинг ўзаро алоқалари самарали бўлишини таъминлаш бўйича, тадбирлар, рекламани ташкил этиш, савдони рағбатлантириш усуллари, жамоатчилик билан алоқа ва шу кабилар.

Конгломерат диверсификация - фирма ассортиментининг фирмада қўлланаётган технологияларга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга, ҳозирги бозорга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган маҳсулотлар билан тулдириш.

Концентрик (марказлаштирилган) диверсификация - фирма ассортиментини мавжуд товарларга техник ва маркетинг нуқтаи назаридан ухшаш бўлмаган маҳсулотлар билан тулдириш.

Корпоратив реклама - аниқ бир товар маркасига эмас, балки тулиик товарлар ассортиментида эҳтиёж яратувчи реклама.

Макромуҳит - фирманинг маркетинг муҳити таркибий қисми, ижтимоий жихатдан микромуҳитга таъсир курсатувчи кучларга қараганда кенг ифодаланувчи омиллар, масалан, демографик, иқтисодий, табиий, техник, сиёсий ва маданий омиллар.

Мақсадли бозор - у ёки бу маҳсулотни сотиш бозорини тадқиқ этиш натижасида танланган, маркетинг харажатларининг минималлиги билан тавсифланувчи ва фирма фаолияти натижаларининг асосий улушини (қисмини) таъминловчи бозор.

Маркетинг ахборот тизими (МАТ) - 1) маркетинг тадбирларини режалаштириш, ҳаётга татбиқ этиш ва назорат мақсадида аниқ, долзарб маълумотларни ўз вақтида тўплаш, таснифлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва ундан маркетинг соҳасида фойдаланиш мақсадида тарқатиш учун мулжалланган методик усуллар, асбоб-ускуналар ва одамларнинг мунтазам фаолият кўрсатувчи ўзаро алоқалар тизими; 2) маркетинг соҳасида қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида фойдаланилувчи маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва етказиш усуллари, асбоб-ускуналар ва ходимлар мажмуи.

Маркетинг жараёни - янги эҳтиёж ва ҳояларни излаб топиш, танлаш ва уларни товар ёки хизматга айлантириш, бу товарларни излаб чиқиш ва бозорларда

ёки савдо таксимот тармоқларига сотиш билан боғлиқ ҳаракатлар ва босқичларнинг тартибга солинган мажмуи.

Маркетинг коммуникациялари тизими - 1) маркетинг тизимининг ташқи муҳит билан ўзаро алоқалари жараёнида субъектлар (жунатувчи ва қабул қилувчи), воситалар, каналлар, тўғри (хабар) ва тескари (қабул қилувчининг таҳрири) алоқалар мажмуи; 2) инсонлар уртасидаги ўзаро алоқа шакл ва воситаларининг мажмуи.

Маркетинг концепцияси - 1) бозор муносабати шароитларида фаолият курсатаётган фирма, ташкилот ёки шахснинг иш юритиш, тадбиркорликни ташкил этиш фалсафаси; 2) корхонанинг якуний мақсади - даромад олиш ва истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш учун фойдаланилувчи маркетинг фаолиятининг асосий воситалари, коида ва гоёлари тизими. Атрофдаги аниқ ҳолатга, бозор муносабатлари ривожланиш даражасига қараб анъанавий, ишлаб чиқариш, савдо. Товар, ижтимоий ва сервис концепцияларини ажратиб курсатиш мумкин.

Маркетинг қарори - 1) истеъмолчиларнинг товар ва хизматларга талабини барқарор шакллантириш, ривожлантириш ва қондириш учун зарур бўлган маркетинг тадбири ёки тадбирлари мажмуи вариантлар ичидаги танлаш, жавоб; 2) фирма, товар ва хизматларнинг рақобатчилик устунлигини сақлаб қолиш ёки яхшилаш учун маркетинг тизими субъект ва объектларига мақсадли йуналтирилган таъсир кўрсатиш.

Маркетинг қарори қабул қилишнинг самарадорлиги - 1) маркетинг вазифасини бажаришнинг кўриб чиқиладиган (кутиладиган) кўплаб вариантлари орасидан танлаб олишда иқтисодий таваккалчилик нархининг натижаси, фойдалилик кўрсаткичи; 2) маркетинг вазифасини бажаришнинг танлаб олинган вариантнинг иқтисодий самара келтириш қобилияти.

Маркетинг мажмуаси (маркетинг - микс) - маркетинг рецепти, ундан фойдаланиш корхонага мақсадли бозорлар эҳтиёжларини қондириш ва атроф-муҳитдаги узгаришларга мослашишда энг яхши кўрсаткичларга эришишга имкон беради. Энг содда маркетинг рецепти товар, нарх, савдо ва коммуникация сиёсати соҳасида (4P:Product, Price, Place, Promotion) мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар утказишни талаб қилади.

Маркетинг ўзаро алоқалари- 1) хизмат кўрсатиш тадбиркорлигининг товар ҳаётийлик даврining ҳар бир босқичида барча бозор субъектлари билан алоқаларни режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш жараёнида барча фаолият турлари ва ресурсларни камраб олишга йуналтирилган истиқболли концепцияси. Мижоз билан узоқ муддатли ўзаро муносабатларга ва битимда иштирок этувчи томолар мақсадларини қондиришга йуналтирилган концепция; 2) бажариш маъсулиятини таксимлаш ва кенгайтириш тамойиллари бўйича маркетингни ташкил этиш усули.

Маркетинг режаси - белгиланган маркетинг мақсадларига эришишда ёрдам бериши кутиладиган чора-тадбирларнинг кетма-кетликда деталли равишда ифодаланиши.

Маркетинг салоҳияти (потенциали) - 1) корхона салоҳиятининг ажралмас қисми; 2) товар, нарх коммуникация ва савдо сиёсати, талабни ўрганиш соҳасида самарали маркетинг тадбирларини режалаштириш ва утказиш ҳисобида маркетинг тизимининг корхоннанинг доимий рақобатбардошлиги, товар ва хизматларнинг бозордаги иқтисодий ва ижтимоий конъюнктурасини таъминлаш қобилиятлари мажмуи.

Маркетинг тадқиқоти дизайни - 1) маркетинг тадқиқоти жараёни ва моделини лойиҳалаштириш ва тузиш; тадқиқотни утказиш, маркетинг ахборотларини излаб топиш учун рационал режаларни ишлаб чиқиш. Кулда ёки ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилиши мумкин; 2) маркетинг тадқиқоти субъектлари хулқ-атворининг узгариш ҳолатларини ўрганиш ва башорат қилиш бўйича ижодий жараён.

Маркетинг тизими - бозор муҳитининг мустақил, фойда олиш мақсадида товар ва хизматларга талабни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ўзаро узлуксиз алоқада булувчи ижтимоий-иқтисодий элементлар мажмуи. Маркетинг тизими уз ичига қуйидагиларни киритади; ишлаб чиқарувчи фирма, таъминотчи фирма, рақобатчи фирма воситачи фирма, истеъмолчи (бозор).

Маркетинг тизимини ахборот билан таъминлаш - 1) маркетинг ҳужжатларини расмийлаштириш усуллари ва воситалари мажмуаси, маркетинг тизимининг ҳолати ва хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотларни излаб топиш, кодлаштириш ва асрашни ташкил этиш; 2) маркетинг тизимининг нормал фаолият курсатишини таъминловчи куйитизимлардан бири (ташқилий, ҳуқуқий, иқтисодий, техник, дастурий, математик таъминот ва бошқалар); 3) маркетинг ахборотлари манбаи, унинг асосида корхона менеджменти турли хил бошқарув қарорларини қабул қилади; 4) маълумотларни олиш, ишлов бериш, системалаштириш ва уларни “истеъмол учун тайёр” ахборотга айлантириш.

Маркетинг фаолияти - 1) тадбиркорлик соҳасида бажариладиган ишлар ва вазифалар тури; 2) талабни шакллантириш ва такрор ишлаб чиқариш, фирманинг фойда олишини таъминлаш мақсадида амалга оширилувчи маркетинг функциялари (маркетинг тадқиқотлари, савдо, нархнинг ҳосил бўлиши, товарни етказиб бериш, маркетинг разведкаси, бенгмаркетинг ва х.к.) билан боғлиқ фаолият; 3) бозор иқтисодиётида такрор ишлаб чиқариш занжирининг барча буғинларида маркетинг воситалари ва фалсафасини қўллаш жараёнини камраб олувчи ҳамда товар ёки хизмат талабни қондириш ва фойда келтириш учун нимани, қаерда, қанча ва қандай қилиб ишлаб чиқариш лозим деган саволларга жавоб беришга имкон берувчи ҳар қандай фаолият.

Маркетинг фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги - 1) маркетинг фаолиятининг оралиқ ва якуний мақсадларини амалга оширишга жавоб берувчи нисбатан кўп турли (маркетинг жараёнининг барча босқичлари бўйича) натижа; 2) маркетинг фаолиятини амалга ошириш самарасининг (натижаси) бу жараёнда сарфланувчи барча харажатларга нисбати; 3) маркетинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар қайтими, натурал ёки қиймат (нарх) шаклида акс эттирилган натижа ва самаранинг маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш учун зарур

бўлган барча (моддий-техник меҳнат ва хоказо) ресурсларга нисбати ёрдамида баҳоланади.

Маркетинг харажатлари - товар ва хизматларни шакллантириш ва такрор ишлаб чиқариш бўйича маркетинг чора-тадбирлари ва маркетинг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган сарф ва чиқимлар йиғиндиси. Маркетинг харажатларининг асосий таркибий қисмлари: бошқарув харажатлари, маркетинг бўлими ходимлари маоши, амортизацион ажратмалар, маркетинг бўлимининг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган материал ва ресурслар, товар сиёсати, нарх сиёсати, коммуникатив сиёсат, савдо ва дистрибутив сиёсат учун сарфланувчи харажатлар.

Маркетингда тармоқ ёндашуви - маркетинг тизими субъектларининг нафакат иккитомонлама (ҳаридор ва сотувчи) эмас, балки кўптомонлама ўзаро алоқалари жараёнини акс эттириш концепцияси. Тармоқ ёндашуви на сотувчилар ва на ҳаридорлар узларига ҳамкорни танлаш ва уларни алмаштиришда эркин эмас, чунки ресурслар узгарганда уларнинг бир-бирига қарамлиги юзага келади, яъни алоқалар алмашуви бузилади деган фикрни олга суради. Маркетинг тармоғи аъзолари уртасида ресурслар айирбошлаш “қарамлик” ва “хоқимлик” манбаи ҳисобланади. Маркетинг тармоғи учта ўзаро боғлиқ таркибий қисмдан иборат: иштирокчилар (фирмалар), ресурслар ва фаолият турлари. Тармоқ ёндашуви ресурсларнинг турли хиллиги ва уларни иерархик назорат қилишни талаб қилади.

Маркетингни режалаштириш - маркетинг режасини тузиш, товарларни сотиш ҳажмининг ўсиши ва фирма фойдасини максималлаштиришга қаратилган маркетинг стратегияси танлаш билан боғлиқ жараён.

Маркетингнинг ташкилий тузилмалари - менежментнинг асосий тамойиллари - марказлаштириш, децентрализация ва мослашувчанликни модификация қилишга асосланган маркетинг хизмати асосий булинмаларининг ўзаро ҳаракатлари схемаси турлари. Функционал, маҳсулот, бозор ва матрица структуралари ва уларнинг модификацияларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Микромуҳит - фирма маркетинг муҳитининг таркибий қисми, бевосита фирманинг узига ва унинг мижозларга хизмат кўрсатиш имкониятларига муносабатларига тааллуқли кучлар, яъни таъминотчилар, маркетинг воситачилари, мижозлар, рақобатчилар билан ифодаланади.

Мотивация - 1) эҳтиёжларни қондириш бўйича қарор қабул қилишда индивидуумлар ҳаракатини фаолаштириш мақсадида уларнинг мотивларини кучайтириш жараёни; 2) ҳаридорнинг ҳарид қилиш қарорини қабул қилиш жараёнида унинг фаоллигига таъсир кўрсатувчи мажбурловчи ҳаракатлар.

Нарх - 1) қийматнинг пул кўринишида акс эттирилиши, истеъмолчилар товарга эга бўлиш учун тўлашлари лозим бўлган пул миқдори. Фирма белгилаган нарх қабул қилинувчи таклифнинг қийматига мос келиши лозим; 2) маркетинг-мажмуаси, маркетинг-миксининг самарали воситаси.

Нархнинг ҳосил бўлиши усуллари - маҳсулот ва хизматлар нархини шакллантиришда қўлланувчи усуллар. Харажатларга асосланган, ҳаридорлар линиясига асосланган ва рақобатчилар нархига асосланган турлари мавжуд.

Нарх сиёсати - нархни ва нарх хосил бўлишини бошқариш тадбир ва стратегиялари, товар ёки хизматларга ишлаб чиқариш харажатлари ва бозор конъюнктурасига мос келувчи, харидорни қондирувчи ва режалаштирилган фойдани келтирувчи нарх белгилаш санъати.

Прогнозлаш (башорат қилиш) усули - урганилаётган объектнинг ўтмишдаги ва ҳозирги маълумотларини таҳлил қилишга асосланган илмий асосланган олдиндан кўра билиш. Турли хил таркибий қисмларни прогнозлашга асосланган қисқа муддатли (1,5) йилгача, ўрта муддатли (5 йил) ва узоқ муддатли (10-15 йил) прогнозлар мавжуд. Тақдим этиш шаклига кўра, миқдорий ва сифат прогнозларига, тадқиқот объектларини қамраб олиш бўйича умумий ва қисман прогнозлашлардан иборат.

Рақобат - 1) алоҳида шахслар ўртасида ҳар бири ўзи учун шахсан эришини мақсад қилган битта йуналишдаги, хусусан тадбиркорлар ўртасида каттароқ фойда олиш, савдо бозори, хомашё манбалари учун кўраш; 2) моддий ва маънавий неъматлар яратиш, сотиш ва истеъмол қилиш жараёнида бозор тизими субъектларининг коммуникацияси, кўраши, ўзаро алоқалари иқтисодий жараёни; 3) бозор муносабатларининг тартибга солувчиси, ФТТ ва жамоатчилик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини кучайтириш стимулятори.

Рақобатчилик муҳити диагностикаси - маркетинг тадқиқотининг рақобатчилар хатти-ҳаракатларининг ички мотивлари ҳақида тўлиқ ва аниқ тасаввурни шакллантириш учун зарур бўлган ўзига хос мустақил босқичи.

Регионал маркетинг - 1) регионда маркетинг фаолиятини ташкил этиш; 2) регионнинг маҳаллий, миллий ва халқаро инвесторларга кўрсатилувчи хизмат ва товарлар маркетинги; 3) регионнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқариш тизимидаги маркетинг.

Реклама - 1) гоа, товар ва хизматларни маълум хомий номидан тақдим этиш ва таклиф қилишнинг шахсий бўлмаган пулли шакли; 2) товар ва хизматлар сифатини харидорларнинг талаб ва эҳтиёжлари тилига ўгиришга интилувчи коммуникация шакли.

Реклама аудиторияси - муайян ахборот манбалари орқали элон қилинган реклама хабарларини эшитиши, кўриши ва ўқиши мумкин бўлган барча шахслар.

Рекламанинг самарадорлиги - реклама воситаларининг ишлаб чиқарувчи ёки воситачилари манфаатлари йулида истеъмолчиларга таъсир курсатиш даражаси. Реклама мурожаатидан олдин ва кейин аниқланади. Рекламанинг савдо натижаларига курсатувчи таъсирини аниқлаш (иқтисодий самарадорлик) реклама харажатларини аввалги фаолият натижалари бўйича товарнинг сотиш ҳажмига нисбати ёрдамида аниқланади. Бу усулнинг аниқлиги юқори эмас, чунки савдо натижаларига рекламадан ташқари бошқа кўплаб омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

Сервис (хизмат курсатиш) - корхона маркетинг фаолиятининг машиналар, асбоб-ускуналар ва транспорт воситаларини сотиш ва эксплуатация қилишни таъминловчи бўлими, куйи тизими.

Сифат - товарнинг муайян истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш қобилиятини белгилаб берувчи, қўйилган талабларга мос келувчи хусусиятлари мажмуи. Олди-

сотди шартномаларида томонлар сифат кўрсаткичлари, уни текшириш тартиби, товар сифатининг белгиланган талабларга мос келишини тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиш тартиби келишиб олинади, зарур ҳолларда товарни сифати бўйича қабул қилиш ва топшириш шартлари, шунингдек товар сифати ёки уни асраш муддати бўйича кафолатлар белгилаб қўйилади.

Стратегик маркетинг - 1) асосий истеъмолчилар гуруҳлари талаб ва эҳтиёжларини мунтазам, системали таҳлил қилиш, шунингдек, компанияга ҳаридорларнинг танлаб олинган гуруҳларига рақобатчиларга караганда яхшироқ хизмат курсатиш ва шу тарика рақобатчилик устунлигига эга бўлиш имконини берувчи товар ва хизматлар концепциясини ишлаб чиқиш; 2) юридик ва жисмоний шахсларнинг эҳтиёжларини таҳлил қилиш; 3) фирманинг мақсадларини белгилаб олиш, ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва мувозанатланган товар портфели тузилмасини таъминлаш; 4) стратегик мажмуа-микс ҳамда мунтазам ўзгариб турувчи маркетинг муҳити омилларини ҳисобга олган ҳолда фирманинг товар, нарх, коммуникация, таксимлаш ва сотиш соҳасидаги стратегик сиёсатининг асосий йуналишларини ишлаб чиқиш жараёни.

Стратегик режалаштириш - фирманинг мақсадлари, унинг маркетинг соҳасидаги потенциал имкониятлари уртасидаги стратегик мувозанатни яратиш ва қўллаб-қувватлашни бошқариш жараёни. У фирманинг аниқ шакллантирилган дастури, кушимча вазифа ва мақсадларни ифодалаш, соғлом ҳўжалик портфели ва усиш стратегиясига асосланади.

Талаб - товар ҳўжалигига хос бўлган ва савдо, айирбошлаш соҳасида кўзга ташланувчи тоифа. Талаб бозорда турли хил товарлар ёрдамида акс эттирилган, истеъмолчиларнинг бир-биридан фарқ қилувчи кўп сонли эҳтиёжларидан таркиб топувчи, доимий равишда ўзгариб турувчи жамоатчилик эҳтиёжлари мажмуасини акс эттиради.

Телемаркетинг - маркетинг тури бўлиб, уни амалга ошириш потенциал истеъмолчиларга товар ва хизматларни реал ва виртуал бозорлардан излаш ва ҳарид қилиш имконини берувчи телекоммуникация воситалари ва Internet тармогидан фойдаланилади.

Тижоратлаштириш (коммерциализация) - янги маҳсулотни ишлаб чиқиш босқичи; бозорга кириб бориш вақтини тўғри танлаш, турли бозорларда фаолият курсатиш ҳажми ва кетма-кетлиги, маҳсулотни оператив ҳаракатлантириш ва таксимлаш бўйича самарали усуллар, шунингдек, маркетинг режасини ишлаб чиқиш жараёни.

Товар - 1) энг умумий курунишда бозорда сотилувчи маҳсулот сифатида ифодаланиши мумкин бўлган иқтисодий тоифа, олди-сотди объекти; 2) маҳсулотнинг маълум бир ҳаридорлар эҳтиёжини кондирувчи асосий истеъмолчилик тавсифномалари мажмуи; 3) истеъмолчига курсатиладиган, маҳсулотни тулдирувчи ва уни сотишни енгиллаштирувчи хизмат ва имтиёзлар; 4) маҳсулотнини ўраб турувчи “муҳит” (маҳсулот дизайни, сифати, маркаси, урови).

Товар вариацияси - ишлаб чиқарилаётган ва бозорда мавжуд бўлган товарни унинг айрим хусусиятлари ёки кўрсаткичларини ўзгартириш йули билан

модификациялаш. Товарнинг табиий (материали, сифати), эстетик (дизайни, ранги, шакли), символик (товар маркасининг номи) хусусиятлари ва фирманинг бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ бўлган хусусиятлари ўзгартирилиши мумкин. Товар сифатини яхшилаш, унинг фойдалилигини ошириш, шакли ва стилини яхшилаш стратегияси товар модификациясининг муҳим стратегияси бўлиши мумкин.

Товар инновацияси - 1) маҳсулотни такомиллаштиришнинг оригинал, сифати яхшиланган ва модификацияланган маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган узлуксиз жараёни. Товарнинг ҳаётийлик даври узунлигини ва корхонанинг рентабеллигини таъминловчи чоора-тадбирлар ичида алоҳида уринга эга. Ўз ичига маҳсулотни дифференциялаш ва диверсификациялашни киритади; 2) бозорга янги маҳсулотни ёки маҳсулотлар гуруҳини олиб кириш.

Товар сиёсати - тадбиркорлик мақсадларини белгилаш ва уларга эришишга йуналтирилган тадбир ва стратегиялар мажмуи, янги товар ёки товарлар гуруҳини бозорга олиб кириш (инновация), бозорда мавжуд бўлган товарларни замонавийлаштириш (вариация) ёки ишлаб чиқариш дастуридан товар ишлаб чиқаришни чиқариб ташлаш (элиминация), шунингдек, ассортимент сиёсатидан иборат.

Товар стратегиялари - 1) товар сиёсатининг корхонага товар ҳаётийлик даврининг исталган босқичида фойда олиш ва савдо ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлаши мумкин бўлган асосий принципиал йуналишлари. Товар стратегиясининг асосий турлари: товар ёки хизматлар инновацияси, вариацияси, элиминацияси; 2) товар номенклатурасини оптималлаштириш йуналишларини ишлаб чиқиш ҳамда фирманинг самарали фаолият курсатиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун шароитлар яратувчи товарлар ассортиментини аниқлаш.

Товарни бозорда жойлаштириш - товарларнинг бозордаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва мос келувчи маркетинг мажмуасини ишлаб чиқиш учун амалга оширилувчи ҳаракатлар.

Товарнинг ҳаётийлик даври - товар ривожланишининг уни ишлаб чиқишдан то бозорга олиб киришгача бўлган асосий босқичларини акс эттирувчи маълум бир вақт даври (цикли); сотувчининг ҳар бир босқичда олувчи фойда миқдори унга боғлиқ бўлади. Товарни сотиш ва фойда олиш жараёнида беш босқич ажратиш курсатилади: товарни ишлаб чиқиш (бозоргача) босқичи, товарни бозорга олиб кириш (киритиш) босқичи, товарни сотиш ҳажмининг ўсиш босқичи, етуклик (туйинганлик) босқичи, товарнинг сусайиш босқичи ёки товар элиминацияси.

Товарнинг рақобатбардошлиги - 1) аниқ эҳтиёжни қондиришда бозордаги рақобатчилар товарлари олдида устунликни таъминловчи товарнинг сифат ва нарх тавсифномалари мажмуи; 2) товарнинг рақобатчи товарлар бозорида биринчи бўлиб харид қилиш қобилияти; 3) товарни истеъмол қилиш (фойдаланиш) самарасининг уни сотиб олиш ва эксплуатация қилишга сарфланувчи харажатларга (истеъмол нархи) нисбати; 4) корхонанинг миллий ва жаҳон товар бозорларига чиқиши мақсадга мувофиқлигининг муҳим кўрсаткичи.

Фирманинг маркетинг муҳити - фирмадан ташқарида фаолият курсатувчи ҳамда маркетинг хизмати рағбариятининг мақсадли мижозлар (ҳамкорлар) билан муваффақиятли ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиш имкониятларига таъсир курсатиш мумкин бўлган кучлар ва фаол субъектлар мажмуи. Маркетинг тизими макро ва микромуҳитдан таркиб топади.

Хизмат - 1) бозорга кириб келувчи, нарсга кўринишига эга булмайдиган истеъмол қийматлари; 2) бир томон иккинчисига курсатиши мумкин бўлган фаолият ёки неъматлар тури.

Электрон тижорат - электрон алоқа воситалари ёрдамида товар ва хизматларни сотиш, реклама ва маркетинг тизими.

Элиминация - мавжуд маҳсулотларни корхонанинг ишлаб чиқариш дастуридан чиқариб ташлаш; товар ишлаб чиқаришни тўхтатиш; товарни бозордан рақобатбардошлиги ва талабни йўқотганлиги сабабли олиб чиқиш. Маҳсулотни элиминация қилиш зарурлигини текшириш учун савдо ҳажми, бозордаги улуши, ҳаётийлик давридаги ўрни, фирманинг жами айланмасидаги улуши, рентабеллиги, капитал айланиши ва бошқа кўрсаткичлар қўлланади.

Янги товарни ишлаб чиқиш - корхонанинг ўз кучи билан ИИТКИ ўтказиш асосида оригинал, сифати яхшиланган ва модификацияланган маҳсулотларни яратиш жараёни. Бу жараён одатда ғояларни ишлаб чиқиш, танлаш, янги товар концепциясини ишлаб чиқиш ва уни текшириш, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, бизнес таҳлили, янги маҳсулотни ишлаб чиқиш, синов маркетинги ва тижоратлаштиришдан иборат бўлади.

8-мавзу (2 соат)

Асосий ўқув саволлари:

1. Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементлари.
2. Харажатларнинг чекли қайтими ва маржинал харажатлар концепцияси.
3. Маҳсулотнинг таннархига киритиладиган харажатлар, давр харажатлари, молиявий харажатлар ва фавқулодда зарарлар.
4. Молиявий натижалар, уларнинг шаклланиши ва бошқариш.

Ўқитувчининг мақсади:

1. Талабаларга харажатларнинг моҳияти, таркиби ва элементларини тушунтириш.
2. Харажатларнинг чекли қайтими ва «маржинал харажатлар» билан таништириш ва уни «Пицца фабрикаси» ролли ўйини орқали кўрсатиб бериш.
3. Маҳсулотнинг таннархига киритиладиган, давр, молиявий харажатлар ва фавқулодда зарарларнинг моҳияти, таркиби, ҳисобга олишнинг кетма-кетлиги билан таништириш.
4. Субъект молиявий натижаларининг шаклланишини кўрсатиб бериш.

Талабаларнинг асосий вазифалари:

1. Харажатлар тўғрисида тушунчага эга бўлади ҳамда уларнинг таркибини ва элементларини аниқлаб беради.
2. Харажатларни 4 та категория бўйича туркумлаб беради.
3. Ҳар бир категориядаги харажат турларининг таркибини чуқур ўзлаштиради.
4. Харажатларнинг чекли қайтими, маржинал харажатлар концепциясининг ўзлаштиради ва «Пицца фабрикаси» ролли ўйини орқали намоёниш этади
5. Маҳсулотнинг таннархига киритиладиган, давр, молиявий фаолиятга оид харажатларни ва фавқулодда зарарларни бир-биридан фарқлай олади ва уларнинг таркибига кирувчи харажатларнинг элементларни ўзлаштиради.
6. Аниқ маълумотлар асосида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг таннархини ҳисоблай олади.

Технологик карта

Кўриладиган саволлар	Ўқитувчи фаолияти	Талаба фаолияти
Дарснинг кириш қисми (5 минут)	Ўқитувчи талабаларни дарснинг мазмуни, кўриладиган саволлар, мустақил ўқиш учун мавзулар ва адабиётлар-нинг рўйхати билан таништиради.	Талабалар ўқитувчи берган маълумотлар асосида тегишли ёзувлар қиладилар, дарсни ўзлаштиришга ҳозирлик кўрадилар.

1.Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементлари. (10 минут)	Чақирув босқичи Ўқитувчи харажатлар-нинг моҳияти, таркиби ва элементлари тўғрисида талабаларда мавжуд ахборотларни аниқлаш мақсадида савол билан мурожаат этади. Моҳиятан англаш босқичи Ўқитувчи талабаларга марузаларнинг матни ва ўқув қўлланмадан харажатларнинг таркиби ва элементлари тўғрисида матнни ўқиш ва унинг таркибидан кўчирма қилишга топшириқ беради. Ўқитувчи талабаларга 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлиниб, харажатларнинг таркиби ва элементларини чизма кўринишда тасвирлашни сўрайди. Фикрлаш босқичи Ўқитувчи талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат этади: ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементларини ёритиб беринг? Ўқитувчи биринчи саволни хулоса билан якунлайди	Талабалар олдин олган билимларига таянган ҳолда харажатларнинг мазмуни, таркиби ва элементлари тўғрисида ахборот берадилар. Талабалар маърузаларнинг матни, ўқув қўллан-мани ўқиб, керакли изоҳлар қиладилар, ўқув қўлланмадан харажатларнинг мазмуни, таркиби ва элементларини ўрганиб чиқадиладар. Сўнгра улар 5-6 кишилик гуруҳчаларга бўлинган ҳолда харажатларнинг таркиби ва элементлари бўйича чизма кўринишида туркумларга ажратадилар. <i>Талабалар ўз чизмаларининг моҳиятини тақдимот этадилар.</i> Талабалар кичик гуруҳчалар таркибида ўқитувчи берган саволларга жавоб берадилар ва саволларнинг жавобини ўзаро муҳокама этадилар.
2. Харажатларнинг чекли қайтими, «маржинал харажатлар» концепцияси.	Чақирув босқичи Ўқитувчи харажатлар-нинг чекли қайтими – «маржинал харажатлар» тушунчасига оид талабаларда мавжуд	Талабалар олдинги билимларига таянган ҳолда чекли қайтим-«маржинал хара-жатлар»

(30 минут)	билимни аниқлаш мақсадида савол билан мурожаат этади. Моҳиятан англаш босқичи Ўқитувчи талабаларга ушбу тушунчанинг моҳиятини очиб бериш учун «Пицца фабрикаси» ролли ўйинини бажаришни таклиф қилади. Ўқитувчи ролли ўйинни ўтказиш учун керакли материалларни тайёрлайди ва талабалардан дастлаб бир кишини, сўнгра иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи кишини ролли ўйинни бажаришга ёрдамга чақиради (2-иловага мувофиқ). Қолган талабаларга эса «Пицца ишлаб чиқариш ва чиқимлар» жадвалини тарқатади ва ўйинни диққат билан кузатишни ҳамда жадвални тўлдиришни сўрайди. Фикрлаш босқичи Ўқитувчи талабалар билан бирга жадвалнинг маълумотларини муҳокама этади ва шунга ўхшаш яна мисоллар бериб муҳокамага имкон яратади. Ўқитувчи иккинчи саволни хулоса билан якунлайди	тушунчаси бўйича ўз фикрларини баён этадилар. Талабалар ўқитувчининг топшириғи билан «Пицца фабрикаси» ролли ўйинини бажаришга киришадилар (ўйин сценарияси 2-иловада берилган). Бунинг учун улардан беш киши бирин-кетин ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланган сценарий асосида топшириқни бажарадилар. Қолган талабалар «Пицца ишлаб чиқариш ва чиқимлар» жадвалини тўлдириб борадилар ва ўйинни диққат билан кузатиб тегишли хулосалар чиқарадилар. Талабалар кичик гуруҳларга бўлиниб, жадвал маълумотлари асосида «маржинал харажатлар» бўйича муҳокама олиб борадилар. Ўйин якуни бўйича тегишли хулоса чиқарилади.
3.Маҳсулотнинг таннархига киритиладиган	Чақирув босқичи Ўқитувчи маҳсулот таннархига киритиладиган хара-	Талабалар олдин олган билимларига таянган

харажатлар, давр харажатлари, молиявий харажатлар ва фавқулодда зарарлар. (15 минут)	жатлар, давр харажатлари, молиявий харажатлар ва фавқулодда зарарлар тўғрисида талабаларда мавжуд ахборотларни аниқлаш мақсадида уларга савол билан мурожаат этади. Моҳиятан англаш босқичи Ўқитувчи талабаларга марузалар матни ва ўқув қўлланмадан маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар, давр харажатлари, молиявий харажатлар ва фавқулодда зарарлар тўғрисида матнни ўқиш ва унинг таркибидан кўчирма қилишга топшириқ беради. Ўқитувчи талабаларга 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлиниб, ушбу харажатларнинг турлари, таркиби ва элементларини чизма кўринишда тасвирлашни сўрайди. Фикрлаш босқичи Ўқитувчи талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат этади: маҳсулотнинг таннархига киритиладиган харажатлар, давр харажатлари, молиявий харажатлар ва фавқулодда зарарларнинг таркибига нималар киради? Уларни чизма кўринишда туркумлаб беринг? Ўқитувчи учинчи саволни хулоса билан якунлайди	ҳолда маҳсулотнинг таннархига киритиладиган харажатлар, давр харажатлари, молиявий харажатлар ва фавқулодда зарарлар тўғрисида ахборот берадилар. Талабалар маърузалар матни, ўқув қўлланмани ўқиб, керакли изоҳлар қиладилар, ўқув қўлланмадан маҳсулотнинг таннархига киритиладиган харажатлар, давр харажатлари, молиявий харажатлар ва фавқулодда зарарларни ўрганиб чиқадилар. Сўнгра улар 5-6 кишилик гуруҳчаларга бўлинган ҳолда ушбу харажат турларининг таркиби ва элементлари бўйича чизма кўринишда туркумларга ажратадилар. Талабалар ўз чизмаларининг моҳиятини тақдимот этадилар. Талабалар кичик гуруҳчалар таркибида ўқитувчи берган саволларга жавоб берадилар ва ўзаро саволлар жавобини муҳокама этадилар.
---	---	---

4.Субъект маҳсулотлари-нинг таннархини ҳисоблаш тартиби ва кетма- кетлиги. (15 минут)	<i>Чақирув босқичи</i> Ўқитувчи субъектлар маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш тартиби ва кетма-кетлиги тўғрисида тала-баларда мавжуд ахборот-ларни аниқлаш мақсадида уларга савол билан мурожаат этади. <i>Моҳиятан англаш босқичи</i> Ўқитувчи талабаларга маруза-ларнинг матни ва ўқув қўлланмадан субъектлар маҳ-сулотларининг таннархини ҳисоблаш тартиби ва кетма-кетлиги бўйича матнни ўқиш ва унинг таркибидан кўчирма қилишга топшириқ беради. Ўқитувчи талабаларга 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлиниб, аниқ мисоллар асосида маҳсулотнинг таннархини ҳисоблашни сўрайди (1- иловага асосан). <i>Фикрлаш босқичи</i> Ўқитувчи талабаларга маҳсулотнинг таннархини ҳисоблаш бўйича саволлар билан мурожаат этади: маҳсулотнинг таннархига қандай харажатлар қўшилади? Субъектлар маҳсулотларининг таннархи қандай ҳисобланади? Улар орасида қандай фарқлар мавжуд? Уларни мисоллар билан тушунтиринг.	Талабалар олдин олган билимларига таянган ҳолда маҳсулотнинг таннархини ҳисоблаш тартиби ва кетма-кетлиги тўғрисида ахборот берадилар. Талабалар маърузаларнинг матни, ўқув қўлланмани ўқиб, керакли изоҳлар қиладилар, ўқув қўллан- мадан маҳсулотнинг таннархига киритиладиган харажатлар, маҳсулотнинг таннархини ҳисоблаш тартиби ва кетма- кетлигини чуқур ўрганиб чиқадилар. Сўнгра улар 5-6 кишилик гуруҳчаларга бўлинган ҳолда кичик тадбиркорлик субъеклари маҳсулотлари- нинг таннархини 1- иловага асо-сан ҳисоблашга кириша- дилар. Талабалар ўз ҳисоб-китобларини тақдимот этадилар. Талабалар кичик гуруҳ- чалар таркибида ўқитувчи берган саволларга жавоб берадилар ва саволларнинг жавобини ўзаро муҳокама этадилар.
--	---	---

	Ўқитувчи тўртинчи саволни хулоса билан якунлайди	
Хулоса (дарсни якунлаш) (5 минут)	Ўқитувчи дарсда кўриб ўтилган мавзу бўйича қисқача хулоса ясайди. Ўқитувчи талабаларга мавзунинг асосий қисмлари бўйича қисқа саволлар билан мурожаат этиб, талабалар билан биргаликда мавзуга якун ясайди.	Талабалар ўқитувчининг саволларига қисқа жавоблар бериш орқали биргаликда мавзуга якун ясайдилар.

Назорат учун саволлар:

1. Харажатлар ва уларнинг таркибий элементлари деганда нимани тушунаси?
2. Амалдаги низомга кўра харажатлар қандай тартибда туркумланади?
3. Харажатларнинг чекли қайтими – «маржинал харажатлар» нимани ифода этади?
4. Маҳсулотнинг таннархига киритиладиган ишлаб чиқариш харажатларига нималар киради?
5. Давр харажатларининг таркиби нималардан ташкил топган?
6. Молиявий харажатларга нималар киради?
7. Маҳсулотнинг таннархи қандай калькуляция қилинади?
8. Хизмат соҳаларининг кўрсатган хизматларининг таннархини калкуляция қилиш тартиби қандай?
9. Субъект молиявий натижаларининг шаклланиш тартибини ёритинг.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом (қўшимчалар ва ўзгартиришлар билан бирга).
2. А.Абдуғаниев, А.Абдуғаниев, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси», 2004й
3. Б.Ходиев ва бошқ., «Кичик тадбиркорликнинг молиявий менежменти», Т.:Консаудитинформнашр, 2004й
4. М. Баканов, А. Шеремет, «Экономический таҳлил: ситуации, Тесты, примерў, задачи, вўбор оптимальнўх решений, финансовое прогнозирование», - М.: Финансы и статистика, 2004
5. А.Ваҳобов, А. Ибрагимов, «Молиявий таҳлил». Т.: Шарқ, 2002й.
6. Н. Попов «Основы рўночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М.:Тандем, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>

Услубий ишланма муаллифининг хулосаси:

Мавжуд тажрибалар ва ушбу ишланманинг мазмунидан келиб чиқиб мавзуни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини 25-30 фоизга ошириш режалаштирилган.

1-илова

Субъектнинг жами харажатлари қуйидаги моддалар бўйича берилган:

№	Харажатларнинг турлари	Суммаси, сўм
1.	Бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	1000 000
2.	Бевосита меҳнат ҳақидан ижтимоий суғуртага ажратмалар	330 000
3.	Ҳом ашё ва материаллар	2400 000
4.	Ишлаб чиқаришга тегишли асосий воситаларнинг эскириши.	450 000
5.	Сотиш харажатлари	500 000
6.	Маъмурий-бошқарув харажатлари	400 000
7.	Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	250 000
8.	Бошқа муомалавий харажатлар	150 000
9.	Фоиз тўловлари	420 000
10.	Узоқ муддатли ижара тўловлари	240 000
11.	Маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми	1000 центнер

Берилган маълумотлар асосида:

1. Субъектнинг ишлаб чиқариш таннархи харажатларини;
2. Бир центнер маҳсулотнинг таннархини (ўртача умумий харажатларни);
3. Давр харажатларини;
4. Молиявий фаолиятга оид харажатларни ҳисобланг.

Пицца фабрикаси.

Кириш.

Бизнес-фирмалар томонидан ишлаб чиқариш борасида қабул қилинадиган қарорларни тушуниш уларнинг харажатларини, айниқса – маржинал харажат концепциясини тушунишга асосланган.

Бу концепция ўз навбатида маржинал маҳсулот тушунчаси ва кўпинча қайтариб беришнинг сусайиши қонуни деб аталувчи маржинал маҳсулотнинг камайиши қонуни билан боғланган.

Тушунчалар.

- Маржинал маҳсулот.
- Маржинал маҳсулотнинг камайиши қонуни (қайтимнинг камайиши қонуни).
- Маржинал чиқимлар.

Мақсадлар:

- Ресурснинг ҳар бир тўлдирилган бирлигига кўшиш ҳисобига ишлаб чиқарилган маржинал маҳсулотни тўлдирилган ёки кўшимча маҳсулот равишда таърифлансин.
- Бор маълумот асосида маржинал маҳсулот ҳисоблаб чиқилсин.
- Битта ресурс микдорининг кўпайиши (қолганлари аввалги микдорда қолаверади), бу ресурснинг маржинал маҳсулоти вақти келиб камая бошлашини тушунтиринг.
- Бор маълумот асосида қайтимнинг камайиши нуқтаси аниқлансин.
- Қайтимнинг камайишига мисоллар келтирилсин.
- Аниқ вазиятда қайтимни камайишининг асосий сабаблари аниқлансин.
- Маржинал чиқимлар маҳсулотнинг битта кўшимча бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланадиган кўшимча чиқим эканлиги тушунтирилсин.
- Бор маълумот асосида маржинал чиқимлар ҳисоблансин.
- Қайтимнинг камайиши туфайли жалб қилинган ишчи кучи микдорининг ўсиши, маржинал чиқимларнинг кўпайишига олиб келишини тушунтиринг.

Дарснинг таърифи.

Ишлаб чиқариш жараёнини моделлаштирувчи машқларда талабалар қатнашадилар ва бунинг асосида, маржинал маҳсулотнинг камайиши қонуни (қайтаришнинг камайиши) ва маржинал ишлаб чиқариш чиқимлари орасидаги алоқани аниқлаш мақсадида жадвал маълумот билан тўлдирилади.

Керак бўладиган вақт.

-битта дарс

Материаллар.

- Бир жуфт қайчи
- Қизил фломастер
- Қора фломастер
- 20 арақ қоғоз

-Жадвал «Пиццанинг ишлаб чиқариш ва чиқимлари» - ҳар бир ўқувчига биттадан нусхада.

Дарсни олиб бориш тартиби.

1. Талабаларга пицца ишлаб чиқаришини тушунтиринг. Қуйидаги ҳаракатларни ишлатиб, ишлаб чиқариш жараёнини намоёиш қилинг:

- а) бир варақ қоғозни тенг иккига букланг;
- б) иккига букланган қоғозни яна иккига букланг;
- в) букланган қоғозингиздан қайчи ёрдамида шундай чорак доира қирқингки, қоғозни очиб юборганингизда, Сизда тўлиқ доира ҳосил бўлсин;
- г) қизил фломастер билан доира ичида 10 бўлак колбасининг расмини чизинг (диаметри тахминан 2,5 см);
- д) қора фломастер билан 20 та оливанинг расмини чизинг (диаметри тахминан 1,2-1,8см), шунинг билан пиццани ишлаб чиқариш тугади.

2. Ишлаб чиқариш материалларини столга ёйиб қўйинг. Стол анча катта бўлиши керак, унда ҳамма материалларга ва иккита қатнашчи ишлай олишига жой етарли бўлсин.

3. Пицца ишлаб чиқариш билан шуғулланиш учун битта қатнашчини танлаб олинг. Ўқитувчи сифатни текширувчи инспектор эканини, у пицца ишлаб чиқариш стандартларига тўғри келиши ёки келмаслигини текширишини тушунтиринг. Ишчи - қатнашувчига уч дақиқа давомида иложи борица кўпроқ пицца тайёрлашни топширинг.

4. Ишлаб чиқариш даврини бошланг. Уч дақиқадан сўнг тўхтатинг. Пицца сифатини текширинг, стандарт талабига жавоб бермайдиганларини яроқсизга чиқаринг.

5. Ҳамма қатнашчиларга 1 нусхадан «Пиццанинг ишлаб чиқариш ва чиқимлари» жадвалини тарқатинг. Жадвалнинг слайдидан фойдаланиб, қандай қилиб 2-устунни нол ишчи ва битта ишчи учун тўлдиришни намоёиш қилинг. Биринчи иш даврида ишлаб чиқарилган ҳамма пиццаларни четга суриб қўйинг.

6. Биринчига ёрдам учун иккинчи қатнашчини танланг. Кейинги иш даврида иложи борица кўпроқ пицца тайёрлаш ҳақида иккала ходимга топшириқ беринг. Улар фақат столда ётган материаллардан фойдаланишлари мумкин. Столнинг бир тарафида туришлари ва худди шунча давр ичида, биринчи даврда бўлганидай (уч дақиқа) ишлашлари керак.

7. Кейинги даврни бошланг. У тамом бўлгач, ҳар бир тайёрланган пиццани текширинг ва уларнинг сонини ҳисобланг. 2-устунни иккала ходим учун тўлдиринг.

8. Худди шунинг ўзини учта, тўртта, бешта, олтита, еттита ва саккизта ходим билан бажаринг, ҳар бир ҳолат учун 2-устунни тўлдиришни унутманг. Ходимларга улар фақат стол атрофида ва унинг фақат бир тарафида ишлашлари муҳимлигини эслатиб турунг.

9. Қатнашчилар 3-устунга қарашларини сўранг (маржинал маҳсулот). Янги ходим қўшилганда ишлаб чиқарилган қўшимча ишлаб чиқарилган пицца маржинал

махсулот эканлигини тушунтиринг. Маржинал махсулотни ҳисоблаб чиқинг ва 3-устунни тўлдириг.

10. Муҳокама қилинг.

а) ходимларнинг сони кўпайганда ишлаб чиқарилаётган пиццанинг миқдори қандай ўзгарди?

б) маржинал махсулот билан нима рўй бера бошлади/маржинал махсулот кўпая борди, кейин эса камая бошлади.

в) сиз нима деб ўйлайсиз, нима учун маржинал махсулот маълум пайтдан бошлаб камая бошлади? (янги ходимлар қўшиб берилди – бу эса ходимлар ўртасида чекланган ресурслардан (яъни қайчи, чизгич, фломастер, стол атрофидаги майдон ва бошқалар) фойдаланиш учун рақобат бошланди.

11. Маржинал махсулот камая бошлаган пайтдан бошлаб, қайтариш камая бошлаганини тушунтиринг. Қайтаришнинг камайиши қонуни таъкидлайди, агар жуда бўлмаганда, бир-икки ресурс ўзгармай ёки муқим бўлиб қолавергани билан, ўзгариб турувчи ресурснинг маржинал махсулоти эртами-кечми камая бошлайди. Бошқаларнинг миқдори ўзгармагани ҳолда, бир ресурсни миқдорининг кўпайиши, қайтаришни камайишининг асосий сабаби эканлигини тушунтиринг.

12. Муҳокама қилинг:

а) Мистер Смит ўз дала ҳовлисида кунига 15 дақиқа ишлайди. У дала ҳовлида ишлаш вақтини 30 дақиқага кўпайтиришга қарор қилди. Смитнинг ҳосили икки мартага кўпаяди деб, ҳисоблайсизми? Нима учун «ҳа» ёки нима учун «йўқ?» (йўқ, иш вақти кўпайган бўлса ҳам, ер майдони ва ўсимликларнинг миқдори аввалгича қолган).

б) Питер печенье пиширади. У рецептурага риоя қилади, фақат бир ҳолатни ҳисобга олмаганда, у печеньега шакарни икки марта кўп қўшарди. Питер икки марта кўп печенье пиширади деб ҳисоблайсизми? (йўқ, битта ресурс (шакар)нинг миқдори ошган бўлса ҳам, рецептура таркибига кирувчи бошқа махсулотларнинг миқдори аввалгича қолган).

13. Кейинги дарсларда ишлатиш учун қатнашчилардан «Пиццани ишлаб чиқариш ва чиқимлар» жадвалини йиғиб олинг.

14. «Пиццани ишлаб чиқариш ва чиқимлар» жадвалидан фойдаланиб, қатнашчилар билан биринчи кун ўтилган материалларни қайтаринг. Биринчи кун тўлдирилган маржинал махсулот устунини (3) муҳокама қилинг.

Муҳокама қилинг:

а) Маржинал махсулот нима дегани? (Кўшимча ресурслардан фойдаланиб, тайёрланган қўшимча махсулот).

б) Биринчи ходимларда маржинал махсулот билан нима юз берди? (Кўпайиб борди).

в) Янги ходимлар қўшилиши билан маржинал махсулот билан пировардида нима юз бера бошлади (У камая бошлади).

г) Бундай ҳолат юз беришини қайси қонун тасдиқлайди (қайтаришнинг камайиш Қонуни).

15. Энди Сиз маржинал маҳсулотнинг пицца ишлаб чиқаришдаги чиқимлар билан муносабатини ўрганишга аҳд қилганингизни тушунтиринг. Маржинал чиқимларни қўшимча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ чиқим деб белгиланг. Маржинал чиқимларни ҳисоблаб чиқиш учун, аввало ҳар бир ходим томонидан бир соат мобайнида қанча пицца ишлаб чиқарилишини ва бир соат давомида ишланган маржинал маҳсулотни аниқлашингиз лозим. Бу зарур, сабаби ходимлар пицца ишлаб чиқариш учун 6 долларга тенг соатбай маош оладилар.

16. «Пицца ишлаб чиқариш ва чиқимлар» жадвалидаги 4 ва 5 устунларни муҳокама қилинг.

а) Ходимларнинг бир соатда қанча пицца ишлаб чиқариши қандай ҳисобланади? (Бунинг учун 2-устундаги рақамларни 20га кўпайтиринг).

б) Бир соатда ишлаб чиқарилган маржинал маҳсулот қандай ҳисобланади? (Бунинг учун 3-устундаги рақамларни 20га кўпайтиринг).

17. 4-устунга соатбай миқдорни ёзинг. Талабаларга 5-устунни тўлдиришни вазифа қилиб беринг. Ходимларнинг соатбай маошларини (6 доллар) бир соат давомида ишлаб чиқарилган маржинал маҳсулотга бўлсинлар.

Муҳокама қилинг.

а) Маҳсулотнинг биринчи бирликлари билан ишлаб чиқаришдаги маржинал чиқимлар орасида нима юз беради? (Камайиш).

б) Ишлаб чиқариш ўса борган сайин маржинал чиқимлар билан пировардида қандай ҳолат юз беради? (Ўсиш).

в) Сиз нима деб ўйлайсиз, нега маржинал чиқимлар ўсади?

(Қайтаришнинг камайиш қонунига мувофиқ, ходимларнинг қўшимча ишлаб чиқариш унумдорликлари паст, аммо улар ҳам худди шунақа маош оладилар. Шу сабабли қўшимча пицца ишлаб чиқаришга кетган чиқимлар оша боради).

18. Дарснинг мақсадини қайтариб, хулоса қилинг.

«Пицца ишлаб чиқариш ва чиқимлар» жадвали.

Ходимларнинг сони	Пиццанинг миқдори	Маржинал маҳсулот (3 дақиқа ичида)	Маржинал маҳсулот (1 соатда)	Маржинал чиқим (1 соатда)
1	2	3	4	5
0				
1				
2				
3				
4				
5				
6				

Маржинал қайтаришнинг ўзгариши билан пицца ишлаб чиқаришнинг шкаласи.

Маҳсулот бирлигининг	Капиталнинг миқдор	Пиццанинг миқдори (Q)	Меҳнатнинг маржинал маҳсулоти
----------------------	--------------------	-----------------------	-------------------------------

миқдори (L)	бирлиги (K)		(L ўзгарганда Q ўзгариши)
0	10	0	-
1	10	20	20
2	10	45	25
3	10	60	15
4	10	70	10
5	10	77	7
6	10	80	3

Бу жадвал, миқдори ўзгармайдиган капитал ресурсларнинг меҳнат ресурслари миқдори бирлигининг ўзгариши ҳисобига, маълум вақт оралиғида, қанча пицца ишлаб чиқариш мумкинлигини, фараз қилинган маълумотлардан фойдаланиб кўрсатяпти. Эътибор беринг, меҳнат ресурсларининг учинчи бирлигидан бошлаб, ҳар бир қўшилган бирлик борган сари камроқ қўшимча (маржинал) маҳсулотнинг бирлик миқдорини ишлаб чиқармоқда.

Қисқа муддатли даврда ишлаб чиқариш шкаласи ва маҳсулот бирлигига чиқимнинг кўпайиши.

Меҳнат бирлигининг миқдори (L)	Пицца миқдори (Q)	Меҳнатнинг маржинал маҳсулоти	Умумий чиқим (ТС)	Маржинал чиқим (Q ўзгаргандаги ТС нинг ўзгариши)
0	0	-	10.00	-
1	20	20	16.00	0.30
2	45	25	22.00	0.24
3	60	15	28.00	0.40
4	70	10	34.00	0.60
5	77	7	40.00	0.86
6	80	3	46.00	2.00
7	81	1	52.00	6.00

Камайиб боровчи маржинал қайтариш қонунига кўра, маҳсулот бирлигига сарфланадиган чиқим, ишлаб чиқарувчилар маҳсулот тайёрлаш даражасини оширгани сайин камая боради. Бу юқорида келтирилган жадвалда кўрсатилган. Меҳнат ресурсларининг иккита биринчи бирлиги маржинал маҳсулотнинг ўсиши билан маржинал чиқим камаяди. Меҳнат ресурсларининг учинчи бирлигидан бошлаб маржинал маҳсулот камая боради, натижада маржинал чиқим ўсади.

«Молиявий менежмент» фанидан маъруза машғулотларини ахборот технологиялари ва воситаларидан фойдаланиб ўтказиш намунаси бўйича услубий ишланма

Мавзу: Субъектнинг ишлаб чиқариш харажатлари ва молиявий фаолиятининг натижаларини бошқариш

1-слайд

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ:

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида сарф қилинган моддий ресурслар (асосий воситалар эскириши, хом ашё ва материаллар, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа) ва жонли меҳнат сарфи ишлаб чиқариш харажатларини ташкил қилади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа фаолияти натижасида юзага келадиган харажатларини қўйидагича туркумлаш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокига кўра:

- ишлаб чиқариш харажатлари;
- ноишлаб чиқариш харажатлари.

2. Ишлаб чиқаришда сарф этиладиган ресурслар манбаига кўра:

- ички харажатлар;
- ташқи харажатлар.

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш хажмининг узгаришига нисбатан:

- доимий харажатлар;
- ўзгарувчан харажатлар.

4. Маҳсулот таннархига олиб борилиши жиҳатидан:

- бевосита харажатлар;
- билвосита харажатлар.

2-слайд

Корхонанинг умумий ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа фаолияти натижасида юзага келадиган:

- маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар;
- давр харажатлари;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- фавқулодда зарарлар.

1. Махсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар:

- ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

2. Ишлаб чиқариш таннарига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдани аниқлашда ҳисобга олинмайдиган давр харажатлари:

- махсулотни сотиш харажатлари;
- бошқарув харажатлари;
- бошқа операцион харажатлар.

3. Корхонанинг умумхужалик фаолиятдан олинган фойдасини аниқлашда ҳисобга олинмайдиган молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- фоизлар бўйича тўловлар;
- мол-мулкни узоқ муддатли ижарага (лизингга) олиш тўловлари;
- хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;
- қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- молиявий фаолиятга оид бошқа харажатлар.

4. Корхонанинг одатдаги фаолиятига мос келмайдиган, бир неча йиллар давомида такрорланиб турмайдиган ва кичик тадбиркорлик корхонаси бошлиғининг (мулк эгасининг) қабул қилган бошқарув қарорларига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келадиган воқеалар ва ходисалар (сув тошқини, ёнғин, жала, дўл каби табиий офатлар ва мамлакат қонунчилигида ўзгаришлар) натижасида кўрилган фавқулотда зарарлар.даромадлар:

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириши натижасида олинмайдиган даромадлари ҳисоботга қўйидаги асосий булимлар бўйича киритилади:

- Сотишдан олинган соф тушум.
- Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлари).
- Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар.
- Фавқулотда даромадлар.

1. Сотишдан олинмайдиган соф тушум

-Сотишдан олинган соф тушум махсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган, ундан қўшилган қиймат, акциз солиғи ва экспорт бож пошлинаси, чегирилган тушум сифатида аниқланади. Унга товарларнинг қайтарилиши, харидорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.

2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинмайдиган бошқа даромадларга қўйидагилар киради:

-Ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида туланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари, шунингдек етказилган зарарларни ундириш бўйича даромадлар;

-Хисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда;

-Ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операдиялардан рента даромади, хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги бошқа даромадлар.

2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинadиган бошқа даромадларга қўйидагилар киради:

-Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фондларини ва бошқа мол-мулкларини сотишдан олинган даромадлар.

-Даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни хисобдан чиқаришдан олинган даромадлар.

-Товар-моддий бойликларни пухта баҳолаш.

-Давлат субсидияларидан даромадлар.

-Холисона молиявий ёрдам.

-Бошқа операцион даромадлар.

Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадлар:

Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадларга қўйидагилар киради:

-Олинган роялтилар ва сармоя трансферти.

-Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар.

Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадлар:

Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадларга қўйидагилар киради:

-Мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш).

-Валюта счёtlари, шунингдек чет эл валюталаридаги операциялар бўйича ижобий курс тафовутлари.

-Сарфланган (қимматли қоғозларга, шуъба корхона ва хоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар.

-Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Фавкулodда фойда:

-Фавкулodда фойда моддалари - бу кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган, ҳодиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олиниши кутилмаган фойдадир.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ:

Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

ЯФ қ ССТ – ИТ, бунда,

ЯФ – ялпи фойда;

ССТ – сотишдан олинган соф тушум;

ИТ – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

Асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

АФФ қ ЯФ – ДХ Қ БД – БЗ, бунда,

АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ – давр харажатлари;

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;п

БЗ – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

Умумхужалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда сўммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

УФ қ АФФ Қ МД – МХ, бунда,

УФ – умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

МД – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ – молиявий фаолият харажатлари.

Солиқ тулангунгача олинган фойда, у умумхужалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кузда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади:

СТФ қ УФ Қ ФП – ФЗ, бунда,

СТФ – солиқ тулангунгача олинган фойда;

ФП – фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ – фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар.

Йилнинг соф фойдаси, у солиқ тулангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан, тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва туловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тулангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

СФ қ СТФ –ДС – БС, бунда,

СФ – соф фойда;

ДС – даромад (фойда)дан туланадиган солиқ;

БС – бошқа солиқлар ва тўловлар.

Иловалар

ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодиёт мутахассисликлари бўйича бакалаврият битирув- малакавий ишлари, магистирлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг тўпламдаги намунавий мавзулардан «Молиявий менежмент» фанида фойдаланилган ва тавсия этиладиган айрим мавзулар рўйхати

755.	Молия механизми ва унинг молиявий сиёсатни амалга оширишдаги ўрни
757.	Молия бозори ва унинг молиявий ресурсларни шакллантиришдаги аҳамиятини ошириш йўллари
787.	Лизинг операцияларини молиялаштириш масалалари
789.	Инвестиция лойиҳаларни халқаро молиявий институтларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштириш
796.	Корхоналарнинг айланма маблағларининг самарадорлигини баҳолаш ва молиялаштиришни ташкил қилиш
797.	Корхоналарнинг асосий капиталларини молиялаштириш усуллари
798.	Корхоналарнинг пул оқимларини(маблағларини)бюджетлаштириш
800.	Корхоналар молиявий фаолиятини бошқариш
809.	Корхоналарнинг инқирози ва қайта ташкил қилишнинг молиявий муаммолари
812.	Корхоналар фойдасини режалаштириш тизимини такомиллаш-тириш
815.	Тадбиркорлик молияси ва уни ривожлантириш йўллари
845.	Корпарацияларнинг айланма капиталларини бошқариш моделлари
846.	Бизнес-режани молиявий таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш
848.	Даромадлар ва харажатларнинг молиявий режасини ишлаб чиқиш
852.	Дебиторлик қарзларининг таҳлили ва бошқариш масалалари
1482.	Кичик бизнесни молиялаштириш ва кредитлаштириш хусусиятлари
1518.	Тижорат банклари лизинг операцияларининг таҳлили (олинган бир банк мисолида)
1078.	Маркетинг фаолиятида истеъмолчиларнинг талабини ўрганиш
1086.	Корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда маркетинг тамойилларидан фойдаланишнинг самарадорлиги
1087.	Товарлар ва хизматлар бозорида рақобат муҳитини яратиш
1088.	Корхоналарда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш
1089.	Товарларларнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари
1090.	Товарларни сотиш бўйича маркетинг фаолиятини такомиллаштириш
1091.	Корхоналарда маркетинг стратегиясини режалаштириш масалалари
1092.	Банклар фаолиятида маркетинг тамойилларидан фойдаланишнинг самарадорлиги
1093.	Корхоналарда реклама фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари
1094.	Хизмат кўрсатиш корхоналарида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш
1095.	Биржалар фаолиятида маркетинг элементларидан фойдаланишни такомиллаштириш

1096.	Корхоналарда молиявий маркетингни қўллаш масалалари
1097.	Корхоналарни экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тамойилларидан фойдаланиш самарадорлиги
1100.	Корхонанинг янги товар ишлаб чиариш стратегияси
1101.	Хорижий сармояларни жалб этишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш
1102.	Қўшма корхоналар экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тамойилларидан фойдаланиш самарадорлиги
1103.	Тадбиркорлик тизимида маркетинг самарадорлиги
1104.	Пойафзал маҳсулотлари бозорини ташкил этишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари
1109.	Ишлаб чиқариш воситалари бозорида дистрибьюторлик фаолиятини ташкил этиш
1110.	Улгуржи савдосини ташкил этишда маркетинг тамойилларидан фойдаланиш
1111.	Ўзбекистонда мебел жихозлари бозорини ривожлантиришда маркетинг тамойилларидан фойдаланиш
1112.	Қўшма корхоналарда маркетинг фаолиятини такомиллаштириш
1113.	Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш
1114.	Транспорт корхоналарида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш
1115.	Улгуржи савдо корхоналарининг маркетинг стратегияси
1116.	Корхонада маркетинг хизматини такомиллаштириш
1117.	Корхонада маркетинг аудитини ташкил этиш
1118.	Маркетинг коммуникацияси тизимида Интернетдан фойдаланиш
1119.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда маркетинг тамойилларидан фойдаланиш
1120.	Маҳаллий саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда маркетинг тамойилларидан фойдаланиш самарадорлиги
1123.	Корхоналарда талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш масалалари